



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ БЎЙИЧА
ТАДҚИҚОТЛАР

7-китоб

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЭПИК ЖАНРЛАРИ

Т О Ш К Е Н Т—1981

«Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясидаги навбатдаги китоб фольклорнинг эпик жанрлари таҳлиliga бағишланиб, унда достон ва эртакларнинг жанр хусусиятлари, классификацияси, тарихий тараққиёти, жанрлар-аро муносабат ва диффузияси масалалари ёритилган.

Монография фольклористлар, адабиётшунослар, этнографлар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчилари ва студентларига, шунинг-дек, халқ ижоди билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

Филология фанлари кандидатлари Б. САИИМОВ, Ғ. МУМИНОВ

Тақризчилар:

филология фанлари кандидатлари Н. ҚАРИМОВ, Ё. ЖУРАЕВ

М $\frac{70202-1575}{М 355(04)-81}$ 115-81 4603010000

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1981 й.

СУЗ БОШИ УРНИДА

Фольклор меҳнаткаш омма бадий фаолиятининг таркибий қисми, халқ маданиятининг мустақил кўриниши сифатида кишилик жамиятининг илк босқичларидаёқ юзага келиб, ҳар бир давр эстетик талаби даражасида ривожланишда давом этди. Шунинг учун ҳам адабиёт ва санъатнинг барча тур ва шакллари генетик жиҳатдан фольклор билан алоқадордир. Шу маънода фольклор «сўз санъатининг боши»гина эмас, балки санъатнинг барча турлари (масалан, музика, рақс) бошланғичи ҳамдир. Унинг жуда ҳам мураккаб синтетик ва синкретик характери ана шу билан белгиланади. Бу ҳол фольклор асарларининг тур ва жанрлари чегарасини белгилаш ишларини анча қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи ҳар бир ҳодисага амалий ёндашиб, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши зарур.

Маълумки, адабиёт ва санъатда бўлганидек, фольклор асарлари ҳам тузилиши, ғоявий-бадий хусусияти ва функцияларига кўра ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларга эга бўлиб, муайян группаларни ташкил этадилар. Бундай фарқли ва ўхшаш томонларни кўрсатиш учун фанда адабий тур ва жанрлар терминлари қўлланилади. Ҳаётни бадий тасвирлаш шакли сифатида тарихан шаклланган адабий тур ва жанрларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, ўрин алмашиши ҳамда инқирози фольклор ва адабиёт тарихида етакчи жараён ҳисобланади.

Адабиётда тур (род) ниҳоятда кенг тушунча, ўз ичига турли жанрларни қамраб олади. Қадимги грек философи Аристотель (384—322), немис олими Гегель (1770—1831) ва улуг рус революционер демократи В. Г. Белинский (1811—1848)лар адабиётни уч турга бўлиб кўрсатадилар: эпос, лирика ва драма. Эпос воқеликни сюжетли, ҳикоявий формада тасвирласа, лирика инсоннинг воқеликдан олган таассуротларини, ички ҳис-ҳаяжонларини акс эттиради. Драма эса, персонажлар нутқи ва ҳаракати орқали ҳаёт лавҳаларини чизади.

Бундай бўлинишни муайян истиснолар билан фольклорга ҳам татбиқ қилиш мумкин. Гап шундаки, фольклор жанрларининг ай-

римлари турли урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ бўлса, баъзилари куйлашга мўлжалланган. Айримларида эса, юқоридаги уч турнинг ҳам белги-хусусиятлари мавжуд. Бир қатор жанрлар қоришиқ ҳолда ёки ўтувчи формада, яъни ё лирик-эпик, ёки лирик-драматик, ёхуд эпик-драматик шаклда ҳам учрайди.

Ўзбек фольклорининг жанр таркиби ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Топишмоқ, мақол, ҳикоят, ривоят, афсона, эртақ, латифа ва лофлар асосан эпик турни ташкил этса, ашула ва қўшиқлар лирикага киради. Терма лиро-эпиклик хусусиятига, оғзаки драма ва аския эса драматик турга мансуб. Меҳнат, мавсум ва маросим қўшиқлари (хўп-майда, турей-турей, чурей-чурей, хўш-хўш; «Бойчечак», «Барот келди», «Чоймома», «Сус хотин»; алла, ўлан, лапар, ёр-ёр, йўқлов ва бошқалар), олқиш ва қарғишлар, айтимлар қоришиқ (лирик-драматик ёки эпик-драматик) ҳолда келади.

Фольклор жанрлари ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ ҳолда тарихан шаклланган. Энг қадимги даврларда кўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги ривоятлар, айтимлар, меҳнат, урф-одат, мавсум ва маросим қўшиқлари кенг тарқалган. Синфсиз жамиятдан синфий жамиятга ўтиш даврларида эса, эртақлар, эпоснинг архаик формалари юзага келган. Илк феодак давлатларнинг шаклланиш даврида қаҳрамонлик дostonлари яратилган, кейинроқ эпик, лирик ва тарихий қўшиқлар, оғзаки драма пайдо бўлди.

Доимийлик, барқарорлик, секин ўзгарувчанлик адабиётда бўлганидек, фольклор жанрлари учун ҳам асосий қонуниятдир. Бунинг маъноси шундаки, муайян даврларда юзага келган жанрларнинг кўпчилиги жамият тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам сақланиб қолади. Бу — жанрлар қотиб қолган, ўзгармас ҳодиса, дегани эмас. Уларнинг ички мазмунида доимий ўзгаришлар юз бериб, ҳар бир даврда халқ дунёқараши нуқтан назаридан «қайта ишланади», баъзи бир жанрлар бутунлай истеъмолдан тушиб қолади. Масалан, қадимги даврларда яратилган топишмоқлар, айрим эртақларнинг тотемистик қарашлар билан боғланиши жамият тараққиётининг кейинги босқичларида анча сусайди ёки бутунлай йўқолди. Персонажлари ҳайвонлар бўлган бир қатор эртақларнинг аллегорик характер касб этиши, уларда антифеодак, антиклерикал мотивларнинг кучайиши ҳам шулар билан изоҳланади.

Ўзбек фольклорининг турли жанрлари ҳар хил ижодкорлар фаолияти билан боғлиқ. Айрим жанрлар (масалан, топишмоқ, мақол) оммавий характерга эга бўлса, бошқаларининг (масалан, дoston, оғзаки драма) ижроси муайян профессионак тайёргарликни талаб қилган. Бу нарса халқ поэтик ижоди намуналарини яратиш, ижро этиш ва тарқатишда ўзига хос профессионак ижодкорлик мавжудлигини кўрсатади. Ўзбек фольклорида халқ ижодкорларининг профессионаллашуви ниҳоятда ривожланган. Бахшилар (дostonчилар), эртақчилар, аскиябозлар, қизиқчилар, дор-

Боздор ижрочилиги ривожланган профессионал санъат бўлиб, унга эгаллаш учун бўлғуси ижодкор махсус тайёргарлик кўриши, бироқ бир устоздан таълим олиши зарур.

Фольклор жанрлари ғоявий-тематик ва бадиий хусусиятлари билангина эмас, балки ижро усуллари жиҳатидан ҳам (масалан, якка ижрочилик, коллектив ижрочилик, созли ва созсиз; музыка асбобларининг тури ва сони) бир-бирларидан фарқ қиладилар. Уларнинг бири (масалан, қўшиқ) куйлаш учун, иккинчиси (масалан, эртак) айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, яна бири (масалан, дoston) ҳам куйлаш, ҳам айтиб бериш учун, бошқаси (масалан, лапар) ҳам куйлаш, ҳам ўйнаш учун, тагин бошқа бири (масалан, оғзаки драма) айтиш, намойиш қилиш учун мўлжалланган бўлади. Фольклор жанрлари орасидаги бундай кескин дифференциация уларнинг жуда катта ғоявий-эстетик вазифаларни бажариш билан бирга, муҳим ижтимоий-маиший функцияни адо этишини ҳам тақозо қилади. Масалан, ўзбек халқ оғзаки ижодининг ҳўп-майда, ҳўш-ҳўш, турей-турей каби намуналари меҳнат жараёнлари, ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, йўқлов, бадик, ё рамазон сус хотин кабилар турли маросимлар, урф-одат, прим-сиримлар билан алоқадордир.

Фольклор жанрлари бир-бирларидан қанчалик фарқ қилмасин, улар тарихан таркиб топган яхлит системадир. Улар бу яхлит системада ўзаро мураккаб алоқада ва бир-бирларини бойитишда бўладилар. Бундай яхлит системанинг шаклланиши ва мавжудлиги фольклор тараққиётининг асосий қонуниятларидан биридир. Хилма-хил ва мураккаб тузилишга эга бўлган ўзбек фольклори жанрлари ўзининг кўп асрлик тараққиёти давомида ҳалқимиз ҳаётини ҳар томонлама акс эттириш орқали яхлит бир системага айланган экан, унда бошқа халқлар поэтик ижодида мавжуд, яъни умумфольклор жанрлари (масалан, эртак, топишмоқ, мақол каби) билан бирга, унинг ўзига хос жанрлари ҳам бор. Масалан, аския, лоф кабилар ўзбек фольклори учун характерли бўлса, қорақалпоқлардаги тўлғов, қозоқлардаги айтиш бизда мавжуд эмас. Шунингдек, ўзбек фольклорида баллада ва тарихий қўшиқлар жанри ниҳоятда кам ривожланган. Бундай жанрларнинг элементларигина кўринган айрим асарлар мавжуд. Бир қанча халқлардаги бир-бирига ўхшаш жанрлар ҳам ўзларининг характерига кўра ўзаро фарқланадилар. Бу нарса ҳар бир халқнинг тарихи, урф-одати, маишати, орзу-умиди, дунёқараши, ижтимоий муносабатлари ва бундай турмуш тарзининг ифодаси бўлган фольклорининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам Максим Горький: «...Халқ оғзаки ижодини билмасдан туриб, меҳнаткаш халқнинг ҳақиқий тарихини билиш мумкин эмас»¹, деган эди. Шу нуқтаи назардан ўзбек фольклори ва унинг жанрларига яхлит система сифатида қарар эканмиз, унда бутун бир халқнинг тақдири, у мансуб Ватаннинг гўзалликлари

¹ Горький М. Адабиёт ҳақида. Тошкент, 1962, 277-бет.

тасвирланганлигига, тинчлик ва фаровонлик учун кураш, Ватан тупроғини кўз қорачиғидек асраш ғоялари, бу йўлда мардлик кўрсатган қаҳрамонлар жасорати куйланганлигига қаноат ҳосил қиламиз.

Ўзбек фольклоршунослигида айрим тур ва жанрларнинг хусусиятлари, шаклланиши, тарихий тараққиёти ва тақдири масалалари тарихий-назарий аспектда эндигина ўрганилмоқда. «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясида тайёрланган қўлингиздаги китоб шу йўлдаги дадил қадамлардан биридир. Унда эпик жанрларнинг барчаси ҳақида фикр юритилмайди, балки дoston ва эртақ материаллари асосида эпик турнинг умумий хусусиятлари ва ҳар икки жанрнинг конкрет белгилари ёритилади. Монографияда биринчи марта халқ дostonларини даврлаштиришга ҳаракат қилинди, эртақ ва дostonларнинг янги классификацияси тақдим этилди, жанрлараро муносабат ва уларнинг диффузияси масалалари қўйилди. Шунинг учун ҳам бир қатор масалалар мунозарали ва гипотетик характерга эга, ҳатто бир хил ҳодисага икки хил қараш ҳам мавжуд. Бу нарса илмий-назарий фикрни янада кучайтиришга, китобда кўтарилган масалаларга фольклоршунослар диққатини жалб қилишга кеңг имкон беради, деган умиддамиз.

«Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясида илгари нашр этилган китобларни эслатиб ўтамиз: 1. Ўзбек халқ ижоди. 1967; 2. Ўзбек совет фольклори масалалари. 1970; 3. Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. 1971; 4. Фозил шоир. 1973; 5. Пўлкан шоир, 1976; 6. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. 1978.

ДОСТОН, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

ДОСТОН ВА УНИНГ ТАСНИФИ

Ўзбек халқ достонлари жаҳон халқлари эпослари¹ сингари ўзининг юксак ғоявийлиги, бадий камолоти билан алоҳида ўрин тутади. Достон эпик ижодиётнинг жуда қадимий тури сифатида барча халқлар оғзаки адабиётида мавжуд. Унинг юзага келиши-кўпчилик халқлар ҳаётидаги эпик-қаҳрамонлик даврига бориб тақалади. Демак, қадимийлик барча халқлар эпослари учун типологик ҳодиса бўлиб, унинг яратилиши муайян халқ бошидан кечирган иқтисодий-ижтимоий шароитлар, унинг тарихидаги конкрет босқичлар билан боғлиқ. К. Маркс мифология билан эпоснинг юзага келишини варварликнинг қўйи босқичлари билан боғлайди. Унинг эътирофича, эпосда ўзининг мукамал ифодасини топган инсоннинг олий хусусиятлари шу босқичда тараққий эта бошлаган. «Ўз қадр-қимматини билиш, сўзамоллик, диний ҳис-туйғу, ҳалоллик, тўғри сўзлик, ботирлик, қаҳрамонлик эндиликда киши табиатининг умумий хусусиятлари бўлиб қолди, аммо шу билан бирга, шафқатсизлик, сотқинлик, мутаассиблик ҳам пайдо бўлди. Дин соҳасида шахсий худодлар ва улуг руҳ ҳақида гира-шира тасаввур билан бир қаторда табиат кучларига сиғиниш расм эди; ибтидоий шеърят, умумий уйлар ва маис нонлар — булар ҳаммаси шу даврга мансуб. Фратрия ва уруғларга бирлашган синдиасмик оила ва қабилалар конференцияси ҳам шу даврда пайдо бўлди. Инсониятнинг тараққиётига жуда-кўп таъсир кўрсатган бу энг улуг заковат — ҳаёлот одамзодга қудратли таъсир кўрсатиб, энди оғзаки адабиётни: мифлар, афсоналар, ривоятларни ярата бошлади»².

Эпос қадимиятнинг улкан эҳсони, ўзи яратилган даврнинг умумий дунёқараши, аини пайтда, жонли анъанавий ижод ва ижро шароитларида даврлараро халқ руҳининг объектив ҳолати-

¹ Эпос адабий жинс маъносида эмас, балки халқ оғзаки ижодининг муайян турини (ўзбек халқ достонлари, рус билиналари, қозоқ ботирлар жири, антик эпос каби) ифодаловчи термин сифатида қўлланилди.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. Икки томлик. 1-том, Тошкент, 1975, 260-бет.

ни ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатидан гоҳ кўламлашиб, гоҳ сиқик тарзда авлодларга етиб келган буюк обидадир. Ф. Энгельс эллинизмнинг ўзига хос бадий ойнаси бўлмиш қадимий юнон эпосини инсониятнинг цивилизацияга олиб ўтган буюк мероси сифатида баҳолаган эди³.

Ҳар бир халқ миллий тарихининг афсоналар қобиғига ўралган қаҳрамонлик воқеалари халқ дostonларининг яратилиши учун бой материал берди. Шунинг учун ҳам В. Г. Белинский: «Эпос халқнинг эндигина уйғонган онгининг поэзия соҳасида биринчи пишган мевасидир»⁴, деган эди. Улуғ танқидчининг эпопея сифатида баҳоланган, антик даврларнинг эпоси бўлмиш «Илиада» ва «Одиссея»га нисбатан билдирган мулоҳазалари бевосита халқ дostonларига ҳам тааллуқлидир. У ёзади: «Эпопеянинг мазмунини ўз ҳаётининг индивидуал манбаларидан ҳали айрилмаган халқнинг ҳаёт моҳияти, субстанция кучлари, вазияти, турмуши ташкил қилиши керак. Шунинг учун эпик дostonнинг асосий шартларидан бири унинг халқчиллигидир: шоирнинг ўзи ҳам воқеага ўз халқининг кўзлари билан қарайди, воқеадан ўз шахсини айирмайди. Лекин эпопея юқори даражада миллий бўлиши билан барабар, у айни вақтда, бадий асар бўлиши учун индивидуал халқ ҳаётининг формаси, ўз ичига умуминсоний, жаҳон аҳамиятига эга бўлган мазмунни олиши керак... Эпопеяда иштирок қилувчи шахслар тўла равишда миллий руҳ намояндалари бўлиши керак; лекин қаҳрамон ўз шахси билан халқ кучларини, унинг моҳиятининг, руҳининг бутун поэзиясини тўла-тўқис кўрсатиши керак»⁵.

Эпос халқ ҳаётини объектив-баёний характерда тасвирловчи кенг кўламли, кўп тармоқли асардир. Унда ўтмишдаги улкан бурилишлар, кескин ўзгаришлар акс этади. «Эпоснинг асосий мундарижасини воқеа, дунёнинг умумий аҳволини тубдан ўзгартирувчи тарихий конкрет воқеа ташкил этади. Бу шунчаки одатдаги воқеа эмас, балки тарихда мисли кўрилмаган, давр қиёфасини узсқ йилларга ўзгартирувчи улкан воқеа. Эпосга асос қилиб олинган бундай воқеалар жумласига, одатда, урушлар, халқлар орасидаги жангу жадаллар киради... Тасвирга олинган воқеанинг фақат кўламдорлиги эмас, балки бадий-тасвирий восита ва усулларнинг системаси, муболага ва ташбиҳлар, тафсилотли тасвирлар, ҳодиса ва манзараларнинг сокин ва тантанавор оқими ҳам эпосда улуғворлик ва дунёвий қамров таассуротини туғдиради»⁶.

Ана шу улуғворлик ва дунёвий қамров ҳар бир лавҳасида, эпик оҳанг ва бўёқларида, бой тасвирий воситаларида, ўзига хос ижодкорлик ва ижрочилик санъатида барқ уриб турган ўзбек халқ дostonлари туркий халқлар архаик фольклори заминиде юзага

³ Уша асар, 263-бет.

⁴ Белинский В. Г. Танланган асарлар. Тошкент, 1955, 167-бет.

⁵ Уша асар, 172—174-бетлар.

⁶ «Адабиёт назарияси». Икки томлик. II том. Тошкент, 1979, 193—194-бетлар.

келди ва қадимий миллий тарихимизнинг, улкан моддий ҳамда маънавий маданият ижодкори бўлган жонажон халқимиз руҳиятининг, орзу-умидларининг, ишонч-этиқодларининг ўзига хос бадний ифодаси бўлди. Унинг яратилиши халқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан маҳкам боғлиқдир. Асрий курашлар ва идеаллар унинг тематикаси, гоёвий мазмуни, образлар системаси, сюжет ва композицияси моҳиятини белгилайди. Достонларимиздаги улуғвор поэтик умумлашма ва юксак бадний образлар уларни дунё фольклорининг тенгсиз намуналари — рус билиналари, украин думалари, карело-фин рунлари, ёқут олонхоси, қозоқ ботирлар жири, бурят улигерлари, қирғиз «Манас»и, қорақалпоқ «Қирқ қизи», ҳинд «Маҳабхарата»си — қисқаси, Фарб ва Шарқнинг улкан эпослари қаторига қўйди. Бу эса, унинг қонуний вориси — совет кишиси қалбида чексиз миллий ифтихор, юксак интернационализм туйғуларини янада жўш урдиради.

Достон сўзи қисса, ҳикоя, шону шуҳрат, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади. Адабий термин сифатида бу ном остида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги йирик ҳажмли эпик асарлар назарда тутилади. Бироқ улар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қиладилар.

Халқ достонлари жуда узоқ кечмишда жонли оғзаки ижодда юзга келади. Унинг ижодий тарихи йиллар билан эмас, балки асрлар билан ўлчанади. Достонларнинг жонли оғзаки эпик анъанада яшаши ва тарқалиши, ўзига хос ижро шароитлари даврлараро унинг таркибига янги-янги оҳанг ва лавҳаларнинг, мотив ва эпизодларнинг қўшилиб, сингиб боришига олиб келади. Бу ҳол унинг жанр хусусиятларини, мазмунан сёрқатлам ва кўп вариантли бўлишини белгилаб беради. Достоннинг жанр хусусиятларини белгилаганда, унга таъриф берганда барча белгиларини ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки ана шу белгилар мажмуидан достон тушунчаси келиб чиқади.

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, эпос ўтмиш замонлар тўғрисида қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги ҳикоялар, ривоятлардир⁷. Академик В. М. Жирмунский таърифича: «Эпос — бу халқнинг қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги жонли ўтмишидир. Унинг илмий-тарихий қиммати, айти пайтда, жуда катта ижтимоий, маданий-тарбиявий аҳамияти ҳам шундадир»⁸. Фольклоршунос М. Саидовнинг ёзишича, достон мураккаб санъат асари бўлиб, унинг достон бўлиши учун адабий текст, музыка бўлиши, куйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта били-

⁷ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947, с. 303.

⁸ Жирмунский В. М. Народный героический эпос. Л., 1962, с. 195.

ши зарур⁹. Бу тушунчаларда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ, балки уларнинг бири иккинчисини тўлдиради. В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовларнинг таърифида халқ дostonларининг бош хусусияти, М. Саидов назарда тутган адабий текстнинг асосий белгиси, яъни дostonларнинг мазмунан қаҳрамонлик характери-га эга бўлиши ва улар афсонавий баҳодирлар, титанлар, улуғ шахслар ҳақида эпик идеализация доирасида тўқилган ривожий асарлар эканлиги биринчи планга қўйилмоқда. Чиндан ҳам қаҳрамонлик (геронка) дostonларнинг тематик хусусиятигина эмас, балки уларнинг жанр белгиси ҳамдир. Н. Г. Чернишевскийнинг таъкидлашича, халқ эпоси ҳар вақт халқ ҳаётидаги қаҳрамонлик даврини акс эттиради, фақат ўз мустақиллиги учун актив кураш олиб борган халқгина қаҳрамонлик эпосини ярата олади. Шунинг учун ҳам эпос ҳаммавақт халқнинг куч-қудратини, галабага бўлган иродасини ифодалайди¹⁰. Шундай қилиб, дostonлар фавқулодда куч-қудратга эга бўлган баҳодирлар ҳақида тўқилган кўтаринки, тантанавор, қаҳрамонона кўшиқдир.

Ўзбек эпосининг биринчи тадқиқотчилари В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовларнинг таърифида дoston жанрининг яна бир муҳим хусусияти — унинг ўтмиш билан, халқ тарихи билан маҳкам боғлиқлиги ҳам ўзига хос равишда ҳисобга олинган. Чиндан ҳам дostonларда тарихни халқона тушуниш, уни жонлантириш мавжуд. Уларда халқимиз бошидан кечирган ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг, этник бирлик ва мустақиллик учун олиб борган курашларининг тарихий моҳияти бадий баён этилган. Дostonларда ҳақиқий ва идеал тарих бирлашиб, чатишиб кетган, халқимизнинг ахлоқий, фалсафий, диний қарашлари, ҳаёти, урф-одат ва майшати қомусий тарзда ифодалангандир.

Халқ дostonларининг жанрий белгиларидан яна бири шуки, уларда тарихий воқелик халқ фантазияси асосида умумлашган образларда ўз ифодасини топади. Эпосда умумлаштиришнинг ўзига хос формаси — эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеал ва орзу-умидлари билан йўғрилгандир.

Дostonнинг жанр хусусиятларини белгилаганда, унинг куйла-ниш учун мўлжалланганлигини, куй ва ижро билан маҳкам боғлиқлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки унинг сюжет ва композицион қурилиши, барча тасвирий воситалари, шеър тузилиши ана шу шароитда шаклланган. Бахшидан дoston ёзиб олингач, ижодкорнинг ижрочилик ва ҳофизлик маҳорати, дўмбиранинг жанрангдор саси, эпик шеърни турли-туман комбинацияларда уюшти-ра олган хилма-хил куйлар барҳам топиб, қуруқ поэтик текст қолгандек, саналган ҳолатлар ижро билан боғлиқ жанрнинг ташқи белгиларидек кўриниши мумкин. Аслида эса ундай эмас. Чун-

⁹ Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. Тошкент, 1969, 21-бет.

¹⁰ Чернышевский Н. Г. Рецензия на «Песни разных народов» Н. Берга. Полн. собр. соч. Т. II. М., 1949, с. 295.

ки худди мана шу куйланиш ва оғзаки ижро дostonнинг барча поэтика элементларининг моҳиятини белгилайди. Бу моҳият, аввало, дostonнинг композицион қурилиши ва барча тасвирий воситаларининг ўта анъанавийлиги билан характерланади. Дostonларда биридан иккинчисига кўчиб юрувчи доимий эпитет ва ўхшатишлар, муболага ва турли характердаги синтактик конструкциялар, қўлланиш ўрни ва функциясига кўра айрим ўзгаришларга учровчи барқарор мисралар ва эпик клишелар мўл-кўл. Улар поэтик баённинг сокин ва тантанаворлигини таъминлайди. Композицион жиҳатдан олганда, дostonларда шеърий қисмлар прозаик парчалар билан алмашилиб келади. Қаҳрамонларнинг диалог ва монологлари, жангу жадаллар, сафар, кураш, тортишишлар тасвири, тантанали эълонлар одатда шеърда куйланса, боғ ва манзаралар тасвири, қаҳрамонларнинг портретлари, ички ўй-монологлари, шеърларни бир-бирига боғловчи текстлар насрда берилади. Проза одатда сажланган бўлади. Шеърий қисмларни эса, асосан 7—8 ва 11 ҳижоли эпик халқ шеъри ташкил этади.

Халқ дostonларининг жанр хусусиятларига доир юқорида баён қилинган барча белги ва сифатларни жамлаган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин: дoston халқимизнинг тарихан ўз-ўзини англашининг буюк ифодаси сифатида қадимги даврларда архаик фольклор заминидан юзага келган бўлиб, тарихий воқеликни фантазия асосида умумлаштирилган идеал образларда тасвирловчи, куй ва ижро билан маҳкам боғлиқ бўлган йирик ҳажмли ва кенг кўламли асардир; унга эпиклик, монументаллик хос; у композицион ва сюжет қурилиши жиҳатидан мураккаб воқеа ва ҳодисаларни қамраб олади; бундай воқеа ва ҳодисалар мазмунан қаҳрамонлик характерига эга бўлиб, улар якка шахс — халқ идеалидаги баҳодир атрофига бирлаштирилади; фавқулодда куч-қудратга эга бўлган бундай якка шахсларда бутун бир халқнинг имконият ва интилишлари мужассамланган. Халқ дostonларининг бундай тематик ва жанр хусусиятлари унинг специфик услуби ва формасини ҳам юзага келтирди: поэтик баёнга кўтаринкилик, тантанаворлик, кўламдорлик, анъанавийлик, шеърий ва прозаик қисмларнинг занжирдек давомий алмашилиб келиши хос.

Ўзбек халқ дostonлари кўп составли ва кўп темали бир ижоддир. У узоқ асрлар давомида яратилиб, турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда куйланиб келинди. Шу тариқа унда турли замонлар қатлами юзага келди. Бу ҳол уларнинг ҳар жиҳатдан асосланган илмий таснифини беришни, муайян турларга бўлиб ўрганишни ниҳоятда қийинлаштиради. Фанда ўзбек халқ дostonларининг бир неча классификациялари мавжуд. Дастлабки тасниф В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар томонидан берилган. Улар ўзбек халқ дostonларини: а) ботирлик эпоси; б) жангномалар; в) тарихий мазмундаги дostonлар; г) романик дostonлар; д) келиб чиқиши адабий дostonлар; е) янги дostonлар каби тур-

ларга бўлиб, «Гўрўғли» туркумини алоҳида оладилар¹¹. Бу — биринчи тасниф сифатида кейинги классификациялар учун асос бўлди. Бироқ унда дostonларнинг ички турлари ҳисобга олинмаган. Аслида «Гўрўғли» туркумини романик дostonлар қаторига киритиб, унинг айрим намуналарида қаҳрамонлик мотивлари ус-туллигини кўрсатиш лозим эди.

Кейинги классификациялар орасида М. Саидов таснифи алоҳида ажралиб туради. У, дастлаб, халқ дostonларини оғзаки ва китобий дostonлар тарзида иккига бўлади. Сўнгра оғзаки дostonларнинг: а) қаҳрамонлик; б) жангнома; в) тарихий; г) соф севгини куйловчи; д) романик дostonлар каби турларини кўрсатади¹². Бу классификация қатор афзалликларига қарамай, халқ дostonларини оғзаки ва китобий тарзда иккига бўлиш асосланмаганга ўхшайди. Чунки бу ерда «китобий» атамаси ниҳоятда шартли бўлиб, улар ҳам аслида оғзаки куйланган ва бизгача оғзаки етиб келган. Асосларигина ёзма адабий манбага бориб тақаладиган бундай дostonларни халқ бахшилари шундайлигича олмай, уларни жонли оғзаки эпик аънаналарга тўла равишда бўйсундирдилар. Бошқача айтганда, китобийлик баъзи истиснолардан ташқари, асосан бундай дostonларнинг манбаидадир, ижро ва поэтика элементларини эса эпик ижодиётнинг мустақкам аъналарисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз ҳам китобий дostonларни алоҳида тур қилиб кўрсатганда, уларга асос бўлган манбаинига ҳисобга олдик, холос. Аслида эса, бу тип дoston намуналари жанр эътибори билан характериға қараб, ё романик, ё қаҳрамонлик турға киради. Шунингдек, соф севги дostonларини ҳам алоҳида тур сифатида олишға ҳожат йўқ эди. Уларни романик дostonлар таркибида ўрганиш мумкин.

Биз халқ дostonларининг янги таснифини тақдим этар эканмиз, ҳар икки классификациянинг барча афзалликларини ҳисобга олдик, кўп ўринларда уларға суяниб, асосан ички бўлинишларға диққат қилдик. Бизнингча, ўзбек халқ дostonларини қуйидаги турларға бўлиб ўрганиш мақсадға мувофиқдир: 1. Қаҳрамонлик дostonлари. 2. Жангнома-дostonлар. 3. Тарихий дostonлар. 4. Романик дostonлар. 5. Китобий дostonлар.

Қаҳрамонлик дostonлари. Қаҳрамонлик дostonлари (гарчи у соф ҳолида бизгача фақат «Алпомиш» мисолида етиб келган бўлса-да) бахшилар репертуарида муҳим ўрин тутади. Ўзбек халқ дostonчилиги тараққиётида кўпгина қатламлар бўлса-да, айниқса, икки қатлам, давомий икки босқич — қаҳрамонлик ва романик дostonлар босқичи алоҳида ажралиб туради. Яратилиш даври ва юзага келган муҳити жиҳати билан ҳам, тематикаси, гоёвий мазмуни, ижтимоий воқеликни тасвирлаш усуллари билан ҳам бу дostonлар бир-бирларидан жиддий фарқ қиладилар. Бироқ улар

¹¹ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947, с. 59—60.

¹² Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. Тошкент, 1969, 30—61-бетлар.

неча асрлар давомида бахшилар томонидан баравар куйлаб келинган, яъни бу тип дostonлар орасида доимий равишда ижодий алоқа мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам бирининг хусусияти иккинчисида зоҳир бўлиши, соф қаҳрамонлик дostonларига хос белгиларнинг кейинги планга сурила бориши, қаҳрамонлик дostonларидан романик мотивлар ва эпизодларнинг ўрин ола бориши табиий эди. Бир қанча халқлар эпоси учун типологик хусусият бўлган бу ҳодисани ўзбек дostonчилигининг узоқ асрлик жонли оғзаки анъанаси ҳам тақозо этар эди. «Қаҳрамонлик» сўзи адабий термин сифатида икки маънода қўлланилади. Биринчиси, кенг маънода, халқ дostonларининг барча намуналарига, умуман эпосга нисбатан ишлатилади. Иккинчиси, халқ дostonларининг махсус бир турини билдиради.

Қаҳрамонлик дostonлари патриархал-уруғчилик муносабатлари ҳамда кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёт тарзи билан маҳкам боғлиқдир. Бундай дostonлар худди шу турмуш тарзининг ифодаси сифатида патриархал-уруғчилик жамиятининг сўнги босқинчларида ёки илк феодализм даврида турли уруғлар ўртасида низолар давом этаётган ва улар муайян территорияларга жойлашаётган ҳамда ягона халқ сифатида уюша бошлаган замонларда яратилган. Бир қатор уруғ ва қабилаларнинг муайян халқ сифатида ташкил топа бориши, илк давлатчилик куртакларининг пайдо бўлиши ва шу муносабат билан халқлар ҳамда элатларнинг ўз мустақилликлари учун чет эл босқинчиларига қарши мардонавор курашлари қаҳрамонлик дostonлари учун бой материал бўлди. Мана шу курашлар ва таркиб топишлар, бирлашишлар ва жойлашишлар жараёнида ўз-ўзини англашнинг буюк ифодаси сифатида қаҳрамонлик эпоси юзага келди. В. Г. Белинскийнинг таъкидлашича, «халқнинг гўдаклик замонларида унинг ҳаёти кўпроқ ботирликда, қаҳрамонликда ифодаланади». Зотан, қадимий қаҳрамонлик эпоси «халқнинг фақат гўдаклик даврларида, унинг ҳаёти ҳали икки қарши томонга — поэзия ва прозага ажратилмаган чоқда, халқнинг тарихи фақат афсона бўлган замонда..., унинг куч-қудрати ва тоза фаолияти фақат қаҳрамонлик ғалабаларида кўринган замонлардагина пайдо бўлиши мумкин»¹³.

Демак, эпик мазмуннинг қаҳрамонлик характерида эга бўлиши қаҳрамонлик дostonларининг бош хусусиятидир¹⁴. Ана шу хусусият унинг бутун моҳият ва асосий йўналишини белгилайди, ўзига хос тасвир методини тайин этади. «Қаҳрамонлик эпосининг маҳобатли реализми реал ижтимоий воқеликни қаҳрамонлик идеализацияси формаларида тасвирлайди. Шу билан бирга қаҳрамонлар образи ва улар амалга оширган жасоратлар табиийлик чегарасидан бирмунча юқори бўлади. Шу маънода улар ажойиб-ғаройиб, қизиқарли, аммо ғайритабиий эмас: куйчининг субъек-

¹³ Белинский В. Г. Танланган асарлар. Тошкент, 1955, 167, 173-бетлар.

¹⁴ Пропп В. Я. Русский героический эпос, М., 1958, с. 5—6.

тив уйдирмаси ва ижодий фантазиясига асосланган романтик фантастика бўлмайди. Қадимий қаҳрамонлик эпосида ажойиб-ғаройиблик мифологиянинг, халқ ишонч-эътиқодининг реал элементи сифатида намоён бўлади...»¹⁵ Мана шу хусусиятлар «Алпомиш» достонида тўла намоён бўлган. Қўчманчи қўнғирот қабила-сида патриархал-уруғчилик муносабатлари емирила бошлаган замонларда яратилган бу монументал асар ўзбеклар ўртасида икки версияда ва кўплаб вариантларда жуда кенг тарқалган.

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг «Алпомиш» достонининг вариантлари йигирма саккиз ўзбек халқ достончисидан ўттиз уч марта (тўла тексти, парча, мазмуни) ёзиб олинди¹⁶. Бу достон туркий халқлар ўртасида, айниқса жуда кенг тарқалган. Унинг ўзбек¹⁷, қозоқ¹⁸, қорақалпоқ¹⁹ версиялари эпик поэма ҳолида, тожик²⁰, ўйрот²¹, татар²², бошқирд²³, Урта Осиё араблари²⁴ версиялари эртак ва ривоятлар тарзида машҳурдир. Урта аср ўғуз эпосининг муҳим ёдгорлиги «Китоби дада Қўрқут» таркибидаги «Бомси Байрак» асари ўзининг сюжети ва композицион қурилиши жиҳатидан «Алпомиш» достонига жуда ҳам яқин туради²⁵. Туркий халқларнинг «Уртоқ бир достони» (Ҳамид Олимжон) бўлган «Алпомиш» нинг бундай кенг тарқалиши шу халқларнинг бир хил ижтимоий-тарихий шароитда ҳаёт кечирганликлари, ўз-ара яқин маданий муносабатда бўлганликлари, яратиш ва ижодда ҳамкор, ҳамфикр эканликларини кўрсатади. Аммо «Алпомиш» нинг яратувчиси бўлган ҳар бир халқ унда ўз тарихини, этник ва анъанавий хусусиятларини, озодлик ва тенглик ҳақидаги ўз идеалларини акс эттиради.

Достонда қўнғирот уруғи бошлиқларининг фарзандсизлиги, бўлажак қаҳрамоннинг ажойиб-ғаройиб ҳолатда туғилиши, унинг баҳодирона ёшлиги, Бойсарининг Бойбўри билан аразлашиб қалмоқ элига кўчиб кетиши, Алпомишнинг қалмоқ алплари билан ёнма-ён туриб, Барчин шартларини бажариши ва уни олиб қайтиши, етти йиллик тутқинликдан кейин хотини Барчиннинг Ултон-

¹⁵ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947, с. 378.

¹⁶ Қаранг: Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари, Тошкент, 1968.

¹⁷ Уч варианты нашр этилган: Алпомиш. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Тошкент, 1979; Алпомиш. Берди бахши варианты. Тошкент, 1969; Саидмурод Паноҳ ўғли варианты «Одилхон» китобида. Тошкент, 1972. 48—115-бетлар.

¹⁸ Алпамыс-батыр. Под ред. М. Ауэзова и Н. Смирновой. Алма-Ата, 1961.

¹⁹ Сагитов И. Т. Каракалпакский героический эпос. Ташкент, 1962.

²⁰ Алпамыш. Таджикские варианты текстов. Сталинабад, 1959.

²¹ Суразаков С. С. Об алтайском сказании «Алып-Манаш». — Сб. «Об эпосе «Алпамыш». Ташкент, 1959, с. 197—202.

²² Валитова А. А. Татарская версия эпоса «Алпамыш». — Сб. «Тюрко-монгольское языкознание и фольклористика». М., 1960, с. 173—209.

²³ Киреев А. Н. О башкирском эпосе «Алпамыш». — Сб. «Вопросы башкирской филологии». М., 1959, с. 52—59.

²⁴ Жирмунский В. М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. М., 1960.

²⁵ Книга моего Деда Коркута. М.—Л., 1962.

тоз билан бўлаётган тўйи устига келиши ҳамда ўзини-ўзи бий сайлаган Ултонтозни енгishi каби воқеалар тасвирланади. Ана шундай саргузаштли воқеалар замирида ҳар қандай ёвузликни енгиб, эзгуликнинг тантанаси, ҳақиқат ва адолатнинг ғалабаси учун кураш, элу юртга самимий муҳаббат, душманга шафқатсиз ғазаб ва нафрат, мардлик ва фидокорлик, дўстлик ва қардошлик, инсонни улуғлаш каби олижаноб ғоялар куйланади.

Жангнома-достонлар. Жангу жадаллар, тарихий ёки афсонавий урушлар ва бундай жанг эпизодларида қўшин ва якка шахсларнинг жасоратларини тасвирловчи достонлар тури жангнома-достонлар деб юритилади. Жангномалар қаҳрамонлик достонлари таъсирида феодализм даврида шаклланган. Агар қаҳрамонлик достонларида бош қаҳрамон фаолияти яккама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намоён бўлса, жангномаларда турли-туман характердаги уруш эпизодларида кўрсатилади.

Ҳукмрон табақа ислом динини ҳарбий куч билан ёйган шахсларни халқ орасида тарғиб қилиш мақсадида жангнома формасидан фойдаланган. Натижада «Жангномаи Абу Муслим», «Жангномаи Саййид Баттоли Ғозий», «Жангномаи Амир Ҳамза» каби ислом динини зўрлик билан тарғиб этган шахсларнинг номи билан боғлиқ жангномалар юзага келган. Урта Осиёда кенг тарқалган жангномаларнинг қадимги намуналарига Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ва «Жангномаи Жамшид», «Қаҳрамони Қотил», «Хўшанг» кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбек бахшилари репертуарида жангномалар ниҳоятда озчиликни ташкил этади. Уруғ, қабила ёки халқнинг мустақиллиги учун олиб борилган жанглари тасвирловчи қадимги жангномалар замоналар ўтиши билан турли сабабларга кўра эпик репертуардан тушиб қолган бўлиши мумкин. Бунинг ўрнига идеологик таъйиқ туфайли жангномаларда тасвирланган жангу жадаллар бирор халқнинг диний эътиқодларини ғайридинлардан ҳимоя қилиш, ўз динини ўтказиш тарзида талқин этила бошлаган. Бироқ бахшилар репертуаридаги жангномаларда «муқаддас урушлар» умумий бир фон, холос. Аслида эса, душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер бутунлиги учун кураш, эл-элатлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланади. «Юсуф билан Аҳмад» ва унинг давоми бўлган «Алибек билан Болибек» достонлари бунинг ёрқин мисолидир. Ҳар иккала достон ватанпарварлик туйғулари, она юрт соғинчи билан йўғрилган. Юсуфнинг Ғўзалшоҳ ҳузурида ўз юртини мақташи, асирликда турналар орқали диёрига салом йўллаши эпизодларини тўлқинланмай ўқиш мумкин эмас. Ёки Алибекнинг ўзга мамлакатда бўлганида Урганч элини қўмсаши ғоятда таъсирлидир. Жангнома-достонларга ана шу нуқтан назардан ёндашиб, уларнинг ҳақиқий илмий баҳосини бериш лозим.

Тарихий достонлар. Тарихда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган достонлар

тури бўлиб, бахшилар репертуарида бошқа дostonларга нисбатан жуда кам ўрин эгаллайди, тарқалиш доиралари ҳам чегараланган. Уларда тарихий ҳақиқат билан афсона, факт билан тўқима чатишиб кетган бўлиб, бундай асарларда конкрет тарихий воқеликка фольклорга хос равишда янги маъно берилади ва баҳоланади. Шу билан бирга, уларнинг темаси, образлари, ташиган ғоялари конкрет тарихий шароитдаги курашлар билан боғлиқ.

Тарихий дostonлар тарихдаги конкрет воқеа ва фактларни тасвирлаш характери, ҳужжатийликнинг даражаси жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қиладилар. Уларнинг шу хусусиятига қараб: а) тарихий-қаҳрамонлик; б) тарихий-фантастик; в) тарихий-конкрет ёки янги дostonлар; г) автобиографик дostonлар каби ички турларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Тарихий-қаҳрамонлик дostonларининг энг яхши намуналаридан бири «Ойсулув» дostonи ҳисобланади. Чунки унинг мазмунан қаҳрамонлик характерига эга бўлиши, бир қатор ўринларда узоқ кечмишда рўй берган конкрет воқеа ва ҳодисаларга мос келиши шундай хулосага келишга имкон беради. Аммо «Ойсулув» дostonини биладиган бахши ҳозирча учраган ёки қайд қилинган эмас. Бирор дostonчи ўз репертуарида сақлаб қолмаганлиги учун ҳам унинг поэтик тексти бизгача етиб келмаганга ўхшайди. Лекин Эргаш Жуманбулбул ўғлининг тасдиқлашича, дoston ўтган асрларда жонли оғзаки анъанада яшаган ва бахшилар томонидан севилиб куйланган. Бу дoston XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган таланти халқ шоираси, Жуманбулбулнинг момоси Тилла кампирнинг мароқ билан куйлайдиган асарларидан бири бўлган. Бу ҳақда Эргаш шоир шундай хотирлайди: «Отам айтар эди: «Тилла кампирнинг бир дostonи бор, уни мен ҳам билмайман, Жоссоқ ҳам билмайди, бошқа шоирларнинг ҳам айтганини эшитмадик. Тилла кампир ёш вақтида кўшиқ қилиб айтар экан, қариган сўнг эртақ қилиб айтар эди. Мен кўпда қулоқ солмас эдим, эртақ-да, деб кета берар эдим». Бир кун: «Тилла кампирнинг эртагини айтиб беринг»,— дедим отамга. Шунда шоир кулиб: «Мен момонгдай айтолмайман-да, билганимни айтсам, айтиб берайин»,— деб ёнбошлаб ётиб нақл қилиб эди»²⁶. Демак, «Ойсулув» дostonининг мазмуни (пересказ) икки буюк санъаткор — Жуманбулбул ва унинг ўғли Эргаш орқали бизгача етиб келган.

«Ойсулув» дostonида Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчилари тажовузига қарши олиб борган мардонавор курашлари тасвирланади. У чуқур ижтимоий-сиёсий мазмунга эга. Дostonда Эрон ҳукмдорларига қарши мардона курашган тadbирли аёл, паҳлавон ва сулув она («али хотин») Ойсулув ҳамда унинг қаҳрамон ўғли Кунботир образлари яратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Қўрғон дostonчилиқ мактаби вакиллари хотин-

²⁶ «Булбул тароналари». Беш томлик. 1-том. Тошкент, 1971, 38-бет.

қизлар образларини алоҳида муҳаббат билан тасвирлаганлар, бир қатор асарларда уларни бош қаҳрамон даражасига кўтарганлар. Бу ўринда «Холдорхон» ва «Чамбил қамали» дostonларидаги Юнус пари образини эслаш кифоядир. Ҳар иккала дostonда ҳам ватан мудофааси ўзига хос равишда кўйилган. Бирода Юнус пари бошчилигидаги Чамбил аёлларининг ички душман — Аҳмад Сардорга қарши курашлари тасвирланса, иккинчисида араб босқинчиларига қарши она юрт мустақиллиги учун олиб борилган жангу жадаллар ўз ифодасини топган. «Хотин-қизлар образининг олий фазилатлар, улуг ғоялар билан етук ишланишида, — деб таъкидлайди Ҳоди Зариф, — халқ шоирларининг, шу жумладан, Тилла кампирнинг ижодий ҳиссаси каттадир»²⁷.

«Ойсулув» дostonи ўзининг сюжети, ижтимоий мазмуни, образларининг характери жиҳатидан қадимги Урта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликларидан бўлган Тўмарис афсонасига анча яқин туради. Тўмарис ва унинг ўғли Спаргапиз бошчилигидаги массагетларнинг аҳмонийлар шоҳи Кир ҳужумига қарши олиб борган мардона курашлари ҳамда ватанпарварларнинг ғалабаси тасвири афсонанинг асосини ташкил этади. Бироқ бу асар ҳам бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унинг мазмуни грек тарихчиси Геродотнинг (484—425) «Тарих» китобидаги ярим тарихий, ярим афсонавий характердаги нақли орқалигина маълумдир. Бу ҳол фольклористлар олдига «Ойсулув» дostonига асос бўлган тарихий ва адабий манбаларни янада жиддий ўрганиш, унинг поэтик текстини излаш вазифасини кўяди.

Тарихий-фантастик дostonларга «Тулумбий» (XV), «Шайбонийхон» (XVI), «Ойчинор» (XVI) дostonларини киритиш мумкин. Бу учала дostonда тарихийлик даражаси бир хил эмас. Масалан, «Шайбонийхон» ва «Ойчинор»да, Шайбоний ва Бобир муносабатларида, Бобирнинг Афғонистон томон йўл олиши ва унинг халқ вакилларига нисбатан чуқур ҳурматида бир қатор тарихийлик кўзга ташланса-да, уларнинг баъзи ҳаракат ва ишлари афсонавий-саргузашт тусини олган. Демак, бу дostonларда эпик воқелик ярим тарихий, ярим афсонавий характерга эга.

«Тулумбий» («Эдига») дostonи афсонавий-саргузаштлик томонга қараб янада кўпроқ силжиган. Унда айрим тарихий шахслар номидан бўлак ҳеч нарса қолмаган, яъни унда сюжет тарихий воқелик асосида эмас, балки ишқий-саргузашт планда ривожланади. Бундай дostonларда қачонлардир бўлиб ўтган тарихий воқеалар ва тарихий шахслар эпик баён учун умумий фон вазифасини ўтайди, холос. Халқ орасида эртақ ва афсоналар ҳолида жуда кенг тарқалган «Хуршидой» қиссасининг иккинчи қисм сифатида «Шайбонийхон» дostonига киритилиши ва Шайбонийхоннинг ҳукмронлик даври билан боғланиши ҳам шу билан изоҳланади. Бу ўринда тарихий дostonлар учун характерли бўлган бир

²⁷ Ҳоди Зариф. Улкан халқ санъаткори. — «Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни». Тадқиқотлар. 2-китоб, Тошкент, 1971, 16-бет.

қонуният кўзга ташланади. Достон тасвир объектига олинган тарихий воқеа ва ҳодисалардан узоқлашилган сари унинг ҳужжатийлик даражаси камайиб боради, яъни достоннинг дастлабки асослари, унинг форма ва мазмуни ўзгариб, асрлараро ижод ва ижро давомида янги-янги мотив ва эпизодлар қўшила боради. Чунки мунтазам оғзаки эпик анъанада халқ достонлари доимо ҳаракатда бўлиб, дастлабки асосларининг муайян қисмини сақлаганлари ҳолда эпиклаштириш томон муттасил ривожланишда давом этади. Бу фольклор жараёни учун характерли ҳолатдир. Шунинг учун ҳам тарихий достонларнинг айрим намуналарида қачонлардир бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар умумий бир фон сифатида сақланиб қолганлиги ажабланарли эмас.

Тарихий-конкрет ёки янги достонларга XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида, хусусан, Совет даврида бахшилар томонидан яратилган асарлар кириб, улар мустаҳкам тарихий асосга, қаҳрамонларнинг прототипларига эга. «Тўлғоной», «Номоз», «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Мардикор», «Амир қочди», «Очилдов», «Ҳасан батрак» кабилар янги достонларнинг энг яхши намуналари ҳисобланади. Аниқ факт ва ҳужжатларга асосланиш бу достонларнинг бош хусусиятидир.

Ўзбек халқ шоирларининг янги асарлари анъанавий достонлар сингари оғзаки бадиҳа жараёнида яратилди. Шунинг учун ҳам уларда янги сиёсий ғоялар, ижтимоий темалар, даврнинг муҳим масалалари куйланган бўлса-да, бу янги мазмун анъанавий услуб ва шаклларда намоён бўлди. Зеро, янги достонларни традицион эпосни куйлашда катта муваффақиятга эришган, бахшилик санъати ва ундаги таълим усулларини пухта эгаллаган достончиларгина яратди. Мавжуд материаллар кейинги даврларда яратилган достонлар, гарчи уларнинг аниқ авторлари бўлса-да, коллектив ва индивидуал ижод бирлигида юзага келди, дейишга эрк беради. Бунда достончилик анъанаси етакчилик қилади. Уларнинг ижодкорлари қўшган янгиликлар беҳисоб бўлиб, маълум сифатий ўзгаришга олиб келган ва достончиликни юқори поғонага кўтарган бўлса-да, бу асарлар мавжуд анъана доирасида қолди ва уларни асрлар давомида мустаҳкамланган оғзаки бадий анъанадан ажратиб текшириш мумкин эмас.

Етакчи бахшилар репертуарида автобиографик асарлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бундай достонлар лиро-эпик характерга эга бўлиб, унда бахшининг ҳаёт ва ижод йўли фонида даврнинг муҳим воқеа-ҳодисалари тасвирланади. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Таржимаи ҳол», Фозил Йўлдош ўғлининг «Қунларим», Ислом Назар ўғлининг «Бахтиёр авлодлар», Абдулла Нурали ўғлининг «Қунларим» каби достонлари бунинг ёрқин намуналаридир.

Ўтмишда етакчи устоз бахшиларнинг ўз ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида автобиографик асарлар яратганликлари ҳақидаги маълумотлар ёки бирор аниқ яшаб ўтган бахшига нисбатан берилган шундай достон бизгача етиб келмаган. Бироқ етакчи бахшининг муайян ҳаёт йўлини ўтгач, ўз турмуши ва достончилик фаолияти

ҳақида автобиографик асар яратиш анъанаси илгаридан бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Бизнинг бу мулоҳазамизни бир қатор термалар («Дўмбирам», «Нима айтай?», «Қулларим» каби), айрим фольклор намуналаридаги қадимги эпик куйчи образи (Қўрқут ота каби), баъзи дostonлардаги («Юсуф билан Аҳмад», «Хирмон дали», «Ошиқ Ойдин», «Ошиқ Алванд», «Мажаб ўғлон» ва бошқалар) бахшии типи ва ниҳоят, «Мулла Ғойиб», «Маҳтумқули» сингари асарларнинг дostonчилар репертуарида мавжудлиги ҳам тасдиқлай олади. Бизнинг назаримизда, автобиографик асарлар устоздан шоғирдга одатдаги репертуар тарзида тўғридан-тўғри ўтмаган, балки унинг услуби, шундай асарлар яратиш анъанаси ўзлаштирилган. Бундай бўлиши табиий эди. Чунки бахшилар амалиётида жуда кўп умумийликлар бўлиш билан бирга, уларнинг ҳар бирининг ўз ҳаёт йўли, дostonчиликдаги «ўз тақдир» бор эди. Автобиографик дostonларда мана шу «ўз ҳаёт йўли» бахши яшаган давр фонида тасвирланади. Мана шу сабабга кўра, ўтмиш устоз бахшилар яратган автобиографик дostonлар бизгача етиб келмаган. Бироқ улар асос солган, оғзаки давом эттириб келган йўл ва анъаналар Эргаш шоир, Фозил шоир, Абдулла шоир, Ислом шоирларнинг ҳаёт йўли ва шахси мисолида «янгиланган». Бу янгилик дostonчилик анъаналари доирасида содир бўлган. Автобиографик дostonлар ҳақида сўзлаганда, ана шу мустаҳкам адабий заминни ҳам унутмаслик керак.

Романик дostonлар — ўзбек халқ бахшилари репертуаридаги дostonларнинг энг катта тури ҳисобланади. «Халқ романи», «романик» терминлари туркологияда шартли равишда қабул қилинган бўлиб, оғзаки яратилган ва ижро этилган муайян дostonлар гуруҳини билдиради. Бундай дostonларда севги романтикаси ва фантастик саргузаштлар халқ қаҳрамонини идеаллаштиришнинг янги усули сифатида намоён бўлганки, уларни Европадаги «халқ китоблари» билан аралаштирмаслик лозим.

Ўзбек дostonчилигининг қаҳрамонлик эпоси ва жангномалардан кейинги янги тараққиёт босқичи — романик дostonлар феодализм даврининг ижтимоий-сиёсий муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг моҳиятини севги жоҳарлари, қўрқинчли саргузаштлар, эртакка хос фантастик воқеалар, шу билан бирга, ҳаётий ҳодисалар тасвири белгилайди. Кўтаринки ишқ туйғулари ва бу йўлдаги жасорат идеали бу тип дostonлар учун асосийдир, яъни уларда улугвор севги романтикаси билан унга эришиш йўлидаги фантастик саргузаштлар қаҳрамонлиги бирлашиб, чатишиб кетган.

Романик дostonларнинг сюжет схемалари ниҳоятда бир-бирига ўхшаш бўлиб, одатда қаҳрамон ғойибона ошиқ бўлган гўзални излаб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни, қийин саргузаштларни бошидан кечиради, ғайритабиий кучлар билан тўқнашади, барча қийинчиликларни енгиб, ўз мақсадига эришади. Дoston воқеалари ҳашаматли саройларда, шовқинли бозорларда, сеҳрли боғларда, тилсимли қўрғонларда, ваҳимали ғор-

ларда, қўрқинчли ер ва сув ости йўлларида кечади. Бироқ бу дostonларнинг ҳар бири композицион қурилиши, образлари, мотивларининг ишланиши, характер ва мазмунлари жиҳатидан мустақилдирлар. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусияти ва бадиий завқи бор.

Фантастик воқеа ва саргузаштлар гирдобиди мураккаб ижтимоий воқеликни унинг барча реал тафсилотлари, икир-чикирлари ва қарама-қаршиликлари билан тасвирлаш романик дostonларга хос содда реализмни туғдиради. Ҳаётий-маиший характердаги бундай реалистик тематика халқ юмори ва дидактикаси хусусиятлари билан маҳкам боғлиқдир²⁸. Лирик йўналишнинг биринчи планга чиқиши, тасвирнинг интим тус олиши, ёзма адабиёт таъсирининг сезилмас даражада уларнинг ички тараққиёти билан органик бирлашиб кетганлиги романик дostonлар услубини белгилайди, яъни романик дostonларда тасвирланган ижтимоий воқелик, янги темалар, янги формаларни ҳам келтириб чиқарган.

Романик дostonларнинг таркиби ниҳоятда мураккаб. Қаҳрамонлик дostonларида романик элементлар бўлганидек, романик дostonларда қаҳрамонлик элементлари, жангномалар хусусиятлари ҳам мустаҳкам ўрин олган бўлади. Ҳатто бир дostonда бир неча тема баравар ишланган бўлиши ҳам мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, бу тип дostonларни: а) қаҳрамонлик-романик; б) ишқий-романик; в) маиший-романик каби ички турларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Қаҳрамонлик-романик дostonларда («Рустамхон» туркуми, «Якка Аҳмад», «Гўрўғли» туркумига кирувчи бир қанча асарлар) қаҳрамонлик йўналиши устун турса, ишқий-романик дostonларда («Кунтуғмиш», «Гўрўғли» туркумлигининг сўнгги ҳалқалари) севги моjarолари, саргузаштли воқеалар тасвирига алоҳида эътибор берилади.

Маиший-романик дostonларда («Соҳибқирон», «Қиронхон», «Орзигул», «Эрали билан Шерали» ва бошқалар) реалистик моментлар, мавжуд тузумдан норозилик кайфиятлари, маиший турмуш билан боғлиқ турли-туман тафсилотларни батафсил тасвирлаш етакчилик қилади. Бундай дostonлар сюжети феодализм шароитида ўзининг реал заминига эга. Масалан, «Одилхон» («Қиронхон») дostonида реалистик ҳолатлар фантастик воқеа ва ҳодисалар билан уйғун тасвирланади. Фарзандсизлик туфайли чекилган оҳ-зорлар, кундошларнинг мол-дунё учун ҳар қандай ярамасликлардан қайтмасликлари, ҳатто ўзларининг ғаразли ниятларининг амалга ошиши учун беғуноҳ гўдакларни ўлдиришга ҳам тайёрликлари, ҳукмдорнинг адолатсиз ҳукми, Бўтакўзнинг зиндонда тортган азоблари, Худойқул подачининг (баъзи вариантларда Қинғир чолнинг) маиший турмуш шароити қанчалик

²⁸ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947, с. 379.

реал бўёқларда кўрсатилган бўлса, чўлга улоқтирилган эгизаклар — Қиронхон ва Қорасочларнинг тақдири, саргузаштлари, Қиронхоннинг ўзга юртларга қилган сафарлари (гарчи бу сафарларнинг қўзғатувчиси реал асосга эга бўлса-да) шунчалик фантастик қобиқда, сеҳрли-фантастик эртақларга хос тасвирда берилган. Бу хил дostonларда халқимиз ва бахшиларнинг демократик қарашлари янада ёрқинроқ акс этган.

Китобий дostonлар. Ўзбек бахшилари репертуаридан мустақам ўрин олган эпик асарларнинг махсус бир турини — классик поэзия намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарларни китобий дostonлар деб юритилади.

Китобий дostonлар унга асос бўлган манбанинг характерига қараб, романик ёки қаҳрамонлик дostonлари хусусиятларини ўзида маълум даражада сақлаган бўлиши мумкин. Уларда соф фольклор асарлар учун характерли бўлган қаҳрамонона жасорат, жангу жадаллардаги жанговарлик ниҳоятда суст берилган, асосий ўринни ижтимоий ва оилавий ҳаётнинг ташқи шарт-шароитлари билангина келиша олмаган завқли, кўтаринки муҳаббат темасининг турли-туман кўринишлари эгаллайди.

Китобий дostonларнинг бир тури классик адабиёт намуналарининг бахшилар томонидан қайта ишланиши натижасида юзага келган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом»нинг халқ вариантлари Алишер Навоий асарлари асосида, «Юсуф ва Зулайхо» шу сюжетдаги форсий ва туркий асарлар асосида, «Рустами Дoston» «Шоҳнома» асосида, «Сайфул-Малик» Мажлисий асари асосида, «Варқа билан Гулшоҳ», «Вомиқ билан Узро» каби асарларнинг халқ вариантлари эса, форсчадан озарбайжончага қилинган таржималар асосида яратилган. Бироқ уларнинг халқ дostonчиси репертуарига келиш жараёни турли-тумандир, яъни мазкур асарлар билан уларнинг халқ вариантлари орасида турли давр шоирлари, саводли кишилар ва қиссахонлар томонидан тузилган нусхалар ҳам бўлган. Ўз навбатида, бундай асарларни яратган ёзма адабиёт намоёндалари халқ ижодидagi ривоят ва афсоналарга таянганлар. Бошқача қилиб айтганда, халқ орасида кенг тарқалган қадимий афсона ва ривоятлар бирор шоирнинг лабораториясида ёзма адабиёт обидасига айлантирилган. Кейинчалик улар бевосита ёки бавосита йўллар билан оғзаки эпик анъанага мослаштирилган ҳолда бахшилар репертуарига ўтган.

Китобий дostonлар орасида яна шундай намуналар борки, уларнинг яратилишида асос бўлган манбани тўғридан-тўғри кўрсатиш мумкин эмас, аммо асарнинг темаси, услуби, тасвир моҳияти китобий манбага асосланганлигини ва ёзма адабиётга яқин турганлигини аниқ кўрсатади. «Санобар», «Зевархон» каби дostonлар шундай асарлар ҳисобланади. Хоразм дostonчилигида,

шунингдек, «Маликаи Дилором», «Тоҳир ва Зуҳра» каби бир қанча дostonларда оғзаки ва ёзма адабиётнинг жуда мураккаб формаларига, турли-туман адабий традицияларнинг ўзига хос равишда жуда ҳам ўринли чатишиб кетганлигига дуч келамиз.

Китобий дostonларда қаҳрамонлар севги кечинмаларининг лирик томонларига алоҳида эътибор берилади. Қаҳрамон маъшуқа учун ажойиб-ғаройиб саргузаштларни бошидан кечиради, оҳ-фигон чекади, узун монологларда айрилиқ алампдан зорланади, йиғлайди, шикоят қилади, ғайритабиий кучларга ёлворади (яъни қаҳрамон кечинмалари баъзан диний, баъзан ўта сентиментал моҳият касб этади). Китобий дostonлар ана шу хусусиятлари билан ишқ-муҳаббат темаси асосий ўрин олган соф фольклор дostonлари («Равшан», «Кунтуғмиш» каби)дан ажралиб туради.

Халқ дostonлари, унинг жанр хусусиятлари ва турлари ҳақидаги бу умумий мулоҳазаларимиз ўзбек эпоси жуда ҳам бой ва ранг-баранг эканлигини кўрсатиб турибди. Бундай кўп темали, серқатлам ва кўп вариантли эпосни ҳар жиҳатдан мукамал ўрганиш, унинг айрим намуналарининг дostonчилик мактабларинро ўзгачаликларини ёритиш, ҳеч бўлмаганда гипотетик бўлса ҳам, айрим йирик туркумларнинг ижодий тарихини белгилаш, оғзаки адабий-тарихий жараёнда айрим намуналарнинг пайдо бўлиши ёки йўқолиши хусусиятларини текшириш, эпик анъанадаги мунтазамлик (барқарорлик) ва ўзгарувчанликни, сакрашлар, орқага кетиш ва ривожланишларни тадқиқ қилиш, дostonчиликнинг стадиал ривожланиш босқичларини тайинлаш фольклоршунослигимиз олдидаги муҳим илмий вазифалардир. Бундай вазифаларни бажариш жуда катта тайёргарлик кўришни, кенг планда қиёсий-тарихий ва типологик тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Ўз навбатида, бу тип текширишлар халқ дostonларининг конкрет яратилиш даврини белгилаб, уларнинг кўп асрлик мунтазам оғзаки эпик анъаналар шароитида жонли ижрода актив ва пасив яшаш формаларини аниқлашга ёрдам беради.

ДОСТОНЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбек халқ дostonлари узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ҳозир қўлимизда мавжуд бўлган дoston намуналари узоқ даврлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум талаб ва эҳтиёжлари билан борлиқ ҳолда ўзгариб келганлиги шубҳасиз. Бундай ўзгаришлар, трансформациялар дoston жанрининг ҳам мазмуний, ҳам шаклий жиҳатларида юз берди. Бироқ тарихий тараққиёт ҳамма ижтимоий формацияларда ҳам бир хил интенсивликда, бир хил даражада юз бермаган: айрим даврларда гуруллаб ўсиш жараёни содир бўлса, баъзан турли хил объектив сабаблар туфайли у бир даража турғунлик, ҳатто орқага чекиниш ҳолларини ҳам кечирди. Ҳозир фольклористикамиз ихтиёридаги эпос намуналари ўз табиати жиҳатидан шу қадар синкретик,

шу қадар қатламларга бой характерга эгаки, ундаги у ёки бу ижтимоий-тарихий реликтларга қараб ўзбек эпосининг умумтадрижий этапларини аниқлаш ва бу масалада объектив хулосалар чиқариш анча қийин.

Ҳозирга қадар турли халқлар эпосининг тарихий тараққиёт этапларини аниқлашга бағишланган бир қанча тадқиқотлар, илмий мақолалар эълон қилинганлигига²⁹ қарамай, уларнинг ҳаммасида ижтимоий-тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳолда чиқарилган хулосаларнинг деярли барчаси гипотетик характер касб этади. Чунки қадим замонлардан буён инсоният ўз орзу-истакларини фақат эпос орқали куйлаб келади. Агар ижтимоий-эстетик нуқтаи назардан бу масалага назар ташланса, халқ эпосининг тарихи мифологик, классик ва реалистик эпос каби уч катта даврга бўлиниб текширилиши лозим. Чунки бу уч давр инсониятнинг воқеликни образли акс эттиришининг уч муҳим босқичига тўғри келади. Бундан ташқари, инсоннинг воқеликка бўлган эстетик муносабатидаги бу уч босқич деярли барча халқлар учун ҳам хос бўлган типологик ҳодиса ҳисобланадики, бундай кенг миқёсдаги текшириш у ёки бу халқнинг эпоси табиатида содир бўлган ўзига хос барча ўзгаришларни тўлақонли очиб бера олмайди. Масалан, ўзбек халқи ҳам ўз бошидан мифологик эпос даврини кечирган. Лекин мифологик эпосга алоқадор бирон-бир намуна бизга қадар етиб келмаган ёки бирон-бир фольклористик материаллар таркибида қайд этилмаган. Шундай экан, ўзбек мифологик эпоси ҳақида бирор эътиборга лойиқ фикр айтиш амри маҳол. Бинобарин, инсониятнинг эстетик тафаккури тарихидаги бу уч муҳим босқични инкор этмаган ҳолда ўзбек халқ эпосининг тарихий тараққиёт этапларини ўзига хос такрорланмас ҳодиса сифатида бевосита ўзбек халқининг этногенетик тарихи билан боғлаб тадқиқ этиш объектив хулосалар беради.

Халқ эпоси ва унинг тарихий тараққиёт босқичларини, гарчи фаразли бўлса-да, белгилашда тадқиқотчи ўз имкониятлари, тўплаган фактик материалларига қараб турлича ёндашиши мумкин. Масалан, агар эпос етарлича материал берса, эпос намуналаридаги мотивлар ва уларнинг тарихий асосларини аниқлаш бу масалада ишончли хулосалар бера олади. Бироқ эпос таркибидаги ҳар бир мотив турли даврларда ўз бошидан турли хил трансформацияларни кечириб келганки, бу нарса бир ёки бир неча мотивга таяниб халқ эпосининг умумтарихий тараққиёт босқичларини аниқлашга имкон бера олмайди. Қолаверса, ҳозирга қадар ёзиб олинган эпоснинг аксарият намуналари, асосан, эпоснинг гуруллаб ривожланиш даври тугаб, аста-секин сўниш томон юз тута бошлаган бир даврда ёзиб олинган. Нисбатан қадимийроқ давр-

²⁹ Пропп В. Я. Основные этапы развития русского героического эпоса. М., 1958; Яна ўша: Русский героический эпос. М., 1958; Зарифов Х. Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш». — Сб. «Об эпосе «Алпамыш». Ташкент, 1959; Жирмунский В. М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше. — Сб. «Об эпосе «Алпамыш». Ташкент, 1959.

ларда ёзиб олинган текстлар деярли йўқ. Кейинги даврларда ёзиб олинган текстларда эса айрим қадимий мотивларнинг тарихий илдизлари бутунлай исиз йўқолиб кетган. Шу сабабли эпос тарихий тараққиётининг барча этапларини мотивларнинг тарихий-ҳаётий илдизлари орқали белгилаш имконияти ҳам масалани ҳар томонлама тадқиқ этишга монелик қилади.

Демак, эпос тарихий тараққиёти ва ривожланиш этаплари диахроник аспектда олиб борилувчи тадқиқот бўлишига қарамай, тадқиқотчига диахроник таҳлил юритиш имконини бера олмайди.

Эпосдаги образлар системаси, уларнинг табиати ва тарихий ўрнига қараб ҳам эпоснинг тарихий тараққиётидаги у ёки бу этаплари хусусида фикр юритиш мумкин. Бироқ бундай йўл тутиш ҳам охир оқибатда юқорида айтилган уч босқич—мифологик, классик ва реалистик эпос хусусидаги фикрларга олиб келади. Демак, бундай йўл тутиш ҳам мазкур масалада ўзини тўла оқлай олмайди.

Айрим ҳолларда эпоснинг тарихий тараққиёт босқичларини ижтимоий-иқтисодий формациялар билан боғлиқ ҳолда ҳам белгилаш мумкин. Бироқ ўзбек халқ эпосининг тараққиёт босқичларини бундай йўл билан аниқлаб бўлмайди. Чунки эпоснинг у ёки бу ижтимоий формацияга хос конкрет намуналарининг йўқлиги, бир ижтимоий-иқтисодий формация доирасида ҳам халқ эпосининг табиатида турли хил миқдорий-сифатий ўзгаришларнинг юз бериши ўзбек дostonчилиги тарихий тараққиёт этапларини белгилашда эффектив натижа бермайди.

Эпоснинг тарихий тараққиёт этапларини белгилашда ҳозирга қадар бирдан-бир тўғри ва самарали йўл эпос мансуб бўлган халқ тарихи билан бевосита алоқадор ҳолда иш тутиш ҳисобланади. Бунда эпосда акс этган даврлараро қатламлар меъёрини, унинг таркибида сақланиб қолган турли тарихий релектларни ҳисобга олиш билан бирга халқ ҳаётидаги, жамият тарихидаги катта-катта тарихий бурилишлар, улкан ижтимоий ўзгаришлардан ҳам келиб чиқиш керак бўлади. Демак, эпос тарихий тараққиётининг асосий босқичларини изчил тарихийлик принципларига таяниб белгилаш зарур. Бу ҳол эпос табиатида одатда юз берувчи майда, иккинчи даражали ўзгаришлар асосида эмас, аксинча, унинг ривожланиш этаплари, яъни стадиал ривожланишига қараб иш тутишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бундай йўл тутиш юқорида қайд этилган йўллардан мураккаб ва айни пайтда нисбатан самарали ҳисобланади.

Маълумки, ўз вақтида улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский умумадабий жараённинг тарихий тараққиётини халқ ҳаёти, ижтимоий тараққиёт билан бевосита алоқадорликда текшириш лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб кўрсатган эди. Унинг фикрича, ҳар қандай халқнинг поэзияси унинг тарихи билан ўзаро мустаҳкам мутаносибликда бўлади: поэзияда ҳам, тарихда ҳам халқнинг сирли руҳий олами бир хилда ифодаланган, шунинг учун

ҳам унинг тарихи поэзияси билан, поэзияси эса тарихи билан изоҳланиши мумкин³⁰.

Принцип жиҳатдан қаралганда, фольклор умумодабий жараёнининг бошланғич босқичи сифатида қаралиб келинади. Бироқ бу нарса халқ эпосининг тарихий тараққиёт этапларини ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар бўлган даврини алоҳида, ёзма адабиёт пайдо бўлган даврдан кейинги тараққиёт этапларини ёзма адабий жараён босқичларига қараб даврлаштиришга ҳуқуқ бера олмайди. Фольклор, хусусан, халқ эпоси, ёзма адабиёт, ёзма эпос пайдо бўлгандан кейин ҳам ўзининг мустақил яратилиш ва яшашида давом этди. Демак, халқ эпосининг ҳаммавақт ҳам ўзига хос тараққиёт жараёни борки, бу нарса халқ эпоси тарихий тараққиётининг этапларини белгилашда ёзма адабий жараён ривожининг этаплари бизга материал бера олмаслигини англатади.

Модомики, халқ эпосининг тарихий тараққиёт этаплари халқ тарихи билан бевосита алоқадорликда белгиланар экан, эпоснинг объектив воқеликни акс эттиришидаги тарихийлик принциплари га жиддий эътибор бериш керак.

Маълумки, халқ эпосида тарихийлик ёзма адабиётдаги тарихийлик принципларидан фарқ қилади. Чунки халқ эпоси халқ ҳаётини бутун икир-чикирлари билан эмас, балки ҳаётдаги улкан ўзгаришлар, кескин бурилишлар нуқтаи назаридан ҳам акс эттиради, яъни кескин стадиял тасвир характери га эга. Демак, халқ эпосидан у ёки бу конкрет давр, воқеалар ёхуд шахслар тарихини қидириш мумкин эмас. Биз мана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўзбек халқ эпосининг тараққиёт этапларини белгилашда мавжуд фактик материалларни стадиял-хроникал тартибда истифода этдик. Бундай йўл тутиш, ўз навбатида, ўзбек эпосининг у ёки бу даври учун лозим бўлган ўн, йигирма, юз, ёхуд икки юз йиллик тарихини изоҳлашдан қутқаради.

Ўзбек халқ эпоси ўзбек халқининг этногенетик тарихи билан боғлиқ ҳолда тараққий этганлиги ўз-ўзидан аён. Бироқ Урта Осиё халқларининг X асрга қадар бўлган эпик мероси умумтуркий халқларнинг муштарак мероси ҳисобланади. Бинобарин, X асрга қадар, яъни Қорахонийлар давригача бўлган эпос тараққиётининг босқичлари ҳақида сўз кетганда, биргина ўзбек халқ эпоси эмас, балки умумтуркий эпос назарда тутилади.

Мавжуд тарихий, адабий материалларни синчиклаб кузатиш туркий халқлар эпосининг энг қадимги тараққиёт босқичини сак, массагет, дах каби қабилаларнинг ҳукмронлик қилиш давридан бошлаб белгилашга имкон беради. Албатта, бу даврга қадар ҳам Урта Осиё территориясида яшаган қадимги қабилаларнинг ўз эпоси мавжуд бўлган. Бироқ бу ҳақда фактик материалларнинг йўқлиги сақлардан олдинги ибтидоий даврлар эпоси хусусида фикр юритиш имконини бера олмайди.

³⁰ Белинский В. Г. Полн. собр. соч. Т. V. М., 1954, с. 328.

САК ЭПОСИ

Сак эпоси ўз ичига тахминан эрамиздан олдинги VIII асрдан бошлаб эрамизнинг V асригача бўлган катта даврни қамраб олади.

Маълумки, сак қабилалари ўз таркиби жиҳатидан турлитуман бўлиб, улар айрим манбаларга кўра, дастлаб, Жунғорияда яшаганлар. Кейинчалик хунлар сиқуви остида Жунғориядан Сирдарё бўйларига кўчиб келганлар. Бу ўринда биз сак қабилаларининг Ўрта Осиёга қандай ва қачон келиб қолганлиги масаласига тўхталиб ўтирмаймиз. Бу биринчидан, бизнинг тадқиқотимиз доирасидан ташқари бўлса, иккинчидан, бундай улкан масалани кичик бир мақола доирасида ҳал қилиб бўлмайди. Аммо қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, сак, массагет қабилалари, бизнингча, жуда қадим замонлардан буён Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида яшаб келадилар. Хоразмийлар, апаснаклар, яъни «сув саклари» Хоразмнинг шимолий чегараси бўйлаб Узбойдан Жангдарёга қадар бўлган территорияда жойлашган бўлса, хаумаварга-саклар, амюргий-саклар, яъни «тоғ ва текисликлар саклари» Хоразмнинг жанубий-шарқий чегараларидан тортиб Нурота тоғларигача бўлган территорияда, дербиклар ўрта Амударё, ҳозирги Чоржўй ва Бухоро оралиғида, тохарлар ёки дахлар Қувондарё атрофларида, яъни, асианлар, усунлар, яксартлар ҳозирги Туркистон шаҳридан Тошкентга қадар бўлган территорияда яшаганлар. Фарғона водийси ҳам қадимдан сак қабилалари яшаган катта территориялардан бири ҳисобланади³¹.

Демак, сак, массагет қабилалари уюшмаси Ўрта Осиё халқларининг қадимги ота-боболари ҳисобланадилар. Улар ҳам кўчманчи чорвадор, ҳам ўтроқ ҳолда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Сак ва массагет қабилалари жуда ҳам мард, жасур бўлиб, душманга қарши ҳам отда, ҳам пиёда жанг қилганлар³². Дастлаб Амударё асосий тармоғи Узбой орқали Каспий денгизига қуйилган. Мана шу дарёнинг ўнг қирғоғи Турон, чап қирғоғи Эрон деб юритилган. Эрамиздан олдинги Эрон ҳукмдорлари, асосан аҳмонийлар, сак, массагет қабилаларига қарши бир қанча босқинчилик урушлари олиб борганлар. Бу урушлардан эса икки мақсад назарда тутилди: биринчиси — сак, массагетларни ўз ҳукмронлигига олиш ва шу орқали бир умр уларнинг хавфидан қутулиш; иккинчиси — сак ва массагет қабилалари қўлида бўлган территориядан ўтган Гиркония, Парфия, Ариана, Маргиёна, Бақтрия ва Сўғдни бирлаштириб турувчи муҳим йўллارни қўлга киритиш. Мана шу мақсад Аҳмоний ҳукмдорларни сак, массагет

³¹ Толстов С. П. К вопросу о протохорезмской письменности. М., 1947, с. 99; Яна ўша; Древний Хорезм (Опыт историко-археологического исследования). М., 1948, с. 244; Яна ўша; Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964, 112—117-бетлар.

³² Геродот. История в девяти книгах. Издание 2-ое. Т. I. М., 1888, с. 113—114.

қабилалари устига қайта-қайта ҳарбий юришлар қилишга мажбур этди. Сак қабилалари эса, ўз навбатида, Аҳмоний ҳукмдорларнинг босқинчиликларига қарши кураш олиб борганлар. Бу курашлар эса бевосита сак эпоси асосида ёгувчи тарихий воқеалар ҳисобланади. Демак, қадимги сак эпосининг характери чет эл босқинчиларига қарши курашни акс эттирувчи қаҳрамонлик эпосидан иборат бўлган. Биргина фактга мурожаат этайлик.

Эрон шоҳи Қир Урта Осиёдаги кўчманчи сак қабилаларига қарши босқинчилик урушини бошлайди, аммо муваффақиятсизликка учраб, эрамиздан олдинги 529 йилда ўлдирилади. Айрим тарихчиларнинг хабар беришича, массагетлар Қир ва унинг қўшинларини мамлакатнинг ичкарасига қадар олиб кирадилар, сўнгра уни ўраб олиб, каттагина қисмини қириб юборадилар³³. Биргина мана шу тарихий фактнинг афсона шаклида етиб келган садолари мавжудки, гарчи улар биз тасаввур этган эпос шаклида бўлмасалар ҳам, аммо ўзларининг қаҳрамонона мазмуни, руҳи ва характери жиҳатидан қадимги сак эпосининг асосий ядросини ташкил этиши шубҳасиз.

Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» асарида хабар беришича, сак, массагет қабилаларида уч ҳукмдор лашкарбоши — Сакесфор, Умарг ва Тамирис — бўлиб, улар алоҳида-алоҳида сак қабилаларига бошчилик қилганлар³⁴. Булардан Тамирис — Тўмарис массагетлар қабиласининг подшоҳи эди.

Геродотнинг хабар беришича³⁵, массагетлар қабиласи устидан марҳум шоҳнинг беваси Тўмарис ҳукмдорлик қилар эди. Эрон шоҳи Қир унга уйланиш баҳонаси билан массагетлар ҳукмдорлигини қўлга киритишни ўйлаб, совчилар жўнатади. Бироқ Тўмарис унинг ёвуз ниятини фаҳмлаб рад жавобини беради. Шундан сўнг Қир қўшинлари массагетлар юртига қараб юриш бошлайдилар ва Амударёдан (Геродотда Аракс) ўта бошлайдилар. Тўмарис Қирга элчи юборади. Агар Қир ўз фикрдан қайтмайдиган бўлса, бутун массагетлар дарёдан уч кунлик йўл узоқлашиб туришни, бу муддатда Қир қўшинлари дарёдан бемалол ўтиб олишлари мумкинлигини ёки массагетлар Амударёнинг Қир қўшинлари турган қирғоғига ўтиши ва ҳалол жанг орқали ўз ватанларини ҳимоя қилажакларини билдиради. Тўмариснинг бу хабаридан сўнг Қир ўзининг яқинлари билан маслаҳатга йиғилади. Шунда Миряя шоҳи Крез: — Агар биз Тўмарис қўшинларини дарёнинг бу томонига ўтказсак, массагетларни енгишимиз амри маҳол, аёл кишидан енгилиш эса Қир учун жуда ҳам шармандали. Шунинг учун биз ўз қўшинларимиз билан Тўмарис томонига ўтиб, ҳийла билан уларни қўлга олишимиз лозим. Форс ҳаёти ва лаззатларидан беҳабар бўлган массагетлар учун катта зиёфат тайёрлаймиз ва жангга яроқсиз бир қисм лашкарни лагерда

³³ Дьяконов М. М. Очерк истории древнего Ирана. М., 1961, с. 77—78.

³⁴ Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.—III в. н. э.). Хрестоматия. Под ред. Л. В. Баженова. Ташкент, 1940, с. 34—35.

³⁵ Геродот. История в девяти книгах. Т. I. М., 1888, с. 108.

қолдириб, ўзимиз дарёга чекинамиз. Ана шунда улар келиб лагерни қўлга олади ва зиёфатдан маст бўлиб қоладилар. Биз пайтдан фойдаланиб уларни осонлик билан қўлга киритамиз,— дея маслаҳат беради.

Маслаҳат Кирга маъқул тушади. Тўмарис ўз ваъдасига мувофиқ дарёдан уч кунлик масофага чекинади. Эрон қўшинлари дарёдан ўтиб олади. Ўша кеча Кир туш кўради. Тушида Аҳмонийлар хонадонининг намояндаси Гистаспнинг ўғли бир қаноти билан Осиёга, бир қаноти билан Европага соя солиб тирганмиш. Гистаспнинг ўғли Доро ёш бўлганлиги учун Эронда қолдирилган эди. Кир уйғониб, ўз тушининг таъбирини кўп ўйлайди ва дарҳол Гистаспни ўз олдига чақиртириб айтади:— Сенинг ўғлинг менга қарши уюштирилаётган фитнага алоқадор. Бу ҳақда худолар менга олдиндан хабар бердилар. Тушимда сенинг ўғлинг бир қаноти билан Осиёга, бир қаноти билан Европага соя солиб турибди. Бу нарса сенинг ўғлинг менга қарши ёмонликни ўйлаётганидан далолат беради. Шунинг учун сен дарҳол Эронга қайтгин ва ўғлингни менинг қошимга жавобгар сифатида етказ.

Кир ўз тушини нотўғри йўяди. Қолбуки, бу тушида худолар Кирнинг массагетлар тупроғида ўлажаги ва бутун ҳукмронлик Доро қўлига ўтажagini олдиндан маълум қилган эдилар.

Гистасп ўрнидан туриб Кирга қуйидагича жавоб беради:— Сенга қарши ёмонликни кўзлаган форс тил тортмай ўлсин. Форсларни қўлликдан озод қилиб, жами халқлар устидан ҳукмронлик қилишга ҳуқуқ берганларгина сенга ёмонликни кўзлайди. Агар ҳақиқатан менинг ёшгина ўғлимнинг сенга ёмонлик кўзлаётганига ишонсанг, мен уни қўлингга келтириб бераман. Нима хоҳласанг, шуни қил.

Шундай қилиб, Гистасп Эронга жўнаб кетади. Кир эса, Крез айтганидек, ҳийла уюштириб орқага чекинади. Мана шу пайтда массагет қўшинлари урушга яроқсиз Кир қўшинларига ташланадилар ва уларни ҳеч қийинчиликсиз янчиб ташлайдилар. Лагерда зиёфат уюштирилганлигини кўриб, галабани нишонлаш мақсадида у ерда кўп ичиб маст бўлиб қоладилар. Кирнинг асосий қўшинлари бу ҳолатдан фойдаланиб, уларни асирга туширадилар. Булар орасида Тўмариснинг ўғли лашкарбоши Спаргапис ҳам бор эди.

Бу воқеадан хабар топган Тўмарис Кирга элчи орқали қуйидагича мазмунда хат жўнатади: «Сен менинг ўғлимни жангда ҳалол, баҳодирларча уруш қилиб қўлга туширганинг йўқ. Сен уни фақат ҳийла билан қўлга олдинг. Яхшиликча менинг ўғлимни ва унинг аскарларини қайтариб бериб, соғ-саломат Эронга қайтиб кет. Агар сен менинг бу айтганларимни қилмасанг, массагетлар тағриси қуёш номи билан қасам ичиб айтаманки, мен сенинг қонга чанқоқлигингни қондираман».

Кир Тўмарис элчиларининг бу сўзларига эътибор ҳам бермайди. Спаргапис ҳушёр бўлиб, қўлини кишандан озод қилишни

Кирдан сўрайди. Кир унинг истагини бажаради. Шунда Спаргапис ўзини ўзи ўлдиради. Шундан сўнг Тўмарис барча ҳарбий кучларини тўплаб, Кир қўшинлари устига юриш бошлайди. Икки ўртада жуда қаттиқ жанг бошланади. Эрон қўшинларининг кўп қисми жанг майдонида ўлади, Кирнинг ўзи ҳам жангда ҳалок бўлади, массагетлар ғолиб чиқадилар. Шунда Тўмарис бир мешни инсон қони билан тўлдириб, Кирнинг калласини солади ва унга қараб дейди:— Мен сенинг устингдан ҳалол жангда ғолиб чиқдим. Сен эса маккорлик билан ўғлимдан жудо қилиб, мени оғир жафога қўйдинг. Шунинг учун мен сени ўзинг таҳдид қилган қон билан тўйдираман³⁶.

Урта Осиё территориясида яшаган сак, массагет қабилалари ҳаётидан олинган бу воқеа бизга фақат афсона шаклида³⁷ етиб келган бўлишига қарамай, унда туркий халқлар эпосига хос бир қанча реликтлар мавжудлиги диққатни жалб этади. Шунга ўхшаш яна «Широқ», «Аморг ва Спаретра», «Зариандр ва Одатид», «Стриангей ва Заринея» каби афсоналар мавжудки, улар Полиэн, Диодор, Ктесий, Полисий каби юнон тарихчиларининг асарларида келтирилади. Бу афсоналарнинг барчаси устида тўхтала олмаймиз. Энг муҳими шундаки, қадимги массагет ва сак қабилаларининг эпоси қаҳрамонлик эпоси характерида бўлиб, уларда ватанпарварлик, мардлик, вафодорлик каби хислатлар улугланган. Бахтга қарши, ана шу даврларга мансуб бирорта ҳам эпос намунаси бизгача етиб келмаганлиги сабабли, сак эпосининг ғоявий-бадий жиҳатлари ҳақида фикр юрита олмаймиз.

— Юқорида сак эпоси асосида ётувчи тарихий-ҳаётий воқеаларга асосланиб, сак эпосининг қаҳрамонлик характериға эга эканлиги хусусида гапирган эдик. Лекин ана шу қаҳрамонлик характерининг ҳаққонийлигини тасдиқловчи биронта эпос намунаси бизга қадар етиб келганми? Ҳа, етиб келган. Лекин эпосга хос у реликт ҳам айнан эпос шаклида эмас, балки мазмунан етиб келган. Бу қолдиқни таҳлил этишга ўтишдан олдин эпосга хос тасвирнинг тарихийлик принципи масаласига яна қисқача қайтиш лозим.

³⁶ Геродот. История в девяти книгах. Т. I. с. 108—113.

³⁷ Геродотнинг «Тарихи»да келтирилган бу афсона ўзининг тарихий асослари жиҳатидан қатъи назар, шу пайтга қадар турли дарслик ва илмий асарларда қаҳрамонлик эпоси, қисса тарзида таҳлил этилиб келинади. Ҳолбуки, бу афсонада қадимги сак, массагет қабилалари ҳаёти ҳақида қисқача тарихий ахборотгина сақланиб қолган бўлиб, уни халқ қаҳрамонлик эпоси сифатида таҳлил қилиш мумкин эмас. Чунки эпос, биринчидан, ҳаётни бадий йўсинда акс эттиради, демак, унинг ўзига хос бадий шакли мавжуд, афсонада эса бу нарса йўқ. Иккинчидан, эпос воқеликни ўзига хос тарихийлик принципи асосида акс эттиради, яъни унда тарихий воқелик конкрет-ҳаётий нисбатда эмас, балки тарихий-бадий нисбатда акс этади. Бу айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Тўмарис ва Широқ афсоналари Урта Осиё халқлари қадимги эпосининг характерини, уларнинг айрим ҳаётий-тарихий асосларинигина ўзларида ташийдилар. Биз афсоналарнинг «қисса» атамаси билан юритилишига ҳам қўшила олмаймиз. Чунки «қисса» ҳам ўзига хос адабий-бадий жанр бўлиб, унинг ҳам ўзига хос шаклий компонентлари мавжуд.

Эпос — халқ ҳаётининг бадий солномаси бўлиб, у ҳаётни реал-конкрет деталлар, фактлар асосида эмас, аксинча, ҳаётӣ ҳақиқатга халал бермаган ҳолда воқеликни бадий образлар воситасида акс эттиради. Шундай экан, эпосга хос мавжуд реликтлардан ёки маълум тўлақонли эпос намунасида конкрет тарихий воқеаларни, унинг иштирокчиларини айнан ҳаётдагидек изчил ва конкретликда қидириш жуда катта чалкашликларни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, биз эпосни тарихнавислик билан бир қаторга олиб бориб қўямиз. Демак, эпос воқеликни мантиқий изчиллигига зарар етказмаган ҳолда ўзига хос бадий мантиқ нуқтаи назаридан акс эттиради. Бундан ташқари, бир яратилган эпос намунаси жонли ижрода бир неча юз йиллаб яшайди. Ижтимоӣ ҳаётдаги ижтимоӣ-сиёсий воқеалар, кўпинча, ғоявий тазйиқлар остида эпос ўзининг соф инсоний идеалларни куйлашини сақлаган ҳолда турли хил трансформацияларни ўз бошидан кечириб боради, айрим ҳолларда у ўзининг энг дастлабки ғоявий-бадий коэффицентига қарама-қарши бўлиб қолади. Эпос табиатида ижтимоӣ ҳаёт талаби билан юз берувчи трансформациялар, энг аввало, эпос таркибидаги мотивлар табиатида, қаҳрамонлар состави ва характерида юз беради. Худди мана шу нуқтаи назардан Тўмарис афсонаси билан бизга қадар фақат мазмунан етиб келган «Ойсулув» достонини³⁸ қиёслаш жуда ҳам ўринлидир.

Бизнингча, «Ойсулув» гарчи дoston шаклида кейинроқ юзага келган бўлса ҳам, бироқ ўзининг ҳаётӣ-тарихий асослари билан Тўмарис афсонасига бориб тақалади. Бошқача қилиб айтганда, «Ойсулув» дostonнинг генезиси Тўмарис афсонаси ҳисобланади. Бироқ дostonнинг кейинроқ юзага келганлиги, халқ — эпос ижодкори ўртасида бизга маълум тарихий изчилликнинг йўқлиги, қолаверса, Эрон ҳукмдорларининг кетма-кет босқинчилик урушлари натижасида дostonда Эрон подшоҳи Кир эмас, балки ундан кейин Урта Осиёга бостириб кирган шоҳ Доро номи билан берилади. Мана шу фактнинг ўзи эпосдаги тарихийлик принцип-ларига мос келувчи трансформацияларни тўла тасдиқлайди. Бу трансформация куйидаги жиҳатлар билан изоҳланади.

Эрон ҳукмдорларидан Урта Осиёга бостириб кирган Кир енгиледи ва ўзи ҳам жангда ҳалок бўлади. Бу — инкор қилиб бўлмас тарихий ҳақиқат. Халқ эпоси, ўз навбатида, бундай унутилмас воқеани ўзида акс эттирмай қўймас эди. Чунки қаҳрамонлик эпосининг асосий мақсади, ҳаётӣ зарурати ҳам шунда (яъни, халқ ўз ижодида, айниқса эпосда, ўзининг энг олижаноб, энг ўзал, муқаддас идеалларини акс эттиради). Шундай экан, босқинчи Кирнинг ўлдирилиши сак эпосида дастлаб тўла акс эттирилган деб фарз қилиш лозим. У ҳолда нега «Ойсулув» дostonида Кир эмас, балки Доро образи акс эттирилган, деган савол

³⁸ Олдин эслатганимиздек, дoston мазмуни Эргаш шоирдан 1937 йил январь ойида Ҳоди Зариф томонидан ёзиб олинган.

туғилиши мумкин. Бунинг моҳияти шундаки, Доро ҳам сак халқлари учун Кирга ўхшаган босқинчи подшоҳ. Бундан ташқари, у Кирдан фарқли ўлароқ, сак халқларини ўзига бўйсундирган фотиҳ ҳам. Демак, у халқ идеалида Кирдан кўра минг чандон нафратга лойиқ. Уни халқ ўз ижодида албатта ўлимга маҳкум этади. Мана шунинг учун дастлаб эпосда ўз аксини топган Кир ўрнига, Парфияда Александр Македонский қўшинларидан қочиш пайтида ўз сатраплари томонидан ўлдирилган Доро акс эттирилади³⁹. «Ойсулув» достонида Кунботир томонидан калласи олинган Доро тарихан ўз сатрапининг ханжаридан ҳалок бўлган. Юқоридагиларга таяниб қуйидагича тахмин қилиш мумкин: Кир образи табиатида юз берган трансформация марказий турк ҳоқонлиги даврида, яна ҳам аниқроғи, араб истилолари арафасида юз берган. Чунки аста-секин яқинлашиб қелаётган янги босқинчилик урушлари халқ идеалида бир босқинчини ўлдириб, унинг устидан тантана қилиш орзу-ҳавасларини уйғотади. Бу истак эса халқнинг сўнмас қўшиғи — эпосда амалга ошади ва ўз навбатида, уни қаҳрамонликка ундайди. Демак, эпос учун халқ ҳаётидаги улкан тарихий воқеаларни, ғалабаларни тасвирлаш ва мана шу орқали бутун оммани қаҳрамонликка ундаш муҳимдир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, «Ойсулув» достонида ўлдирилган шохнинг Кир ёки Доро эканлиги у қадар аҳамиятсиздир. Эпос учун босқинчи шохнинг калласи олинishi муҳим. Бу ўринда шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, агар ҳақиқатан ҳам тарихда босқинчи шохнинг калласи олинмаганда эди, бундай тасвир эпосда умуман учрамас эди. Тарихда бундай воқеа Кир билан боғлиқ ҳолда юз берган экан, демак, «Ойсулув»даги калласи олинган шохнинг Доро дейилиши эпос табиатида узоқ тарихий муддатда юз берган трансформациядан иборат.

«Ойсулув» достонининг генетик жиҳатдан Тўмарис афсонаси билан боғлиқлигини тасдиқловчи муҳим факторлардан бири дoston ва афсонада келтирилган образларнинг бир-бирига яқинлиги ҳисобланади. Жумладан, афсонада массагетларнинг қабила бошлиғи Тўмарис, дostonда эса Турон мамлакатининг подшоҳи Ойсулув тасвирланади. Бунда ўхшаш жиҳатлардан бири афсона ва дostonдаги бош образларнинг жинс ҳамда мавқе жиҳатдан бир хил даражада туриши ҳисобланади. Бироқ эпосга хос тасвир конкрет тарихий шахсни ўз номи билан қаҳрамон сифатида қабул қила олмаслиги билан белгиланади. Қолаверса, афсонадаги массагетлар мамлакатининг ҳам тарихий конкретликда олинмаслиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Маълумки, қадимги Урта Осиё ва Эрон халқларининг эпосида (хоҳ аҳмонийлар бўлсин, хоҳ сосонийлар бўлсин) сак қабиалари билан эрон шохларининг уруши икки катта мамлакатнинг уруши сифатида тасвирланади. Бу мамлакатлар эса Эрон ва Турон деб юритилган. Бу нарса Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома»сида ҳам ўз аксини

³⁹ Дьяконов М. М. Очерк истории древнего Ирана. М., 1961, с. 146.

топган. Демак, қадимги Урта ва Яқин Шарқ халқларининг эпосидаги эпик макон тасвирида учровчи ҳолат қадимги сак эпоси учун ҳам типологик ҳолат ҳисобланади. Мана шунинг учун «Ойсулув» дostonидаги эпик маконлар Эрон ҳамда Турон деб олинган.

Тўмарис афсонаси ва «Ойсулув» дostonининг бир генетик асосга боғлиқлигини бошқа образларнинг ўхшашлиги ҳам тасдиқлайди. Масалан, афсонадаги Тўмариснинг ўғли Спаргапис дostonда Ойсулувнинг ўғли Кунботир сифатида, мидия шоҳи Крез эса кўса образи сифатида берилган.

Афсонада келтирилган воқеалар тафсилоти эса «Ойсулув» дostonида кучли трансформацияга учраган ҳолда тасвирланган. Масалан, афсонада Қир жангда ўлади, Тўмарис унинг калласини қон тўлдирилган мешга солади, дostonда эса Доронинг калласи Кунботир томонидан танасидан жудо қилинади. Бу тасвирдаги асосий ўхшатиш деталь, ҳар икки ҳолатда ҳам, боқинчининг калласи танасидан жудо қилинишидан иборат.

Агар афсонада Спаргапис ўзини ўзи ўлдирса, дostonда Кунботир Қайсарнинг қизи Офтобой томонидан озод қилинади. Бу деталь эса эпосга хос тасвирнинг ўзига хос йўсини, воқеликни акс эттиришдаги эстетик принциплар мавжудлигини кўрсатади. Чунки халқ идеалидаги образ ўзини ўзи ўлдирмаслиги лозим. Мана шундай вазиятда қаҳрамон бирор восита билан бандиликдан озод бўлиши шарт. Бандиликда ётган қаҳрамоннинг рақиб томонидagi гўзал малика ёки унинг канизлари томонидан озод қилиниши мотиви мана шу талаб асосида эпосда мустаҳкам анъана сифатида сақланиб қолган. Масалан, «Алпомиш»да шоҳ қизи кўмаклашади, «Юсуф билан Аҳмад»да зиндонбоннинг қизи, «Ойсулув»да эса лашкарбоши Қайсарнинг қизи ва ҳоказо.

Демак, тарихий воқеликнинг ҳақиқатга зид тарзда эпосда акс этиши объектив воқеликнинг халқ эпосида ўзига хос нисбатда тасвирланишини белгилловчи муҳим томонлардан бири ҳисобланадики, эпосдаги тарихийликни тадқиқ этишда бу факторга жиддий эътибор бериш зарур. Ҳеч қачон эпосдан конкрет тарихни қидириб бўлмайди.

Конфликтнинг айнан бир хил характери, сюжет йўналишидага ўхшашлик, турли хил трансформациялардан қатъи назар образлар ва уларнинг моҳияти, функциясидаги аналогик жиҳатлар Тўмарис афсонаси билан «Ойсулув» дostonининг генетик алоқадор эканликларини кўрсатади. Бироқ дoston узоқ тарихий даврларни босиб ўтиб, бизга қадар фақат мазмунан етиб келган экан, унинг табиатида турли даврларга хос қатламларнинг, ўзгаришларнинг учраши табиий бир ҳолдир. «Ойсулув» дostonи эпосга хос ўз шаклини сақлаган ҳолда етиб келганда эди, унинг табиатидаги бундай қатламларни белгилаш мумкин бўларди. Юқоридаги қайдлар эса афсона ва дoston мазмунининг бир-бирига яқин томонлари хусусидаги айрим таққослашларнинг натижасидан иборат. Хуллас, «Ойсулув» дostonи қадимги сак эпосининг намунаси

бўлиб, у сак эпосининг қаҳрамонона ҳарактерини бизга қадар етказиб кела олган дейиш мумкин.

Демак, қадимги Урта Осиё территориясида яшаган сак, массагет, дах каби қабилаларнинг қаҳрамонона ўтмиши, ватанпарварлиги ва мардлиги сак эпосида ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Ўзининг мана шундай чин инсоний фазилатларини улуғлаши туфайлигина унинг реликтлари бизга қадар етиб келган ва кейинги даврлар ўзбек халқ эпосининг ғоявий асосини белгилаб берган.

ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ДАВРИ ХАЛҚ ЭПОСИ

VI асрнинг 60-йилларига келиб эфталитлар ҳокимияти, бир томондан, туркларнинг сиқуви, иккинчи томондан, форсларнинг ҳужумлари натижасида бутунлай қулади. Шундай қилиб, бу даврда жуда катта территорияда турк ҳоқонлиги юзага келди. Мазкур ҳоқонлик составига Урта Осиёнинг деҳқончилик районлари ҳамда «шаҳар давлатлари» ҳам бевосита кирар эди.

VI асрнинг 80-йилларида босқинчилик урушларидан норози бўлган ҳоқонлик таркибидаги халқ катта қўзғолон кўтаради. Марказий Осиёнинг саҳроларида кўтарилган қўзғолон секин-аста Урта Осиё территориясига кўчади⁴⁰. Улар Бухоро яқинидаги Пойкенд шаҳрини ўзларига марказ қилиб оладилар. 586 йилда қўзғолон ҳоқонлик қўшинлари томонидан шафқатсиз равишда бостирилиб, тарихчи Наршахийнинг хабар беришича, унинг ташкилотчиси ва раҳбари Абрўй қовоқ ари тўлдирилган қопга ташлаб ўлдирилади.

Турк ҳоқонлигининг қўшни мамлакатларга қарши тез-тез уруш олиб бориши, ҳокимият ичидаги ўзаро келишмовчиликлар ҳоқонликни бевосита заифлаштириб қўйган эди. Худди мана шундай бир пайтда (588 йилда) турк ҳоқонлигига Баҳром Чубин бошчилигида форс қўшинлари ҳужум қилади. Натижада, ҳоқонлик икки — Шарқий ҳамда Ғарбий қисмларга бўлиниб кетади.

Ғарбий ҳоқонлик таркибига Еттисув, Шарқий Туркистон, Урта Осиё, Оролбўйи ҳамда Каспийбўйи саҳролари киради. Мана шу даврда, яъни VI—VII асрларда, Урта Осиё территориясида турклашиш жараёни кучаяди. Бу жараён Суғд ва бошқа вилоятларда ҳам сезиларли суръатда давом этди.

VII аср охирларига келиб Урта Осиёнинг деҳқончилик районлари жуда майда ҳокимликларга бўлиниб кетади. Илгари биргина ҳоқонликка қарашли бўлган бу территориянинг кичик-кичик «шаҳар-давлат»ларга бўлиниб кетганлиги ва бу ҳокимликларнинг бир-бирларига нисбатан қарама-қарши бўлиши Урта Осиёнинг араблар томонидан истило қилинишини осонлаштирди. 750 йилда эса, ҳозирги Ўзбекистон территорияси бутунлай араблар

⁴⁰ Бу ҳақда қаранг: Дьяконов М. М. Очерк истории древнего Ирана. с. 321—322; Я кубовский А. Ю. Узбек халқининг юзага келиш масаласи ҳақида. Тошкент, 1941, 6—9-бетлар.

ҳукмдорлиги остига ўтган эди. Бу даврда Еттисув турклари араблар учун кучли душман бўлиб чиқди. Улар на Аббосийлар (VIII—IX асрлар), на Тоҳирийлар (IX аср) ва на Сомонийлар (IX—X асрлар) ҳукмдорлигига бўйсунди. X асрнинг охирида Еттисув ҳамда Шарқий Туркистоннинг унга қўшни бўлган вилоятларидан бошланган Қорахонийлар истилоси тез орада бутун Мовароуннаҳрни қамраб олди. Мана шу даврда ўзбек халқи шакллана бошлади.

Маълумки, халқ эпоси кўпроқ халқ ҳаётидаги улкан ўзгаришлар, туб бурилишлар даврида юзага келиб ривожланади. Бундай ўзгариш ва халқ ҳаракатлари авж олган даврлардан бири туркий халқлар тарихида юқорида биз қисқача тўхталган VI—X асрлар ҳисобланади. Ана шу даврларни шартли равишда турк хоқонлиги даври деб юритдик.

Турк хоқонлиги даврининг тарихий жиҳатдан муҳим аҳамияти жуда катта. Турк хоқонлиги туркий тилда сўзлашувчи қабила ва уруғларнинг мустақил бир ҳокимият асосида ҳаракат қилишига имкон берди. Кейинчалик бу хоқонлик қай ҳолатга тушиб қолишидан қатъи назар, у ўз мустақиллигини сақлаш мақсадида душманларига қарши тинимсиз кураш олиб борди. Бу курашлар эса, ўз навбатида, халқ эпосининг юзага келиши учун ҳаётий заминлардан бири вазифасини ўтади. VI—X асрлар туркий халқлар тарихида муҳим роль ўйнаган воқеалардан бири — араб истилолари ва унга қарши кураш ҳисобланади. Бу тарихий шароит халқ эпосининг ривожини учун муҳим ҳаётий манбалардан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Юқоридаги тарихий воқеаларга асосланган ҳолда VI—X асрларда туркий халқларнинг ўзига хос эпоси мавжуд бўлган ва у қаҳрамонлик характеридаги қабила эпосидан иборат эди, деган хулосага келиш мумкин.

Маълумки, турк хоқонлиги таркибига дастлаб тўққизта, кейинчалик йигирма тўртта туркий қабила кирган эди. Ғарбий хоқонлик устидан Истеми, Шарқий хоқонлик устидан эса Бўмин ҳукмдорлик қилади. Моғилон, Култегин, Тўнгюкўк эса бу хоқонликнинг кейинги ҳукмдорлари ҳисобланади. Уларнинг ҳаракатлари натижасида хоқонлик яна тикланади. Худди мана шу уч шахс вафотига бағишланган Ўрхун-Енисей тош битиклари эса ўзида VI—X асрлар туркий халқлар эпосининг жуда кўп хусусиятларини ифодалайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу битиклар кўбун жўрлигида ижро этилишга мўлжалланган, халқ бахшилари иштирокида яратилган улус эпосидан иборат⁴¹. Биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Чунки Ўрхун-Енисей битиклари асосан қабр тошлари битикларидан иборат бўлса, бунинг устига улар конкрет тарихий воқеаларни акс эттирса, қолаверса, улар шаклан эпосдан узоқ турса, у ҳолда нега бу ёдномаларни улус эпоси деб

⁴¹ Конратбаев А. Древнетюркская поэзия и казахский фольклор. АДД. Алма-ата, 1971, с. 16.

аташ лозим?! Бизнингча, бу ёдномаларда турк хоқонлиги даври халқ эпосининг айрим хусусиятлари, тарихий-ҳаётий асослари акс этган, холос. Битикларнинг шаклий тузилишига келганда эса, акад. В. М. Жирмунскийнинг фикрларига тўла қўшиламмиз⁴² ва улар ритмик проза шаклида яратилган деб ҳисоблайммиз⁴³.

В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар ҳам мазкур ёдномаларнинг ёзма адабий анъаналар асосида яратилганликларини таъкидлаш билан бирга, улар ўз руҳи ва айрим жиҳатлари билан қаҳрамонлик эпосининг изларини ташишларини ҳам эътироф этадилар⁴⁴.

Ҳақиқатан ҳам бу ёдномаларда туркий халқларнинг қадимий қаҳрамонлик эпосига хос жуда кўп хусусиятлар мавжуд. Бу хусусиятлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил этиш учун ёдномаларни ҳар томонлама синчиклаб ўрганиш зарур. Масалан, битиклар композицияси эпосга хос композицион тузилиш билан қиёсланса, ёдномада қадимги туркий халқлар эпоси композициясига хос хусусиятлар мавжудлиги кўзга ташланади. Мисол учун Култегин шарафига қўйилган катта ёдгорликнинг композицияси қуйидагича: ёдноманинг 1—5 абзацлари⁴⁵ ўз мазмуни жиҳатидан эпосдаги зачин характерига эга. Уларда турк хоқонлигининг юзага келиш даври, хоқонликнинг мавқеи ва аҳволи ҳақида сўз юритилади. 6—8 абзацларда эса, турклар хоқонининг ўлиши, уларнинг ўрнига авлодларининг ўтириши, бироқ кўрқоқ ва журъатсизлик оқибатида туркларнинг табғач халқига тобе бўлиб қолиши, шу аҳволда эллик йил яшашлари айтилади. 9—14-абзацларда эса туркларнинг ўз шон-шавкатлари, мустақилликларини сақлаб қолиш учун аста-секин истилочиларга қарши исёнкорона кўтарилиш бошлашлари ҳақида гапирилади. Мана шу тариқа битикларда акс эттирилган объектив тарихий воқеалар асосида ётувчи конфликтлар баён этилган.

Умуман, бу ёдномада Билгақоон ҳамда Култегиннинг йигирма бир йил давомида тангутлар (700), чиклар (усунлар) (709), тўққиз татарлар (715), уйғурлар (716), қарлуқлар (717), Лян—Чжау (720), қиданлар (712) ва бошқаларга қарши олиб борган жангу жадаллари акс эттирилган. Ёдноманинг кульминацион нуқтаси турк хоқонлигининг 731 йилда Магиқўрғонда уйғурларга қарши қилган жанг баёни ҳисобланади. Бу жангда Култегин ва унинг 27 ботири ҳалок бўлади. Ёднома мана шу воқеанинг баёни

⁴² Жирмунский В. М. Орхонские надписи стихи или проза?—«Народы Азии и Африки». 1968, № 2, с. 74—82; О некоторых проблемах теории тюркского народного стиха.—Тюркологический сборник. М., 1970, с. 29—68.

⁴³ Ахметов З. К вопросу изучения теории тюркского стиха.—«Советская тюркология». 1972, № 2, с. 80—87; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент, 1978, 88—91-бетлар.

⁴⁴ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947, с. 8—9.

⁴⁵ Барча мулоҳазаларимиз С. Е. Маловнинг «Памятники древнетюркской письменности» (М.—Л., 1951) китоби асосида юритилади.

билан тугайди (50-абзац). 51—53-абзацлар эса, Култегин мотами ва унинг шарафига ёдгорликнинг қўйилиши тарихига бағишланган.

Едноманинг махсус зачин билан бошланиши, сўнг хоқонлик тарихи ва унинг аҳволи, ўша даврга хос асосий эъдиёт, жанг тасвирлари, ниҳоят, халқ раҳнамоси — лашкарбошининг ҳалок бўлиши, унинг шарафига бағишлаб битикнинг қўйилиши, ёднома конкрет тарихий воқеалар туфайли қўйилганлигидан қатъи назар, ўз композицион структураси билан халқ қаҳрамонлик эпосига хос композицион тузилишга жуда яқин туришини сезиб олиш қийин эмас. Бундан ташқари, ёдномадаги воқеалар баёнида баъдий шакл элементлари ҳам мавжуд. Бу нарса, энг аввало, баёнда халқ эпоси учун характерли бўлган сажнинг қўлланилиши билан изоҳланса, ундан кейин ёдномада йиғи-йўқловга хос элементларнинг, яъни эпосга хос турли-туман тасвир характерининг мавжудлигида ҳам намён бўлади. Ёдномада элни босқинчиларга қарши ўз мустақиллиги учун курашга отлангирган шахс (Култегин)нинг қаҳрамонликлари, унинг идеали улуғланади. Бу қадимги турк хоқонлиги даври халқ эпосидаги идеал қаҳрамон ва унинг фаолиятини куйлаш, олқишлаш таъсиридан бошқа нарса эмас. Ёдномадаги қаҳрамон олиб борган жанглари ва уларда жанговар отларнинг тутган ўрни баёни эса бевосита қадимги турк эпоси учун ҳаётий асослардан бири вазифасини ўтаганлиги шубҳасиздир.

Ўқоридаги битиклардан ташқари яна Култегин шарафига қўйилган кичик ёдгорлик (1. VIII. 732) ва Тўнгуқук шарафига 755 йилда ўрнатилган битиклар ҳам мавжудки, улар ҳам ўз характерлари жиҳатидан VI—VIII асрлар турк эпосининг муҳим белгиларини ўзларида ташийдилар. Энг муҳими, бу ёдномаларда акс этган тарихий воқеалар характери ва аҳамияти жиҳатидан бевосита халқ эпосининг юзага келишида тарихий асос вазифасини ўтаганлигидир. Чунки халқ бундай пайтда ўз идеалини амалий курашда рўёбга чиқарса, маънавий жиҳатдан уларни эпосда тараннум этади.

Қисқаси, VI—X асрларда турк хоқонлиги территориясида Култегинга ўхшаш эл севган қаҳрамонларнинг мардлиги ва жасоратини куйловчи катта эпос бўлган. Бу эпос эса XI асрларга қадар ислом таъсирида йўқолган бўлиши керак.

Исломдан олдинги Урта Осиё халқларининг эпосига хос айрим реликтлар XI асрнинг машҳур олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида ҳам келтирилган. У бирор сўзни изоҳлаш мақсадида халқ орасида юрган турли характердаги тўртликларни келтирадики, бу тўртликларнинг аксарияти яхлит бир эпик асарнинг турли ўринларидан келтирилганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Ана шундай тўртликларни мазмунан қоғиштириб, уларнинг бир-бирига алоқадорлигига қараб, проф. Фитрат ўзининг «Энг эски турк адабиёти намуналари» асарида⁴⁶ бир неча

⁴⁶ Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Тошкент, 1927.

эпик асарларни тиклайдики, улар тасвир характери, руҳи, поэтик жиҳатлари, тасвирланган воқеалар мазмуни жиҳатидан халқ эпосига тааллуқли эканлиги сезилиб туради. У тиклаган асарлар қуйидагилардан иборат эди. «Бир уруш майдони ҳақида» (31—39-бетлар, 17 тўртлик), «Овдан урушга» (46—52-бетлар, 12 тўртлик), «Тангут бегининг уруши» (53—57-бетлар, 8 тўртлик), «Уйғурлар билан уруш» (58—60-бетлар, 5 тўртлик), «Уч уруш» (74—78-бетлар, 7 тўртлик).

«Девону луғотит турк» материаллари асосида адабиётшунос М. Иброҳимов ҳам уч асар («Қиш билан ёз мунозараси», «Қутилмаган жанг» ва «Икки хон жанги») тиклайди⁴⁷. Бу ўринда гап «Девон» материаллари асосида тикланган асарларнинг миқдори устида кетаётгани йўқ. Гап шундаки, улар миқдоран қанча бўлишларидан қатъи назар, ҳам шаклан, ҳам мазмунан исломгача бўлган туркий халқлар эпосининг материаллари ҳисобланадилар. Фитратнинг кўрсатишича, бу асарлар милодий VI—VII асрларнинг адабий материалларидир⁴⁸. Номлари зикр этилган асарларни синчиклаб кузатиш, улардаги воқеаларнинг берилиш тарзи, банд тузилиши ва бошқа поэтик жиҳатлари, жанг тасвирлари, қаҳрамон талқини ва унинг воқеалар оқидамида тутган ўрни каби-ларни эпосга қиёслаш бу парчаларнинг қадимги туркий халқлар эпосининг намуналари эканлигини тўла тасдиқлайди.

Номлари келтирилган материаллардан бирини олиб кўрайлик. У Фитратда «Овдан урушга» деб юритилса, М. Иброҳимовда «Қутилмаган жанг» номи билан берилган. Номлаш масаласида биз М. Иброҳимов фаразига тўла қўшилаемиз. Ҳар иккала тадқиқотчи ҳам «Девон» материаллари асосида яхлит эпик асар тикла-салар ҳам, бироқ уларнинг бу тиклаган асарлари бир-бирларидан бир оз фарқли чиқиб қолган. Биз бу икки вариантдан эпик ба-ёндаги, воқеалар боғланишидаги мантиқий изчилликка қараб Фитрат вариантыни танлаб олдик:

تيمىلا حم ئهريك بولدى
 ئهريك بولغويارى كوردى
 بوليت ئوروب كوك ئورنولدى
 تومان ئوروب تولى ياغدى

М а з м у н и:

Менинг шўх, гўзал отим шўхлик қила бошлади,
 Булутлар пайдо бўлиб кўк юзини ёпганда.
 Ҳаво тумонланиб жала ёққанда,
 Менинг отим ҳам шўхлик қилишни ярарлик кўрди.

كەجه توروب يودير ئهردم
 قارا، قزل بورى كوردم

⁴⁷ Иброҳимов М. Ўзбек балладаси. Тошкент, 1974, 45—52-бетлар.

⁴⁸ Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари, 7-бет.

قانتىغ يانى قورا كوردم
قايا كوروب باقو آغدى

М а з м у н и:

Кечаси туриб юрар эрдим,
Қора, қизил бўри кўрдим.
Бирк, қаттиқ ёйинни қурдим,
Мени кўрган бўри катта бир тош кўриб,
Шунинг тепасига чиқди.

Бизнинг назаримизда, келтирилган 1—2-тўртликлар эпосдаги баҳодирларнинг туш кўриш мотивидан иборат, чунки бу мотив қаҳрамонга келгусида юз берадиган хавfli воқеалардан, қаттиқ жанглардан хабар беради. Албатта, бу мотив конкрет эпос намуналарида тўла ва, айни пайтда, кенг масштабда берилади. Бироқ «Девон»да ана шу мотивнинг айрим парчаларигина келтирилган, холос.

Туш мотиви асосан қадимги инсонларнинг туш ҳақидаги магик қарашлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиб, кейинчалик бу қарашлар кишиларнинг эстетик талаблари натижасида эпос таркибидан мустақкам ўрин олган. Мана шунинг учун ҳам бу мотивнинг тарихий излари ўта қадимий бўлиб, эпосда у кучли эстетик функцияни бажаради. Хабар туш мотивида ҳаммавақт рамзий характерда берилади. Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги тўртликларда тасвирланишича, булутларнинг пайдо бўлиб, кўк юзини қоплаб олиши тинч мамлакат устига душман лашкарининг бостириб келишини англатади. Ҳаво туманлашиб, жала ёғиши қабила бошига оғир кулфат тушишини, қаҳрамон отининг шўхлик қилиши унинг майдонда чопишини англатади. Демак, 1—2-тўртликлар ов тасвири бўлмай, балки Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари эпоси учун типологик ҳодиса бўлган туш кўриш мотивидан иборат.

Иккинчи тўртликда эса тушнинг рамзий маъноси янада кучаяди. Қаҳрамон тушида иккита бўрини кўриб қолади. Уларнинг бири қора, бири қизил рангда эди. Ота-боболаримизнинг қадимий тасаввурларига кўра қора ранг оғирчилик, ўлим каби маъноларни англатган. Қора бўри эса душманни билдиради. Қизил рангнинг қон тўкилиши, уруш бўлиши ва, ниҳоят, ғолиблик рамзи эканлигини назарда тутсак, қизил бўри душман билан бўлажак жанг ғалаба билан тугашига ишорадан бошқа нарса эмас. Туш тасвири 3—4-тўртликларда ҳам давом этади. Халқ орасида жуда қадим замонлардан буён сақланиб келаётган урф-одатларнинг излари бешинчи тўртликда ифодаланган.

Олтинчи тўртликдан бошлаб асосий воқеалар баёни бошланади. Уларда қаҳрамоннинг босиб келаётган душманлардан хабар топиши, бутун қабилани оёққа турғизиб, мудофаа жангига отлаштириш ва душман устидан ғалаба қозонмагунча жанг қилишлари ҳақида гап кетади. Бу вариант турк хоқонлиги даври эпосининг қисқача намунасида иборатлигини пайқаш мумкин. Қолаверса, туркий халқларнинг ҳозир мавжуд эпос намуналарида ҳам бун-

дай эпик структура, яъни эпос таркибида туш мотивининг етакчи ўрин эгаллаши ва, ҳаттоки, фольклор таъсирида бу мотивнинг классик Шарқ адабиётида ҳам етакчи мавқега эга бўлиши тарихий-структурал типологик ҳодиса эканлигини тасдиқлайди.

Юқорида таҳлил этилган парча бизнингча, шубҳасиз, қадимги турк эпосининг қисқа ҳажмли қолдиқларидан бошқа нарса эмас. Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор бериш лозим. Бизга қадар турк хоқонлиги даврига оид бирор эпос намунаси етиб келган эмас. Шу сабабли биз қадимги туркий халқлар эпосининг ҳажман қай даражага эга эканлиги хусусида конкрет фикр юрита олмаймиз. Бироқ шунини ишонч билан айта оламизки, қадимги туркий халқлар эпоси ҳозирги ўзбек, туркман, қozoқ, қирғиз, озарбайжон эпоси каби катта ҳажмга эга бўлмаган. Бизнингча, бу халқлар эпоси, дастлаб, қаҳрамонлик қўшиқлари шаклида юзага келган бўлиб, асосан, у ёки бу қабила ё уруғ қаҳрамонининг баҳодирликларини мадҳ этувчи ҳамда унинг жасоратга тўла фаолиятини ихчам баён қилувчи қисқа шаклга эга бўлган. Эпосдаги эмоционал моментларнинг пайдо бўлиши ва унинг ҳажман қабарик шаклга келиши эса, нисбатан кейин юзага келган ўзгаришлар деб қаралиши лозим. «Девону луғотит турк»даги эпосга хос тўртликлар эса у ёки бу сўзнинг изоҳи талаби билан киритилган. Шундай экан, тикланган вариант юқорида айтилган талаб билан «Девону луғотит турк»ка сочма тарзда киритилган эпос парчалари, аниқроғи, бирор эпоснинг қисқача фабулатик баёнидан иборат деб қаралиши лозим.

Демак, араб истилосига қадар ҳам туркий халқларнинг ўзига хос улкан эпоси мавжуд бўлган. Бу эпосда туркий халқларнинг ўз мустақиллиги, озодлиги учун олиб борган жанглари, қисқаси, ватанпарварлик ҳаракатлари бадний аксини топган. Бироқ бу эпос Ўрта Осиё территориясида араб истилолари таъсирида VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларидан бошлаб аста-секин йўқола бошлади. Сақланиб қолганлари ҳам ўз бошидан турли хил ўзгаришларни кечирдики, бундай ўзгаришлар кейинги даврларда янада чуқурлашди.

Араб истилоси даврида Бухоро, Самарқанд, Марв каби катта шаҳарлар ўз замонасининг маданий марказлари сифатида тавилган эди⁴⁹⁻⁵⁰. Шунинг учун ҳам уларда асосан ёзма поэзия ҳамда ўз сюжетининг асослари жиҳатидан халқ эпосига бориб тақалувчи ёзма дostonлар, қиссалар кенг тарқалган бўлиб, улар асосан халқ қўшиқларига хос мотив ҳамда шакллардан фойдаланиш ёки халқ эпосига хос сюжетларга қайта ишлов бериш орқали яратилар эди. Бундан ташқари, араб истилосидан сўнг Ўрта Осиё территориясида араб ва Эрон эпосига хос сюжетлар кенг тарқалди. Жумладан, «Минг бир кеча» эртакларининг маданий марказларда кўп ўқилиши, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли эртакларига ҳам таъсир кўрсатди. «Қалила ва Димна»га ўхшаш форс

⁴⁹⁻⁵⁰ «Ўзбекистон ССР тарихи». «Тўрт томлик. 1-том. Тошкент, 1970, 348-бет.

тилидаги ҳинд эпоси ҳам Ўрта Осиё халқлари эпосига таъсир этган. Бизнингча, X асрда юзага келган форс-тожик эпоси «Шоҳнома»га кирган Рустам билан боғлиқ туркум сюжетларнинг асоси ҳам бевосита Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган Рустам билан боғлиқ афсона, ривоятлардadir. Бинобарин, VIII—X асрларда маданий марказларда сарой адабиёти билан боғлиқ бўлган ёзма адабиёт пайдо бўлиб, у марказларда халқ эпосининг бутунлай яшай олмаслигига олиб келди.

Халқ эпоси, асосан, кўчманчи аҳоли орасида тинимсиз ривожланишда давом этди. Самарқанд, Бухоро, Урганч атрофлари ва Фарғона водийсининг яйлов районларида яшаган чорвадор аҳоли орасида эпос халқнинг муҳим маънавий бойлиги ҳисобланар эди. Бироқ туркий халқларнинг араблар истилосига кирмай қолган бир қисми территориясида майда ҳокимиятчилик таъсирида ҳали араб истилосининг дастлабки даврларида ягона дин ҳукмрон эмас эди. Бу ерларда ислом дини, зардуштийлик, христианлик, буддизм билан бир қаторда жуда кўп маҳаллий эътиқодлар мавжуд эди. Ижтимоий ҳаётдаги мана шундай сиёсий-иқтисодий, диний тарқоқликка таяниб айтиш мумкинки, бу даврда Ўрта Осиё халқлари эпосининг табиати ҳам, мотивлар таркиби ҳам, ғоявий йўналиши ҳам турлича эди. Демак, араб истилоси даври (VIII асрлар) ва ундан кейинги асрлар (IX—X) халқ эпосининг структураси, табиати ҳақида конкрет фикр юритиш учун ҳеч қандай фактик асосга эга эмасмиз. Бироқ IX—X асрлардан бошлаб Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ғарбий хоқонлик таркибига кирган туркий халқлар эпоси табиатида, айниқса, мотивлар талқинида (қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши, илоҳий кучларнинг қаҳрамонга ёрдам бериши, туш кўриш ва ҳоказо) ислом таъсири кучайиб борган, улардаги исломгача бўлган маҳаллий эътиқод ва тушунчалар ўрнини исломга хос эътиқод ва ақидалар эгаллаган.

Хуллас, турк хоқонлиги даври халқ эпоси кучли трансформацияга учраган ҳолда ривожланишда давом этди, бироқ ўша даврда шаклан мос келувчи бирорта ҳам конкрет эпос намунаси бизга қадар етиб келмаган.

ҚАҲРАМОНЛИҚ ЭПОСИНING ЮЗАГА КЕЛИШИ

X аср охирларига келиб Сомонийлар давлати батамом қулади. Унинг ўрнида икки мустақил давлат: Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлати вужудга келди. Бу икки давлатнинг асосий чегараси Амударё ҳисобланган.

Қорахонийларнинг Ўрта Осиёга қилган юришлари ва уларнинг мустақил давлатлари вужудга келиш даврида ҳозирги Ўзбекистон территориясига жуда кўп туркий тилда сўзлашувчи қабилалар кўчиб келдилар. Оқибатда Суғдлар территориясида V—VI асрларда бошланган ва араб истилолари даврида бир оз

сустлашган турклашиш жараёни Қорахонийлар даврида ўз интиҳосига эришди. Мовароуннахрга кўплаб туркий қабилалар кўчиб келишининг бир неча объектив сабаблари мавжуд эди.

Биринчидан, Қорахонийлар давлати ҳарбий зодагонлар давлати бўлиб, давлат аппаратининг деярли барча бошқариш ишларида туркий тилда сўзлашувчи кишилар ўтирар, бинобарин, давлатнинг ҳукмдорлари ҳам, ташкилотчилари ҳам, ҳимоячилари ҳам, аҳолиси ҳам асосан туркий халқлардан иборат эди.

Иккинчидан, Қорахонийлар давлатининг бошқариш аппаратларида турган ҳарбий зодагонлар асосан чорвачилик билан шуғулланиш, кўчманчилик ҳаёт тарзини кечиришдан бевосита манфаатдор эдилар. Бунинг учун катта сув запасларига ҳамда серўт яйловларга бой бўлган Мовароуннаҳр ерлари жуда қўлай эди.

Шу сабабли туркий қабилалар Мовароуннахрга кўплаб кўчиб келди. Илгари Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшаган ўғузлар эса Сирдарёнинг қуйи оқимлари ҳамда Оролбўйи саҳроларига қараб силжидилар. Қисқаси, XI—XII асрларда туркий тилда сўзлашувчи қабилалар ҳам тил, ҳам этник хусусиятлари билан бир-бирига жуда ҳам яқинлашиб, бирикиб кетдилар, яъни бу даврда туркий тилда сўзлашувчи халқнинг ташкил топиш жараёни асосан тугади ва бу халқ кейинроқ ўзбек халқи номи билан юритилди⁵¹.

Қорахонийлар давлати территориясида турли хил ижтимоий-иқтисодий формациялар мавжуд эди. Бу нарса VI асрда Ўрта Осиёда вужудга келган феодал муносабатлар билан кўчманчилик ҳаёт тарзини кечираётган патриархал-уруғчилик муносабатларининг бир давлат доирасида ёнма-ён яшаши, аста-секин иккинчинининг йўқолиб боришида кўзга ташланади. Демак, Қорахонийлар даврида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ҳозирги Ўзбекистон территориясида ўтроқ деҳқончилик ҳамда шаҳар маданияти билан бир қаторда патриархал-уруғчилик ҳаёти ёнма-ён яшар эди. Халқ эпоси эса бевосита кўчманчи патриархал-уруғчилик муносабатида яшовчи аҳоли ўртасида юзага келди ва ривожланди. Бу ўринда В. М. Жирмунский ҳамда Ҳ. Т. Зарифовларнинг халқ қаҳрамонлик эпосининг шаклланиши ҳақидаги фикрларига тўла қўшилган ҳолда шуни айтиш лозимки, Олтой тоғ этаклари ҳамда Шарқий Туркистондан келган туркий қабилалар ўзлари билан ўз эпосларини ҳам олиб келадилар. Типологик нуқтаи назаридан қараганда, бу эпос ўйротлар орасида сақланиб қолган «Алып-Манаш» типидagi асарларга анча яқин турган. Унинг айрим версия ва вариантлари, сюжет мотивлари ўғузларнинг миллий эпик аъъаналари билан чатишиб, мустақил ривожланиш жараёнини босиб ўтди ва Салор-Қозон туркумини ташкил этувчи қаҳрамонлик қўшиқларининг юзага келишига замин бўлди. XI асрда Салжуқийлар даврида эса бу туркум Кичик Осиё ҳамда Кавказга ўтди ва кучли феодаллаштирилган ҳолда «Китоби дада Қўрқут» таркибида сақланиб қолди. Қипчоқ қабилаларининг

⁵¹ «Ўзбекистон ССР тарихи». Тўрт томлик. 1-том. Тошкент, 1970, 396-бет.

Ғарбга силжиши билан боғлиқ ҳолда туркий халқларнинг қадимий эпоси таркибида яна янги-янги ўзгаришлар содир бўлди, унинг турли-туман версиялари пайдо бўлди. Ўзбек «Алпомиш»и, қорақалпоқ ва қозоқларнинг «Алпамыс»и, ўғузларнинг «Бомси-Байрак» асари, татарча ва бошқирдча «Алпамыш», «Алпамыша ва Барсын ҳылуу», ўйротча «Алып-Манаш» ва бошқалар туркий халқларнинг жуда катта территорияга тарқалган қадимий эпосининг муайян ўзгаришлар билан бизгача етиб келган намуналари ҳисобланади. Бу намуналарни олимлар фанда «Алпомиш» дostonининг қўнғирот, ўғиз, қипчоқ ва олтой версиялари деб юритадилар ва уларнинг яратилишини турли даврлар ҳамда этник группалар билан боғлайдилар⁵². Шунингдек, дoston миллий версияларининг юзага келиш даври ҳақида ҳам фанда турлича қарашлар мавжуд. Масалан, ўзбек «Алпомиш»ининг яратилиш даврини Ҳ. Т. Зарифов мўғуллар истилосигача, А. К. Боровков XIV аср, В. М. Жирмунский XVI аср, деб белгилайди⁵³. Бизнингча, Ҳ. Т. Зарифов қарашларида муайян ҳақиқат бор. Фактлар ва дostonнинг бизгача етиб келган версия ва вариантларини ўрганиш шуни кўрсатадики, қаҳрамонлик эпосининг қўнғирот версияси «Алып-Манаш» ёки шунга яқин турган қадимий эпик ячейка асосида X—XI асрларда Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимлари, Орол атрофлари ҳамда Дашти Қипчоқда яшовчи туркий қабилалар орасида юзага келди.

Қорахонийлар даврида кўплаб туркий қабилаларнинг Мовароуннаҳрга келиши натижасида уларнинг эпоси билан қадимдан бу ерда яшаб келаётган туркий қабилаларнинг эпослари, шунингдек, қадимий эпос қолдиқлари ўзаро чатишиб кетди ва, қисман, сюжети, кўпгина мотивлар талқини ҳамда характер ва табиати, жанр хусусиятлари жиҳатдан олтой «Алып-Манаш»идан фарқланувчи ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» юзага келди. Худди мана шу даврда ягона тилда сўзлашувчи, ягона давлат таркибига кирувчи халқнинг ягона қаҳрамонлик эпоси вужудга келиши учун барча шарт-шароит мавжуд эди. Халқ қаҳрамонлик эпоси ғоявий-бадий жиҳатлари, воқеликни акс эттириш тарзи ҳамда қамрови эътибори билан ўзига қадар бўлган қabila ёки улус эпосидан қиёс қилиб бўлмас даражада ташкил топа бошлаш даврининг буюк маҳсулидир.

Бу ўринда яна бир масалага алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Аввало, Олтой тоғ этакларидан дастлабки эпик ячейкаси «Алып-Манаш»га ўхшаш деб тахмин қилинган қадимий сюжетни Мовароуннаҳрга олиб келган қабилани аниқлашдан иборат. В. М. Жирмунскийнинг фикрича, бу эпосни Олтойдан ўғуз қабилалари олиб келишган⁵⁴. С. С. Суразаков эса Олтой эпосининг

⁵² Жирмунский В. М. Тюркский героический эпос. Л., 1974, с. 213—221.

⁵³ Жирмунский В. М. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше.—Сб.: «Об эпосе Алпамыш». Ташкент, 1959, с. 28.

⁵⁴ Уша асар, 28-бет.

Ўрта Осиёга келтиришда қипчоқ қабилаларининг роли катта деб кўрсатади⁵⁵. Бу масалада бирор аниқ фикр айтиш учун конкрет далилларга эга эмасмиз. Бироқ «Алпомиш» дostonидаги турмуш тарзининг тасвирига қараб биз ҳам С. Суразаковнинг фикрига қўшилиамиз. Демак, ўзбек «Алпомиш»нинг бобосюжетини Олтойдан Ўрта Осиёга келтиришда қипчоқ қабилаларининг хизмати каттадир. Хуллас, қахрамонлик эпоси «Алпомиш» X—XI асрларда Сирдарё бўйлари ва Орол кўли атрофида яшаган чорвадор кўнгирот қабиласи орасида яратилган. Дostonнинг бундай локализациясини Сирдарё бўйидаги қадимий Сигноқ шаҳри яқинида бўлган Барчиннинг кўк кошонаси, Сирнинг қуйи оқимларидаги Барчинкент (Барчанлигкент, Барчкент, Барчканд, Барчин) шаҳри ва бошқа жой номлари ҳам тасдиқлайди. Қадимги Бойсин шаҳри ҳам Сир ёқасида бўлган.

Дoston патриархал-уруғчилик муносабатларининг аста-секин емирилиши ва феодал муносабатлар ривож топа бораётган бир даврда юзага келди. «Алпомиш» дostonининг ҳақиқатан ҳам мана шу пайтда яратилганлигини унда ифодаланган бош ғоя ҳам тўла тасдиқлайди.

Маълумки, «Алпомиш» дostonида оила учун, ёр учун кураш ғояси етакчилик қилади. Дostonнинг иккинчи қисмига эса қисман уруғ бирлиги учун кураш ғояси ҳам қўшилади. Бироқ ҳозирга қадар дostonнинг асосий ғоясини белгилашда турлича қарашлар ҳукм сурмоқда. Масалан, В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси» асариде «Алпомиш» дostonида давлатчиликнинг келиб чиқиши масаласи қўйилганлиги айтилади. Бу билан муаллифлар дostonда оила учун кураш ғояси асосий ўринда туришлигини ҳам инкор этмайдилар⁵⁶. Умуман, давлатчилик билан давлат ёки марказлашган давлат ғоясини бир нарса деб тушуниш тўғри бўлмайди. Фольклорист М. Саидов марказлашган давлат учун кураш ғояси «Алпомиш» дostonининг асосини ташкил этади, деган фикрни илгари суради ва асарнинг бош қахрамони Алпомишни шундай давлатнинг ташкилотчиси сифатида талқин қилади⁵⁷. С. Суразаков эса «Алпомиш» дostonининг асосий ғояси патриархал-уруғчилик муносабатлари емирилатган бир даврда оила қуриш ва уни мустаҳкамлаш учун курашдан иборат деб кўрсатади⁵⁸. Бу фикр «Алпомиш» дostonи ҳақидаги кейинги ишларда янада ривожлантирилади⁵⁹.

Биз оила учун, ер учун (Барчин учун) ва шу билан боғли равишда янги типдаги қабила бирлиги учун кураш «Алпомиш»

⁵⁵ Суразаков С. С. Об алтайском сказании «Алып-Манащ» (Южоридаги тўплам, 199—200-бетлар).

⁵⁶ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947, с. 72.

⁵⁷ Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. Тошкент, 1969, 144—178-бетлар.

⁵⁸ Суразаков С. С. Об алтайском сказании «Алып-Манащ», с. 200.

⁵⁹ Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. Тошкент, 1968.

эпосида қўйилган асосий масалалар, деган олимлар фикрларига тўла қўшилаемиз. Чунки оила учун, «ўз уйи» учун кураш қаҳрамонликнинг қадимий талқинларидан бўлиб, қаҳрамонлик эпосининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу ўринда яна бир нарсага алоҳида аҳамият бериш зарур. Маълумки, дoston патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг вужудга келиши даврида бирданига юзага келмади. «Алпомиш» дoston сифатида вужудга келгунга қадар турли шаклда учраган. X—XI асрларда мавжуд эпик ячейка асосида «Алпомиш» қаҳрамонлик эпоси сифатида шаклланади. Демак, унда эндигина юзага келаётган давлатчилик ғояси—янги ижтимоий ҳодисага ижобий муносабат эмас (марказлашган давлат ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас), балки кўп асрлар давомида халқнинг қон-қонига сингиб кетган патриархал-уруғчилик муносабатларини ҳимоя қилиш масаласи илгари сурилган. Чунки феодал муносабатларнинг ўзи Урта Осиёда VI асрлардан бошлаб юзага кела бошлаган бўлса ҳам, бироқ бу муносабатлар асосан шаҳарларда юз бериб, кўчманчи чорвадор қабиаларда нисбатан кейинроқ амалга ошди. Демак, феодал муносабатларнинг қарор топиши ҳам Урта Осиёнинг турли жойларида турлича даврларга тўғри келади⁶⁰. Шундай экан, маданий марказларда феодал муносабатлар тўла вужудга келган бир пайтда, Дашти Қипчоқ саҳроларида ҳаёт кечираётган қўнғирот қабилалари орасида ҳали патриархал-уруғчилик муносабатлари мавжуд эди. Бинобарин, асрий ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ва янги ижтимоий ҳодисаларни олқишлаш эпос тараққиётидаги бирдан-бир йўл эмас. Кўп ҳолларда эпос янги ижтимоий ҳодисаларни тасдиқлаш орқали эмас, аксинча, уни инкор этиш орқали ҳам тараққий қилади. Бу нарса «Алпомиш» дostonида ўз аксини топган.

Бойбўри, Бойсарин ва Алпомиш Қўнғирот элининг қайси уруғига мансублиги масаласи ҳам баҳслидир. Жумладан, Ҳ. Т. Зарифов бу хусусда тўхталиб, Алпомиш ва унинг оталари Қўнғирот элининг қанжигали уруғига мансуб деб кўрсатади⁶¹. Бизнингча, Алпомиш ва унинг оталари Қўнғирот элининг қўштамғали уруғига мансуб бўлиши лозим. Дostonда «ўн олти уруғ Қўнғирот» деб аниқ кўрсатилади. Агар қўнғиротлиларнинг этнографик жиҳатдан тармоқланишига назар солсак, улар беш катта уруғга бўлинади: 1. Вахтамғали. Бу уруғ, ўз навбатида, 18 аймоққа бўлинади. Шунинг учун у ўн саккиз ота вахтамғали деб юритилади. 2. Қўштамғали (ўн олти ота қўштамғали). 3. Қанжигали (ўн тўрт ота қанжигали). 4. Айли (ўн икки ота айли). 5. Тортувли (олти ота тортувли). Мана шу бўлиниш жиҳатидан қаралса, Алпомиш ва унинг оталари қанжигали эмас, балки қўштамғали уруғига мансуб бўлиб чиқадилар.

⁶⁰ Зарифов Ҳ. Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш».—Сб.: «Об эпосе «Алпамыш». Ташкент, 1959, с. 8.

⁶¹ Уша асар, 9-бет.

«Алпомиш» дostonининг бизга қадар етиб келган намуналари, асосан, ривожланган феодализм даврининг меваси бўлганлиги сабабли ҳам унда Бойбўри шоҳ, Бойсари бой эди. Дostonнинг дастлабки шаклланиш давлари ҳақида фикр юритилганда, унинг таркибига кирган юқоридаги каби кейинги даврларга хос қатламларни аниқлаб олиш ва эпоснинг қадимий қатламларини кўчманчи чорвадор аҳолининг ижтимоий-иқтисодий структураси билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш объектив хулосалар беради. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, IX—XI асрларда қўнғиротлиларнинг катта-катта патриархал оилалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаганлар. Бир неча катта патриархал оилалар иқтисодий-сиёсий, ғоявий жиҳатдан алоҳида бутунлиқни ташкил этган бўлса ҳам, бу даврларга келиб, энди улар аста-секин бузилиб, патронимиялар⁶² пайдо бўла бошлади. Бизнингча, катта патриархал оилалар гуруҳининг ўта даражада мустақамланиши уруғлар ичида алоҳида этник гуруҳларнинг — аймақларнинг келиб чиқишига олиб келди. Ун олти ота қўштамғали дейилганда, қўштамғалининг ўн олти аймақдан ёки ўн олти катта патриархал оилалар гуруҳидан иборат деб тушуниш ҳақиқатга яқиндир. Бинобарин, Бойбўри ўн олти аймақни ўз ичига олган қўштамғали уруғининг бошлиғи бўлса, Бойсари фақатгина бир ёки бир неча аймақ (аниқроғи, ўн минг уйли қўнғиротнинг) бошлиғи бўлган.

Демак, «Алпомиш» дostonи юзага келган пайтдаги дастлабки қатламларда Бойбўри ва Бойсари шоҳ ёки бой деб эмас, балки уруғ бошлиғи, аймақ бошлиғи деб юритилган бўлиши керак. Бироқ Бойбўри ҳамда Бойсарининг қандай лавозим эгаллаганликлари дostonда илгари сурилган бош ғоянинг моҳиятини ташкил этмайди. Буни дostonдаги ёр излаш мотиви белгилаб беради.

IX—XI асрларда қўнғиротлиларда экзогам никоҳ қатъий тусга кирган бўлиши керак. Унинг талабларига кўра, уруғ доирасида никоҳ алоқалари қатъий ман этилган. Бироқ дostonда тасвирланишича, Ҳакимбек ҳам, Барчин ҳам бир уруғга мансуб. Демак, уларнинг оила қуришлари жамиятдаги никоҳ шаклига зид келади. Дostonнинг Берди бахши вариантда тасвирланишича, Довонбий ўз ўғилларини уйлантиргач, мамлакати ва бойлигини тенг иккига бўлади ҳамда уни Қўнғирот ва Бойсин деб атайди. Бирига катта ўғли Бойбўри, иккинчисига кичик ўғли Бойсари бошлиқ бўлади. Никоҳ ҳақида ҳам янги тартиб белгиланади. Бунга кўра, Қўнғиротнинг йигитлари Бойсиннинг қизларига, Бойсиннинг йигитлари Қўнғиротнинг қизларига уйланиши керак. Бунинг ҳам экзогам никоҳ талабларидан келиб чиққанлиги тарихий-этнографик нуқтаи назардан ҳақиқатдир. Бойсарининг кўчиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳам ана шундай тарихий ва ҳаётий заруриятлардан келиб чиққан. Мана шу деталга аҳамият берилса, дoston асосида ётган бобосюжет ҳақида ҳам бир даража маълумот

⁶² Патронимия ҳақида қarang: Косвен М. О. Патронимия и ее роль в истории общества. М., 1964.

олиш мумкин бўлади. Ҳақимбек ва Барчиннинг бир уруғ доирасида бўлишига қарамай, никоҳ қилинишлари дoston асосида ётган бобосюжетда қадимги никоҳ шакллари, яъни бир уруғ доирасида ҳам никоҳ қилишнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Чунки қадимда ҳар бир уруғ ўз таркибида никоҳ қилиш ҳуқуқига эга бўлган икки бир-бирига қарама-қарши гуруҳга бўлинган. Демак, Ҳақимбек ва Барчиннинг ўзаро оила қуриш мотиви дуал жамиятга хос қадимий одатнинг қолдиғи сифатида қаралиши лозим.

Дуал жамият қолдиқларини сақлаган бобосюжет қаҳрамонлик эпоси сифатида шаклланар экан, энди у жамиятдаги мавжуд тартибларни идеаллаштириши шарт. Чунки бу эпос энди шаклланиш даврига хос ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий эҳтиёжларни қондириши лозим. «Алпомиш» қаҳрамонлик эпоси сифатида шаклланиш даврида эпос асосида ётган никоҳ шакли экзогам никоҳ талабларидан келиб чиқиб тубдан ўзгаришларга учрамай қолиб кетди. Бироқ эпос ижрочилари жамиятдаги экзогамия талабларидан келиб чиқиб, ёрнинг маконинигина ўзгартиришга эришдилар. Оқибатда Алпомишнинг ёр излаб ўзга юртга бориши, қаҳрамонликлар кўрсатиб уни, ниҳоят, Бойсари бошлиқ қўнғиротлиларни яна ўз юртларига қайтариб келишига имкон яратилди. Бунда Бойсарининг яна қайтиб келишини давлатчиликнинг келиб чиқиши деб эмас, балки уруғнинг мустақамланиши сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади. Демак, кўчманчи чорвадор аҳоли онгида чуқур томир отган патриархал-уруғчилик муносабатлари, уни идеаллаштириш роълари Алпомишнинг ёр учун кураш роълари билан боғлиқ ҳолда берилган.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, закот талаб қилинишидан хафа бўлиб Бойсари бошлиқ ўн минг уйли қўнғиротлиларнинг ўзга юртга кўчиши, бизнингча, бу дostonда экзогам никоҳ талабларини бадий жиҳатдан қондириш учун халқ ижодчилари томонидан қўлланилган поэтик бир усулдир. Мана шунинг учун ҳам дostonнинг турли вариантларида Бойсарининг кўчиши сабаблари турлича талқин қилинган. Агар ҳақиқатан ҳам дostonнинг бош роъси бевосита давлатчиликнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлса, биринчидан, дostonнинг мавжуд барча вариантларида Бойсарининг кўчиши бир хил сабаблар билан изоҳланган бўлар эди ва унинг қайтариб олиб келиниши ҳам Барчин туфайли амалга ошмаган бўларди. Иккинчидан, дostonнинг сюжет йўналиши, қаҳрамоннинг йўлидаги тўсиқлар ва уларнинг бартараф этилиши ҳам ўша бош роъси, яъни марказлашган давлат учун курашни ифодалашга хизмат қилган бўлар эди.

Хуллас, дostonнинг бош роъси ёр учун, оила учун кураш ҳисобланади. Дostonнинг иккинчи қисмидаги Бойсарининг қайтариб олиб келиниши ва Алпомишнинг уруғ устидан ҳукмронлик қилиши уруғнинг бирлиги роъсини ифодалайди.

Айрим тадқиқотчилар «Алпомиш» дostonининг қўнғирот версиyasi Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбекларнинг Жанубга қа-

раб юришлари оқибатида, яъни XVI асрда Бойсун беклигида (ҳозирги Сурхондарё области, Бойсун райони) юзага келган деб кўрсатадилар⁶³. Бунда улар, асосан, реал топонимлар билан дostonдаги топонимларнинг аналогиясига таянадилар. Бироқ Ҳ. Т. Зарифов «Алпомиш» дostonидаги афсонавий Бойсин қадимги Хоразм территориясининг бир қисмига, яъни Сирдарёнинг қуйи оқимларига тўғри келишини бир қанча фактлар асосида далиллайди. У ҳозирги Сурхондарёдаги Бойсун топоними XVI асрда Шайбонийхон юришлари билан боғлиқ ҳолда келиб қолган қўнғиротдиларнинг янги маконларини афсонавий Бойсин билан боғлашлари туфайли юзага келганлигини ишонарли тарзда кўрсата олган⁶⁴. Бу масалада биз ҳам Ҳ. Т. Зарифовнинг фикрларига тўла қўшилаемиз. XVI асрда Шайбонийхоннинг юришлари натижасида ҳозирги Бойсун ва унинг атрофларига келиб қолган қўнғирот уруғлари, биринчидан, топонимларни ҳам эпос билан уйғунлаштириб, кўпгина жойларни у ёки бу қаҳрамон билан боғлаш орқали конкретлаштиришга муваффақ бўлганлар. Иккинчидан, янги жойда «Алпомиш» дostonи умумхалқ эпосининг янги тарихий шароитда ривожланиши, маҳаллий аҳоли эҳтиёжи каби бир қанча сабаблар натижасида ўз бошидан жуда катта сифатий ўзгаришларни, трансформацияларни кечирдики, уларни конкрет таҳлил этиш учун ихтиёримизда дostonнинг XVI асрдан илгариги намуналари сақланиб қолмаган. Демак, халқ қаҳрамонлик эпосининг XI аср ва ундан кейинги асрларга оид намуналари ёзиб олинмаганлиги сабабли «Алпомиш» табиатида ўн аср давомида юз берган турли сифатий ҳамда миқдорий ўзгаришлар ҳақида конкрет баҳс юрита олмаймиз. Бироқ унинг турли версия ва вариантларини қиёсий ўрганиш, айрим мотивларнинг тарихий илдиларини тарихий манбалар билан таққослаш кўп трансформациялар юз берганлигини тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан, дostonда Бойбўрига нисбатан «шоҳим» деб ривожланган феодал давлат атамаларининг ишлатилиши каби жуда кўп деталлар эпос табиатида кейинги даврларда юз берган трансформациялардир.

Хуллас, X—XI асрларга келиб туркий тилда сўзлашувчи Мовароуннаҳрдаги аҳоли ўртасида қаҳрамонлик эпоси вужудга келди ва у бир қанча туркий қабил аҳоли ҳамда уруғларнинг аста-секин бириктириб муайян бир халқ сифатида шаклланиши билан боғлиқ ҳолда у ёки бу халқнинг қаҳрамонлик эпоси сифатида ривожланди.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИНГ АКТИВ ЯРАТИЛИШ ДАВРИ

Ўзбек халқ дostonларининг тарихий тараққиётига назар ташланар экан, традицион эпоснинг яратилиш даври билан унинг кейинги ривожланишини, яъни жонли оғзаки аъёнада яшаши,

⁶³ Жирмунский В. М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. Тюркский героический эпос. Л., 1974, с. 142—154.

⁶⁴ Зарифов Х. Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш», с. 12—14.

ижро ва қайта ижод шароитларида ўзгариши, мукаммаллашиши ёки аксинча, жараёнларни ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги даврларда ёзиб олинган ва қўлимизда мавжуд бўлган анъанавий эпоснинг деярли барча намуналари XVI—XVIII асрларда ва ундан кейин яратилган, деган мулоҳазалар жиддий текширишни талаб қилади. Бизнингча, қаҳрамонлик эпосининг юзага келиши халқ достончилигининг кейинги тараққиётига жиддий таъсир этди. Натижада жангнома-достонлар, тарихий ва романик эпоснинг бир қанча намуналари яратила бошлади. Бу жараён тахминан XII асрлардан бошланиб, XVII асрларгача давом этди. Буни шартли равишда анъанавий эпоснинг актив яратилиши даври деб аташ мумкин.

Бундай хулоса учун ўзбек халқининг тарихий тараққиёти, мураккаб этногенетик жараёни ва консолидацияси тўла асос беради. Маълумки, ҳозирги Ўрта Осиё территориясида мўғуллар истилосигача ҳам йирик марказлашган феодал давлатлари мавжуд эди. Мўғуллар истилоси фан, маданият, адабиёт ва санъат, жумладан, эпос тараққиётига салбий таъсир ўтказган бўлса-да, унинг умумий ривожига тўсқинлик қила олмади. Чунки мўғул истилочилари фан ва маданият тараққиётида ерли халқлардан анча паст савияда турар эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги маҳаллий халқларга сингишиб, туркийлашиб кетди. Иккинчидан, маҳаллий халқ ўз мустақиллиги учун доимо қаттиқ кураш олиб борди. Бундай курашлар, бирлашишлар ва таркиб тодишлар эпос учун бой материал эди.

Темур ва темурийлар даврида тарқоқлик ва бўлинишларга барҳам берилиб, кучли, марказлашган феодал давлати юзага келди, фан ва маданият янада юксалди, эски ўзбек тилида бой адабиёт яратилди, энг муҳими, бадий тафаккур тараққиётидаги улкан воқеа, ёзма ва оғзаки адабиёт анъаналарини ўзига хос равишда синтез қилган буюк ижод — Алишер Навоий ижоди пайдо бўлди. Бу ўринда ўзбек достончилигида қаҳрамонлик эпоси ва жангномалардан кейин юзага келган романик эпоснинг ривожланган феодализм даври ижтимоий муносабатлари билан боғлиқ эканлигини ва у маълум маънода ёзма адабий анъаналарга таянганлигини ҳам унутмаслик керак.

XV асрнинг охирларига келиб темурийлар ўртасидаги низоларнинг кучайишидан фойдаланган Шайбонийхон бошчилигида Дашти Қипчоқда яшовчи кўчманчи ўзбек қабилалари Мовароуннаҳр ва Хуросонга бостириб кира бошлади. Натижада кўчманчи ўзбек қабилалари билан Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда яшаётган туркий тилда сўзлашувчи маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам тил, ҳам урф-одат, ҳам маданий жиҳатдан мураккаб чатишувлар юз берди. Кўчманчи ўзбек қабилалари Шайбонийхон қўли остидаги асосий ҳарбий куч бўлиб, улар Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг энг яхши ерларини босиб олдилар. Уларнинг бир қисми сувга бой, унумдор ерларга жойлашиб олиб, маҳаллий аҳолининг хўжалик ҳамда турмуш тарзига қараб ўтроқлашиб, деҳқончилик билан

шуғуллана бошлади. Фарғона водийси ҳамда Хоразм воҳасидаги қипчоқ уруғларининг тирикчилик тарзи бунга мисол бўла олади. Қўчманчи ўзбек уруғларининг яна бир қисми эса яйловларга бой катта-катта воҳаларни, сувга бой дарё ёқаларини эгаллаб, асосан, чорвачилик билан шуғулланадилар. Бундай қабилалар Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳар атрофлари, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Жанубий Тожикистон территорияларида ўрнашиб олдилар. Уларнинг бир қисми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги территорияга, яъни ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмларигача етиб бордилар. Шайбоний юришлари натижасида ҳозирги Ўзбекистонга келиб қолган ўзбек қабилаларининг эпик анъаналари билан маҳаллий аҳолининг дostonчилик анъаналари бирлашиб кетди.

Шундай қилиб, қўлимиздаги анъанавий эпоснинг аксарият қисми («Юсуф ва Аҳмад», «Алибек билан Болибек» каби жангнома дostonлар; «Тулумбий», «Шайбонийхон», «Ойчинор» сингари тарихий дostonлар; романик эпосдан «Рустамхон» туркуми, «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар», «Орзигул», «Гўрўғли» туркуми, «Қиронхон», «Якка Аҳмад», «Ёдгор» ва бошқалар) ривожланган феодализм даврида (XVII асргача) яратилди. Бундай хулосага келишга дostonларнинг умумий ғоявий йўналиши, тематикаси ва образлар системаси ҳам асос беради. Халқ дostonларининг умумий руҳига диққат қилинса, уларда марказлашган фаровон ўлка идеали, ватан мустақиллиги ва чет эл босқинчиларига қарши кураш ғояси муҳим ўрин тутди. Чунки бу ғоя феодализм шароитида, турли уруғ ва элатларнинг ягона халқлар сифатида шаклланиш даврида буюк ижобий ҳодиса саналиб, бу ўзбек эпосининг қон-қонишга сингиб кетган. Бу халқимиз маданий ҳаётидаги улкан кўтарилишлар, муҳим тарихий воқеалар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Халқимиз босиб ўтган тарихий йўл, унинг бошидан кечирган ижтимоий-сиёсий жараёнлар шунга шарт-шароит ҳозирлаган эди.

АНЪАНАВИЙ ЭПОСНИНГ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШИ

Юқорида «Алпомиш» дostonининг яратилиш даврини X—XI асрлар, жангнома-дostonлар, тарихий ва романик эпоснинг бир қанча намуналарининг юзга келишини XII—XVII асрлар доирасида белгилаган бўлсак-да, уларнинг айримларининг илдизлари жуда қадим замонларгача, ҳатто исломгача бўлган тасаввурларга (масалан, «Малика айёр», «Машриқо» дostonларидаги бир қатор мотив ва эпизодлар) бориб тақалади. Бугина эмас. Қачонлардир озгаки яратилган мазкур дostonлар мунтазам эпик анъана доирасида доимо ҳаракатда бўлиб, муттасил ижро ва қайта ижод жараёнини ўз бошларидан кечирганлар. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир намунасига конкрет муносабатда бўлиб, уларни ҳар бирининг «ўз ижодий тарихини» белгилаш зарур. Бу ўринда биз дostonчилик стадиял тараққиётининг анъаналаридан келиб

чиқиб, XVII асргача бўлган муддат янги-янги сюжетларнинг яратилиши, тарихий дostonлар ва романик эпоснинг беқиёс кўп намуналарга⁶⁵ эга бўлиши жиҳатидан энг маҳсулдор давр бўлганлигини таъкидламоқчимиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, қадимдан давом этиб келаётган ўзбек халқ дostonчилиги XVI асрнинг охириларидан бошлаб муайян сифатий янгиланиш босқичини бошлади ва жонли оғзаки анъанада интенсив ривожланишда давом этди. Бу босқич дostonлар шакл ва мазмунининг мунтазамлашиши, формаларнинг кристаллашиши билан характерланадики, бунга совет даврида етакчи халқ бахшиларидан ёзиб олинган дoston намуналари мисол бўла олади.

Ўзбек халқ дostonчилигининг XVII асрнинг II ярми ва XX аср бошларигача бўлган тараққиётини шартли равишда анъанавий эпоснинг интенсив ривожланиш даври деб аташ мумкин. Бу даврнинг характерли хусусияти шундаки, ўзбек дostonчилигининг жонли оғзаки анъаналари ўзбек халқи орасида деярли барча ерларда турли йўллар билан гуруллаб давом этди. Бу анъаналарни янги иқтисодий-ижтимоий шароитларда давом эттирган ва янада ривожлантирган юзлаб дostonчилар етишиб чиқди. Халқ дostonлари шаклан ва мазмунан бойиб, кенг тармоқланиш ва вариантлашувга эга бўлди, юксак бадий камолотга эришди. Бошқача айтганда, халқ дostonлари жонли оғзаки эпик анъанада актив формада яшамоқда эди.

Айтилганлардан анъанавий эпоснинг интенсив ривожланиш даврида янги дostonлар яратилмаган, эпик репертуар турли-туман сюжетлар билан бойиб бормаган экан, деган хулоса чиқмаслиги керак. Аксинча, эпик репертуарнинг кенгайиб ва бойиб бориши ҳаммавақт биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Фақат унинг форма ва мазмуни, кенгайиш ва бойиш йўллари турли-тумандир. Бироқ традицион эпоснинг жонли оғзаки анъанада интенсив ривожланиш даври янги-янги сюжетларнинг яратилиши нуқтаи назаридан илгариги даврлардагидай маҳсулдор эмас.

Янги сюжетларнинг яратилиши, энг аввало, тарихий дostonлар тараққиётида кўзга ташланади. XIX асрнинг II ярмида «Тўлғоной», «Назар ва Оқбўтабек», XX аср бошларида «Номоз», «Мардикор», «Маматқарим полвон» каби дostonлар яратилди. Лекин бу дostonлар ҳам тарихийлик ва ҳужжатийликнинг даражаси, ўзига хос ижод шароитлари (айрим етакчи халқ бахшилари номлари билан боғлиқлиги) билан илгариги тарихий дostonлардан фарқ қилади. Бу тип дostonлар дostonчиликнинг янги босқичи — замонавий дostonчиликдан дарак бермоқда эди. Бу босқич даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларини тасвирлаш, халқ ҳаётини бевосита акс эттириш, анъанавий шакл ва усуллар-

⁶⁵ Бу намуналарнинг муайян қисми бизгача етиб келмаган. Чунки мунтазам жонли оғзаки анъана шароитида турли хил объектив ва субъектив сабаблар билан айрим айрим намуналарнинг эпик репертуардан тушиб қолиши ёки иккинчи авлод томонидан ўзлаштирилмаслиги оғзаки адабий-тарихий жараён учун қонуний бир ҳолдир.

ни янги замонни куйлашга бўйсундириш билан характерланади. Бу ҳол совет даврида яратилган халқ дostonларида янада яққол кўринади.

Анъанавий эпоснинг интенсив ривожланиши даврининг муҳим ҳодисаларидан бири дostonчиликка қисса ва қиссачиликнинг, кенг маънода ёзма адабиётнинг таъсири ва халқ бахшилари репертуарида китобий дostonларнинг пайдо бўлишидир. Маълумки, XVII асрдан бошлаб Мовароуннаҳр уч хонликка бўлиниб кетади. Бу хонликларнинг марказлари ҳамда қадимий маданият ўчоқлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон ва Андижон каби шаҳарларда муайян адабий доираларга хос локал хусусиятлар кучаяди. Бой классик адабиёт таъсирида эстетик дидда айирмалар юзага кела бошлайди. Шаҳар аҳолиси орасида турли йиғин ва маросимларда, ўтиришлар ва меҳмондорчиликларда ҳар хил сюжетлардан иборат ёзма қисса ҳамда дostonларни ўқитиб тинглаш кенг расм бўла бошлайди. Бу ҳол XVIII—XIX асрларда янада кучаяди. Натижада ёзма адабиётдаги бир қанча сюжетлар халқ ижодкорларининг репертуарларига ҳам кириб боради ва мустақил ривожлана бошлайди. Ўзбек халқ эпоси таркибидаги китобий дostonлар ана шундай йўл билан XVII асрларнинг охири XVIII асрнинг бошларидан бошлаб юзага кела бошлади. Уларнинг вужудга келиши қонуний бир ҳол бўлиб, ёнма-ён яшаётган ёзма ҳамда оғзаки эпик анъаналарнинг бир-бирига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларининг эпос доирасидаги характери яна тадқиқ этишда халқ эпосининг интенсив ривожланиш даври, айниқса, аҳамиятлидир. Мана шу нуқтаи назардан диққат қилинса, XI—XVI асрлар мобайнида адабий жараёнда йирик эпик асарлар яратишда асосан фольклор эпик асарларига таяниб ижод қилиш кучли эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билг», Рабғузийнинг «Қиссан Рабғузий», Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси», Юсуф Амирийнинг «Банг ва чоғир мунозараси», Яқинийнинг «Ўқ ва ёй мунозараси», Хожанинг «Гулзор», «Мифтоҳил адл» асарлари ва ҳоказо. Бу тенденциянинг ўзига хос сабаблари бор. Чунки туркий халқлар ёзма адабиётида катта ҳажмдаги эпик асарлар яратиш тажрибаси фольклор асосидагина шаклланиб, ривожланиши мумкин эди.

XVII—XIX асрлар мобайнида халқ эпоси ёзма эпик анъаналарга ҳам таяндики, бу нарса халқ эпосидаги анъаналарнинг яна янги шаклларда гуриллаб ривожланишига сабаб бўлди. Халқ эпоси таркибидаги китобий дostonларнинг вужудга келиши фикри мизнинг ёрқин далилидир. «Вомиқ ва Узро», «Санобар», «Варқа билан Гулшоҳ», «Тоҳир ва «Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби дostonлар ана шулар жумласидандир. Шунинг ҳам айтиш керакки, қисса тузиш ва қиссачилик айрим ҳолларда жонли оғзаки эпик анъананинг умумий тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Қадимий қаҳрамонлик эпоси айрим намуналарининг репертуардан туши қолиши, эпик шеър табиати

Ва анъанавий услубда зоҳир бўладиган модернизация ҳоллари ана шундай таъсир билан изоҳланади. Бироқ ўзбек халқ дostonчилиги тараққиётида қисса тузиш ва қиссачиликнинг салбий таъсири сезилмайди. Ўзбекистон шароитида қисса тузиш ва қиссачилик қанчалик ривожланган бўлмасин, улар гуркираб давом этаётган оғзаки дostonчилик анъаналарини тўхтата олмади, балки баҳши репертуарига ўтганда, жонли эпик анъаналарга батамом мослашди. Айрим ҳоллардагина оғзаки эпосга (масалан, Эргаш шоир репертуарига) қиссалар ва ёзма адабиётнинг таъсири сезилади. Демак, қиссалар эпик репертуарнинг бойиб бориш манбаларидан бири бўлиб, фольклорда оғзаки адабиёт қонун-қоидаларига мос равишда ўзлашди.

Ўзбек халқ эпосининг интенсив ривожланиш даврига хос муҳим хусусиятлардан яна бири у ёки бу территорияларда ўзига хос эпик анъаналарнинг вужудга келиши ҳисобланади. Юқорида айтилганидек, турли жойларга ўрнашиб олган ўзбек қабила ва уруғларининг эпик анъаналари билан ўша жойлардаги маҳаллий аҳолининг эпик анъаналари бирикиб кетади. Натижада, бир томондан, территориал жойлашиш, иккинчи томондан, маҳаллий эпик анъаналар таъсирида турли жойларда мустақил дostonчилик мактаблари вужудга келди. Бу умумўзбек эпосининг интенсив ривожланиш даврида ҳар бир жойнинг ўзига хос эпик анъанаси, эпик репертуари, поэтик услуби шаклланганлигини кўрсатади. Ўзбек дostonчилигининг умумий анъаналари жиҳатидан бу мактаблар бир-бирларидан кескин фарқланмасалар ҳам, бироқ устоз-шогирдлик муносабатлари, репертуар характери ва поэтик услуби билан ҳар бир мактаб бир-бирдан фарқ қиладилар. Дostonчилик мактаблари ва уларнинг юзага келиш даври XVII асрнинг ўрталари ва XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Шеробод, Хоразм, Жанубий Тожикистон, Фарғона водийсидаги дostonчилик мактабларининг аниқланиши ва уларга хос хусусиятларнинг ёритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай мулоҳазани эпоснинг ҳозирги қолдиқлари, халқ дostonларининг сақланиш даражаси, қисқаси, эпик инерция тўла тасдиқлайди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, маданий тараққиёт натижасида айрим дostonчилик мактаблари сўниб ҳам улгурди. Фарғона водийсидаги дostonчилик мактаблари бунинг далилидир.

Ўзбек халқ эпосининг интенсив ривожланиш босқичи бир хил характерда давом этмади. Чунки халқ эпоси ҳам бевосита халқ ҳаётида содир бўлаётган воқеалар, турли ўзгаришлар таъсирида ўз йўналишини ўзгартиради. Зеро, халқ эпосининг ривожланиши ҳам жонли жараён деб қаралади. Шу нуқтаи назардан, ҳамма жойда эпоснинг сақланиш, куйланиш ва тарқалиш даражаси бир хил эмасдир. Бу фикрни айрим намуналар ва туркумларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шундай қилиб, анъанавий эпоснинг интенсив ривожланиш даври ўзбек дostonчилигининг энг

юқори камолат нуқтаси ҳисобланадики, худду шу даврда мунтазам оғзаки эпос анъанада сайқаллашган халқ достонлари бизгача етиб келди ва халқимиз эпик ижодиёти шухратини оламга таратди.

СОВЕТ ДАВРИ ХАЛҚ ЭПОСИ

Башарият тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революцияси барча совет халқлари қатори ўзбек халқи ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар ясади. Халқнинг иқтисодий, сиёсий ҳаётида бўлгани каби унинг маданияти тараққиётида ҳам кескин бурилишлар юз берди. Социализм меваси бўлмиш ўзбек социалистик миллати ўтмиш миллий маданиятимизнинг илғор анъаналардан баҳраманд бўлган ҳолда янги мазмуни санъат ва адабиёт яратди, ўз миллий тилини беқиёс ривожлантирди. Бу санъат ва адабиёт халқ орасидан етишиб чиққан истеъдодлар ижоди ҳамда қардош халқлар санъати ва адабиётининг ҳамкорлигига асосланиб вужудга келган бўлса-да, унинг заминида ўзбек халқининг неча-неча асрлик бой бадий анъаналари ётар эди. Кўп асрлик халқ оғзаки бадий ижоди ва классик ўзбек адабиёти мана шундай ўлмас бадий анъаналар хазинаси бўлди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин янги ижтимоий воқеликни анъанавий достончилик йўлида тасвирловчи қатор асарлар ҳам яратилдики, уларни бемалол совет даври эпоси сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбек халқ эпосининг совет давридаги аҳволи ҳақида бир қанча мақолалар, монографиялар эълон қилинган⁶⁶. Уларда совет даврида яратилган ўзбек халқ эпосининг ривожланиш хусусиятлари, бу ривожланишнинг характери ва ҳаётий асослари тўғри кўрсатилса-да, бироқ ўзбек халқ эпосининг тарихий тақдири, халқ эпосидаги янгидан яратилиши ва жонли яшаш масалалари, эпоснинг ҳозирги аҳволи етарли ёритилмаган.

Совет даврида халқ ижодчиларига кенг имкониятлар яратилди, улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг беҳад ғамхўрлиги туфайли ўзбек фольклоршунослари ўнлаб халқ бахшиларини излаб топдилар, неча асрлар мобайнида куйланиб келинган юзлаб сюжетларни ёзиб олдилар, уларнинг аксариятини кўплаб тиражда нашр этиб, кенг халқ оmmasига армуғон этдилар. Мана шунинг учун ҳам ўзбек халқ эпосининг тарихий тараққиёт босқичларининг барчаси халқ эпосининг совет даври ривожланиш босқичига қиёсланса, бу босқич ўзидан олдинги босқичларга нисбатан фактларга бойлиги, конкрет фикр юритишга имкон бериши жиҳатидан энг муҳим саналиб, ҳар томонлама махсус тадқиқотларни талаб қилади.

Анъанавий эпос совет даври халқ бахшиларининг ҳам асосий

⁶⁶ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. с. 437—484.; Қобулниёзов Ж. Узбек совет фольклорининг ривожланиш йўллари. Тошкент, 1969.

репертуар бойлиги ҳисобланади. Улар ўзлари биладиган сюжетларга шу қадар ижодий, шу қадар бадиҳа билан ёндашар эдиларки, натижада улардан ёзиб олинган ҳар бир дoston ўзбек халқ эпоси хазинасига ғоявий-бадий жиҳатдан мустақил вариант ёки версия бўлиб қўшилиб эди. Лекин улар қай даражада мустақиллик касб этмасин, генетик нуқтаи назардан совет даври халқ эпосидаги янгидан яратилиш сифатида баҳолана олмас эди. Бу ўринда шуни эътироф этиш керакки, ҳозир ўзбек фольклористикаси чхтиёрида мавжуд бўлган халқ эпоси намуналарининг барчаси Совет ҳокимияти йилларида ёзиб олинган материаллардан иборат. Аммо ёзиб олиш билан эпосдаги янгидан яратилиш жараёнини бир-биридан фарқлаш лозим. Албатта, у ёки бу сюжетнинг мустақил вариант даражасига олиб келувчи жараён ва бахшининг хизматини инкор этмаган ҳолда, анъанавий эпосга ижодкор қўшган ҳиссани мунтазам ўрганиб бориш зарур.

Анъанавий эпос табиатида илгаридан содир бўлган янгидан яратилмаслик⁶⁷ бевосита жамият ҳаётидаги улкан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар билан шартланган ҳолда юз берган эди. Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши натижасида ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшовчи халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Ўзбек халқи инқилобий руҳ билан тўлиб-тошган рус пролетариати билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Қолаверса, демократик адабиётнинг халқ ҳаёти, унинг орзу-умидлари билан яқинлиги, илгор рус адабиёти ва маданиятининг халқ онгига, халқ ижодкорларининг эстетик қарашларига бўлган ижобий таъсири натижаси ўлароқ, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Фозил шоир каби халқ бахшилари инқилоб бўсағасидаёқ мамлакатда содир бўлаётган улкан воқеаларни ўз имкониятлари доирасида акс эттиришга интилдилар. Фозил Йўлдош ўғлининг «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», Пўлканнинг «Мардикор» каби дostonлари ана шулар жумласидандир. Бу дostonлар кейинроқ ёзиб олинган бўлса-да, бироқ уларнинг яратилиш даври бевосита инқилоб арафасига тўғри келади. Воқеликни бадий акс эттиришда халқ ижодкорларининг реалистик позицияга ўтишлари ўз-ўзидан уларнинг анъанавий эпос доирасидаги ижодий имкониятини чегаралаб қўяр эди.

Совет даврига келиб ҳам кўпгина қишлоқ ва айрим шаҳарлар аҳолиси ўзининг тўй-ҳашамларида халқ бахшиларини таклиф қилар, бу маросимларда бахшилар анъанавий эпос намуналаридан куйлаб берар, халқ эса бундан эстетик завқ олар ва бахшилар санъатини қадрлашда давом этарди.

⁶⁷ Бу ўринда янгидан яратилмаслик деганда, халқ дostonларини куйлашдаги бахши импровизацияси (қайта ижод) ёки бахши замондош бўлган воқеаларни тасвирловчи янги асарларнинг яратилмаслиги кўзда тутилаётган эмас (бундай яратилиш у ёки бу формада 50-йилларгача давом этди), балки кенг маънодаги қаҳрамонлик эпосига хос «бурунги замонлар» ҳақидаги янги-янги сюжетларнинг ижод қилинмаслиги назарга олинмоқда.

Бироқ инқилобдан олдин ҳам, инқилобдан кейин ҳам халқ анъанавий эпосда тасвирланган воқеаларни объектив воқелик сифатида эмас, балки эпик-хаёлий воқелик сифатида қабул қилар эди. Бошқача айтганда, халқ ўз эпосини ота-боболарнинг порлоқ келажак ҳақидаги қадимий орзу-истаклари сифатида қабул қилар эди. Халқ дostonлари жонли оғзаки анъанасининг интенсив давом этаётганлиги кўпгина бахшилар репертуарида аксариёт эпос намуналарининг янада сайқал топишига, янада бадий ишлов берилишига сабаб бўлди.

Совет ҳокимияти барпо этилиб мамлакатда миллий чегараланиш амалга ошгач, қишлоқ хўжалиги ва саноатни марказлаштириш асосида планли ривожлантириш жорий этилди, бутун мамлакат миқёсида маданий революция мисли кўрилмаган суръатлар билан олиб борилди, саводсизликни тугатиш қизгин амалга оширилди. Буларнинг барчаси халқ онгининг чинакам ўсишига олиб келди. Натижада ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ аҳолиси ҳаётида ёзма адабиёт етакчи мавқега эга бўлади. Тасвир имкониятларининг бойлиги, воқеликни имкон доирасида ижтимоий-эстетик нисбатда қамраб олишга қодир бўлган ёзма адабиёт аҳолининг аксариёт қисмини ўзига эргаштириб кета олди. Коммунистик партия ва Ҳукуматимизнинг халқ бахшилари санъатини ёшлар томонидан пухта эгаллаб олиш хусусидаги ғамхўрликларига қарамай, аксариёт саводли ёшлар ёзма адабиётга эргашди; бахшиларга шоғирд тушиб, уларнинг санъатини эгаллашга бўлган интилиш ўзининг илгариги мезонини йўқотди. Бу нарса бевосита ижтимоий-маданий прогресс билан боғлиқ қонуний бир ҳол эди. Кекса халқ бахшиларига эргашиб, уларнинг мураккаб санъатини эгаллашга иштиёқманд ёшларнинг озайиши эса, ўз навбатида, дostonчилик мактаблари ва уларнинг фаолиятини бўшаштириб юборди.

Чин истеъдод соҳиблари бўлмиш халқ бахшилари янги воқелик, янги ижтимоий тузум, унинг халқ оммаси идеали билан нақадар уйғун эканлигидан илҳомланмай қололмас эдилар. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Ўртоқ Ленин», Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлканнинг «Ҳасан батрак», «Қомсомолка Ойтўти», «Ҳасан қўл», Фозил Йўлдош ўғлининг «Очил дов», Ислom Назар ўғлининг «Нарпай қаҳрамонлари», Холёр Абдукарим ўғлининг «Амир қочди», Умр Сафаровнинг «Қорақум», «Дастагул» каби асарлари шу илҳом самараси эди.

Бу асарлар, гарчи ўз шакли ва характери, анъанавий услуб воситалари жиҳатидан анъанавий ўзбек халқ дostonларидан фарқланмасалар ҳам, бироқ асосида реал воқелик ётиши, персонажларнинг ҳаётий антиподлари мавжудлиги, қисқаси, реалистик характери билан ажралиб турадилар. Халқ дostonчилигидаги бу ҳодиса халқ бахшиларини анъанавий репертуарларни кўр-кўрона, ҳеч қандай ижодий ўзгартиришларсиз ташиб келувчилар дегувчи сохта даъволарнинг асоссизлигини кўрсатишдан ташқари, бахшилар ижодининг ҳаммавақт ҳаёт билан, унинг ривожланиш да-

ражаси, халқ оммасининг конкрет тарихий идеаллари билан ҳам-нафас эканлигини ҳам намоиш этди.

Асосан Октябрь инқилоби арафасида ва Совет ҳокимияти йилларида яратилган янги типдаги дostonлар қисқа қилиб «янги дostonлар» деб ҳам юритилади. Қандай аталишидан қатъи назар уларнинг юзага келиши икки жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга: 1. Улар Октябрь инқилоби ва Совет ҳокимияти қурилиши йиллари, ундан кейинги мамлакат, халқ ҳаётидаги улкан тарихий-ижтимоий ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Шу жиҳатдан қараганда, Биринчи жаҳон урушидан тортиб 50-йилларга қадар бўлган тарихий воқеаларни кенг эпик планда акс эттириш халқ ижодида фақат эпос зиммасига тушди. Қолбуки, кенг қамровга эга бўлган эпик жанрлардан эртак ҳам бор эди. Аммо бу даврга келганда эртак янгидан ижод этилиш нуқтаи назардан тўла сўниб ултурган эди; 2. Янги дostonлар янги воқеаларни акс эттиришда анъанавий эпосдаги идеаллаштириш орқали уларни ўта ҳаётий қобиқда тасвирлайди. Шунинг учун ҳам янги дostonлар Октябрь инқилоби ва Совет ҳокимияти тарихини ўрганишда муҳим манба ҳамдир. Халқ эпоси доирасида юз берган янги типологик ҳодиса хусусида кўплаб илмий мақолалар ёзилди, диссертациялар ёқланди. Бироқ бундай типологик ҳодиса табиати, унинг ҳаётий-эстетик нисбати ҳақида жиддий фикр айтилганича йўқ. Масалан, биргина янги дostonлардаги тарихий воқелик ва бадий тасвир нисбатини олиб кўрайлик.

Маълумки, халқ эпоси (асосан анъанавий эпос) воқеликни меҳнаткаш халқ идеали нуқтаи назаридан туриб акс эттиради. Халқ идеали эса моҳияти жиҳатидан барқарор, яъни умрбоқий, умумбашарий характерга эга. Масалан, тинчлик, озодлик, мамлакат ва эл-юрт ободлиги, тенглик, ватанга муҳаббат, дўстлик, соф, севги каби умуминсоний туйғулар меҳнаткаш халқнинг минглаб йиллар идеали бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Демак, анъанавий халқ эпосида акс этган воқеалар моҳияти ана шу идеаллар билан боғланади. Бинобарин, бутун ижодий имконият, бадий-тасвирий восита ва усуллар ана шу юксак инсоний идеаллар тараннумига йўналтирилган бўлади. Демак, анъанавий эпосдаги тарихийлик ҳам ўз моҳияти жиҳатидан шу идеалларнинг қай даражада, қай тарихий шароитда ва қандай реал ҳаётий асосларда акс эттирилиши билан белгиланади. Мана шунинг учун ҳам халқ эпосининг тарихийлиги ва бу тарихийликнинг мезони халқ ҳаётида юз берган улкан тарихий-ижтимоий воқеалар, халқ ҳаётидаги жуда катта даврлар билан ўлчанади. Бошқача айтганда, анъанавий халқ эпосидаги тарихий воқелик ва бадий тасвир моҳияти анча барқарор бўлиб, ҳар иккисининг нисбати ва характери ижтимоий-иқтисодий формациялар, меҳнаткаш халқнинг сийсий, маданий онгида бурилишлар юз бериши билан ўзгаради.

Янги дostonларга шу жиҳатдан ёндашилса, уларда тарихий воқелик асарнинг асосида ётувчи материални тўлиқ ташкил этганлиги сабабли, улардаги тарихийлик принципи кескин сифатий ўз-

гаришларга учраганлиги аён бўлади. Бу ўзгаришлар эса, бизнингча, қуйидагиларда кўринади:

1. Янги дostonларда сюжет конкрет тарихий воқеаларга асосланганлиги сабабли бу воқеаларни бадий акс эттиришда бир оз оқсаш юз бери. Чунки бахшилар воқеликни бадий умумлаштириш, персонажларни индивидуаллаштириш ҳамда бадий тўқимадан фойдалана олмадилар. Қисқаси, улар янги тарихий воқеликни ўзларининг асрий бадий тасвирлаш тажрибалари асосида акс эттирдилар; янги ҳаётний материални тўла акс эттирувчи бадий-тасвирий усул ва воситаларни топа олмадилар. Оқибатда, айрим янги дostonларда тасвир реалистик характердан кўра натуралистик тасвирга қараб тортиб кетади. Мисол учун Умр Сафаровнинг «Дастагул» дostonини олиб кўрайлик.

Дoston 20-йиллардаги босмачилик ҳаракатининг тугатилиш даври воқеалари асосида яратилган. Унда беш кишидан иборат босмачилар гуруҳининг қишлоқни талаб, Мақсад бобонинг Даस्ताгул исмли қизини олиб қочиши ва қизнинг қизил аскарлар томонидан қутқариб олиниши тасвирланган. Албатта дoston сюжети тарихан реал воқелик асосига қурилганлиги ҳеч кимни шубҳага солмайди. Бироқ гап материалнинг тарихий ҳужжатлилиги устидагина кетаётгани йўқ. Материалнинг тарихан ҳаққонийлиги бадий ижоддаги масалаларнинг бир томони, холос. Бу ўринда масаланинг муҳим томони эпосда тарихан ҳаққоний бўлган воқеалар қай йўсинда, қандай бадий даражада акс эттирилганлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Дастагул» дostonи бадий жиҳатдан мукамал эпос намунаси бўла олмайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, дoston ҳаётни кенг қамровда, монументал тарзда акс эттирмасдан, кичик бир ҳаётний воқеага асосланган. Албатта, халқни талаш, зўравонлик, ноҳақлик кабилар босмачилик ҳаракатига хос хусусиятлардир, бундай хатти-ҳаракатни бадий жиҳатдан қоралаш эпос учун шарафли вазифа саналади. Аммо «Дастагул»да тасвирланган воқеага ўхшаш воқеалар босмачилик ҳаракати даврида Ўрта Осиё республикаларида жуда кўп бўлган. Бўлганда ҳам, «Дастагул»дагидан мудҳишроқлари ҳам юз берган. Уларнинг ҳар бири дoston қилинса, совет даври халқ эпосида улкан бир туркумлик юзага келиши муқаррар. Бироқ бадий ижоднинг муҳим хусусияти шундаки, у барча воқеаларни умумлаштиради, улар учун етакчи бўлган жиҳатларни қабартиради ва китобхонга таъсир қиладиган даражада қайтадан ишлаб беради. Ана ўшандагина бундай ижод маҳсули кишига эмоционал таъсир кўрсатади, эстетик завқ бағишлайди. Халқ эпоси ҳам ёзма адабиётдаги эпик жанрлар билан бу жиҳатдан яқин туради. «Дастагул» эса ҳаётний биргина воқеа асосида яратилган. Бу нарса асар асосидаги воқеликнинг эпосга хос монументал тасвирланишига монелик қилган.

Балки халқ эпосидаги монументаллик совет даврида ўз характерини ўзгартиргандир, деган қонуний савол туғилади. Йўқ, ўзгартирмаган деб дадил айтиш мумкин. Халқ бахшиси эпосдаги

тасвир усулларидан кечмас экан, ўзининг эстетик принципларини бойитмас экан, эпосдаги монументал тасвир характери ҳам ўзгармайди.

Иккинчидан, «Даस्ताгул»нинг сюжети заминдаги воқеа эпосга хос тасвирий қамров учун торлик қилишидан ташқари, у шу қадар шошилиш ва юзаки баён этиладики, натижада персонажлар хатти-ҳаракати, уларга хос психологик тасвир юзаки чиққан. Бу икки жиҳат Умр Сафаровнинг «Қорақум», Ислон Назар ўғлининг «Нарпай қаҳрамонлари» каби асарларига ҳам хосдир.

Юқорида айтилган икки жиҳат «Даस्ताгул» ва «Қорақум»ни дoston жанридан кўра тарихий қўшиқ жанрига яқинлаштириб қўяди. Бироқ бахши ҳар икки асарни ҳам зўрлаб дostonга хос шаклий қолипга солади. Оқибатда, вужудга келган ҳодиса на дoston дейишга, на тарихий қўшиқ дейишга асос беради. Бизнингча, бундай типдаги асарлар халқ эпосининг вeсoситa сўниш даврида юзага келган эпоснинг дуварак мевасидир.

2. Тарихий воқеаларнинг кескин ва айни пайтда кетма-кет, шиддатли юз бериши ҳам халқ бахшиларини шошириб қўйди. Дастлаб, халқнинг стихияли қўзғолонлари ҳақида дoston яратган ижодкорлар тез орада босмачилик ҳаракати, ундан кейин коллективлаштириш, сўнгра Улуғ Ватан уруши ва бошқа катта ижтимоий-сиёсий воқеаларни ҳам акс эттирувчи дostonлар яратдилар. Бироқ яратилган бу асарлар ижодкор репертуарида қолиб кетаверди. Халқ эпосидаги оғиздан-оғизга, ижодкордан-ижодкорга ўтиш, сайқал топиш каби қадимий анъанани янги дostonлар ўз бошидан кечирмадилар; бу нарса янги дostonларнинг бадий жиҳатдан заиф чиқишларига олиб келди.

3. Ҳар бир давр эпосининг ўз даври, тарихий воқеаларга мос келувчи муносабати, халқ ижодкорларининг воқеликни эстетик идрок этиш тарзи, акс эттириш усуллари мавжуд. Масалан, анъанавий ўзбек халқ эпосидаги воқеликни романтик-қаҳрамонлик пәфоси ўз-ўзидан маълумки, совет даври воқелигини бутун тўлалигича акс эттиришга қодир эмас эди. Янги ижтимоий воқеликка эстетик жиҳатдан ёндашиш, уни бадий образларда акс эттиришнинг метод ҳамда шакллари топиш, ривожлантириш учун халқ бахшиларига жуда узоқ муддат керак эди. Воқелик эса ҳеч қачон бунни кутиб турмайди. Мана шунинг учун ҳам бахшилар ўзлари тарбияланган, минг йиллар давомида ривожлантирилиб, давом эттириб келинган анъанавий эпосга хос воқеликка эстетик муносабатда бўлиш усуллари воситасида янги воқеликни тасвирлай бердилар. Янги ижтимоий воқелик ва унинг характери, ўлчови, моҳияти жуда қисқа бир муддат ичида кескин ўзгарган эди. Бундай миқдорий ҳамда сифатий ўзгаришлар талабига эса анъанавий халқ эпосининг қолипи, мезони, бадий-тасвирий воситалари жавоб бера олмас эди, қисқаси, анъанавий шакл ҳамда янги ҳаётий мазмун ўртасидаги номутаносиблик янги дostonлар табиатида зоҳир бўлди.

4. Янги дostonлар конкрет авторларга эга. Шундай экан, улар-

ни халқ эпоси сирасига киритишга ҳаққимиз борми? Ҳа бор, улар янги типдаги халқ эпоси сирасига киритилади ва шу доирада баҳоланади. Чунки, биринчидан, яратилиш ва ижро тарзи, воқеликни танлаш ва акс эттириш усули жиҳатидан улар халқ эпосининг кўп асрлик тажрибасига асосланадилар. Иккинчидан, янги типдаги дostonлар ўзининг шаклий компонентлари билан ҳам анъанавий эпосдан фарқланмайди, аксинча, унга таянади. Бинобарин, бу икки асос янги типдаги дostonларни халқ эпоси сирасига киритишга тўла ҳуқуқ беради.

Октябрь инқилоби арафаси ва Совет ҳокимияти йилларида юзага келган янги типдаги халқ эпоси умумўзбек халқ эпосида сўниш жараёни бошланганлиги сабабли бахшилар репертуарида кенг тарқала олмади. 50-йилларнинг охирларидан бошлаб эса бу типдаги дostonларнинг яратилиши ҳам бутунлай сўнди.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос келувчи ижтимоий-иқтисодий базиси ҳамда унга мос келувчи устқурмаси мавжуд. Шу нуқтаи назардан қараганда, башариятнинг «бахтли болалиги» даврида юзага келган эпос ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичлари билан боғлиқ. Унинг барча ғоявий-эстетик воситалари муайян ижтимоий муносабатларни тасвирлашга қодир бўлганлиги учун ҳам янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, мураккаб ҳаёт тарзини тасвирлашга ожизлик қилиб қолади. Шунинг учун ҳам ўз ўрнини етакчи ғоявий-эстетик категория сифатида санъат ва адабиётнинг янги тур ва формаларига бўшатиб беради. Ўзбек халқ дostonларининг яратилиш жиҳатидан сўниб улгурганлигини, дostonчилик жонли анъаналарининг ҳам аста-секин инқирозга юз тутаётганлигини ана шу билан изоҳлаш мумкин. Бироқ халқ дostonлари улкан маданий мерос сифатида (қўлёзма ва нашрлари, улар асосида яратилган янги санъат намуналари орқали) халқимизнинг маънавий-эстетик эҳтиёжини қондиришда давом эта беради, биз учун «маълум даражада норма ва эришиб бўлмайдиган намуна бўлиб хизмат» қила беради. Унинг халқимиз ҳаётида тутажак боқий маънавий аҳамияти ҳақида К. Маркснинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: «...Эркак киши яна қайтиб ёш бола бўла олмайди, бўламан деса ҳам енгилтак кишига айланади. Бироқ ёш боланинг соддадиллиги уни қувонтирмайдими, унинг ўзи ҳам вояга етгандан кейин ўзининг чин моҳиятини қайта яратишга интилиши лозим бўлмайдими. Ахир, ҳар бир даврнинг ўзига хос характери ёш боланинг табиатида чин ҳақиқат тусини олиб жонланмайдими? Бас шундай экан, ҳаммадан кўра гўзалроқ бўлиб ривожланган кишилик жамиятининг болалик даври яна қайтиб такрорланмайдиган босқич сифатида нега биз учун абадий гўзаллик касб этиб турмаслиги керак?»⁶⁸ Демак, халқ эпоси ўзининг баркамол инсоний ғоялари, ўлмас образлари ва ўзининг серҳашам назокати билан боқийдир.

⁶⁸ К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. Икки томлик. 1-том. Тошкент, 1975, 129—130-бетлар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАҚЛАРИ

Эртак — халқ поэтик ижоди жанрларидан бири, ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ бўлиб, фалсафий-таълимий ғоялар ҳамда ҳаётий проблемалар асосига қурилган, бадий тўқима ва уйдирмалардан холи бўлмаган оғзаки ҳикоялар.

Бу жанрнинг юзага келиши ва шаклланиши ибтидоий давр қатламларига кириб боради. Бунда қадимий урф-одат ва маросимлар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Унинг мустақил жанр сифатида ривож топиши тарихий реал ҳодисалар ҳаёлий формада ифодаланган даврдан бошланади. Чунки бу даврда конкрет нарса ва ҳодисалар, уруғ, қабила, патриархал муносабатлар билан боғлиқ бўлган мифологик удум, аъъанавий одатлар ўзининг ижтимоий-маиший функциясини йўқотиб, кишилар онгида ғаройиблик, одатдан ташқари ҳолат касб эта бошлаган. Ана шу тарихий-типологик жараённинг эртақдаги трансформацияси унинг структурасини ташкил этувчи мотивлар системасини юзага келтирган. Эртак мотивларининг дастлабки намуналари дидактик, кейингилари эса ижтимоий маъно касб этган. Унинг ҳар бир мотив ва эпизодлари ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар қобигида таърифланган. Эртак ўзига хос ғоявий-тематик йўналиши, таълимий-эстетик функцияси билан ажралиб туради. Мардлик ва қаҳрамонлик, адолат ва инсонпарварлик, ватанпарварлик, чин севги, садоқат, вафодорлик каби идеал орзулар ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар фонда ҳикоя қилинади. Турли хил замон қатламларига доир ахлоқ ва одобнинг юксак намуналари улуғланиб, зулм ва зўрлик қораланади. Бинобарин, эртақлар ҳеч вақт бекорчи, эрмак нарсалар эмас, улар ҳаммавақт зўр ижтимоий ва тарихий аҳамиятга эгадирлар.

Эртақлар ҳаёт ҳақиқатини ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар асосида тасвирлаганлиги, тилсим ва сеҳр воситаларига асосланиши, воқеа ва ҳаракатларнинг ажойиб-ғаройиб ҳолатларда кечиши, қаҳрамонларининг ғайритабiiий жасорати билан фольклорнинг бошқа жанрларидан фарқ қилади. Унинг ўзига хос жанр.

хусусиятлари, белгилари ўзбек эртаклари мисолида бир қатор ишларда анча кенг ёритилган¹.

Фантастика — эртақ мезони. У воқеа ва ҳодисаларни бошқарувчи, муваффақиятли яқунга олиб келувчи, динамик ҳаракат билан таъминловчи, ниҳоят, образлар системасини белгилувчи поэтик воситадир. Шунинг учун ҳам фантастика асос бўлган сюжетларда мавжуд воқеа ва ҳодисалар ҳаётийликдан йироқ кўринади. Фантастиканинг руҳи бутун эртақ давомида сезилиб туради. Баъзи бир эртақлар синкретик характерга эга. Сюжет чизиғида ҳар хил туркумга оид персонаж ва мотивлар, поэтик элементлар қоришиб келади. Баъзи эртақлар эса бир мотив ёки бир мақол ё топишмоқ натижаси ўлароқ юзага келган. Эртақ персонажлари ҳам ўзига хосдир. Улар эртақ воқеаларини ҳаракатлантириб турадилар. Булар—Ҳазрат хизр, дев, аждаҳо, семурғ, анқо, бўри, тулпор от, пари, шоҳ, шаҳзода, малика, вазир, жаллод, ит, мушук, тулки, кийик, буқа, туя, қўй, лайлак, тўти, бургут, қийғир, балиқ, чинор, қайрағоч, ўрик, гут, терак, турли хил гул ва доривор ўсимликлар, донишманд, мастон, жодугар, ялмоғиз, сеҳргар, эшон, табиб, фолчи, шайх, мулла, қози, элликбоши, юзбоши, гилам, халат, дўппи, махси, нон, қўй гўшти, хасип, қази, шўрва, чой, қимиз, узум, олма, қовун, тарвуз, ўрик, шафтоли, чилим, наша, бешик, ҳовуз, кетмон, теша, ғалвир ва бошқалар.

Эртақларни ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмаларнинг шакл ва мазмуни, ўрни ва даража-миқдори, мақсад, вазифаларига кўра икки катта бўлакка бўлиб ўрганиш аҳамиятлидир. Биринчи бўлакка ҳаёлий уйдирмалар асос бўлган эртақлар, иккинчи бўлакка эса ҳаётий уйдирмалар асос бўлган эртақлар киради.

Биринчи бўлакка кирган эртақлар сюжети мўъжизали, иккинчи бўлакка кирган эртақлар сюжети эса ҳаётий, унда бўлиши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисалар тасвирланади. Ҳар икки бўлак эртақларда асосан уч мақсад ҳикоя қилинган. Бирида идеал қаҳрамоннинг ғайритабiiй кучга қарши чиқиб ғалаба қилиши, ғайримуқаррарий нарса ва мўъжизали қуш, ҳайвонларни олиб келиши, иккинчисида асосан бош қаҳрамоннинг ўзга юрт маликалари ёки паризодларига ошиқ бўлиб уйланиши, у ёки бу персонажни мушкул аҳволдан қутқариш, касалга дори топиш, аждар ва девлар олиб қочган кишиларни озод этиш, мажозий воқеалар, учинчисида эса феодал аҳлоқига қарши чиқиш, адолатпарварлик, донишмандлик, хуллас, маънавий кураш билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳикоя қилинади. Биринчи ва иккинчи мақсад ҳаёлий уйдирмалар фониди амалга ошади. Сюжет ғойибдан бор бўлиш ёки бордан йўқ бўлиш принциpigа асосланади, яъни у йигитни маймунга, қизни балиққа, ойнани сувга, тароқни дарахтзорга айланиши каби ғайритабiiй воқеа ва ҳодисалар асосига қурилган. Учинчи мақсад ҳаётий уйдирмалар асосида амалга

¹ Қаранг: А ф з а л о в М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. Тошкент, 1964; И м о м о в К. Ўзбек халқ оғзаки прозаси. Тошкент, 1980.

ошади. Маликанинг балиқ қорнидан бутун чиқиши, қиз ё йигитнинг сандиқ ичида ойлаб оқиши, Тоҳир мазоридан қизил гул, Зухра мазоридан оқ гул, Қоработир мазоридан қора тиканак ўсиб чиқиши, гулнинг сўлиши, қайта тирилиши каби реал, лекин бироз бўрттирилган воқеа ва ҳодисалар сюжет асосини ташкил этади.

Биринчи ва иккинчи мақсад ҳикоя қилинган эртақларда хаёлий уйдирмалар тугун ечимида ҳал қилувчи функцияни адо этади. Учинчи мақсад ҳикоя қилинган эртақларда эса, хаёлий уйдирмалар ниҳоятда кам, улар элемент шаклида келиб, сюжет чизигида у ёки бу воқеани кучайтириш вазифасини бажаради, холос. Биринчи ва иккинчи мақсад ҳикоя қилинган эртақлар, кўпроқ мифологик, тотемистик, анимистик тушунчалар билан боғлиқ бўлган мазмунни, учинчи мақсад ҳикоя қилинган эртақлар эса асосан ижтимоий-синфий маънони акс эттиради. Биринчи ва иккинчи мақсад ҳикоя қилинган эртақларда қаҳрамон ўзига хос кучга эга, «сувда чўкмас», «ўтда ёнмас», «чопса чопилмас» тарзида намоён бўлади. Баъзан эса, у камситилган, омадсиз, бироқ қўрқмас, жасур, адолатли, кейинроқ омади келган йигит. Қаҳрамон паҳлавон янглиф ҳикоя қилинганда, ўз куч-қудрати билан ғалаба қилса, камситилган ҳолда тасвирланганда, тилсим воситалари, ғайритабиий кучлар ёрдамида ғалабага эришади. Учинчи мақсад ҳикоя қилинган эртақларда эса, у — ҳаётий, ақлли ва садоқатли, тadbиркор ва донишманд, маънавий тўқнашувда ақлидроки, синфий тушунчаси донмо ғалаба келтиради. Биринчи ва иккинчи мақсад ҳикоя қилинган эртақлар ўзига хос ранг-баранг мотивлар системасидан ташкил топади. Шулардан асосийси ва энг муҳими анъанавий синов мотивидир. Мотив қаҳрамон ва қарши томон қиёфаларини белгилайди. Унинг бир неча хил вариантлари мавжуд. Қаҳрамон билан аждар, қаҳрамон билан дев ўртасида юз берган тўқнашувлар эса қадимий тўй маросимлари билан боғлиқ бўлган мотивлар сирасини юзага келтиради ва улар асосий мотивда мавжуд фикрни тасдиқлайди. Феодализм идеологиясига қарши ҳамда диний-клерикал мотивлар ҳам мавжудки, улар учинчи хил мақсад — ҳикоя қилинган эртақлар сюжетини ташкил этади.

Ҳикоя қилинган уч хил мақсад мазмунидан маълум бўладиги, эртақлар турли хил даврларда тўқилган. Сюжет асосини ташкил этган мазкур мотивлар генезиси ва функциясини аниқлаш унинг тарихий манбалари, ташкил топган ўрни ва замонини белгилашга олиб келади. Эртақлар бир бутун алоҳида жанр сифатида ҳикоя қилинган уч хил мақсад, ўзига хос мотивлар системаси, персонажлар мавқеи, ғоявий йўналиши, конфликтлар хусусияти, сюжет ва композицияси, ҳаётий ва хаёлий уйдирмаларнинг ўрни ва функцияси, тили ва стилига кўра шартли равишда қуйидаги ички турларга бўлинади: сеҳрли эртақлар ва ҳаётий эртақлар.

СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАР

Сеҳрли эртақлар иккига — тилсимсиз ва тилсимли эртақларга бўлинади. Тилсимсиз эртақлар сеҳрли эртақларнинг алоҳида бир тури бўлиб, нисбатан қадимийдир. Уларнинг муайян қисмини ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ташкил этади. Асосий образ ва персонажлари ҳайвонлардан ташкил топган эртақларни шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар деб юритамиз. Ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий эртақлар асосан сақланмаган, унутилган. Борлари ҳам маълум даврларга келиб, шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгаришларга учраган.

Соф ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилувчи эртақларнинг алоҳида бир тури этиологик эртақлардир. Этиологик эртақлар асосан у ёки бу қуш, ҳайвонларга хос бўлган белги-хусусиятлар ҳақида маълумот беради. Бу хил эртақлар ҳам жуда кам сақланиб қолган. Улар ўзгаришларга дуч келган. «Кийик билан Қади», «Қалдирғоч билан Зингловуқ» кабилар ана шу типдаги эртақлар сирасига киради. «Кийик билан Қади» эртаги икки қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири тугалланган воқеаларни ҳикоя қилади. Эртақнинг биринчи қисмида қадимийлик хусусияти акс этиб туради. Бинобарин, у маълумот бериш функциясини бажаради. Иккинчи қисм кейинчалик қўшилган бўлиб, заминиди мажоз ётади. Эртақ асосан кийик думининг калталики сабабини очади. Қади кийикни кўрқитади. Кийик Қадида ўч олмоқчи бўлади ва уни думига боғлаб сувга чўктиради. Қади кийикни сув тагига тортади, кийик қирғоққа. Охири думи узилиб, тўмтоқ бўлади.

Эртақ нима учун кийикларнинг думи калта?— деган савол заминиди ташкил топган. Воқеалар хаёлий, аини пайтда содда жавоб шаклида юзага келган. Қўрамизки, сюжет қадимий бўлиб, илдизи ибтидоий турмуш, овчилик билан боғлиқ бўлган даврларга кириб боради. «Қалдирғоч билан Зингловуқ» номли эртақ асосида миф ётади. Эртақ илон, қалдирғоч ва зингловуққа хос бўлган хусусиятларни очади. Маълумки, илон қурбақага ўч, ари зинг-зинглаб овоз чиқаради, қалдирғоч эса, одамларга яқин яшайди. Булар аслида ҳаётий белгилар. Эртақда эса бу белгилар хаёлий уйдирмалар воситасида аниқланади. Тасвирланишича, илоннинг топшириғи билан одам гўшти ширинлигини билган арининг тилини қалдирғоч тишлаб олади ва қурбақанинг гўшти ширин эканлигини айтади.

Ҳар икки эртақда ҳам кейин кирган мажозий белгилар йўқ эмас! Думи чўлтоқ кийик, илон, қалдирғоч ва зингловуқ муносабатиди, нутқ, ҳаракатида баъзи бир кишиларга хос бўлган белги-хусусиятлар намоён бўлади. Лекин соф кийикларга хос бўлган табиий белгилар ҳам ҳикоя қилинади. Кўринадики, ҳаётий воқеа хаёлий уйдирмалар фониди ифодаланган. Бу эса этиологик эртақларга хос белги ҳисобланади.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда тилсим ва тилсим билан боғлиқ бўлган мотивлар мавжуд эмас. Бироқ воқеа ва ҳодисалар

талқинида хаёлий уйдирмалар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу типдаги эртақлар мажозий эртақларнинг ташкил топиши ва шаклланишида алоҳида ўрин тутаяди. Ҳаётда меҳнат ролининг ошиши ҳамда воқеликка реал муносабатнинг юзага келиши натижасида кейинчалик қадимий тасаввурларнинг унутилиши ҳайвон ва қўшларнинг салбий ёки мажозий персонажлар сифатида намоён бўлишига олиб келди, ибтидоий уйдирмалар, ишонч ва эътиқод намуналари ижтимоий маъно касб этди ва поэтик системага айланди. Шу тариқа мажозий эртақлар ташкил топди.

Мажозий эртақлар асосан синфий жамиятда ташкил топган. Улар танқидий функцияни адо этади. Бир вақтлар тотем саналган ҳайвонлар ижтимоий-сиёсий мазмунни акс эттирган кўчма маънодаги персонажларга айланди. «Бўри билан тулки», «Тулкининг тақсимоти», «Икки бойқуш», «Чумчуқ», «Илоннинг иши заҳар солмоқ», «Қарға билан қўзи», «Чивинбой», «Қўнғиз бикач», «Ҳийлагар бедана», «Қумурсқа», «Эчкининг ўч олиши», «Тулки билан хўроз» кабилар мажоз асосида қурилган эртақлар ҳисобланади. Бу эртақлар асосан феодализм жамиятида шаклланиб, шакл ва мазмун эътибори билан масал жанрига яқин туради. Зотан, сюжет асосида ётган кўчма маъно ҳамда аллегорик образлар системаси улар учун типологик ҳодисалар. Шу жиҳатдан бу турдаги эртақларда ҳайвонлар ва паррандалар инсон тилида сўзлаб, борлиқ, ҳаётга онгли муносабатда бўладилар. Бу нарса ижтимоий мазмун, демократик ғояни ташвиқ этишга қаратилгандир. Демак, мажозий эртақлар ўтмишда меҳнаткаш халқнинг эксплуататорларга қарши курашида маънавий қуроли вазифасини бажарган.

Сеҳрли эртақларда бўри, айиқ, илонлар асосий персонаж ёки бош қаҳрамоннинг ажойиб ёрдамчилари, бинобарин, улар ижобий персонаж сифатида талқин этилади. Персонажларда антропоморфик деталь ва миф билан боғлиқ бўлган баъзи белгилар сақланган. Мажозий эртақларда эса бу хусусият деярли учрамайди.

Мажозий эртақлар насиҳатомуз ва ибратомуз ғоя, таълимий функцияси билан ажралиб туради. Бу хил эртақларда асосан тўғрилиқ ва адолатпарварлик, меҳнатсеварлик ва одамийлик, доно ақл ва зийраклик маъқулланиб, зулм ва зўрлик, босқинчилик ва ёвузлик, дангасалиқ ва айёрлик, иккиюзламачилиқ ва рикорлик кабилар инкор этилади. Мазкур туркумдаги эртақларнинг тематик йўналиши ранг-баранг бўлиб, асосан турли хил ахлоқий нормалар ҳамда синфий, диний-клерикал муносабатлар ҳикоя қилинади.

Мажозий эртақларда мажоз асосий ўрин тутаяди ва у поэтик восита сифатида ҳал қилувчи ҳисобланади. Қатнашувчи персонажлар фақат ҳайвонлар бўлиб, доимо инсон тилида сўзлаб, ўзаро муносабатда бўладилар. Ҳайвонларнинг ўзаро тўқнашуви орқали инсоний муносабатлар очилади. Эртақларда ҳайвонлар дунёси шартли, аслида эса инсон психологияси ҳикоя қилинади. Эртақ ва унинг уйдирмаси халқ ҳаётида мавжуд бўлган умумий ёхуд жузъий камчиликларни бўрттиради. Мазмунида халқнинг

идеал ахлоқ ва маънавий тушунчалари илгари сурилади. Демак, мазкур типдаги эртақлар воқеликни мажозий йўл билан ифода-лайди. Мажозий образ масаланинг моҳиятини очади. Мажозий об-раз деганда, у ёки бу ҳайвоннинг ўз маъноси эмас, балки кўча маъноси кўзда тутилади.

Мажозий образлар ўзига хос белгилари билан ажралиб тура-ди. Кўпроқ уй ҳайвонлари — от, ҳўкиз, қўй, эчки, хўроз кабилар-да ижобий хислатлар бўрттирилган: шунга қарамасдан мазкур ҳайвонларнинг ўзига хос ҳаётий хусусиятлари ҳам сақланган. Бўри, тулки, шақал, шер, илон кабиларда салбий хислатлар бўрт-тирилган. Буларда ҳам ўзига хос ҳаётий белгилар мавжуд. Маз-кур мажозий персонажлар ижтимоий жамият қатламларида қай-та ишланган ва силлиқланиб умумлашма мажозий образ дара-жасига кўтарилган. Илон ва шер зулм ва зўрлик, бўри эса очқўз-лик ва қонхўрлик, тулки эса айёрлик ва маккорлик тимсолига ай-ланган. Бўри қўй билан эчки овласа, тулки хўроз. Тулки ваҳший ҳайвон, айни пайтда мажозий образ сифатида социал типнинг ёрқин ифодаси. Бу эса мажозий эртақларнинг ўзига хос белгиси ҳисобланади.

Демак, мазкур туркумга оид эртақларда ҳаёлий ва ҳаётий деталлар ўзаро уйғун келади. Улар асосан мажозий маънони конкретлаштиради. «Хўроз билан Тулки» эртагида тулкининг хўрозни кўриб эмоқчи бўлиши ҳаётий, унинг дарахт тепасида тур-ган хўроз билан муносабати эса ҳаёлий деталь. Унинг қиёфасида янги бир ҳолат, янгича бир тус пайдо бўлади. У одам шаклига киради, муносабати ижтимоий маъно касб этади ва кўча маъно вужудга келади. Эртақ ижтимоий тип — дин ниқобида юрган шахсни ҳажв мўлжалига нишон қилади. Хўроз алданади ва қўлга тушади. Шундан сўнг эртақда ҳаётий деталь ҳукмрон. «Тулки шу заҳоти уни таппа босибди, хўроз қичқириб юборибди». Шу ўрин-да яна ҳаёлий уйдирма ишга тушади. «Нега қичқирасан? — деб сўрабди тулки». Хўроз қутулиш йўлини излаб, тўсатдан тақдирга тан бергандек, ўзини хотиржам тутати. «Дадам ёшлигимда сени бир оч тулки ёйди, деб айтган эдилар. Шунда дадам сени тулки емасдан туриб, менинг арвоҳимга бир фотиҳа ўқисин, деган эди-лар. Шунинг учун қичқирдим, дебди». Бу жавоб аввало мажозий образ (тулки) — диний қиёфани, қолаверса, шу қиёфада мавжуд иккиюзламачиликни фош этади. Хўрознинг хотиржам қиёфаси тулкида ишонч уйғотади ва у «икки оёғини кўтариб фотиҳа ўқи-моқчи бўлган экан, хўроз «пир» этиб учиб дарахтга қўнибди». Хуллас, конфликт давомида икки характер намоён бўлади. Юз берган конфликт доно ақл эгасининг ғалабаси билан яқунланади. Эртақ сюжетида мавжуд ачиқ киноя мажозий персонаж — тул-ки қиёфасига қаратилгандир. Тулки нутқи диндор кишилар нутқи. Демак, тулки шаклан тақводор, мазмунан шафқатсиз шахс қиё-фасини ифода этади. Тилёглама нутқ асл башарани яшириб ту-рувчи ниқоб вазифасини бажаради. Кўрамизки, мажозий персо-нажлар ўрни билан табиий ҳолатни сақлайди. Табиийлик аввало

ҳаётий детални равшанлаштиради. «Тулки думини силкитиб, айёрлик билан дебди», «Чумчуқ «пир» этиб учиб деворга қўнибди», «Миёв, миёв, дебди мушук», «Дон териб еб... қу-қу-қу,— дермиш хўроз». Бундай талқин ёш болалар руҳига мос тушади ва диққат-этиборни тортиб олади, эртақнинг қизиқарли чиқишини таъминлайди. Ҳаёлий деталь (одам янглиғ гапириш, ўйлаш ва ҳаракат қилиш) эртақ сюжетида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳаёлий ва ҳаётий деталлар кулги яратиш вазифасини бажаради. У асосан персонажлар тўқнашувида содир бўлади. «Урадаги олов устига тушиб жизғанаги чиққан бўри зўрға қутулади», «бурнидан суви келиб ўлай-ўлай деб ётибди». Тулки келиб ҳол-аҳвол сўрайди. «Мен табибман, бундай яраларнинг дориси мана шу чангал тиканларнинг орасида югура бериш. Чангалзордаги тиканлар бада-нингиздаги зардобларни оқизаберади. Сиз уч кунда тузалиб кетасиз». Тулки томонидан тўқилган уйдирмалар бўри учун ишонч туғдиради. Ана шу ишонч эса комик ситуация яратади. Ҳажвий кулги айёрлик билан лақмалик тўқнашувидан ташкил топган. Демак, мажозий эртақларда ҳаёлий ва ҳаётий деталлар асосан ижтимоий тип ва муносабатларни ҳажв қилади, характер хусусиятни белгилайди. Мажозий эртақларнинг бу хусусияти уларни ҳаётий эртақларга яқинлаштиради.

Мажозий эртақлар сюжети ихчам, икки, уч эпизоддан ташкил толиб, мазмунни аниқ ва лўнда ифодалаши билан ажралиб туради. Сюжет чизигида ҳаёлий фон ҳукмрон. Ҳажвий мазмун сюжет асосини ташкил этади. Мажозий эртақларда бир хил эпизодлар кетма-кет, такрорланиб келади ва улар мажозий персонажлар ҳаракати ва муносабатига урғу беради, бўрттиради, асосий мақсадни ойдинлаштиради. Бироқ ҳар бир эпизод ҳодисалари яқунланган бўлиб, воқеалар давомида бир-бирини тўлддиради. Бинобарин, эпизодларнинг ўзига хос тугун ва ечими мавжуд, воқеалар тугалланган. Эпизодлардаги тўқнашувлар, воқеа ва ҳодисалар қарши қўйилган персонажлар қиёфасида мавжуд умумлашма характерни белгилайди. «Бўри билан тулки» эртақининг биринчи эпизодида бўри бир бўлак гўшт тишлаб қелаётган эди. Тулки: «Бўривой, қаердан келаяпсан?»— деганда, бўри: «Попдан»,— деб оғзидаги гўштни тушириб юбориши билан тулки илиб кетади. Бундаги тасвир тулкидек айёр, бўридек лақма аллегорик образлар қиёфасида ҳолат комизмини вужудга келтиради. Бунда комизм енгилган бўри ҳолатида юз беради. Учрашув эпизоди иккинчи марта такрорланади. Энди тулки гўшт тишлаб келаётган эди. Бўри:— Тулқивой, қаердан келаяпсан?»— деб сўраганда, «Попдан» дейиш ўрнига, гўштни маҳкам тишлаган ҳолда «Ғиждивондан»,— деб қочади. Такрорий эпизоддаги конфликт айёрлик ва ўта лақмалик каби ярамас иллатларни қайта аниқлайди ва фош этади. Сюжет асосини ташкил этган ижтимоий йўналиш, ўткир сатира мажозий эртақларни сатирик эртақларга яқинлаштиради.

Мажозий эртақлар драматик ситуацияларга бой. Ҳажвий уй-

дирмалардан ташкил топган драматик ситуациялар асосан салбий хусусиятларни очиб ташлайди ва кулги мўлжалига нишон қилади. «Оч бўри», «Қўй билан бўри», «Тулки билан бўри». «Серка бобонинг ҳийласи» каби эртақлар ўткир сатира асосига қурилган. Сатира салбий персонажлар (бўри ва арслон кабилар) қиёфасида содир бўлиб, қонхўрлик, зулм ва зўрлик, босқинчилик каби иллатлар аччиқ, заҳарханда кулги воситасида фош этилади. «Кумурсқа», «Тулкибой», «Қўнғиз бекач» каби эртақлар асосини юмористик кулги ташкил этади. Ҳар бир эпизод, ситуациялар, персонажлар нутқи, хатти-ҳаракатлар соддалик, лақмалик, дангаса ва ишەқмаслик каби белгиларни фош этиб, енгил, хушчақчақ кулги воситасида танқид қилинади.

Драматик ситуациялар бўрттирилган ҳодисаларни ҳикоя қилиш давомида юзага келади. Эчки, қўй ва қўзилар тасодифан бўриларга дуч келади. Шубҳасиз, бундай вазиятда кучсиз томон даҳшатга тушса, кучли томон суюнади. Лекин эртақда бу сезилмайди, воқеа аксинча бўлиб чиқади. «Бўрилардан бири яқинлашганда эчки:— Сизларга гўшт керакми? Эҳе, қанча керак десангизлар, бизларда топилади,— дебди-да, қўйга қараб:— Бориб халтадаги гўштнинг яхшисидан бир калла олиб кел,— дебди. Қўй таъзим қилиб чиқиб кетибди-да, бориб ҳалиги бўри калласини олиб келиб эчкига узатибди». Тасодифан юз берган ғайритабний ҳодиса аввало бўрилар ниятини ўзгартириб юборади ва уларни саросимага солади. Ана шу саросимани илғаб олган доно эчки воқеликни янада бўрттиради: «— Нимага яхшисини олиб келмадинг? дебди эчки қўйга сиёсат қилиб. Қўй бўлса:— Тўққиз калладан энг яхшиси шу экан, агар бундан яхшиси керак бўлса, мана буларниқидан бирини дарров узиб олинг,— дебди». Бўрилар ҳолатида руҳий конфликт юз беради. Қўрқоқлик ғолиб келган бир пайтда таклиф ҳал қилувчи роль ўйнайди. Олазарақ бўлиб, қутулиш йўлини ўйлаб турган бўрилар қочиб қолади. Мажозий эртақларда драматик ситуациялар комик фон яратувчи, адолат ғалабасини таъминловчи, у ёки бу образни ойдинлаштира олувчи ўзига хос бадний деталь ҳисобланади.

Баъзан сюжет савол-жавоблардан ташкил топади, воқеа ва ҳодисалар тез ривожланади. Аниқ ва тўлиқ савол-жавоблар табиий ҳодисаларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ эканини исботлайди. Қарға қўзичоқни емоқчи («Қора қарға») бўлади. Қўзичоқ: «Тумшугинг ҳаром, сувга чайқаб кел!»— дейди. Шундан сўнг қарға сув, кулол, тупроқ, кийик, този, қиёқ ўт, ўроқчи уста, кўмир билан савол-жавоб қилади. Дарҳақиқат, диққат қилиб қараганда, сув олиш учун кўза керак, лекин у йўқ, кўза яшаш учун тупроқ, тупроқ қазиб учун асбоб (кийик шохи), кийик учун ўт, ўт ўриш учун ўроқ, ўроқ яшаш учун уста керак ва ҳоказо. Бундай боғланиш юзаки қараганда оддий бир нарса — қонхўрдан қутулиш учун чорадек кўринади. Аслида эса у ҳаётдаги умумий боғланишни кўрсатиш билан бирга эртақда композицион яхлитликни ҳам таъминлаган.

Мажозий эртақларда қўшиқ — шеърый парчалар учрайди. Ҳар бир қўшиқ персонаж ниятини, орзу, умиди ҳамда руҳий кечинмаларини изоҳлаб, таъсирчанликни оширади, тингловчи диққатини бутунлай қамраб олади:

Дупур-дупур отлиқлар-а,
От бошини тортинглар-а,
Кўнгиз бекач ўлди деб-а,
Сичқонбойга айтинглар-а.

Мажозий эртақларнинг педагогик аҳамияти катта. Чунки уларнинг тарбиялаш кучи, болаларнинг маънавий ва эстетик талабларига жавоб берадиган томонлари кўпдир. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин: «Мен болаларнинг гўзал эртақларни яхши кўришларини жуда яхши тушунаман... Агар сиз болаларга хўроз билан мушук одам тилида гаплашмайди, деган бир эртақни айтсангиз, улар бунга сира қизиқмас эдилар»²,— деган эди. Бу хилдаги эртақларнинг айтилиш жараёни ҳам ҳаяжонли. Эртақчи воқеани ҳикоя қилиш давомида ўрни келганда турли ҳаракатлар қилади, турли ҳайвонларнинг овозларига тақлид этади. Бу эса эртақнинг эмоционалликни оширади, таъсир доирасини кенгайтиради. Айниқса, эртақдаги шеърый парчаларни эртақчилар куй билан айтадилар. Бу эса, унинг тингловчилар хотирасида узоқ вақт сақланишига ва бадий жиҳатдан мароқли чиқишига ёрдам беради. Мажозий эртақларда сюжет тез ривожланади, образлар серҳаракат бўлиб, кулгили моментлар кўп бўлади. Бу хусусиятлар болаларнинг сезги, ҳисларини ўстиради.

Хуллас, мажозий эртақлар у ёки бу ҳайвон тотем ёки култ саналган эртақлар заминиде ташкил топди. Бу хил эртақларнинг ғоявий мазмуни ва образлар талқинида мажоз асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳайвонлар тимсолида ижтимоий, синфий муносабатлар ўз ифодасини топган. Персонажлар системаси ҳайвонлардан иборат бўлиб, мажозий маънони касб этган. Эртақ воқеаларида одам қатнашмайди. Мажозий эртақлар асосан таълимий, эстетик функцияни адо этади. Мажозий эртақларда ҳажв асосий компонентлардан бири бўлиб, ёмонлик ва адолатсизликни қоралайди, яхшилик ва одамийликни маъқуллайди.

Сеҳрли эртақларнинг катта қисмини тилсимли эртақлар ташкил қилади. Тилсимли эртақлар шакл ва мазмун жиҳатидан ўзларига хос белгилари билан ажралиб туради. Бундай эртақларнинг қадимий илдишлари бошланғич жамият қатламларига кириб боради. Шунинг учун ҳам унинг маъзида ибтидоий тузум анъаналари, уруғчилик, қабиличилик элементлари, мифологик, тотемистик, анимистик тушунчалар, экзогам никоҳ, левират сингари қонун-қондалар сақланиб қолган.

Тилсимли эртақларда табиат, нарса ва ҳодисаларни жонлантириш, магик хусусият бериш, турли хил култ, диний урф-одатлар хаёлий уйдирма, тилсим қобигида таърифланади. Бунинг

² Ленин В. И. Асарлар. 27-том, Тошкент, 1953, 91-бет.

«маъноси қадимги ишчи одамларнинг ўз меҳнатларини осонлаштириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, тўрт оёқли ва икки оёқли душманларга қарши қуролланиш, шунингдек, сўз кучи «қарғиш» ва «дуолар» воситаси билан табиатнинг стихияли ва инсонга қарши ҳодисаларига таъсир қилиш истагидан иборат³ бўлган. Мазкур мотив ва сюжетларда ғайримуқаррарий кўринган табиат кучларини муқаддас билиш ёки уларни илоҳийлаштириш, нарса ва ҳодисаларга топиниш ва турли хил урф-одатлар ўз ифодасини топган. Ой, қуёш, тоғ, тош, сув, бўрон, чақмоқ, момақалди роқ каби ҳодисалар миф, бўри эса тотем қобилигида, бургут, илон, от, айиқ кабилар муқаддас культ сифатида таърифланади. Ҳаётий нарса ва ҳодисалар жонлантирилган. Ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ бўлган қизнинг айиқ билан яшаши, ярми айиқ, ярми одам бола туғилиши ёки қизнинг дев билан яшаши ва паҳлавон ўғил туғилиши, ярми қиз, ярми илон каби антропоморфизм ҳодисалари, аждар билан жанг қилиш, дев билан олишиш, ер остига тушиш, осмон устига чиқишлар сеҳрли эртақ мотивларини ташкил этади. Сюжет эса мазкур типдаги мотивлар системасидан ташкил топади. Кўринадики, тилсимли эртақ асосини ташкил этган хаёлий уйдирмалар ҳаётий ўзакка эга. У бевосита ибтидоий ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққандир.

Осмонда учир орзуси «учар гилам», «ёғоч отлар»ни, узоқни кўриш ойна жаҳонномани келтириб чиқарди. Шунингдек, қаҳрамон иккинчи бир дунё — ер остига тушади, осмонга учиб, ой, қуёш олдига чиқади, улар билан мулоқатда бўлади. Маълум бўладики, «ибтидоий маданият тарихчилари меҳнат жараёнлари ва қадимги кишилар ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар йиғиндиси бетўхтов вужудга келтираётган материалистик тафаккур нишонлари ҳақида лом-мим демаганлар. Бу нишонлар бизга эртақлар ва мифлар шаклида етиб келдики, уларда қадимий кишиларнинг ҳайвонларни ўрганиш, доривор ўсимликларни кашф этиш, меҳнат қуролларини эҳтиёт қилиш хусусида олиб борган ишлари сезилиб туради⁴.

Демак, мавҳум кўринган реал воқелик, ибтидоий муносабатлар сеҳрли эртақларда бадий уйдирмалар шаклида намоён бўлган. Бинобарин, ана шу уйдирмалар хаёлий тушунчалар мажмуасигина бўлиб қолмай, балки ижодкор халқнинг ёмонликдан қутулиш, эркин ҳаёт, яхшилик ва ёруғликка интилиш билан боғлиқ бўлган орзу-истакларининг рамзий ифодаси ҳамдир.

Тилсимли эртақларда ибтидоий тотемизм тушунчалари кенг таърифланади. Бўри ва бўри тотеми билан боғлиқ бўлган эътиқодлар турли хил эртақ мотивларини бунёд этган. Бўри идеал қаҳрамонга узоқ йўлни яқин қилиш, тилсимли нарса ва ҳодисаларни қўлга киритиш, гўзал қиз, маликаларни ўзга юртдан олиб келиш учун ёрдам беради. У бош қаҳрамон ҳомийси, ижобий пер-

³ Горький А. М. Адабиёт ҳақида. Тошкент, 1962, 263-бет.

⁴ Уша асар, 263-бет.

сонаж сифатида намоён бўлади. Эртактларда у ёки бу ҳайвонни культ санаш ҳодисалари асосий ўрин тутати. Бунда у ёки бу ҳайвон соф ҳайвон эмас, балки ҳайвон тусига кирган улуғ зот сифатида таърифланади. «Айиқ полвон», «Хирсиддин полвон», «Кўк кўчқор», «Оққуш», «Илон пари», «Илон оға», «Меҳриғиё» эртактлари ана шу фикрни тасдиқлайди.

Сюжет асосан хаёлий уйдирмалар асосига қурилган бўлиб, воқеа ва ҳодисалар ғайритабiiий. Хаётий уйдирмалар нисбатан кам, асосан икки мақсад ҳикоя қилинади. Бирида бош қаҳрамоннинг даҳшатли кучга қарши чиққан ҳолда ғайритабiiий нарса, ажойиб қуш ва жониворларни олиб келиш, иккинчисида эса асосан бош қаҳрамоннинг ўзга юрт маликалари ёки паризодларига уйланиши билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, у ёки бу персонажни мушкул аҳволдан қутқариш, касалга дори топиш, аждар ёхуд девлар олиб қочган кишиларни қутқариш, зулм ва зўрликка қарши чиқиш, адолатпарварлик, донишмандлик, маънавий кураш билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳикоя қилинади.

Маълумки, узоқ ўтмишда яшаган авлодлар «Кишиларнинг қудратли ривожини олдиндан сезиб, уларнинг қобилиятини идеаллаштирган»⁵. Бу ҳол паҳлавон, эпчил баҳодирларнинг поэтик образини яратишга олиб келган.

Бундай поэтик образларнинг дастлабки кўринишлари қадимги мифологиядаги субъектлар, демиурглар (маданий қаҳрамонлар) ҳисобланади. Демак, мифологик субъект ва демиурглар поэтик образ (эртакт қаҳрамони)нинг юзага келишида асос бўлган ядродир. «Авесто»даги Йима ёки Жамшид кабилар маданий қаҳрамонларнинг ёрқин мисолидир. Демиург кўҳна дунё қатламида муқаддас саналган, маънавий мададкор, у нарса ва ҳодисаларнинг яратувчиси сифатида муаммо кўринган, қалбга даҳшат солган табиат кучларига нисбатан қарши қўйилади. Ана шу мифологик субъектнинг эртактаги трансформацияси ўзига хос хусусиятга эга. Поэтик образда мазкур субъектнинг икки элементи сақланиб қолган. Бу нарса образнинг идеаллаштирилиши ва биографиясининг илоҳийлаштирилишида яққол кўринади. Чунки у тотемлар ва илоҳий культлар билан боғланади, ажойиб тарзда пайдо бўлади, туғилади, ўсади. Иккинчидан демиургда бўлганидек, поэтик образда ҳам коллектив манфаатини ҳимоя қилиш асосий ўрин тутати. Дарҳақиқат, энг аввал яратилган поэтик образ мифологик субъект сингари қабилачилик ва уруғчилик муносабатларини ҳимоя қилади. Бу унинг ҳаракат ва ҳолатида, умумхалқ манфаатларини кўзлаб иш тутишида, айниқса аждар ва дев билан жанг қилишидан келиб чиқадиган ниятида намоён бўлади. Мифологик субъект идеологик функцияни, поэтик образ эса эстетик функцияни адо этади. Мифологик субъект хаёлий, поэтик об-

⁵ Уша асар, 206-бет.

раз эса ҳаётий анъаналар, урф-одат, маросимлар қобиғида таърифланади.

Поэтик образ дастлаб ибтидоий овчиларга хос хусусиятлар таъсирида ривожланган. Бу эса унинг ўша даврга хос қуроллар—ўқ-ёй, найза, палахмон кабиларни ишлатишида кўринади. Нисбатан шаклланган образ кейинчалик тарихий тараққиёт давомида юзага келган қонун-қонда, ахлоқ намуналари билан боғлиқ бўлган хусусиятларни акс эттиради, ниҳоят, патриархал муносабатларни ҳимоя қилувчи қаҳрамонга айланади.

Поэтик образнинг дастлабки қиёфасида зўр куч асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди, туйғу эса нисбий характерга эга бўлади. Паҳлавон халқ идеали. У беқиёс куч симболи, тинчлик, мустақиллик, мардлик, қаҳрамонлик, тўғрилиқ, меҳрибонлик, адолатпарварлик, соддадилликнинг рамзий ифодаси. У нафақат зўр куч ва қудратли бўлиб кўринади киши кўзига, балки юксак ахлоқ, покиза қалб, мустаҳкам ирода эгаси, қўрқмас, жасур, паҳлавон ҳамдир. Қаҳрамон ҳаракатида оғирлик, вазминлик бўртиб турсада, кераксиз шошқалоқлик, исёнкорона руҳ унга бегона. Ҳар бир фаолият ягона мақсад томон йўналтирилган. Мазкур белгиларнинг маълум ситуация, алоҳида аниқ ва тўлиқ эпизодларда намоён бўлиши паҳлавон сиймосини ойдинлаштириб, эпик руҳ ва унинг кўламини оширади. Поэтик образнинг ана шу хилда акс этиши қаҳрамонлик типигаги эртакларга хос хусусиятни белгилайди.

Маълумки, сеҳрли эртаклар сюжети хаёлий уйдирмалар асосига қурилган. Ҳар бир хаёлий уйдирма воқеа ва ҳодисалар ўртасида мантиқий боғланишни таъминловчи бадний восита ҳисобланади. Қаҳрамоннинг афсонавий тарзда туғилиши, беқиёс куч ҳамда ўлим билмас хусусиятга эга эканлиги ўша уйдирма — сирли воситалар билан боғланади. Поэтик образ таърифи, унинг кураш, ғалабалари кўпроқ хаёлий ва ҳаётий уйдирма ҳамда бадний муболагалар заминиде ташкил топган. У ўзида инсон тақдири, унинг турли хил кишилар билан тўқнашуви, кураш, енгил йўлида топган тadbир-чоралари, бахт, озод ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини акс эттиради. Айниқса, қадимги ўтмиш ҳаётнинг шарт-шароитлари, ибтидоий тушунчалар, меҳнаткаш халқ қисмати, урф-одати, диний эътиқоди, кураши, қаҳрамонликлари, турмуш тажрибалари, ҳуллас ҳаёт йўлининг машаққатли томонлари мазкур образ — бош қаҳрамон талқини, унинг биографияси билан боғлиқ бўлган хаёлий воқеа ва ҳодисалар заминиде ўз ифодасини топган. Зотан, ҳар бир эртакда мавжуд ҳодиса реал, тарихий шарт-шароит, урф-одатлар таъсирида юзага келган. Демак, эртак сюжетини ташкил этган ҳар бир образ, эпизод фақат орзу-умидлар фантазиясигина бўлиб қолмай, балки халқ тарихида из қолдирган ҳаёт лавҳалари ҳамдир.

Эртакларда содда ёки мураккаб сюжетнинг асл моҳияти ҳам бир хил. У ҳам бўлса, бош қаҳрамон қиёфасини очишдан иборат. Қаҳрамонлар мадҳ этилган эртак сюжетлари асосан икки катта

қисмдан ташкил топган. Бири ва эътиборлиси эпик қисм, иккинчиси эса, сюжетнинг саргузашт қисми. Сюжетнинг ҳар икки қисми ҳам асосан бош қаҳрамон биографияси билан боғланади. Худлас, сюжет афсонавий ҳомиладорлик, қаҳрамоннинг туғилиши, чақалоқни ўғирлаш, ўсиши, алп аталиши, от танлаш, жасорат кўрсатиш каби бир қанча мотивлар системасидан ташкил топган. Бу мотивлар эртак сюжетида қаҳрамон шухратини идеаллаштириш учун хизмат қилади.

Сеҳрли эртакларда афсонавий туғилиш мотиви характерли бўлиб, бекфарзандлик ҳамда тасодифий ҳомиладорлик каби мотивларни ўз ичига олади. Бекфарзандлик эпик қисмнинг тугуни, унинг асосий ва аҳамиятли маъзини ташкил этади. Чунки идеаллаштириш ана шу маъзидан бошланади. Ибтидоий халқ тушунчасида ҳомиладорлик аёл танасига тотем (муқаддас саналган нарсанинг киришидан деб ҳисобланади⁶. Кўринадики, тасодифий ҳомиладорлик ва унинг пайдо бўлиши икки хил ибтидоий тушунча — бири магик афсун, иккинчиси эса диний эътиқод билан изоҳланган. Агар аёл узоқ муддат бола туғмаса, «Одатда буни бирор руҳнинг таъсиридан»⁷, баъзан эса «мулла ёки сеҳргарнинг магик афсунидан»⁸ деб билганлар. Бундай ибтидоий дунёқараш эътиқодлар, ҳаётий урф-одатлар, диний тушунчалар эртак мотивининг ташкил топишига сабабчи бўлган. Бу нарса эртакларда конкрет ҳам индивидуал кенг ва ёйиқ тарзда турли ифода ҳамда тасвирий воситалар ёрдамида тасвирланади: «Чол олтмиш ёшга кирибди. кампир эллик ёшга кирибди, лекин болалари бўлмабди. Кунлардан бир куни кампир ҳомиладор бўлиб, ой куни яқинлашиб, ажойиб бир ўғил туғибди. Ёки: «Бир куни қизнинг кўнгли арпа-думбул тилабди. Арпа-думбулдан... пишириб берибдилар. Ойдан ой ўтибди, кундан кун ўтибди, подшога: қизингиз ҳомиладор бўлган эмиш, деган хабар келибди». Эртакда тасвирланган кампир ва ҳали турмушга чиқмаган қизнинг кутилмаганда ҳомиладор бўлиш сабаби ўша тотем ва культлар билан боғлиқ бўлган ибтидоий тушунчанинг бадий ифодасидир. Кейинчалик бу тушунча ислом эътиқодлари билан қоришиб кетади. «Подшо боласи йўқлигидан кеча-кундуз қайғуриб, еган-ичганида ҳаловат йўқ экан, сизинмаган мазори, мадад тиламаган азиз-авлиёлари қолмабди. Охири хотини иккиқат бўлибди». Ҳомиладорлик сеҳрли воситалар билан тушунтирилганда, қадимий магик таъсир янада кучлироқ сезилади: «Боғнинг бир чеккасидан бир чол чиқиб қолибди.— Ҳа, болаларим, нима қилиб ўтирибсизлар?—деб сўрабди. Булар бекфарзанд эканликларини гапирибдилар. Чол қўйнидан иккита қизил олма чиқариб:—Бу олмаларни олиб бориб, севган хотинингиз билан баҳам кўринглар,—дебди. Подшо олмани хотинига берибди. Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, подшонинг хотини туғибди».

⁶ Косвен М. О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент, 1960, 159-бет.

⁷ Андреев М. С. Таджики долины Хуф. 1953, с. 45.

⁸ Уша асар, 45-бет.

Урни келганда шуни айтиш керакки, юқорида нақл этилган сирли чол илдизи мифологик ритуалга кириб борадиган «қирқ чилтан»лар билан алоқадордир⁹. Қадимий тушунчага кўра, «чилтанлар ғайритабий кучга эга, кундуз кунни оддий одам, баъзан эса девона қиёфасида келадилар. Шунинг учун ҳам улардан шубҳаланмайдилар»¹⁰. Кўринадики, сеҳрли олма берган сирли чол афсонавий чилтанлардан бирининг шакли ўзгарган поэтик намунасидир. Мазкур мотивнинг юқорида нақл этилган ҳар икки шакли ҳам хаёлий уйдирмалар қобиғига ўралган. Хаёлий уйдирмалар ўз навбатида сеҳрли эртақларга хос хусусиятни ифодалайди, эртақ сюжетига сирлилики ва ғайритабийликни вужудга келтиради, янги хил эпизодларни ташкил этиб, бош қаҳрамонни шакллантиради.

Мазкур мотивга ёндош, ёрдамчи мотив шоҳнинг ҳомиладор олдига узоқлашишни изоҳлайди.

Узоқлашиш мотиви Шарқ эртақлари, хусусан, ўзбек халқ эртақларида кўпроқ анъанавий бошлама ҳамда бефарзанд шоҳ ҳақидаги ахборотдан сўнг келади ва сюжетнинг дастлабки қисми — экспозицияни ташкил этади: «Бир бор экан, бир йўқ экан. Утган замонда бир подшо бор экан. У бефарзанд экан. Кунлардан бир кун хотини ҳомиладор бўлибди. Буни кўрган шоҳ юртдан чиқиб кетибди». Эртақда шоҳнинг кетиш сабаби овга чиқиш ёки душманга қарши жангга отланиш, баъзан эса, унинг хурсандчилиги билан изоҳланади. Аслида эса, мазкур мотивнинг илдизи ибтидий жамоа анъаналари заминига кириб боради. Демак, бу мотив ўзининг узоқ тарихи ва тараққиёт йўлига эга.

Маълумки, ибтидий жамоанинг тўда, уруғ, қабила ва элат бошлиқлари сеҳрли саналган. «Шоҳлар ерни маҳсулдор қила оладиган, ўзига тобе кишиларга эзгулик ярата оладиган ғайритабий куч ва магик қобилиятга эга»¹¹. Демак, ана шу примитив тушунчага кўра қабила бошлиғи ёки шоҳ — коҳин. У табиат билан сирли алоқада, айни пайтда у ғайритабий кучга эга бўлган сеҳргар. Агар у бирор сирни маълум ва ошкор қилиб қўйса, сеҳргарлик хусусиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам «Шоҳ ёки коҳин ўзининг мўътабар зотини ҳамда халқни тинчлик, омонликда сақлаш учун жуда кўп қонун-қоидаларга сўзсиз риоя қилишга мажбур»¹². Ҳатто «ўз мамлакатига ҳосилдорликнинг йўқолишига олиб келмаслик учун у соч олдириши, баъзан сочини кўрсатиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди»¹³. Шоҳнинг ёки кексайган бефарзанд бўлғуси отанинг ҳомиладордан узоқлашиш сабаби ҳам ана шу урф-одат таъсиридан келиб чиққан. Демак, бу одат қориндаги болага сирли таъсир кўрсатиб қўйишдан қўрқиш оқибати ўлароқ юзага кел-

⁹ Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948, с. 312.

¹⁰ Андреев М. С. Таджики долины Хуф, с. 48.

¹¹ Джон Фрезер. Золотой вет. М.—Л., 1931.

¹² Уша асар.

¹³ Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948, с. 319.

ган. Бу анъана дастлаб ота уруғи ҳукмронлик қила бошлаган жамиятда ташкил топиб табиат ва жамият ҳақидаги жуда содда тушунчаларни ўзида ифодалайди. Кейинчалик мазкур урф-одат ўз маъносини йўқота боргач, халқ орасида қадимий никоҳ билан боғлиқ бўлган маросимга айланиб қолган. Абу Райҳон Беруний ўз асарларида халқ орасида мавжуд бундай қадимий урф-одат ва маросимлар ҳақида шундай хабар қилади: «Жоҳилият замонида арабларда никоҳ турлича бўлган, тўйдан кейин аёл киши ҳомиладор бўлгач, ҳомиладорлик кунларида у киши, яъни аёлниң эри хотиндан узоқлашар эди... Мазкур урф-одат туғиладиган боланиң улуғвор бўлиши учун»¹⁴ ўтказилган. Бу одат Ўрта Осиё халқлари орасида XX аср бошларигача анъана сифатида сақланиб келган.

Туғилган чақалоқни ўғирлаш мотиви ҳомиладорлик мотиви билан узвий боғлиқдир. У туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқ эртакларида маълум ва машҳур бўлиб, ўғайлик ва ўғайлик билан боғлиқ бўлган коллизиялардан ташкил топган: «Кундошлар типирчилаб қолишибди. Қандай бўлса ҳам бола туғилиши билан уни йўқотиш пайига тушишибди». Қадимий тушунчаларга кўра, ибтидоий одам янги туғилган боланиң ўлиш сабабини касал бўлишдан эмас, балки ёмон руҳ таъсиридан деб билган. Ҳозир ҳам айрим жойларда туғилган болани ўғирлаш ва бекитиш одатлариниң излари сақланиб қолган. Агар туғилган болалар турмаса, ўла берса, бу ёмон руҳнинг иши, уларни алдаш, лақиллатиш керак, деган тушунчалар мавжуд. Шу ниятда аёллардан бири туғаётган хотинниң кўзини қўли билан бекитади, туғилган болани ерга туширмасдан олиб, ювмасданоқ, латтага ўралади. Келишилган ҳолда қўшни хотин чақалоқни ўз уйига олиб чиқиб кетади ва уч кун сақлайди. Гўё ёмон руҳ бу болани ўша хотин туққан эмас, алмаштирилган бола деб тушунади¹⁵. Қўрамизки, қадимий реалистик ҳодиса — туғилган чақалоқни ўғирлаш одати аслида яхши ниятни; унинг поэтик варианты эса меросхўрлик даъвосини ифода этган.

Маълумки, ўзбек халқ эртакларида туғилган болага ном қўйиш жараёни тасвири кўринмайди, айтилмайди ҳам, лекин ном қўйилган бўлади. У сир тутилади. Шунинг учун ҳам эртакларда идеал қаҳрамон турли хил нарса ва ҳодисалар номи билан аталади. Бу ҳам қадимда халқ орасида кенг тарқалган урф-одатлар билан боғлиқ. Номни яшириш ва сир тутиш қадимий магик афсун, ёмон руҳлардан сақланиш ниятидан келиб чиққан. Ана шу тушунча маълум даврда кучли бўлган ва халқ ўртасида анъаналарга айланган, ниҳоят оғзаки ҳикоя ва эртакларда поэтик мотив сифатида кенг ўрин олган. «Қадим замонда ажойиб шаҳар бор экан, унга ҳеч қанақа ёв теголмагани учун бу шаҳарни «тинч ша-

¹⁴ Абу Райҳон Беруний. Уйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. Тошкент, 1973, 52-бет.

¹⁵ Андреев М. С. Таджики долины Хуф, с. 56.

ҳар» деб аташар экан. Подшо шаҳарни ёвдан қўриқлаш учун ҳисобсиз лашкар, паҳлавонлар сақлар экан. Паҳлавонлар орасида Қаҳрамон деган бир паҳлавоннинг донғи оламга тарқалган экан». Бунда «Қаҳрамон» сўзи ном эмас, лақаб маъносида қўлланган. Мазкур лақаб персонаж жасорати, хусусиятини ифода этади, унинг ўзига хос белгиларини изоҳлайди. Асосий ном эса, сир тутилган, айтилмайди. Демак, персонажнинг бирор белгиси ё лақаб, ё ном ўрнида келади, ёки аксинча, иккинчи бир от билан чақирилади. «Қилич ботир», «Қирон ботир», «Кенжа ботир», «Олмос ботир», «Қал» ва бошқалар.

Номни сир тутиш руҳ ҳақидаги қадимий тушунчалар билан боғланади. Қадимда туғилган болага аجدодлар номини қўйиш одат бўлган. Бу одатга кўра, туғилган болага аجدодлардан бирининг номи қўйилса, ўша болага ўша аجدод руҳи киради. Агар номи қўйилган аجدод хурсанд бўлса, унда бу боладан ажойиб, марҳаматли одам етишади. Агар аجدод ўз номини туғилган болага қўйилишидан хафа бўлса, болани бу дунёдан нариги дунёга олиб кетиши мумкин. Демак, руҳ билан боғлиқ бўлган қадимий тушунча бола номини айтиб чақирмасликка ундаган. Шундай қилиб, ҳақиқий номни сир тутиш туғилган бола 18—19 ёшга етгунга қадар давом этган¹⁶. Ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ турмушнинг бу ҳодисаси эртақларда поэтик элементга айланган: «Бир кампирнинг 17 яшар ўғли бор эди. Кампир унга ҳали ҳам ном қўймаган экан. Бир куни кампир уни имлаб чақирибди. Боланинг аччиғи келиб:— Ойижон, менга ҳам ном қўйиб чақиринг,— дебди. Онаси уни саксон ёшли кампирнинг олдига юборибди. Кампир унга:— Нима иш билан келдинг?— дебди. Бола:— Менга ном қўйиб берар экансиз. Кампир:— Сенинг отинг Эрмана мерган бўлсин,— дебди».

Туғилган бола эртақларда турлича талқин этилади. Кўпроқ гўдак ғайритабиий қиёфага эга. Унинг нотабиий равишда улкан ва паҳлавон бўлиб туғилиши юқорида таъкидланган тотем ёки қандайдир руҳлар таъсирида дунёга келганлигидан, деб тасаввур қилинган: «Бу бувакнинг оғирлиги бир ботмон, бўйи бир газ экан». Шубҳасиз, бундай талқин қаҳрамонлик типидagi эртақларга хос бўлиб, шакл ва мазмунни тўлиқ ифодалайди. Кўрамизки, туғилган гўдак қиёфасида номуғаносиблик мавжуд. Бироқ у эртақ табиатига мос келади. Ҳаётини эртақларда эса, туғилган гўдак қиёфаси бироз бўрттирилган бўлса ҳам, ҳақиқатга мос келади. У оддий ва ҳаётини. Эртақларда бу мотивнинг эпик варианты чақалоқни тенги йўқ паҳлавон даражасига бориб етишидан хабар берса, ҳаётини варианты гўдакни мавжуд қаҳрамонлар даражасида камол топишидан дарак беради. Зотан, ҳар икки таъриф ўзаро мақсад бирлигига эга. Бу — бўлажак қаҳрамон жасоратини идеаллаштиришдир.

¹⁶ Уша асар, 85—89-бетлар.

Қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши мотивининг дастлабки намунаси қаҳрамонлик типидagi эртақлар сюжетида ташкил топган. Ҳзаро таъсир унинг ҳаётий эртақларда шакли ўзгарган намунасини вужудга келтирган. Лекин ғайритабиий туғилиш мотивининг ҳар икки вариантда ҳам баҳодирлик ва мардлик улуғланади.

Эртақ қаҳрамонининг кейинги фаолиятида эпик қўрғон ва сирли саройлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Эпик қўрғон, номаълум саройлар сеҳрли эртақларда ўрин тутади ва сирлилик касб этади. Улар аввало сюжетнинг саргузашт қисмида келади ва бош қаҳрамоннинг камолот чўққисига чиқиб бориши учун зарур имкон яратади. Қаҳрамон шу ерда дам олади, куч йиғади, отда чопиш, ов қилиш, нишонга уриш машқларини ўтказади. Топишган дўстлари билан бирга яшайди. Эпик қўрғонлар ўзининг реал, тарихий манбаларига эга. Бу манбалар қадимий мифологик ритуал (инициация) маросими ва ана шу маросимлар ўтадиган жойлар билан алоқадордир. Мифологик маросим ва маросим ўтадиган жой генетик жиҳатдан эпик қўрғон билан типологик ўхшашликка эга. Бироқ ҳар иккисининг вазифаси бир-биридан фарқ қилади. Биринчиси, иккинчиси эса таълимий вазифани адо этади.

Сеҳрли эртақ қаҳрамонининг ўлиб қайта тирилишини изоҳловчи мотивларида ҳам муайян ҳаётий асослар бор. Гап шундаки, ибтидоий жамоада жонни абадий, танга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшаши мумкин, деган тасаввурлар бўлган. Бу хил содда, ғайриилмий тушунчалар халқ орасида вақтинча жон танни тарк этиши, ҳатто одам ҳаёт пайтида моддий шаклга ўтиши мумкин¹⁷, деган ишонччи юзага келтирган. Ана шу мифологик тушунча эртақларда поэтик воситаларга айланган. Поэтик шаклнинг дастлабки намунасида жоннинг абадийлигига ишонч сезилади. Унинг кейинги намунасида эса, дастлабки ишонч кўринмайди. Жон ҳақидаги примитив тушунчанинг мазмуни, мақсад, вазифалари ибтидоий тушунчани кўрсатса, унинг поэтик ифодаси эса, марҳаматли қаҳрамонни абадийлаштиради. Ана шу жон ҳақидаги ибтидоий тушунча қаҳрамоннинг ўлим билмас хусусиятида намоён бўлган. Бундай хусусият эртақларда сир сақланади ва у асосан магик афсун ҳамда сеҳрли воситалар билан изоҳланади. «Қилич ботир», «Қирон ботир», «Қилич қора» каби эртақларда бош қаҳрамоннинг жони қиличда эканлиги ҳақидаги тасаввур бунга ёрқин мисолдир. Қаҳрамон тасвиридаги бу хусусиятда ибтидоий мифологик субъект — маданий қаҳрамон (демиург)га хос фазилат кўзга ташланади. Эртақнинг якуний қисмида бу фазилат таълимий маъно билан ўрин алмашган. «Қирон ботир бўлса ҳали ҳам бор эмиш, минг йилдан бери одам боласига ёрдам кўрсатар эмиш, ёвузларнинг жазосини берар эмиш».

Демак, эртақларда қаҳрамон эпчил, ўқ ўтмас, қилич чоп-

¹⁷ Стеблин-Каминский. Миф. Л., 1976, с. 91.

мас, кучли, забардаст паҳлавон сифатида мадҳ этилган. Чунки қудратли куч унинг асосий ва ҳал қилувчи белгиси, бинобарин, бу куч эпик жанр хусусияти, унинг эстетик функциясини изоҳлайди. Бу белги эпик қаҳрамонга қарши қўйилган кучларни енгиб ўтиш ҳуқуқини беради. Қаҳрамон сеҳрли эртақларда, хусусан, қаҳрамонлик типигаги эртақларда содда, ишонувчан, бироқ чуқур ва атрофлича фикр юритиб иш тутиши хиралашган ҳолда тасвирланади, руҳий кечинмалари ҳам содда. Шунинг учун ҳам у дашман иғвосига учади, алданади, панд ейди, банди бўлади. Қилич ботир мастон найрангига ишонса, Воспирохун ялмоғиздан панд ейди. Жангнома типигаги эртақларда қаҳрамон реалистик образ сифатида кўринади, унинг мард ва баҳодирлиги кўпроқ тадбиркорлик хусусияти билан уйғунлашади. Қаҳрамон социал-синфий тўқнашувларда, ақл-идрок, тадбиркорлик билан, вазиятни тушуниб, ундан ягона ва тўғри хулоса чиқарган ҳолда ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам асосий коллизияни ташкил этган бош масала куч ва ақл бирлигида ҳал этилади. Қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракати ўзининг мураккаб қарама-қарши майллари, руҳий ҳолатлар билан узвий боғланган.

Ҳаётий-маиший эртақларда қаҳрамон образи фольклорга хос индивидуаллаштирилган бўлиб, унинг исми, авлод-аждоди, элат, уруғи ҳамда воқеалар содир бўладиган ўрин-жой номларигача мукамал аниқ берилади. «Ўтган замонда, Боғдод томонда, Мўмажон кампир деган аёл яшар экан. У қизидан қолган набираси Фафлатжонни бола қилиб боқар экан. Етим бола бир ёшида ўз онасидан ажраб опақачаси Мўмажон хола билан ўн беш йил бир туриб, бир ўсган экан, Ҳаётий чизилган образнинг жисмоний кучи бўрттирилган бўлса-да, қиёфа таърифи содда, муболағасиз, умумий тарзда ифодаланган. Образнинг қадди-қоматидан тортиб, чеҳраси, ёши, кийим-бошларигача бутун асар давомида атрофлича, тўлиқ, поэтик бўёқларда чизилади.

Қаҳрамоннинг ботир аталиши билан боғлиқ бўлган мотивда унинг «бир ботмон оғирликдаги соққани кўтариб отиши», кучли паҳлавон ва титанлар билан курашиши, қийинчиликларни енгиб, ажойиб қуш ва махлуқларни олиб келиши ва ботир аталиши тасвирланади. Бу мотив аввало эртақларга хос хусусиятни белгилайди, сюжет чизигида эпик фон яратади, бош қаҳрамоннинг беқиёс куч ва чидамлилиқ хусусиятини аниқлайди. Мотив ўз навбатида аждар билан жанг, дев билан кураш, ер остига тушиш каби қисмларни ташкил этади. Аждарга қарши жанг қилиш ва дев билан кураш каби мотив-эпизодларнинг ҳар бири тузилишига кўра, бир-бирига ўхшаш бўлиб, бир неча хил мотивлар йиғиндисидан ташкил топган. Аждарга қарши жанг мотив-эпизодининг қадимий намунасида бош қаҳрамон аждарни ўқ-ёй билан оғзи ё кўзига отиб енгади. Унинг нисбатан кейинги намунасида эса аждар тилсимотини аниқлаб ечади ва ғалаба қозонади. Мотив-эпизод мардлиқ ва қаҳрамонликни мадҳ этади, сюжет чизигида сирлилиқ ва ғайритабiiй ҳолатни вужудга келтиради.

Идеал қахрамоннинг дев билан кураш мотив-эпизоди эса асосан икки хил шаклда намоён бўлади. Бири, жисмоний, иккинчиси эса маънавий тўқнашув. Бирида яккама-якка жанг, иккинчисида эса маънавий кураш ҳодисаси юз беради. Бирида жанговарлик, иккинчисида эса тадбиркорлик тактикаси қўлланади. Ҳар икки мотив-эпизоднинг семантикаси ва функцияси бир хил. Улар ёмонлик ва зулматга қарши кураш ғояларини илгари суради, мардлик ва қахрамонликни мадҳ этади, асосий ва ҳал қилувчи эпик қисмни ташкил қилади.

Ер ости — қудуқ, ғор ичига тушиш мотив-эпизоди асосан саргузашт характердаги эртақларга хос бўлиб, ботир йўлида сўнги тўсиқ функциясини бажаради. Мотив-эпизод бош қахрамонни синаб кўриш вазифасини адо этади. Бош қахрамон ер остига тушади, дев ёхуд аждр томонидан ўғирланган қиз ёки сеҳрли нарсаларни олиб чиқади. Унинг функцияси эса, уч ака-укалар характери, ўзаро муносабати, мақсад, тушунчаларини белгилашдан иборат. Мотив-эпизод сюжетнинг саргузашт қисми ҳисобланади. Мотив-эпизод «нариги дунё» ҳақидаги примитив тушунчалар билан алоқадор бўлиб, сюжет чизигида янги эпизод, воқеа ва ҳодисаларни ташкил этади.

Сеҳрли эртақлар табиатидаги яна бир мотив бахт қушини учуриш мотивидир. Бу мотив асосан яхшилик ва ёруғлик тимсоли ва зулматга қарши кураш тимсоли сифатида юзага келиб, адолатли шоҳ ҳақида вужудга келган тушунчалар мазмунига мос келган, трансформация натижасида ижтимоий маъно касб этувчи алоҳида мотивга айланган. Мотив доно ва адолатпарвар шоҳни аниқлаш, белгилаш, адолатсиз шоҳни инкор этиш функциясини бажаради.

Пари билан бош қахрамон тўқнашуви, хушдан кетиш, йиқиш мотиви. Бу мотив кўпроқ сеҳрли эртақларда учрайди ва руҳий ҳолатни изоҳлайди. Асосан эртақ сюжетининг дастлабки қисмида юзага келади ва лирик кайфият туғдиради, чин севгисадокатдан дарак беради.

Сеҳрли эртақларда тўй анъанаси билан боғлиқ бўлган синов мотиви. Мотивда бош қахрамон маликани қўлга киритиш учун уч топшириқни бажариши лозим. Топшириқнинг бирида шоҳ икки қоп тариқни ҳайдалган ерга сочади, уни бир кечада териш, иккинчисида эса зўр ноғорани бир тегишда ёриш, ниҳоят, учинчисида у бир кечада усти осмонга, таги ерга тегмайдиган қаср қуриши лозим. Топшириқ сирли ёрдамчилар иштирокида ҳал этилади. Мотивнинг турли хил вариантлари мавжуд. Улар сеҳрли эртақларда алоҳида ўрин тутади, сюжет воқеаларини ўзаро боғлаб, таъсирчанлигини оширади, эстетик завқ уйғотади.

Сеҳрли эртақлар ўзагини ташкил этувчи тилсим ва тилсимотни ечиш мотивларида бош қахрамон сирли от, қиз ва бошқа сеҳрли нарсаларни ялмоғиз чангалидан қутқаради. Бу мотивнинг қадимий намунасида қахрамон тилсим сирларини билади ёки аниқлаб олади, кейин ечади, ғалаба қилади. Нисбатан кейинги

намунасида эса у паризод, тотем ёки бирор ғайритабиий куч мас-лаҳати билан иш тутади ва енгади. Мотив асосан сюжет характери-ни белгилаб, ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш мотиви эса сеҳрли эртақларда доимо такрорланиб туради. «Шоҳ олмани еган эди. Ўн тўрт ёшли бола бўлиб қолди». «Боғбон олма кўчат ўтказди, бир кунда ўсди, бир кундан кейин дарахт гуллади, яна бир кун-дан кейин пишди». «Осмондан учта каптар бир доира бериб ерга қўнди, уччалоғи бир думалаб қизга айланди ва шахмат ўйнай бердилар».

Тилсимли эртақлар ўзига хос образлар системаси билан аж-ралиб туради. Булар дев, аждар, ялмоғиз, пари, паҳлавон, қаҳра-мон, подшо, вазир, уламо, ясовул ва бақовуллар, малика ва гў-зал қизлар, семурғ, анқо, хумо, учар от, кийик, ит, мушук, май-мун, девбачча, илоноға, каптар, қарчиғай, сеҳргар, жодугар ва бошқалар. Ана шу образ, персонажларнинг ҳаракати ва асосий функцияси мазкур эртақларнинг характерли белгиларини яна ҳам ойдинлаштиради. Тилсимли эртақларда бевосита миф таъсирида юзага келган образлар фаол қатнашади. Улар гоҳ ижобий, гоҳ салбий хусусиятга эга бўлиб, бош қаҳрамон билан мулоқатда бўлади. Дев, пари, семурғ, аждар ва ялмоғизлар ана шу типдаги образлар сирасига қиради. Ибтидий тушунчалар билан боғлиқ бўлган мифлар яхшилик ва эрк, ёруғлик ва фаровонлик ҳамда даҳшатли ҳодиса, ёмонлик ва зулмат, қонхўрлик ва ёвузликнинг тимсоли сифатида намоён бўлади. Бу хилдаги қиёфалар қанча-лик даҳшат ва қўрқинчли ифодаланса, қарши қўйилган бош қаҳ-рамонлар ҳам шунчалик қўрқмас, баҳодир сифатли тасвирлана-ди. Дев, аждар, ялмоғиз қаҳрамон йўлида пайдо бўлган асосий тўсиқ. Бу тўсиқни енгиб ўтиш у ёки бу қаҳрамоннинг зўр куч-қудратидан дарак беради. Беқиёс куч эса ибтидий инсон истаги, идеал орзусидан келиб чиққан.

Қаҳрамонлик типигаги эртақларда бош образ миф ва реал ижтимоий типлар заминада ташкил топган ва у алоҳида таъриф-ланади. Образ биографияси тўлиқ, бироқ қисқа ва лўнда ифода-ланган. Унинг туғилишидан тортиб паҳлавон янглиғ ғалаба қи-лишигача, қайлиқ излаб уни топишидан тортиб йўл-йўлакай юз берадиган ҳар бир ҳодисалар билан тўқнашуви, хатти-ҳаракати хаёлий уйдирмалар қобигида талқин этилади.

Тилсимли эртақлар асосан бордан йўқ, йўқдан бор бўлиш, турли хил шаклларга айланиш билан боғлиқ тилсим мотивлари-дан ташкил топган. Тилсим сюжет чизиғида асосий ва ҳал қилув-чи роль ўйнайди. Бундай эртақлар қаҳрамонлик типигаги, сар-гузашт типигаги эртақларни ўз ичига олади.

Қаҳрамонлик типигаги эртақлар семантикаси, поэтик схема-си, тематик йўналиши билан ажралиб туради. Унинг мазмунида кўпроқ ибтидий муносабат билан дастлабки феодализм муноса-батлари акс этади. Паҳлавонлик ва қаҳрамонликни улуғлаш, ёвуз куч ва табиат даҳшатларига қарши чиқиш ва ғалаба қи-

лиш кабилар сюжет йўналишини белгилайди. «Паҳлавон Рустам», «Қилич ботир», «Қилич Қора», «Олмос ботир», «Шаҳзода Салмон», «Девбачча», «Хирсиддин полвон», «Лўнда полвон», «Девафид», «Эркенжа», «Кенжа ботир» каби эртақларда мардлик ва паҳлавонлик мадҳ этилади.

Тилсимли эртақлар ичида саргузашт типигаги эртақлар асосий ўринни эгаллайди. Саргузашт типигаги эртақларда кўпроқ феодал муносабатларининг жонли белгилари ўз ифодасини топган. Кўпроқ ўғайлик ва камситилган кишилар, подшоҳлар ва подшоҳлик тузуми, вазир, шаҳзода, малика, жаллод, бош қаҳрамоннинг тахтга ўтириши, адолатли ва адолатсиз шоҳлар, узоқ ўлкалардан қайлиқ излаш ҳамда турли хил жангномалар ҳикоя қилинади. Воқеа ва ҳодисалар хаёлий уйдирма ва тилсим қобиғида талқин этилади. Сюжет саргузашт характерида бўлиб, эпик қисм мавжуд эмас.

Тилсимли эртақлар ўзига хос поэтикаси билан ажралиб туради. Аввало, фантастик уйдирмалар, ранг-баранг тасвирий ҳамда тилсим воситалари сюжет чизигини безаб туради. Айниқса, тилсим воқеалар лўнда ифодаланган сюжетларда ҳайратомуз ҳодисаларни бунёд этади. Тилсимли нарсалар — қилич, узук, ёнар тош, ойна, тароқ, қайроқ, жуводдиз, нина кабилар даҳшатли кучга қарши жанг қилишда, ур тўқмоқ ва чиқ қовоқдан, ёғоч от, пичоқ, семурғ қушлар зулм ва зўрликни енгишда, от, ит, кийик, мушук, сичқон, турли ўсимлик, дори, чумолилар эса қийин топшириқларни бажаришда ҳал қилувчи вазифани ўтайди. Тилсимли ҳодисалар таъсирчанликни орттириб, мазкур типдаги эртақларга хос табиат яратади, воқеа ва ҳодисалар мазмунини тўлиқ очади. Тилсим воситалари сюжетнинг асосий безаги, эртақ поэтикасининг муҳим ва яхлит кўзга ташланувчи, аҳамияти зўр бадийий фигуралардан ҳисобланади. Сеҳр-жоду, тилсим воситалари эртақ сюжетини ташкил этувчи асосий компонент бўлиб, тўрт хил функцияни бажаради. Биринчидан, тингловчида эстетик завқ уйғотади, иккинчидан, эртақнинг содда ва таъсирчан табиатини бўрттириб кўрсатади, бошламадан тортиб тугалланмагача бўлган воқеалар тизмасини жонлантириб, динамик ҳаракатни таъминлайди. Учинчидан, образлар системаси ва уларнинг ажойиб табиатини белгилайди. Тўртинчидан эса, асар тугуни ва унинг ечимида ғайритабиий ва ғайримуқаррарий ҳодисаларни вужудга келтиради. Хуллас, тилсим воситалари инсонпарварлик, адолат ва ҳақиқат, қаҳрамонлик намуналари ҳамда озод ҳаёт, душман устидан ғалаба қилиш каби меҳнаткаш эл орзуларини уйдирмалар воситасида ифодалайди.

Тилсимли эртақларда тайёр қолипга айланган анъанавий формулалар мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос функцияни адо этади. Ғайритабиий ҳодисаларни изоҳловчи формулалар: «Қирқта ҳужра бор, ҳужраларнинг қирқинчисига кирма». «Қилични бир силкитибди, қилич қирқ газ чўзилибди». Бундай формулалар

ўқувчи ва тингловчида қизиқиш уйғотиб, эътиборни воқеалар гирдобига тортиб олади.

Диалог шаклидаги формулалар: «Курашасанми, олишасанми?» «Уришасизми, курашасизми?»— дебди дев». «Курашамиз,— дебди шаҳзода». «Ассалому алайкум,— дебди қиз». «Хап саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим,— дебди ялмоғиз». Бу хилдаги формулалар эса у ёки бу қаҳрамоннинг характер хусусиятини очади.

Тилсимни изоҳловчи формулалар: «Мана бу ойнани азим дарё бўл, деб орқангга ташла, мана бу тароқни чангалзор бўл, деб ташла, мана бу игналарни иккита азамат дарахт бўл... деб ташлагин». Булар эртақларга хос табиат, сирлиликни бўрттиради ва унинг таъсирчан қудратини орттиради.

Эртақ композицияси мураккаб эмас, содда. Шунинг учун ҳам тугун, кульминация ва ечим аниқ ифодаланган. Тугун кўпинча фантастик уйдирмалардан ташкил топади ва бошламадаёқ маълум бўлиб, фантастик ҳодисаларни ифодалайди. «Кунлардан бир кун хотини туғибди, қараса, туққан боласи юм-юмалоқ бир кўза эмиш». Воқеалар ривожини — кульминацияда тилсим сирлари ойдинлашади: «Борса йўлда тўртта ит ётган эмиш, олдида қуриган пичан... эмиш. Нарироқда эса бир от, олдида суяк ташланган эмиш. Ит кўргач, унга ташланибди. Итнинг олдидаги пичанни отнинг олдига, отнинг олдидаги суякни итнинг олдига ташлабди». Баъзан тилсим асар ечимида маълум бўлади ва ечилади. «Мўнди хстинларни уйдан чиқариб юборибди ва чироқни ўчириб, кўзанинг оғзини очиб чиқибди, кейин чироқни ёқибди. Қиз бир вақт қараса, унинг рўпарасида мўнди эмас, тенги йўқ барно йигит турган эмиш». Эртақ асосан насрий йўлда ифодаланган бўлиб, шеърий парчалар жуда кам. Эртақларда бадий тасвир воситалари ўз ўрнида қўлланган. Ўхшатиш сеҳрли эртақларда жуда кўп келади. Айниқса, доно қиз, малика, парилар тасвирида қўлланган ўхшатишлар гўзаллик, нозик ва назокат, ифпат ва латофатни изоҳлайди. «Юзи ойдай, қошлари ёйдай». Ёвуз махлуқ — салбий персонажлар таърифида эса даҳшатли тусни чизади. Тингловчида нафрат уйғотади: «Калласи қападай, танаси тепадай, оёғи душахаддай». «Донишманд», «тадбиркор», «кўримсиз», «жодугар», «ялмоғиз», «қаҳрамон» каби сифатлар эса у ёки бу қаҳрамон хусусиятини очиш учун хизмат қилади. Кўпчилик ҳодиса, образ ва ситуацияларда муболага қўлланади. «Тўқсон ботмон гурзини тўққиз чақирим жойга отар экан» каби муболагалар у ёки бу кучнинг тенгсиз эканини таърифлаб, қаҳрамон қиёфасида мавжуд мардлик, жасорат, баҳодирона фазилатни ойдинлаштиради, «туғилган бувақнинг оғирлиги бир ботмон» ёки «бола саккиз ойлик бўлганда, хотинининг оёғи беш элик ерга қирибди» эса бўлажак қаҳрамоннинг паҳлавонлик қудратидан дарак беради. Хуллас, сеҳрли эртақларда, хусусан, қаҳрамонлик типидagi эртақларда мардлик ва қаҳрамонлик, саргузашт типидagi эртақларда эса, тўғрилиқ, чин севги-садоқат, вафодорлик мадҳ этилади. Бош

қахрамон бирида хаёлий таърифланади ва у зўр куч-қудрат эгаси, коллектив манфаатини кўзлаб ҳаракат қилади. Иккинчи эл типдаги эртакларда эса, қахрамон реал, бироқ контраст таърифланади. Кўринишдан кучсиз ва иродасиз, аслида эса, эпчил, кучли ва иродали. Эرتак сюжети гоҳ эпик характерда бўлиб, конфликт ижтимоий маъно касб этади, гоҳо лирик кўламда, саргузашт характерда бўлиб, оилавий конфликт асосига қурилган. Эртак сюжетини ташкил этувчи воқеа ва ҳодисалар талқинида кўпроқ муболаға ҳамда ўхшатиш ва сифатлаш каби поэтик воситалар қўлланади. Хаёлий уйдирмалар, тилсим воситалари ҳал қилувчи аҳамиятти касб этади.

ҲАЁТИЙ ЭРТАКЛАР

Ҳаётӣй эртаклар реал воқеалар асосига қурилган бўлиб, ҳодисалар ғайритабиий жой, боғ, саройларда эмас, балки реал шароит, бўлиши мумкин бўлган шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтади. Сюжет чизигида миф, тотемистик, анимистик тушунчаларни таърифловчи мотив, эпизод ва ситуациялар деярли учрамайди. Бинобарин, у хаёлий уйдирмалардан холи. Унинг гоҳо элемент шаклида келадиган намуналари эса конфликт ечимида асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнамайди, балки воқеалар ҳаракатида ёрдамчи куч сифатида эпизодларнинг мантиқий боғланишини таъминлайди. Ҳаётӣй уйдирмалар унинг асосини ташкил этади.

Ҳаётӣй эртакларнинг тематик йўналиши ва ғоявий мазмуни ранг-баранг бўлиб, ижтимоий муносабат билан дидактик ҳодисалар ҳикоя қилинади. Асосан ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик жазоланиб, эзгулик ва ҳақиқат ғалаба қилади.

Ҳаётӣй эртаклар шакл ва мазмунига кўра икки турга бўлинади. Биринчи ноҳажвий эртаклар, иккинчиси ҳажвий эртаклар.

Ноҳажвий эртаклар асосан жанговарлик, ишқий саргузашт, ақлий тортишув ва зийраклик билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни ҳикоя қилади. Сюжет чизигида ҳажв асосий эмас, ёрдамчи функцияни адо этади. «Зиёд ботир», «Балтакай ботир», «Уч оғайни ботирлар», «Ойгул билан Бахтиёр», «Вафодорлик», «Озода чехра», «Тухматга учраган келин», «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Аёз», «Давлат мирза», «Золим подшо», «Давлатли келин», «Гулфараҳ», «Авом полчи» ва бошқалар мазкур турдаги эртаклар сирасига киради.

Жанговарликни ҳикоя қилувчи эртакларда бош масала элат ва юрт мудофааси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мардлик, жасорат, адолатсиз шохларни қоралаб, адолатли шохларни мадҳ этиш, мазкур типдаги эртакларнинг ўзига хос тематик йўналишини ташкил этади. Сюжет саргузашт характерида, кўпроқ қахрамонлар жасорати ҳикоя қилинади. Воқеа ва ҳодисалар ҳаётӣй уйдирмаларга бой. Ажойиб ва ғаройиб ҳодисалар, ечилиши қийин бўлган шартларни бажариш, мардлик ва жасорат кўрсатиш таъсирчан ва ранг-баранг эпизодларда намоён бўлади. Воқеа ва ҳо-

дисалар, образлар системаси доимо конкрет таърифланади. Бош қаҳрамон босқинчи золимларга қарши чиқади. Қаҳрамонлар ўз юрти, элати ва халқи учун мардлик, жасорат намуналарини кўрсатадилар. Мазкур эртақларда тўғрилиқ, адолат, ҳақиқат, дўстлик, софдиллик, муҳаббат бало-одат, зулмга қарши қўйилади. Бундай эртақларда қаҳрамон фантастик куч ва сеҳрли воситаларга эга эмас, ўз кучи, қудрати, жанговар тактикаси ҳамда ақл, идрок ва тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Улар нафақат қўрқмас, жасур, балки юксак ахлоқ, покиза қалб, мустаҳкам ирода эгаси ҳамдир. Зиёд ботир, Балтакай ботир, Бекман ботир, уч оға-ини ботирлар, ана шу типдаги қаҳрамонлардир. Улар халқ идеали, тинчлик, мустақиллик, мардлик, тўғрилиқ, меҳрибонлик, дўстлик ва адолатпарварликнинг рамзий ифодаси.

Эртақ баҳодирлари юқорида айтганимиздек, идеал қаҳрамон, паҳлавонлар заминида вужудга келган, ривожланиб, мазмунида демократик ғоя, юксак ахлоқ нормалари билан боғлиқ бўлган хусусиятларни акс эттирган. Эркин ҳаёт, ижодий меҳнат доимо бахт келтиради, қабила эртақларнинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Бу мазмун бош қаҳрамонлар ҳаракати, фикр-мулоҳазалари ва муносабатларида ифодаланган.

Асосий конфликт ижтимоий-синфий маънони касб этган бўлиб, унинг ечими эса сирли воситалар билан эмас, балки бош қаҳрамоннинг мардлиги, ғайрати, жасорати билан ҳал этилади. Ботир эпик қўламда таърифланади. Бироқ бўрттириш ўзининг ҳаётини негизига эга. Мазкур қаҳрамонлар қиёфасида мавжуд мардлик ва жасорат, ақл, идрок, тадбиркорлик асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Актив ҳаракат, тезкорлик, қатъийлик, исёнкорона руҳ бўртиб туради, сиймосида ватанпарварлик ғоялари барқ уриб туради. «Ботир бир сиқим тупроқни олиб, «ўлсам кафаним бўласан, ўлмасам чопоним бўласан» деб чўнтагига солиб қўйибди». Қаҳрамоннинг ана шу шаклда акс этиши жанговарлик типидagi эртақларнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Мазкур эртақларда феодал тузумининг шарт-шароити, қонун-қоидалари, адолатсизликлари инкор этилади.

Жанговарлик типидagi эртақларда ғоявий кураш масаласи биринчи ўринда ҳикоя этилади. Эртақлар кенг маъноли диалог, монолог, тасодифий ситуациялар, комик ҳолат, таъсирчан, драматик эпизод, тўқнашувларга бой бўлиб, эстетик функцияни адо этади.

Ишқий-саргузашт типидagi эртақларда эса асосан вафодорлик темаси мадҳ этилади. Вафодорлик — эртақ мезони. «Зиёд ботир», «Сўнмас гул ва вафодор хотин», «Маликаи Ҳуснобод», «Озода чеҳра», «Тухматга учраган келин», «Вафодорлик» каби бир қанча эртақларда камситилган ва тухматга учраган аёллар саргузашти ҳамда вафодорликнинг юксак намуналари, озод ўлка, бахтиёр ҳаёт, ҳуррият ва эркинлик, севги, садоқат қабила ҳикоя қилинади. Мазкур типдаги эртақлар сюжети саргузашт асосига қурилган бўлиб, ишқ азоби, тухмат азоби, изтироб чекиш каби хилма-хил руҳий кечинмаларни ифода этган эртақлар таъсирчан эпизодларга бой. Вафодорлик мазкур типдаги эртақларнинг асо-

сий ғоясини ташкил этади. Эркисизликка қарши чиқиш, исёнкорлик, адолатли ва адолатсиз шоҳлар ҳақидаги тушунчалар, жаллод ва зиндон кабилар мазкур эртақларни асосан феодализм шароитида юзага келганлигидан далолат беради. Бинобарин, мазкур эртақларда вафодорлик билан бир қаторда риёкорлик, туҳмат ва мусибатнинг оғир машаққатлари ҳикоя қилинади. Ана шу хил воқеа ва ҳодисалар бир бутун асар композициясини ташкил этади ва улар соф муҳаббат, садоқатни улуғлайди. Асосий қаҳрамонлар вафодорликнинг рамзий ифодаси, адолат ва инсонпарварликнинг ажойиб намунаси. Қарши қўйилган томонлар эса, жаҳолат ва разолат, манманлик, ёвузлик, манший бузуқликнинг жирканч намуналари сифатида намоён бўлади.

Ишқий эртақлар ичида «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Орзижон билан Қамбаржон», «Гулшоҳ билан Варқа», «Ёзи билан Зебо», «Баҳром ва Гуландом» ва бошқалар ўзининг лирик йўналиши билан ажралиб туради.

Мазкур типдаги эртақлар туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида чин севги-садоқат, илм-ҳунар ва меҳнатни улуғлаб, ижтимоий тенгсизлик каби ярамас иллатларни қоралаб келган.

Ишқ-муҳаббат мазкур типдаги эртақларнинг тематик йўналишини ташкил этади. Эртақларнинг кириш қисми характерли бўлиб, кўпроқ унда ошиқ-маъшукларнинг бир вақтда бола кўрмаган онлада пайдо бўлиши, туғилиши, бирга ўсиб, бирга ўқиши, ота-оналарнинг аҳд-паймони таърифланади, унинг саргузашт қисмида эса, қаҳрамоннинг севган ёр йўлида тортган азоб-уқубатлари, изтироб чекишлари, қийинчилик билан оғир тўсиқларни босиб ўтиши, сарсон-саргардонликлар ҳикоя қилинади. Финал қисми кўпроқ фожиали тугалланади. Бироқ, «фольклорга умидсизлик тамоман ётдур... фольклор асарларининг ижодкори бўлган коллектив ўзига душман бўлган кучлар устидан муқаррар ғалаба қозонишга ва абадийликка ишонади»¹⁸. Шунинг учун ҳам оптимистик руҳ барқ уриб туради. Сюжет ҳаяжонли воқеа ва ҳодисаларнинг кўплиги билан характерланади. Ана шу ҳодисаларни енгиб ўтиш, жасорат ва мардлик кўрсатиш, меҳнатсеварлик кабилар эртақ сюжетида асосий ва ҳал қилувчи функцияни бажаради.

Эртақ сюжетининг саргузашт қисми назм ва насрдан ташкил топган, кўпчилик ўринда келган шеърый парчалар — қўшиқлар у ёки бу қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ҳаяжон, кайфиятларини ифодалайди ва эртақнинг жонли, таъсирчан, хотирада сақланиб қоладиган бўлишига хизмат қилади.

Топишмоқли эртақларда ўткир зеҳн ва донишмандликни нақл этиш асосий ўринни эгаллайди. Топишмоқли эртақларда узун саргузашт воқеалар ҳикоя қилинмайди, сюжет қисқа ва содда, реал воқеалар асосига қурилган, мазмун лўнда ифодаланган бўлиб, ақлий синов етакчи роль ўйнайди. Эпизодлар эса диалоглар-

¹⁸ Горький А. М. Адабиёт ҳақида. Тошкент, 1962, 271-бет.

дан ташкил топган. Мазкур эртақлар асосан топишмоқлар зами-нида ташкил топган бўлиб, ўткир зеҳн ва донишмандлик, турмуш тажрибалари, меҳнат ва меҳнат жараёни ҳикоя қилинади. «Аёз», «Давлат мирза», «Давлатли келин», «Эркисиз фолчи», «Дониш-манд аёл», «Гулфараҳ» каби эртақлар топишмоқлар асосига қу-рилган. Эртақларда ақлий синов мотиви образ ва персонажлар-нинг характер хусусиятини белгилаш, донолик ёки калтабинликни аниқлаш, мазмунга сатирик оҳанг бериш, таъсирчанликни оши-риш функциясини бажаради. «Қаттиқдан қаттиқ нима? Шириндан ширин нима ширин? Аччиқдан аччиқ нима аччиқ?» «Шу ҳўкизни етти ойда икки марта болалатиб бер» каби топишмоқли саволлар-ни қиз қўйидагича ечади: «Қаттиқдан қаттиқ отнинг туёғи қат-тиқ», «Шириндан ширин — бола ширин», «Аччиқдан аччиқ — ўлим аччиқ». Тўртинчи саволга қиз: «Дадам ҳаммомга туққани кетган, келсалар жавобини айтаман»,— дейди.

Эртақдаги топишмоқ қизнинг донолиги, ақлини исботлайди, шох зулми, ниятларини фош этади.

Топишмоқли эртақларда турли хил шартлар, топишмоқ ха-рактеридаги савол-жавоблар сюжет тугуни ва унинг ечимида ҳукмронлик қилади. Бу хил эртақларда кўчма маъноли сўз ва жумлалар, фикр-мулоҳазалар топишмоқ моҳиятини белгилаб, контраст қўйилган қаҳрамонларнинг белги, хусусиятларини ой-динлаштиради. «Аёз» эртағида доно аёл патир ёпиб, чучвара пи-шириб, лаганга тушириб, зич қилиб териб, устидан мой қўйиб, бетига патирни қоплаб, дастурхонга ўрабди. Қўшнисини чақириб: «Холажон, мана шу дастурхонни олиб, бозор бошига бориб Аёз деган йигит борми,— деб сўранг, «ҳа, мен» деса, шуни беринг. Дастурхонни олаётганида:— «Ҳаво қоронғи, юлдуз зич, ой бутун»,— деб қўлига беринг,— дебди. Кампир йўлда дастурхонни очиб, чучварадан еб, сийраклаштириб, мойни ичиб, патирни яр-мини еб, дастурхонни бошқатдан ўраб олиб бориб берибди ва «Ҳаво қоронғи, юлдуз зич, ой бутун»,— дебди. Аёз ичкарига ки-риб қараса, чучвара сийрак, мойи йўқ, патир яримта. Аёз дас-турхонни бўшатиб бериб, унга: «Ҳаво ёруғ, юлдузлар сийрак, ой яримта», денг,— дебди. Кампир... доно аёлга айтгач, аёл: «Бер-ган нарсамни йўлда очиб, четроқ жойга қочиб, ёғини ичиб, чучва-ра, патирнинг ярмисини ебсиз»,— дебди. Қўйилган мой булут, терилган чучвара юлдуз, патир нон эса ой орқали ифодаланган. Ўткир зеҳн ва донишмандлик мадҳ этилган эртақлар бир қанча тугал воқеаларни ҳикоя қилувчи кичик сюжетлар тизмасидан ташкил топган. Ҳар бир кичик сюжет алоҳида бир ҳикоя. Унинг ўзига хос тугун, ечими мавжуд. Бундай туркум ҳикоялар мурак-каб сюжетни ташкил этади. Асосий конфликт таълимий маънога эга бўлиб, қаҳрамоннинг зеҳн-заковатини аниқлайди ҳамда ечи-мини таъминлайди. Қонфликт ечими кутилмаганда юз беради ва қарши томонлар қиёфасини бутунлай очади, рақиб енгилиб, ижо-бий қаҳрамон галаба қилади. Топишмоқли эртақлар асосан таъ-лимий, эстетик функцияни адо этади.

Демак, ҳаётий эртақларнинг бош қаҳрамонлари оддий халқ вакиллари — деҳқон, чол, ботир, доно қиз, камбағал йигит, ҳунарманд, гўзал малика, донишманд кишилар, адолатли шоҳ, вазирлар, сарой уламолари, вафодор қиз, туҳматга учраган келин ва ва бошқалар бўлиб, улар тadbиркор, омади келган жасур ва меҳнаткаш, аини пайтда адолатсизлик, иғво ва фитна каби ярамасликларга қарши шафқатсиз кишилардир.

Ҳаётий эртақлар сюжети баёний қисм ҳамда диалог ва монологлар асосига қурилган бўлади. Диалог ва монологлар у ёки бу қаҳрамон кайфиятини изоҳлаб, эҳтиросли, таъсирчан руҳ бахш этади. «Йўқ, подшоҳим, мен ўз ёримдан бошқани демайман, излаб топсам яхши, тополмасам ёр кўйида жонимни фидо қиламан» («Ойгул билан Бахтиёр»). Диалог ва учрашув эпизодлари сюжет чизигида лирик фон яратиб, таъсирчанликни ортттиради.

Қарши томонлар тўқнашуви эса, танқидий мазмунни касб этиб, маиший бузуқлик каби ярамас ахлоқни фош этиб, ҳажв мўлжалига нишон қилади. «Эринг йўқ бўлиб кетди, ким билсин, қайси қумнинг остида қурт-қумурсқаларга ем бўлди экан. Сен энди мотам тутма. Мен сени кўпдан яхши кўраман, иккимиз қовушиб, айш-ишрат қиламиз, кайф-сафода яшаймиз», — дебди. Гулшод кўзларига ёш олиб: «Ҳай номард, ботир аканг тўғрисида шундай гапларни айтишга қандай тилинг борди, сенда уят, инсоф, диёнат деган нарса борми, ифлос, махлуқ экансан» («Вафодор»). Кўпинча у ёки бу воқеалар қисман бўрттирилади. Ана шу бўрттириш у ёки бу қаҳрамоннинг жасорати, ақл-идроки сингари ажойиб хусусиятларини ифода этади.

Эртақнинг баён қисмида воқеа ва ҳодисаларни кенг, тўлиқ, атрофлича ҳикоя қилиш сезилиб туради. Талқинда тил воситалари ранг-баранг бўлиб, у ёки бу қаҳрамон қиёфасини тўлиқ очиш учун хизмат қилади. Бадий тил воситаларидан ўшатиш ва сифатлаш тез-тез учраб туради. Сифатлаш ва ўшатиш у ёки бу нарса ёки персонажнинг хусусиятини белгилаб, эстетик завқ уйғотади: «Қора сочлари, ўзи мулойим, ҳар ишга қодир, кўзи пастда, дили хаста экан». Тугаллама қисқа ва лўнда ифодаланган бўлиб, кўпроқ демократик руҳ ҳамда таълимий мазмунни билдиради. «Шу билан Аёз ўзи подшо бўлиб, ўзининг донолигидан халқни одиллик билан сўраб, мамлакатда адолат ўрнатган экан».

Хуллас, мазкур типдаги эртақларнинг сюжети ҳаётий мотив ҳамда бадий тасвир воситаларига бой бўлиб, илм-ҳунар, меҳнат, дўстлик ва қаҳрамонлик, меҳр-муҳаббат, вафодорлик, чин севги, садоқат, донишмандликни тарғиб қилиб, дўстни душмандан, оқилни нодондан, яхшини ёмондан, самимийликни сохталикдан ажратишда муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Ҳаётий эртақларнинг бир қисми ҳажвий эртақлардан иборатдир. Улар асосан кулгили воқеа ва ҳодисалардан ташкил топади. Сюжет ихчам, маъно аниқ ва лўнда ифодаланади, танқидий функцияси билан ажралиб туради.

Ҳажвий эртақларда сатира ва хушчақчақ юмор асосий

ҳал қилувчи ўринда туриб, халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган умумий ва хусусий камчиликлар ҳамда ижтимоий муносабатларни очади, синфий муҳитни белгилайди. Шунинг учун ҳам бу хил эртақлар маълум маънода ғоявий кураш қуроли ҳисобланади.

Ҳажвий эртақлар ижобий белгини аниқлаб, салбий хусусиятни фош этувчи характери билан ажралиб туради. Ҳажв донолик маҳсули, унинг рамзий ифодаси бўлиб, оптимизм билан суғорилган.

Ижтимоий ҳаётда ҳажвнинг роли катта. В. Г. Белинскийнинг фикрича, «Ҳажвий эртақлар дейилиши мумкин бўлган эртақлар алоҳида диққатга сазовор»¹⁹. У инсон ақли, заковатини чархлаб турувчи омил. Бошқача қилиб айтганда «Сезгир ақлга эга бўлган, кейинчалик амалий ҳаётда намоён бўлувчи забардаст арбоб»²⁰. Ҳажвий эртақлар тарбиявий аҳамият касб этади. Бош конфликт асосан ижтимоий-сиёсий маъно ташийти.

Ҳажв бадний восита сифатида қарши қўйилган томонларнинг ижтимоий категориясини белгилайди. Эртақ сюжети асосан контраст асосига қурилган бўлиб, комик ситуация, ҳаракат ва ҳолат комизмга бой, воқеа ва ҳодисалар жонли, эмоционал, таъсирчан. Ҳажвий эртақларда ижобий қаҳрамонлар — донишманд, кал, хизматкор, тadbирли аёл ва бошқалар. Салбий образлар эса подшоҳлар, вазирлар, қозилар, бойлар, шайхлар, муллалар ва бошқалар. Ҳар бир образ талқинида сатира ва юмор, бўрттирилган воқеалар асосий ўринни эгаллайди.

Мазкур типдаги эртақларда сатира ва юмор муштарак ҳодиса. Бироқ унинг у ёки бу эртақда мавжуд шакл ва мазмуни, даража-миқдори турлича. Бир хил эртақда сатира асосий ўрин тутиб, юмор элемент шаклида ёки аксинча, юмор асосий, сатира элемент шаклида келиши мумкин.

Эртақларда мавжуд комик тасвирлар маъно эътибори билан ҳар хилликка эга. Бир жамият тараққиётининг душманларига қарши, иккинчиси эса оддий кишилар ҳаёти ва шахсий камчиликларни очиш учун қўлланади. Бир, ижтимоий-сиёсий, иккинчиси маиший маъно касб этади. Бироқ икковида ҳам салбий белгини инкор этиш хусусияти мавжуд. Инкор ҳар икки ҳолда ҳам ўз кучи ва даража миқдорига кўра бир-биридан фарқ қилади: биринчисида куйдириб ташлаш, йўқ қилишга даъват этувчи инкор, иккинчисида эса енгил ачиниш, хайрихоҳлик билдирувчи, кейинчалик тузатишни таъкидловчи инкор. Кўриниб турибдики, иккинчи хил инкор аслида аччиқ ҳажв даражасига ета олмайди. Шунинг учун ҳам ҳажвий эртақлардаги комик ҳодисалар шакл ва мазмунга кўра икки хил мазмунни ифода этиши мумкин. Бир ижтимоий-сиёсий маъно аниқламайди, яъни ижтимоий зиддиятни акс эттирмайди. Демак, мазкур типдаги комик ҳодисалар тасвирида кўтарилган кулги хушчақчақ, айни пайтда бегараз кулги бўлиб, ўткир

¹⁹ Белинский В. Г. Избранные сочинения. М., 1964, с. 553.

²⁰ Добролюбов Н. А. Сочинения. М., 1950, с. 9.

ҳажв функциясини адо этмай, балки енгил ачиниш, хайрихоҳлик билдириш билан чегараланади. «Икки ўжар», «Етти дангаса», «Гаранг», «Икки аҳмоқ» каби эртақларда мавжуд тематик йўналиш ўжарлик, дангасалик, соддалик, нўноқлик каби жузъий камчиликларни ҳикоя қилади. Сюжет чизигини ташкил этган воқеалар, характер ва ситуациялар тингловчида таълимий аҳамиятга эга бўлган енгил кулги кўзгайди. Маълум бўладикки, мазкур эртақларда мавжуд комик ҳодиса ва воқеалар юмористик кулги билан йўғрилган. Иккинчиси эса ижтимоий-синфий маънони англатади. Ана шу комик ҳодисалар таъсирида кўтарилган кулги аччиқ заҳарханда, айни пайтда фош этувчи характерга эга, бинобарин, у ўткир ҳажв мўлжалига нишон бўлган белгини йўқ қилади. Кўринадикки, ҳар икки тасвирда ифодаланган ҳодисалар ўз навбатида кулги чиқаради ва бу кулги бир ўринда беозор, хушчақчақ кайфиятни, бир ўринда эса заҳарханда кайфиятни ифода этади.

Ҳажвий эртақларда мавжуд киноя, қочирим, рамз, шама, мажоз, айрим сўзларга ургу бериш, паузали талаффуз, ўхшатиш кабилар комик ҳодисани ташкил этувчи поэтик компонентлардир. Комик ҳодиса ёки комик воқелик эса ўз навбатида кулги яратади. Кулги эса турли хил шаклларда намоён бўлади. Бири юқорида айтганимиздек енгил, хушчақчақ кулги, иккинчиси эса аччиқ, заҳарханда кулги.

Ҳажвий эртақлар ғоявий тематикаси, ҳажв ва кулгининг шакл ва мазмуни, даража-миқдори, у ёки бу асарда тутган ўрни, функциясига кўра сатирик ва юмористик эртақларга бўлинади.

Сатирик эртақларда асосан антифеодал ва антиклерикал мотивлар сюжет асосини ташкил этиб, уларнинг ҳажми қисқа, ихчам, жонли, эмоционал, таъсирчан, кенг ижтимоий-синфий маънога эга бўлган, мақсадни лўнда ифодалаши билан ажралиб туради. Сатирик эртақлар заминда асосан ижтимоий зиддият — синфий тенгсизлик масаласи ётади. Бу масала икки қарама-қарши синф вакилларининг ўзаро тўқнашуви орқали ҳикоя қилинади. Ўткир сатира эртақ асосини ташкил этиб, меҳнаткаш халқ озодлиги душманларига қарши қаратилади. Сатира у ёки бу салбий белгини фош этиб, куйдириб, йўқ қилиш функциясини бажаради. Мазкур эртақларда сатира асосий ва ҳал қилувчи ўрин тутаети, юмор эса қўшимча элемент, ёрдამчи восита сифатида намоён бўлади. Сатирик эртақлар ижтимоий-сиёсий мазмунни белгиловчи аниқ ва кучли ҳажв чизигига эга.

Сатирик эртақлар кўпроқ сатирик ва юмористик образлардан ташкил топган. Ижобий қаҳрамонлар — донишманд чол, деҳқон, камбағал йигит, новча хизматкор, кал, доно ва тадбиркор аёл ва бошқалар. Улар маънавий, айни пайтда синфий кураш жараёнида қўрқмаслик, чидамлилиқ, тадбиркорлик, ақллилик каби ахлоқнинг ажойиб намуналарини намоён қиладилар.

Салбий персонажлар — руҳонийлар, феодал ҳокимиятнинг амалдорлари ва бошқалар. Булар қизиқчи, кал, доно ва тадбир-

кор аёллар томонидан аччиқ кулги воситасида қамчиланади, ноқулай вазиятда қолдирилиб, ерга урилади, меҳнаткаш халқ олдида сотқин, порахўр, иккиюзламачи, очкўз ва қонхўр экани очиб ташланади. Асосий ва ҳал қилувчи сатира асарда фош этиш функциясини бажаради, меҳнаткаш халқ оммасининг ҳақиқат ғалабаси ҳақидаги орзу-умид, ишончларини ифодалайди. Сатирик эртақлар сюжетида салбий образларгина ҳал қилувчи роль ўйнамайди, балки халқ идеали — ижобий қаҳрамонлар ҳам муҳим вазифани ўтайди.

Сатирик эртақларда ҳажвий кулги киноя, қочирим, пичинг ва шама орқали вужудга келади. «Ўпка қишлоқ» эртагида миршаб маччойига дуч келади ва «Ўпка қишлоқ»ни сўрайди. Маччойи саволни тушунган ҳолда фикрини бошқа томонга буради. «Ҳозир кекирдакка келдингиз. Ўпкага ҳали бор». Жаҳли чиққан миршаб «Чопаман» деса, маччойи бамайлихотир «Чопмасдан, секин борсангиз ҳам бўлади»,— деб жавоб беради. Эртақдаги «ўпка» ва «кекирдак» кўчма маънода қўлланган пичинг. У чоризм сиёсатини мўлжалга олади ва бу сиёсатни аччиқ ҳажв мўлжалига нишон қилади.

Заҳарханда кулги танбеҳ орқали келиб чиқади. Танбеҳ бериш эса кесатиқнинг юқори чўққисидир. «Икки аҳмоқ» эртагида икки шахс аҳмоқлик ва ёлгон гапиргани учун танбеҳланади. Бирининг лунжи қирқилса, иккинчиси эса калтакланади. Еки «Шум бола» эртагида бола бой билан тўқнашганда, уни танбеҳлайди. Танбеҳ ёлгон ёрдамида вужудга келади. Бола бойни шундай аҳволга соладики, гўё у хонавайрон бўлган. Ёлгонга ишониб бойнинг куйиши — руҳий ҳолат аччиқ кулги қўзғайди. Танбеҳловчи кулги эса асосан сатирага хос белгидир. Ҳажв бола тактикасини маъқуллайди, бойни эса фош этади. Заҳарханда кулги масхара қилиш орқали келиб чиқади. Масхарали кулги салбий персонаж талқинида юзага келади. Кўпроқ айёр ва писмиқ бой қиёфасида намоён бўлади. Заҳарханда кулги ҳазил ва шама орқали ҳам юзага келади. Эшон хизматкоридан ўч олиш ниятида ҳазил қилади: У намоз ўқиб туриб «калковсар»даги «кал» сўзини бўрттириб айтади. Қал ҳам ҳазил қилади, ишорани англаб олиб, худди шу суранни такрорлайди. «Ванхор» сўзига урғу бериб эшонга шама қилади ва унинг «эшак» лақабини очади. Ана шу хил кулги намуналари сатирик, юмористик типларда аниқ кўринади ва асар гоёси билан узвий боғланади. Умуман, яхшилик билан ёмонликнинг бир-бирига зид келиши комизмни белгилайди.

Сатирик эртақларда у ёки бу белги бўрттирилади. Бўрттириш сатиранинг инкор этиш қудратини орттиради, ижобий ва салбий хусусиятларини аниқ чизади. «Ўғри» эртагида воқеа ва ҳодисалар асосан шоҳнинг характер, хусусиятини ойдинлаштиришга қаратилган. Унинг қалби бўш, тирик мурда экани таъкидланади. «Тақсир, ўғрини осган эдик, оёғи ерга тегиб қолди, нима қиламиз?» Шоҳ: «Унинг ўрнига бошқа бир пакана одамни олиб келиб ос, қўй-да»,— дебди. Баъзи эпизодлар салбий қиёфанинг тор

фикрли, заиф эканини умумлаштиради. «Ўғри:— Шоҳим, мени тезроқ осинг, деса, шоҳ, нега шоширасан, дейди. У дунёнинг подшоси ўлган экан, ким биринчи борса, ўша шоҳ бўлармиш. Шоҳ ўғрини бўшатиб, ўрнига ўзини осини буюради». Ҳар икки эпизодда ҳам адолатсизлик, аҳмоқлик ва лақмалик каби хусусиятлар бўрттирилган, алоҳида ургу бериб чизилган. Бўрттириш ўғри ва аҳмоқ шоҳ образини конкретлаштиради. Эртақда салбий персонажларнинг асосий сифати бўрттирилган. У муболағали тасвирланади. Бундай тасвир асосли ва ҳаётийдир. Бўрттириш ва муболағали тасвир ўз навбатида ҳаётий ҳақиқатни яна ҳам ойдинлаштиради. Муболағали тасвирнинг асосий мақсади тингловчинини салбий белгига жалб этиш, ҳақни ноҳақдан ажратиш, ғазаб туйғуларини қўзғаш ва заҳарханда кулги яратишдан иборат.

Муболағали тасвир асосан кулги яратади. Баъзан ҳаракат ва ҳолат бўрттирилади. «Тухматчилар жазоси»да қассоб тўнка бўлиб туради, Султон баққол бешикка беланади, қози эса эшак либосини кияди. Бинобарин, комик ҳолга тушган бузуқларнинг бири тўнка бўлиб туради, иккинчиси эса соқолидан айрилиб, учинчиси эшак сифат отхонага боғланади. Маълум бўладики, муболағали тасвир асосан фош этиш функциясини бажаради. Салбий белгилар такрорий эпизодда яна ҳам ойдинлашади. Бу хилдаги муболағали тасвир сатирик эртақ табиатига мос тушиб, унинг комизмини кучайтиради.

Сатирик эртақларда экспозиция тўлиқ ва аниқ берилади. У бош ғоя ва қаҳрамон характери билан боғлиқ бўлган баъзи белгиларни таъкидлайди: «Унинг ақлли, хушрўй хотини бор экан. Йигит гоҳ мардикорчилик, гоҳ ҳаммоллик қилиб юрар, хотини эса бўз тўқир... экан».

Сатирик эртақларда бош конфликт сюжетнинг кириш қисмидаёқ юзага келади. Конфликт ижтимоий-сиёсий маънони касб этиб, тез ва шиддат билан ҳаракат қилади: «Бугун эрим уйда йўқ, бизникига меҳмон бўлиб келинг, дейман. Улар келганда, биргалашиб жазосини берамиз».

Ҳажвий эртақларда комик ситуацияларнинг уч хил намуналари мавжуд. Биринчи хил намунаси ҳаракатдан ташкил топади: «Хотин қассобга кулиб қарабди. Қассоб шошиб қолиб, қўлини ҳам кесиб олибди». Иккинчи хил намунаси руҳий ҳолатдан келиб чиқади: «Бўлмаса мен кирай-чи»,— деб қассоб чуқурга тушибди. Ҳалиги хотин унинг бурнини шартта кесиб олибди. Бироздан сўнг у вой-войлаб юзини ушлаб чиқибди. «Ҳа, нима бўлди?»— деб сўрабди шериклари. «Э, қўяберинг, у ерда пиширилаётган ноз-неъматларнинг ҳиди бурнимни ёраёзди»,— дебди.

Учинчи хил намунаси эса, руҳий ҳолат ва ҳаракат бирикмасида содир бўлади: «Эри болтани олиб мана бу тўнка яхши ўтин бўлади, ҳозир ёриб ташлайман,— дебди-да, қассоб тўнка бўлиб турган томонга қараб юрибди. Қассоб қараса иш чатоқ, дарров устидаги қопни иргитиб ташлаб, додлаганича девордан ошиб қочибди».

Мазкур типдаги комик ситуациялар асар композициясининг асосини ташкил этади. Ҳажвий воқеа ва ҳодисаларни қуюқлаштиради, ўткирлаштиради, салбий персонажнинг масхарали қиёфасини ойдинлаштиради, драматизмни кучайтиради. Ниҳоят, динамик ҳаракатни кескин тўқнашувга олиб чиқади, тингловчида кесатиқли кулги яратади. Эртактаги биринчи ва иккинчи комик ситуациялар ёрдамчи бўлиб, асосий ҳисобланган учинчи ситуацияни тўлдирди, мукаммаллаштиради.

Сатирик эртактарда образлар тили характерлидир. Тил у ёки бу персонаж хусусиятини очиб беради. Айниқса, ижобий қаҳрамон нутқида мавжуд ўзбек тилига хос ранг-баранг тасвирий воситалар, ҳазил-мутоиба, қочирим, кесатиқ маъноли бадий тил воситалари, сўз ўйинлари, ўхшатиш, сифатлаш кабилар у ёки бу белгини ойдинлаштиради ва ғоявий мазмунни аниқлайди:

— «Кел ўғлим, кел, менда нима ишинг бор?»

— Бой ота, мен бир хизмат билан ҳузурингизга келган эдим.

— Айт, ўғлим, бажони дил, нима дейсан?

— Мен бир бечора кампирнинг ёлғиз ўғлиман, маҳаллангизнинг имомини учратиб қолдим. Имом менга «Маҳалламизда Қурумсоқ деган бой бор. У бева-бечораларнинг бошини силайди. Сен ўша бойникига бор»,— деб маслаҳат берди.

— Ҳим, жуда соз, ўғлим, майли, сенга ҳам «сахийлик» қилай».

Юқоридаги диалогда қарши томонлар муносабати яхши кўрсатилган. Унда юзаки хушомад, аслида эса ҳар бир савол-жавоб қаҳр-ғазаб ифодаси янглиғ янграйди. Чунки бой нутқидаги «ўғлим»; «кел», «бажони дил», «жуда соз», «майли», «сахийлик қилай» каби иборалар айёрликни пардалаб туради. Ижобий қаҳрамон нутқидаги пичинг мазмувли. «Ҳузурингизга келган эдим», «Қурумсоқ бой», «бева-бечораларнинг бошини силайди» каби иборалар эса, бой найрангини маҳв этишга мўлжалланган. Кўринадики, кесатиқ, пичинг маъноли ибора аввало, салбий персонажнинг муғомбирона характерини фош этса, ижобий қаҳрамондаги тадбиркорликни тасдиқлайди. Нутқда мавжуд кўчма маъно комизм воситаси. Демак, ҳажвий кулги яратувчи пичинг, кесатиқ, танбеҳлар, бўрттириш ва комизм воситалари сатирик эртактарга хос хусусиятни белгилайди.

Ҳажвий эртактарнинг иккинчи хил турини юмористик эртактар ташкил этади. Уларда енгил кулги асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юмористик эртактарда кишиларнинг хусусий, айти пайтда жузъий камчиликлари танқид қилинади. «Тўрт ялқов», «Куйган чол», «Етти аҳмоқ», «Уч кўкнори», «Кўкнори хаёл», «Икки ўжар», «Айёр билан содда», «Гаранг», «Эр-хотин ва ўғрилар», «Соқи мумсин билан Боқи мумсин», «Икки аҳмоқ» кабилар юмористик характердаги эртактар туркумига оид бўлиб, уларда дангасалик, калтафаҳмлиқ, аҳмоқлик, ўжарлик, саводсизлик каби иллатлар кулги остига олинади. Юмористик кулги аччиқ, захарханда, куйдириб ташлаш хусусиятига эга бўлмай, ҳазил-мутоиба,

айни пайтда хушчақчақлик ёки ачиниш мазмунини ифода этган юмшоқ кулги чегарасида тўхтайдди. Бироқ, у ҳам инкор этиш хусусиятга эга. Демак, юмористик кулги хусусий камчиликлар, маънавий ва жисмоний қусурлар талқинида намоён бўлади. Шунга қарамасдан юмористик эртақлар мағзида асосан инсонга муҳаббат, бахтсиз ҳолатга тушиб қолганларга ачиниш ғоялари ҳукмронлик қилади.

Дангаса, ўжар, ялқов, эзма, нўноқ, гиёҳванд, калтафаҳм, саводсиз, бемаъни, физиологик дефектга эга бўлган кишилар юмористик фонда тасвирланган эртақ персонажлари ҳисобланади. Юмористик эртақларда антагонистик ғоя ташувчи образлар мавжуд эмас. Юмористик образлар қисқа ва лўнда, содда ва аниқ, ортиқча тафсилотларсиз тасвирланади. «Бир қишлоқда Соқи мумсин билан Боқи мумсин деган бор экан». Образлар талқинида кўпроқ ҳаракат ва ҳолат комизми қўлланади. Бу элементлар кулгили сифатларнинг асосий манбаларини аниқлайди. Маълумки, феодализм жамияти кишилар орасида таркидунё қилиш, кайфсафо, дангасалик, маишатга берилиш каби ярамас хусусиятларни вужудга келтирган. Бинобарин, эртақлар заминида мавжуд киноя—сатирик элемент ана шу жамият муҳитига қаратилгандир. Бироқ мазкур муҳит танқиди яширин ифодаланган. Яширин танқид мантиқий хулоса орқали сезилиб туради. Кўринадики, мазкур типдаги эртақлар асосини юмор ташкил этади.

Сюжет ихчам, комик ситуациялардан ташкил топган. Эпизодлар лўнда, енгил, кулгили. Кулгили диалог, ҳаракат ва ҳолат комизми ҳал қилувчи аҳамият касб этади. У эртақ мақсадидан келиб чиқадиган асосий ғояни очади. Юмористик эртақларда ҳаракат ва ҳолат комизми турли воситалар билан рўёбга чиқади. Масалан, ҳаракат комизми баъзан жисмоний камчиликлар баёнида содир бўлади ва сюжет чизигида ҳал қилувчи роль ўйнайди. «Гаранг» эртагининг асосини енгил, айни пайтда ачиниш маъносидаги кулги ташкил этади. Бу кулги эшитмаслик — гаранглик оқибатида, ўринсиз нутқ ва ҳаракатлар натижаси ўлароқ юзага келади: «Қўй йўқотган гаранг йўлда келаётган гарангдан қўйини сўраса, у «Мен ҳў Ачавотдан келаяпман»,— деб кўрсатади. «Қўйим ўша томонда экан»,— деб ўша томонга юради ва қўйини топади. Уша одамга бир чўлоқ қўй ҳадя этса, у гаранг «ҳадя» деб тушунмай, «оёғини мен синдирмадим»,— деб дўқ уради». Эртақда гаранглик кулги манбаи. Юмор жисмоний камчилик ва унинг оқибатидан келиб чиққан. Эртақда гаранглик персонажлар нутқи, муносабатида аён бўлади. Нутқ ва муносабат эса кулги манбаига куч беради, уни орттириб юборади. Оддий ва юмшоқ кулги қаҳ-қаҳага айланади. Гаранглик воқеа ва ҳодисаларни бўрттиради, комизмин ташкил этади. Комизм эса, ўз навбатида жисмоний камчиликни инкор этади.

Ҳолат комизми кутилмаганда юз беради ва эртақ ечимини ташкил этади. Бу ўринда «Хўжа танбал», «Тўрт ялқов», «Етти аҳмоқ» каби эртақлар характери. «Етти аҳмоқ» эртагида танбал киши-

лар қатиқ билан нон ейишмоқчи бўлишади. Бироқ, қўл ювишга эринишади. Уртада сансалорлик бошланади. Охири, ким гапирса ўша қўлга сув қуяди, деб шарт қўйишади ва индамай ўтираверадилар. Хонага гадой кириб нон сўраса, ҳеч ким жавоб бермайди. Гадой қатиқ билан нонни еб, идиш юқини индамай ўтирганлар башарасига суриб чиқади. Гадой кетгач, бир ит кириб келиб, қолган ушоқларни ялаётганида ҳам улар индамайдилар. Ит бир чеккадан олти аҳмоқнинг башарасидаги қатиқни ялаб еттинчисининг юзини ялаётганда, тили аҳмоқнинг оғзига кириб кетади. Шундагина ҳалиги аҳмоқ «кет» деб юборади. Қўрамизки, сўнгги эпизодда юз берган ҳолат комизми аввало руҳий кечинмани ифодалайди. Ниҳоят, хушчақчақ кулги яратиб, конфликтни юмор билан безайди. Юмор эса, персонажлар қиёфасини чизади, таъсирчанликни орттиради. Бу билан дангасалик ва ношудлик танқид қилинади. Ҳаракат ва ҳолат комизми бирор деталь орқали ҳам юзага келиши мумкин: «Чол... кампирга: Ҳадеб можаро қилиб, уришгандан кўра сенга айтадиган гапим бор. Уч кунга муҳлат қўямиз. Кимки уч кунга қадар гапирса, эшак суғориш ўшанинг бўйнига тушади,— дейди. Шундан сўнг сўзсиз ҳаракат ва сўзсиз муносабат бошланади. Юзага келган руҳий кечинма чол қиёфасида мавжуд ўжарлик ва бир сўзликни аниқлайди. У ҳатто уйга ўғри кириб, бор нарсани олиб кетаётган чоғда ҳам индамайди. Қиз: «Ҳа, тоға, нега бундай қилиб ўтирибсиз?»— деса, чол бошини кўрсатиб, наматгача олиб кетишди,— дегандек ишора қилади. «Қиз «шўрвани бошимга тўк»,— деяпти, дебди-да, иссиқ шўрвани бошига қўйиб, бошини куйдириб қўйибди». Шарт сабабли юзага келган ҳаракат ва ҳолат комизми хушчақчақ ва беозор кулги келтириб чиқаради. Шубҳасиз, бу кулги таълимий аҳамият касб этади. Юмористик эртакларда кўпроқ образ яратиш учун уларнинг хатти-ҳаракати, руҳий ҳолати ва ситуацияларга эътибор берилади. Бундай ҳол мазкур типдаги эртакларнинг халқ драмасига яқин, ўхшаш эканидан далолат беради. Чунки сюжет асосан икки, уч драматик эпизоддан ташкил топади. Икки ё уч персонаж қатнашади. Ана шу персонажларнинг ғайри-табiiй ҳаракати ва муносабатлари, баъзи бир мантиқсиз нутқ ва ҳайқириқлари эртак сюжетига юмористик тон беради, драматик коллизияни кучайтиради. Бу борада, айниқса, «Куйган чол», «Етти аҳмоқ», «Гаранг» сингари эртаклар фикримиз исботи бўла олади. «Куйган чол» эртаги учта кичик эпизоддан ташкил топган. Ана шу эпизодларнинг иккинчи ва учинчиси характерли. Иккинчи эпизодда қаҳрамоннинг сўзсиз ғайримуқаррарий ҳаракати ва ҳолати, имо-ишоралари таърифланган. Учинчи эпизод эса драматик асар эпизодининг ўзгинаси. Бу эпизодда автор изоҳи йўқ. Асосан ҳаракат комизми ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маълум бўладикки, эртакчи томонидан ҳикоя қилинган ғалати ҳодисалар тингловчининг кўз олдида намоён бўлади, гўё воқеалар саҳнада бўлаётгандай. Бинобарин, эпизодларда мавжуд нутқ ва комик ҳаракатлар асосий ўрин тутади. Воқеалар ҳам фақат бир жойда рўй беради, четга чиқмай-

ди, уни гўё қизиқчи ва масхарабозлар ижро этаётгандай туюлади. Ўғрининг кириши, шип-шийдам қилиши, иссиқ шўрвани бошдан қуйиш, сукут сақлаб жим ўтириш кабилар саҳнавий асар деталлари. Бу деталлар руҳий ҳолатни яратади, асар ғояси ва унинг асосий функциясини томошабин олдида яхлит очилишига имкон туғдиради. Бу деган сўз мазкур эртақлар аслида маълум маънода бир пардали юмористик халқ драмасига яқин бўлганлигидан далолат беради.

Юмористик эртақлар масал сингари мантиқий хулоса чиқаради: «Шундай қилиб, одамларни алдаб кун кўриб юрган кўсалар жазоларини тортиб, қилган ишларига пушаймон бўлиб, тавба қилибдилар». «Дарёнинг тагига чўкиб кетаётганида ҳам икки бармоғини қайчи қилиб чўкиб кетибди».

Хуллас, юмористик эртақлар жузъий камчилик — маънавий ва жисмоний камчиликларни енгил, хушчақчақ кулги остига олади. Сюжет комик ҳодисаларга бой. Улар у ёки бу белгини бўрттириш орқали ташкил топади. Маънавий камчилик ҳикоя қилинган эртақларда ҳаракат ва ҳолат комизми, жисмоний камчилик ҳикоя қилинган эртақларда эса, кўпроқ комик ситуация асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Юмористик эртақларда дангасалик, ўжарлик, ялқовлик, эзмалик, нўноқлик, гиёҳвандлик, калтафаҳмлиқ, саводсизлик каби ахлоқий нормага зид бўлган белги-хислатлар енгил кулги остига олинади ва айни пайтда инсон тарбиясида меҳнатнинг роли юқори қўйилади. Демак, мазкур туркумдаги эртақлар асосида юмор ҳамда лидактик ғоя ҳукмронлик қилади. Юмористик эртақлар асосан таълимий, эстетик функцияни адо этади.

ЭПИК ЖАНРЛАР ДИФФУЗИЯСИ

Тарихий-адабий жараён динамикаси муайян жанрларнинг пайдо бўлиши ёхуд инқирози, тарихий тараққиёт натижасида айрим жанрлар семантикасининг торайиш ёки кенгайиш нисбати, улардаги ижтимоий-эстетик функциянинг ўзгариши, бинобарин, бир ёки бир неча жанрлар асосида янги жанрларнинг вужудга келиши каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Бундай ўзгаришлар, ўсиб ўтишлар фольклор жанрлари табиатида ўзига хос тарзда амал қилади. Тарихий-фольклорий жараён (историко-фольклорный процесс), унинг ҳаракатлантирувчи «механизмлари» ҳақида В. Я. Пропп, Е. М. Мелетинский, Б. Н. Путилов, Л. И. Емельянов, В. В. Иванов, В. Н. Топоров каби бир қатор совет фольклоршунослари қизиқарли фикрлар баён қилганлар¹. Уларнинг бу фикрлари тарихий-фольклорий жараёнга хос динамикани ва бунда фольклор жанрларининг ўзаро алоқалари, таъсири каби масалаларнинг моҳиятини тўғри англаб олишга кўмак беради.

Бу ўринда биргина терминологик жиҳат хусусида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Шу пайтга қадар фольклор ҳамда ёзма адабиёт тараққиётига алоқадор тадқиқотларда ёзма адабиётга нисбатан «тарихий-адабий жараён», фольклорга нисбатан «огзаки адабий жараён» терминлари қўлланилиб келинади. Биринчи тер-

¹ Қаранг: Пропп В. Я. Морфология сказки. М., 1969; Исторические корни волшебной сказки. Л., 1946; Трансформация волшебных сказок. — Сб.: «Фольклор и действительность». М., 1976; Мелетинский Е. М. Происхождение героического эпоса. Ранние формы и архаические памятники. М., 1963; Поэтика мифа. М., 1976; Миф и историческая поэтика фольклора. — Сб.: «Фольклор. Поэтическая система». М., 1977, с. 23—41; Путилов Б. Н. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. Л., 1976; Мотив как сюжетобразующий элемент. — Сб.: «Типологические исследования по фольклору». М., с. 141—155; Типология фольклорного историзма. — Сб.: «Типология народного эпоса». М., 1975, с. 164—181; Современные проблемы исторической поэтики фольклора в свете историко-типологической теории. — В сб.: «Фольклор. Поэтическая система». М., 1977, с. 14—22; Емельянов Л. И. Методологические вопросы фольклористики. М., 1978. Иванов В. В., Топоров В. Н. Инвариант и трансформации в мифологических и фольклорных текстах. — Сб.: «Типологические исследования по фольклору». М., 1975, с. 44—76.

мин ўз объектига мос тушганлиги учун ҳам у ҳақда тўхғалиб ўтишга ҳожат сезилмайди. Аммо фольклорга нисбатан қўлланилган «оғзаки адабий жараён» термини фольклордаги яратилиш ва жонли яшаш, тарқалиш ва вариантлашиш жараёнларини тўлиқ ифодалай олмайди. Чунки у фақат оғзаки сўз санъати ҳисобланган фольклор жанрлари учунгина мўлжалланган. Фольклорга хос барча жараёнларни, унинг барча тур ва жанрларини тўлароқ, бир-биридан ажралмаган ҳолда ифодалаш учун эса «тарихий-фольклорий жараён» терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, бу атама оғзаки бадиий сўзга асосланган жанрлар билан бир қаторда халқ музыкаси, рақс, қизиқчилик, масхарабозлик каби фольклор жанрларидаги барча жараёнларни тарихий тараққиёт ҳолатида яхлит акс эттира олади.

Фольклор жанрларининг ўзаро муносабати ва таъсири масаласи ўта даражада кенг қамровли мураккаб масала бўлиб, у фольклордаги ижодий жараённинг тарихий-тадрижий масалаларини нисбатан тўлароқ ва чуқурроқ ёритишга имкон беради. Чунки фольклор жанрларининг ўзаро муносабати ва таъсири масаласи, бир томондан, объектив динамик жараён эканлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, у айрим субъектив жиҳатлар, яъни халқ ижодкорларининг воқеликни акс эттиришдаги: а) эволюцион ҳолатлар; б) барқарор анъанавийлик бағридаги индивидуал маҳорати билан ҳам белгиланади. Бинобарин, фольклор жанрларининг ўзаро муносабати ва таъсири масаласини тадқиқ этиш тарихий-фольклорий жараённинг нисбатан турғун ҳамда ҳаракатланувчан, нисбатан яширин ва стихияли қонуниятларини тўғри аниқлашга бевосита кўмак беради.

Мазкур ишда фольклор жанрларининг ўзаро муносабати ва таъсири масаласининг биринчи томони — объектив динамик жараён хусусида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Фольклор жанрларининг ўзаро муносабати, ўз-ўзидан маълумки, узоқ тарихий ва, шу билан бирга, ҳаммавақт илгариланма ҳаракатланувчи жараёндир. Агар диққат қилинса, фольклор жанрларининг вужудга келишида ҳам ўзига хос тартиблилик, давомийлик мавжудлигини кўриш мумкин. Демак, фольклор жанрлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам маълум бир нисбат ва тартиблиликларга эга. Шундай экан, бу жараённинг ҳаракатлантирувчи қонуниятлари мавжуд ва уларнинг амал қилиш тарзи махсус тадқиқ қилиниши лозим.

Энг аввало шуни айтиш керакки, фольклор жанрларининг ўзаро муносабати ва таъсири — тарихий-фольклорий жараён турли пропорция ҳамда диспропорцияларга тўла бўлиб, уларнинг барчасини ҳар бирининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда очиш лозим. Бунинг учун эса жуда катта куч ҳамда ҳар бир жанрнинг эволюцияси устида жиддий тадқиқот олиб боришга тўғри келади. Шунда ҳам тарихий-фольклорий жараённинг ҳаракатлантирувчи барча қонуниятларини тўла очиб бўлмайди. Чунки узоқ тарихий даврлар, турли хил шарт-шароитлар фольклор жанрлари

таркибидагина эмас, балки уларнинг табиатида ҳам, ижтимоий-эстетик йўналишларида ҳам катта тебранишларни келтириб чиқарган бўлиб, ҳозирги тўлланган фольклористик база, илмий тажриба ва хулосалар бу тебранишларнинг тарихий асосларини тўла аниқлашга кўп ҳолларда қодир эмас. Тарихий-фольклорий жараён совет фольклористларнинг доимий фаолият майдони бўлишининг асосий сабаби ҳам мана шунда.

Тарихий-фольклорий жараённи ҳаракатлантирувчи қонуниятлардан бири, бизнинг назаримизда энг муҳими, жанрлар диффузияси ҳисобланади. Бу қонуният фақат объектив ҳаётий талаблар асосида амал қилади. Чунки у ижтимоий онг шакллариининг ривожини билан боғлиқ ҳолда, ижтимоий-бадний тафаккур талаблари, эҳтиёжи асосида ҳаракат қилади. Бинобарин, жанрлар диффузиясини масаласи билан иш кўрганда қуйидаги икки муҳим жиҳатни назардан қочирмаслик керак. Булар: а) жанрлар диффузияси жанр табиатида, унинг семантик базаси ҳамда ижтимоий функциясида юз беради. Юз берган диффузион ҳолат эса ҳаммавақт омма томонидан қабул қилинади, муайян давр, ижтимоий қатламнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади; б) жанрлар диффузияси бир ижодий актнинг ёки қисқа муддатнинг маҳсули сифатида эмас, балки жуда узоқ тарихий даврларнинг маҳсули сифатида воқе бўлди. Бинобарин, фалон пайтда юзага келган деб бўлмайди. Демак, у ёки бу жанрлар табиатида юзага келган диффузиявий ҳолатларни ижтимоий онг шакллариининг тараққиёт босқичлари билан узвий боғлиқ ҳолда аниқлаш ва шу орқали уларнинг семантик асосини, ижтимоий-эстетик функцияларида юз берган эволюцион ўзгаришларни тўғри очиш мумкин.

Диффузия латинча *diffusio* — сингиш, тарқалиш сўзларидан олинган бўлиб, табиий фанларда молекулалар, атомлар, ионларнинг тартибсиз ҳаракати натижасида бир модданинг иккинчи моддага ўз-ўзидан ўтиши, бирининг иккинчиси таркибига сингиб кетишини англатади. Диффузия табиатда қай даражада амал қилса, ижтимоий онг шаклларида ҳам шу даражада актив амал қилади.

Фольклористикада диффузия термини бирор жанр, мотив ёки образнинг иккинчи бир жанр, мотив ёки образга кириб бориши, сингиши натижасида уларнинг табиатида содир бўладиган структурал, семантик ҳамда функционал ўзгаришларга нисбатан қўлланилади. Демак, диффузия бир нарса таъсирида иккинчисининг ўзгаришидан, бирининг таъсирида иккинчисининг бойиши, улардан бирининг сўниши каби мураккаб диалектик қонуният ҳисобланади. Модомики шундай экан, диффузия ва трансформация бир нарсами ёки улар ўзаро фарқланадими?— деган савол туғилади.

Бизнингча, диффузия ва трансформация бир нарсага икки хил қарашдан иборат. Чунки ҳар икки атама ҳам фольклористикада ўзгаришлар, ривожланиш ва силжишлар маъносида қўллани-

лади. Трансформация жуда кенг тушунча бўлиб, у ҳаммавақт маълум бир жанр, мотив ёки образнинг узвий ривожига нисбатан қўлланилади. Аммо ўша жанр, мотив ёки образнинг узвий ривожига қандай шарт-шароит, сабабият асосида юз бериши кўп ҳолларда қоронғилигича қолади. Таниқли рус фольклоршуноси В. Я. Пропп «Сеҳрли эртақлар трансформацияси»² номли ишида трансформациянинг редуция, амплификация, бузилиш, айланиш, жонланиш ва секинлашиш, ички алмашиш, майший, конфессионал алмашиш, эътиқодий алмашиш, архаик алмашиш, адабий алмашиш, модификация, ассимиляция каби бир қанча шакллари кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам булар дунё халқлари фольклорининг тарихий ривожланишида амал қилган трансформация шакллари дандир. Бироқ кўрсатилган шакллarning юзага келиши, яъни нарса ўз-ўзида содир бўлмайди-ку. Ахир дунёда четки таъсирсиз ҳаракатнинг воқе бўлиши механика қонуниятларига зид-ку! Демак, трансформациянинг муайян шакли юзага келиши учун бинарлик лозим. Юқорида кўрсатилган трансформация шаклларида исталганини, масалан, ассимиляцияни олайлик. Бир мотивнинг ассимиляцияси ўз-ўзидан мотив табиатида содир бўлмайди-ку?! Бир мотив иккинчи бир мотив ёки ҳаётий ҳодисанинг таъсирини ўзида сингдириб ўзгариши, бизнингча, ортиқча изоҳ талаб этмайди. Ёки трансформациянинг бузилиш шакли, алмашиш ва унинг турлари ҳам юқоридагидек ҳодисалар-ку! Бундан маълум бўладики, В. Я. Пропп ўз олдига фақат сеҳрли эртақлар табиатида содир бўладиган трансформация турларинигина аниқлаш вазифасини қўйган ва конкрет материаллар асосида бу нарсанинг уддасидан чиқа олган. Биз худди мана шу трансформацияни ҳаракатлантирувчи қонуният хусусида фикр юритамиз.

Демак, трансформация шаклларининг содир бўлиши учун бинарлик лозим. Ана шундагина ўзаро муносабат, таъсир ва, ниҳоят, ўзгариш, силжиш юз беради. Бинарлик эса кам деганда икки томоннинг ўзаро муносабатидан иборат. Икки томоннинг ўзаро таъсири ва бунинг натижасида юз берувчи ўзгариш бевосита диффузия қонуниятидан иборат. Трансформациянинг у ёки бу шаклининг воқе бўлишида диффузия актив ҳаракат қилувчи қонуниятлардан иборат, холос. Трансформациялар моҳияти жиддийроқ ўрганилса, унинг ҳаракатлантирувчи бошқа қонуниятлари ҳам очилиши мумкин. Бироқ ўзбек фольклори жанрларидаги трансформациялар сабабини кўздан кечириш натижасида биз энг актив ҳаракат қилувчи қонуният деб диффузияни топдик.

Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, диффузия тарихий-фольклорий жараёни ҳаракатлантирувчи муҳим қонуният ҳисобланиб, унинг муайян халқ ижодидаги ҳаракат доирасини, характерини аниқлаш махсус тадқиқот талаб этади. Бу ўринда диффузия қонуниятининг ҳаракати натижасида юз берувчи трансфор-

² Пропп В. Я. Трансформации волшебных сказок.—Сб.: «Фольклор и действительность». М., 1976, с. 153—173.

мация шакллари хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу шакллар, назаримизда, қуйидагилардан иборат:

1. Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида вужудга келган маълум бир жанр жамият тараққиётининг кейинги босқичлари талаб ва эҳтиёжларига мослашиб боради. Бунда у ҳаётий фактлар билан ўз талабини бойитади, бошқа жанрлар билан муносабатга киришади ва, ниҳоят, янги ҳосилга айланади. Бу нарса ҳатто тафаккур шакллари ўртасида ҳам юз беради. Масалан, кишилик тарихининг муайян босқичида юзага келган мифология кейинчалик ўз ўрнини ижтимоий онг шакллариининг кўпгина турлари қатори ижтимоий-эстетик категориядаги жанрларга ҳам бўшатиб берди. Бунда у, бир томондан, янги эстетик категорияларнинг вужудга келишига имконият яратди, иккинчи томондан, шу ҳосила таркибига ҳам кириб олиб ўзгача функция бажара бошлади.

2. Айрим ҳолларда икки хил жанр муносабати натижасида улардан бири иккинчисининг таркибига сингиб кетади. Масалан, афсона, ривоят + эртак = эртак ёки эртак + дoston = дoston. Фикризмизга афсона, ривоят, эртак шаклидаги кўпгина эпик ҳужайралар дoston шакли учун ҳам асос бўлиши мумкинлиги далил бўла олади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар бир жанр жамият тараққиётининг маълум бир босқичида юзага келар экан, у жанрнинг ҳам ўзига хос воқеликни қамраб олиш чегаралари, тасвирлаш имконият ва нисбатлари, қисқаси, тарихийлик принциплари мавжуд бўлади. Бинобарин, диффузия жараёнида ривоят, афсона жанрлари эртак жанрининг поэтик системаси, тарихийлик принципларига маълум шароитлар, ижодий актлар натижасида тушиб қолиши ва аста-секин структурасига ўтиши мумкин. Ёки афсона, ривоят, эртак каби жанрлар шароит, талаб, эҳтиёж асосида жуда кўп ижодий актлар туфайли ўсиб, дoston структурасига айланиши мумкин. Бироқ ҳар икки ҳолда ҳам бир жанр учун асос бўлган бошқа жанрлардаги тарихийлик диффузия жараёнида фақат эпик ячейка тараққиёти билангина эмас, балки ҳамма жанрнинг поэтик системаси, структураси ва функционал талабларининг ривожини билан бир қаторда ўсиб ўтади. Ёнг муҳими шундаки, бу жараён фақат бир томонлама йўналган ҳолда воқе бўлади. Масалан, афсона, ривоят, эртак дostonга айланиши мумкин, аммо дoston ёки эртак афсона ва ривоятга айлана олмайди. Чунки дoston ва эртак ўзларидаги тарихийлик характери, воқеликни қамраб олиш, уни акс эттириш тарзи ва, ниҳоят, поэтик структурасининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Дoston учун хос бўлган тарихийлик принципи афсона ва ривоятдаги тарихийлик қилинганга мос келмайди. Демак, муайян жанрдаги мавжуд тарихийлик фақат шу жанр учунгина хос бўлиб, уни поэтик структураси нисбатан такомиллашган, воқеликни акс эттириш имконияти бойроқ бўлган жанрлар ўзига қамраб олиши, ўз таркибига сингдириб юбориши мумкин, акс ҳолда эса мутлақо мум-

кин эмас. Бу жараённинг умумфольклор миқёсида типологик ҳолат эканлиги ҳозир яқдиллик билан тасдиқланмоқда³.

3. Икки жанрнинг муносабати натижасида ҳосила янги жанр-ни бермай, баъзан гибрид ҳосилаларни ҳам беради. Масалан, тарихий қўшиқ ва дoston жанрларининг ўзаро муносабати натижасида на дoston жанри, на соф тарихий қўшиқ жанри талабларига мос келувчи янги структурал хоссаларга эга бўлган гибридлар вужудга келади.

Қисқа қилиб айтганда, ўзбек фольклори элик жанрларининг диффузияси натижасида юқоридаги ўзгаришлар вужудга келган. Уларнинг тарихий асослари, назарий қонуниятларини аниқлаш махсус тадқиқотга муҳтож. Биз мазкур ишда диффузия натижасида юз берган трансформация шакллариининг биринчиси хусусида фақат миф ва эртак, миф ва эпос муносабатлари доирасида фикр юритамиз, холос.

* * *

Миф ва эртак муносабати масаласи ўзбек фольклористикасида жиддий тадқиқ этилиши лозим бўлган актуал масалалардан биридир. Фольклористикамизда эртак жанрига бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, миф ва эртак муносабати борасида жиддий кузатиш йўқ. Ҳолбуки, бу масала эртак жанрининг юзага келиши, ундаги мотивларнинг тарихий асосларини аниқлашга имконият беради.

Мифология инсоният тафаккурининг илк меваси сифатида олиб қаралади. У ўзига хос қарашлар системаси сифатида қадимги инсоннинг воқеликка қаршидаги энг умумий, энг муштарак йўлдр. Шунинг учун ҳам дунё халқларидаги архаик мифологиянинг асосий семантикаси хаосдан устуи чиққан космоснинг пайдо бўлиши, хаос ва космос ўртасидаги абадий курашларни изоҳлашдан иборат⁴. Мана шу нуқтаи назардан мифология ибтидоий инсоннинг ҳам илмий, ҳам диний ва, айни пайтда, ҳам бадний қарашларини ўзида мужассамлаштиради. Унинг инсон ҳаётидаги функцияси, турли воқеа, ҳодиса ва нарсаларни изоҳлаш хусусияти бўлмаганда эди, инсон мифологияни хаёлида ҳам бўйсундиришга эриша олмаган бўларди. Демак, қадимги инсон ўзи тушунмаган ҳодиса ва нарсаларни ўзига тушунарли шаклда идрок қилиш ва изоҳлаши туфайлигина уни чексиз фантазия ёрдамида бўйсундира олган. Бу жиҳатдан К. Маркснинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: «Ҳар қандай мифология ҳам табиат кучларини хаёлда ва хаёл ёрдами билан енгади, ўзига бўйсундиради ва шакллантиради; демак, мана шу табиат кучлари устидан ҳақи-

³ Путилов Б. Н. Типология фольклорного историзма.— Сб.: Типология народного эпоса. М., 1975, с. 164—181.

⁴ Қаранг: Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. М., 1976, с. 205.

қатда ҳукмронлик қилиш бошланиши билан мифология ҳам та-мом бўлади»⁵. Бу ўринда мифологиянинг яхлит система сифатида барча хоссаларини характерлаб ўтиш вазифамизга кирмайди. Унинг моҳияти ва ижтимоий тафаккурнинг алоҳида босқичи эканлиги масаласида А. Ф. Лосев, О. М. Фрейденберг, И. М. Дьяконов, А. М. Золотарев, Е. М. Мелетинский каби тадқиқотчиларнинг эътиборли фикрларига қўшиламыз. Бу ўринда эса мифологияга ўз мавзунимиз нуқтаи назаридан ёндашамиз.

Эртак ва миф муносабати масаласига ўтишдан олдин миф ва унинг фольклорга алоқаси масаласига қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Миф фольклор жанрими? Гарчи миф оғзаки яратилиб, унда ҳам вариативлик, анонимлик мавжуд бўлса ҳам, бироқ яхлит олинганда, миф фольклор жанри бўла олмайди. Чунки у воқеликни бадий тарзда акс этгирмайди. Унда реал нарсалар ғайритабiiй фантастика воситасида ҳаракат қилади. Масалан, от ҳам реал нарса, қанот ҳам реал нарса, бироқ воқеликда бу икки нарсанинг боғланиши учрамайди. Мифда эса бу икки реал нарсанинг бирикиб, бирор ҳаракатни бажариши ўзига хос фантастикани келтириб чиқарадики, худди мана шу ҳолат мифнинг фольклор жанрлари таркибига кириб келишига ва яшашига имкон беради. Тўғри, миф ҳам, дастлаб, оғзаки яратилади, кейинчалик кишиларнинг амалий фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда турли кўринишларга ажралиб кетади. Демак, миф оғзаки яратилар экан, у турли локал характер касб этади — вариативлик ҳам юзага келади. Мифлар ҳам у ёки бу халқнинг табиатга қараш сифатида аноним тарзда яратилади, бироқ буларнинг барчаси мифни фольклор жанри сифатида қарашга асос бўла олмайди. Чунки миф, умуман мифология, борлиқ ҳақидаги қадимги инсоннинг бадий ижоди эмас, аксинча, изчил системага солинган тасавурлар йиғиндисиدير. Бинобарин, у борлиқ ҳақида образлар воситасида эмас, конкрет субъектлар (худолар, димнурлар), объектлар (денгиз, тоғ, ер, осмон, юлдуз, қуёш, ой ва ҳоказо) воситасида фикр юритади. Шунинг учун мифда эмоционал жиҳатдан паст қийматга эга бўлган совуқ символлар асосий роль ўйнаса, фольклорда — бадий ижодда бундай символлар поэтик метафораларга айланиб кетади ва эмоционаллик бахш этади. Мифологиядаги зулмат, остин-устунлик, тўфон, совуқлик, беҳад иссиқлик — хаос; ҳаёт учун нормал ҳисобланган ёруғлик ва қоронғулик нисбати, иссиқлик ва совуқлик нисбати, узун ва қисқалик, баланд ва пастлик, қаттиқлик ва юмшоқлик кабилар нисбати — космос кабилар мифологик рамзлар бўлиб, улар ҳиссий хоссалар билан боғланмай, балки ўша рамзларнинг рационал маъни билан боғланади. Бадий ижодда, хусусан, фольклорда эса юқоридаги рамзлар ўзининг рационал маъносидан ташқари поэтик кўчимларга, субъектлар эса бадий образлар-

⁵ К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. Икки томлик. 1-том, Тошкент, 1975, 129-бет.

га айланиб кетади. Юқорида биз фикр юритган мифларга хос барча хусусиятлар архаик, бошқача айтганда, классик мифология учун тааллуқлидир. Агар мифологиянинг ҳам тарихий тараққиёти, ижтимоий онг шаклларининг тобора бойиши билан миф табиатида юз берган сон-саноксиз ўзгаришлар назарда тутилса, унинг ҳам даврлар ўтиши билан ўз табиатини аста-секин ўзгартира борганлиги ва ундаги классик хоссалар янги ижтимоий онг шакллари, жумладан, бадий ижод учун потенциал ҳаракат майдонига айланиб қолганлигини кўриш мумкин. Мана шунинг учун ҳам мифологик сюжетлар, мотив ва персонажлар фольклордан мустаҳкам ўрин олиб қолган. Демак, мифлар фольклор жанрларининг бойиши, ривож учун имконият яратиб берган ва, қисман, ўзлари ҳам фольклор жанрлари таркибига сингиб кетган — диффузиялашган.

Мифлар санъатнинг бошқа турларида нега фольклордагидек кўп сақланиб қолмаган деган савол турилиши табиий. Энг аввало шуни айтиш керакки, мифнинг узоқ вақт жонли яшаши санъат турларининг ифода имкониятлари, динамикаси билан боғлиқдир. Бир мисол келтирамиз. Биз инсонларга олов ўғирлаб берган Прометейнинг олий худо Зевс томонидан Кавказ тоғ чўққисига боғланган, кўксини қузғунлар чўқиётган сурати ва айни миф тасвирланган ҳайкал олдида турибмиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам миф ўз семантикасидан хабардор шахслар учун ҳаммавақт кучли таассурот уйғотади, Прометейга нисбатан киши қалбида илиқ туйғулар уйғонади. Аммо тасаввур қилинг, биз миф семантикасидан беҳабармиз. Бундай ҳолда ҳар икки тасвир ҳам бизда кучли таассурот уйғота олмайди. Демак, бу ўринда миф қўшимча оғзаки изоҳга муҳтож. Фольклорда эса миф ҳаммавақт, табиатида юз берган диффузиядан қатъи назар, жонли яшайди, чунки фольклорга хос оғзаки ижрода миф семантикаси доим такрорланиб туради ва тингловчилар ортиқча изоҳ талаб эта олмайдилар. Шунинг учун фольклорда ёки сўз санъатининг ёзма шаклида Прометей ҳақидаги миф ёки хоҳлаган бошқа миф семантикаси ўзини аудиторияга маълум қилиб, уларнинг ҳиссига таъсир кўрсатади. Қолаверса, миф ҳам оғзаки яратилганлиги ҳамда бевосита халқнинг қарашлар системаси эканлиги сабабли халқ оғзаки ижодида кўпроқ сақланиб қолган. Бироқ бу муайян халқ оғзаки ижодидаги барча мифологик сюжет, мотив ва персонажларни ўрганиш шу халқнинг мифологиясини тўлиқ ўрганиш дегани эмас. Фольклордаги миф у ёки бу халқ мифологиясининг заррачаси, заррачаси бўлганда ҳам турли хил диффузион ўзгаришларни ўз бошидан кечирган заррачаси, холос. Бироқ халқ мифологиясини тўла ўрганиш шу халқнинг этнографияси, фольклори, амалий ҳамада тасвирий санъатидаги, археологик меросидаги барча миф реликтларини қиёсий ўрганиш орқали амалга оширилади. Мифологияни фольклор материаллари орқали, бошқача айтганда, фольклордаги мифологик реликтларни тадқиқ этиш, умуман мифологияни тадқиқ этиш масаласининг жузъий қисмини ташкил

этади. Бинобарин, бундай тадқиқотларда ҳар бир хулоса жуда ҳам эҳтиёткорлик билан, бошқа фактларга, жумладан, тарихий-археологик, этнографик материалларга, шунингдек, қўшни ҳамда қардош халқлар фольклори материалларига қиёсан тасдиқланган ҳолда чиқарилиши лозим. Акс ҳолда, мифдаги ташқи аломат ёки миф структурасидаги кейинги даврларга хос бирор деталь шу халқнинг мифологик қарашлари ҳақида нообъектив хулосаларга олиб келиши мумкин.

Хуллас, миф фольклор жанри эмас. Унинг диффузияга учраши эса бевосита эртак, афсона, эпос каби эпик жанрлар, қўшиқ, мақол, топишмоқ каби афористик ҳамда лирик жанрлар, шунингдек, маросим фольклори учун кенг имкониятлар берди. Миф ўз функциясига кўра этиология (ибтидо) ва эсхатология (интиҳо) масалаларини изоҳлайди. Мана шу икки функция эстетик бўёқ ва талқин олган ҳолда фольклорга ўтиб ўзларининг мифдаги кучини йўқотди. Демак, мифнинг фольклорнинг эпик, хусусан, эртак, эпос каби жанрларидан фарқи бевосита этиологик ва эсхатологик материални ҳеч қандай эстетик қийматсиз акс эттиришда намоён бўлади. Фольклор жанрлари эса мифдаги материални ижтимоий талқинда, эстетик йўналишда идрок этиб, бадий образлар воситасида қайтадан ишлаб беради.

Миф диффузияси эволюцион жараён бўлиб, унинг бошланишини конкрет бир давр билан белгилаш қийин. Аммо интиҳосини тахминан аниқлаш мумкин. Бу интиҳони эса эртак жанрининг, боринги, фольклор эпик жанрларининг янги яратилишдан тўхтаган ҳозирги даври билан белгилаш тўғрироқ бўлади.

Узоқ даврлар ўтиши билан кишиларнинг табиат, табиат ҳодисалари ҳақидаги тажриба ва билимлари ортиши натижасида миф семантикаси, структураси аста-секин ўзгара бошлайди. Мана шу туфайли миф билан фольклор жанрлари ўртасида диффузия жараёни бошланди. Миф табиатидаги диффузион имкониятларнинг воқеликка айланиши эртак ҳамда оғзаки прозага тааллуқли бир қанча жанрларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Миф ва эртак ўртасидаги диффузияга келганда шуни айтиш керакки, бу жараёнда мифнинг семантик табиатида, структурасида жуда кўп ўзгаришлар юз беради:

1. Мифологик код ўрнига ижтимоий-эстетик код тикланади, аммо эртак таркибида мифнинг рационал мағзи сақланиб қолади. Агар диққат қилинса, мифологик вақт ва унинг ибтидоси, интиҳоси, шунингдек, мифдаги динамика ҳаммавақт умуминсоний (ё қабила, уруғ ёки халқ ҳаёти билан боғлиқ) моҳият касб этади. Мана шу моҳият эртакда бевосита эртак қаҳрамони ва унинг тақдирига боғланиб қолади. Мифдаги (асосан архаик мифдаги) икки муҳим кутб: хаос — космос, тартибсизлик — тартиблилик, ривожланган мифда эса динамик жараёндаги турли хоссаларни изоҳлашга хизмат қилувчи инвариант мифик шакллар ҳам эртак таркибида бевосита социал иллатдан қутулиш, халқ тақдири эса қаҳрамон тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳал қилинишга кўчади. Бу ай-

тилганларга ишонч ҳосил қилиш учун «Майна»⁶ эртагини кўриб чиқиш кифоя.

Эртақда ўғай она ва етим ўғил ўртасидаги муносабат тасвирланган. Ўғай она ҳамда етим фарзандлар муносабати ҳақида дунё халқлари эртақ эпосида жуда кўп сюжет бўлса ҳам, бироқ «Майна» эртаги қадимги анимистик тасаввурларни ўзида яхши сақлаб қолганлиги билан алоҳида диққатга сазовордир. Эртақнинг мазмуни қуйидагича:

«Етим қолган болага раҳми келган ота якка қизи билан тул қолган бир хотинга уйланади. Хотин бой хонадонидан бўлиб, эри, ўғай ўғил ҳамда ўз қизи ўртасидаги аҳилликни кўра олмай, арзимас баҳоналар билан жанжал бошлар, боланинг кўнглини огритишга уринар эди. Бир куни ўғай она бой тоғаси билан маслаҳатлашиб, ўғай ўғилни ўлдиришга аҳд қилади. Ўғай ўғил ва қизи ўрмонга ўтин термоқ учун кетишмоқчи бўлиб туришганда, уйдаги ишларга қарашиш баҳонаси билан ўғилни олиб қолади. Эри ва қизи кетишгач, ўғай ўғилни уйга чақириб кириб, бошига тош билан уриб ўлдиради. Бола ўлиш олдидан оғзидан бир майна чиқиб учиб кетади. Хотин олдидан тайёрлаб қўйган ўрага мурдани кўмиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб ўтираверади. Кечқурун эри келиб ўғилни сўрайди. Шунда ўғай она ўтин теришга кетган синглисини топиб келгани кетди деб айтади. Кўп ўтмай, ўрмондан синглиси ҳам келади, бироқ тонгга қадар боладан дарак бўлмайди. Эрталаб отаси ва ўғай қизи болани ахтариб ўрмонга жўнашади.

Майна боланинг оғзидан чиқиб шу учганича тўғри пахтазорга боради ва у ерда мунгли қўшиқ айтиб сайрайди. Пахта тераётган қизларнинг майнага раҳми келиб, унга озгина пахта беришади. Майна пахтани олиб ип йигираётган кампир олдига бориб, яна мунгли қўшиқ айтади ва пахтани кампир олдига ташлайди. Кампирнинг раҳми келиб, пахтадан ип йигириб беради. Майна ипни олиб келиб бўзчи олдига ташлайди ва мунгли қўшиғини айтади. Бўзчининг раҳми келиб, ипдан бўз тўқиб беради. Майна бўзни дўппи тикаётган қизларга элтиб ташлайди ва яна мунгли қўшиқ айтади. Қизларнинг раҳми келиб, унга дўппи тикиб берадилар. Майна дўппини олиб ўғай онасининг бой тоғасиникига учиб келади. Дўппини қозикқа илиб, бойнинг шоҳи бўркини томга қўйиб тушади ва ўзини ухлаб ётган бойнинг оғзига уради — бойнинг ичига кириб олади. Бой ичимга бир нарса кириб кетди деб додлайди. Шунда хизматкорлари чошиб келишади. Мен йўталаман, ўша пайтда ичимдан нима чиқса чошиб ташлайсанлар деб буюради бой. У йўталади, майна чиқиб учиб кетади. Хизматкорлар шошиб қолишиб, майнани чопаман деб бойни чошиб ташлайдилар. Майна қозикда турган оқ ҳарир рўмолчани, томдаги шоҳи бўркини олиб, ўрмонга бориб, бир дарахтда дам олиб туради. Қиз ва

⁶ «Қари наъматак». Тошкент, 92—97-бетлар.

отаси дарахт остидан ўтаётганларида отасига шоҳи буркни, синг-
лисига ҳарир рўмолчани ташлайди. Улар юқорига қарашганда:

Мени онам ўлдирди,
Гунча эдим сўлдирди.
Синглим билан отамнинг
Кўзига ёш тўлдирди,—

деб ашула айтади.

Қиз отасига бу майна акасининг арвоҳи эканини айтади,
отаси майнага қараб йиғлайди. Майна қизнинг бошига, елкасига,
кейин қўлига қўнади. Қиз майнани силаб ўпмоқчи бўлганда, кўз
ёши майнага томади. Шунда майна бир силкиниб ерга тушади
ва болага айланади. Учаласи кўришиб, энди ўгай она ёнига қайт-
масликка аҳд қилишиб, бошқа юртга кетишибди. Ўгай она эса ёл-
ғизликдан ёрилиб ўлибди».

Эртақнинг қисқача мазмунидан инсонийликнинг, яхшиликнинг
улуғланиши кўриниб турибди. Бундан ташқари, барча эртақлар-
дагидек у оптимистик руҳ — ёмонлик, ёвузликнинг жазоланиши,
яхшиликнинг улуғланиши ва ғалабаси билан якунланган. Бу нар-
са халқ эртақлари учун типологик хусусият саналади. Лекин бу
ўринда гап эртақ учун одатдаги қонуний ҳол бўлган хусусиятлар
устида кетаётгани йўқ, балки қадимги инсонларга хос бўлган ани-
мистик тасаввур ҳамда мифологик қарашларнинг эртақ табиати-
да сақланиб қолиши ва ўзига хос талқин қилиниши ҳақида кета-
ётибди.

Маълумки, жуда кўп халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам
одам уч қисмдан ташкил топганлиги ҳақидаги тасаввур жуда
қадимдан мавжуд. Бу қисмлар: тана, жон ва руҳ. Тана — жон
ҳамда руҳ билан тирик. Инсон ўлгач, унинг танаси ерда қолади
ва чириб тупроққа қўшилади⁷. Жон эса осмонга учиб кетади. Руҳ
ҳам танани тарк этади, аммо қуш ёки бошқа жондор сифатида
ўлганнинг уйига, унинг яқинларидан хабар олгани тез-тез келиб
туради. Масалан, ўзбекларда руҳ капалак шаклида ёки умуман
кўринмай ўлганнинг уйига тез-тез, вақти-вақти билан келиб тура-
ди. Руҳ халқ орасида кўплик шаклида арвоҳ ҳам деб юритилади.
Қадимий ишончга кўра, ўлган кишининг яқинлари уни тез-тез ёд-
га олиб, турли хил маросимлар ўтказиб турсалар, арвоҳлар ҳур-
санд, аке ҳолда эса ранжишар эмиш.

Ўлик чиққан кундан бошлаб уч кунгача ўлган киши хонадони-
дан руҳ жилмас эмиш. Кейинги еттинчи кун, йигирманчи кун,
қирқинчи кун келар эмиш. Ўлганга атаб мана шу кунлари кат-
та маросимлар ўтказиш ҳам бевосита анимистик тасаввурлар би-
лан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Уч, етти, йигирма, қирқинчи кунла-
ри орасида, ундан кейин эса пайшанба, якшанба кунлари ҳамда
байрам ва унинг арафаларида арвоҳ албатта хонадонга келар-

⁷ Инсон мурдаси ва уни кўмиш маросими, кўмишгача бўлган куйдириш,
хайвонларга емиш сифатида ташлаш кабилар ҳақида қаранг: Р а н о б о р т Ю. А.
Из истории религии древнего Хорезма. М., 1971.

миш. Хуллас, руҳ ва у билан боғлиқ тасаввур, маросим ва бағишловлар ҳақида махсус тўхталиш ишимизнинг асосий мақсади бўлмаганлиги сабабли бу ўринда биз юқоридаги умумий қайдлар билан чекланамиз. Хоразм ўзбеклари ҳамда умуман мусулмон дунёсида руҳ ва у билан боғлиқ тасаввурлар айрим тадқиқотчилар томонидан бир даража тадқиқ этилган⁸.

Руҳнинг эртақда майна шаклида ўлдирилган етим бола оғзидан учиб чиқиши ва унинг абадий тирик юриши бевосита руҳ ҳақидаги анимистик тасаввурнинг мифологик ядроси, бошқача айтганда, коди ҳисобланади. Бу коднинг моҳияти эртақдагидай ёмонлик, ёвузлик устидан қасос олиш эмас, аксинча, унинг архаик семантикаси, космосдаги чексизликнинг давомийлиги, ҳаётнинг доира шаклида айланиши, ўлувчи ва тирилувчи худолар⁹ ҳақидаги қадимги инсонларнинг тасаввурини изоҳлашдан иборат. Ана шу мифологик коднинг қисқача мазмуни киши ўлгач, унинг руҳи осмонга учиб кетиши, булутларга қўшилиб ёмғир билан аралашиб ерга қайтиши ва тупроқ орқали ўсимликка ўтиши, ўсимлик орқали эса яна инсонга ўтиши ҳамда қайтадан яна дунёга келишини изоҳлаш ҳисобланади. Ҳаётнинг бундай доиравий характерини изоҳлаш унинг макон ва замонда чексизлигини ифодалашга хизмат қилади. Анимистик тасаввур ядросини ташкил этган ўлувчи ва тирилувчи худолар ҳақидаги бу мифологик код эртақда ёмонликни жазолаш, яхшиликнинг бўлмаслиги каби ижтимоий кодни ифодалашга асос бўлган. Асос бўлганда ҳам бу мифологик код бир қадар бойиган, эмоционал тус олган, яъни эстетик моҳият касб этган ҳолда асос бўлган. Субъектдан руҳнинг ажралиб чиқиши ва яна қайтадан субъектга айланиши — мифологик код. Угай боланинг оғзидан майна сифатида учиб чиқиши, турли хил юмушларни бажариши, чунончи ўгай онани ёвузликка ундаган тоғадан қасос олиши, ўгай сингли ва отасининг яхшилигига ярали совға бериб тақдирлаши, инсонга ўхшаб тил чиқариб, ўзининг фожиасидан хабар бериши орқали кишида эмоция туғдириши ва ўгай сингилнинг кўз ёшидан яна аслига қайтиши эса эртақ учун хос бўлган ижтимоий коддир. Мифологик коднинг юқорида кўрсатилган ўзгаришлар туфайли «семириб, ўсиб» социал-эстетик кодга айланиши диффузия ҳодисасига ёрқин мисол бўла олади. Бу ўринда шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, мифологик код социал-эстетик кодга фақат семантик ядросини «семиртирган» ҳолда эмас, балки шу семантикани ҳаракатга келтирувчи субъектларни кўпайтирган ҳолда айланади. Агар мифологик кодда субъект, руҳ ва яна субъект мавжуд бўлса, эртақда субъект, унинг отаси, ўгай она, ўгай сингил, ўгай онанинг тоғаси, пахта тераётган қизлар,

⁸ Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, М., 1969, с. 107—181; Рапопорт Ю. А. Из истории религии древнего Хорезма. М., 1971, с. 31—32.

⁹ Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948, с. 203—205; Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964, 93-бет; Матье М. Э. Древнеегипетские мифы. М.—Л., 1956, с. 52—63 ва бошқалар.

бўзчи, ип йигирувчи кампир, дўппи тикаётган қизлар, бойнинг хизматкорлари каби персонажлар иштирок этадилар. Мифологияда табиатнинг ўлиши ва тирилиши бевосита космосда, яъни макон ва замонда, чексизликда, ўз-ўзича, яъни ташқи таъсирсиз табий ҳолда юз берса, эртақда бу нарса бола яшаётган уйдан ўрмонгача бўлган макон чегарасида, ташқи таъсир остида, яъни ўгай сингилнинг кўз ёши (руҳнинг булутга қўшилиши ва ёмғир шаклида, яъни суyoқлик сифатида ерга қайтишини эсланг) томиши натижасида юз беради. Мифологияда айланиш, яъни тири-лиш кўзга кўринмас ҳолда юз берса, эртақда у кўз олдида юз беради.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қайдлар эртақка асос бўлган миф ва улар ўртасида юз берган диффузия ҳодисаси ҳақида, бизнингча, маълум даражада тасаввур туғдира олади.

2. Мифологик табунинг ижтимоий табу сифатида қабул қилиниши ва унинг бузилиши. Тақиқнинг бузилиши жуда кўп халқларнинг эртақлари учун воқеалар динамикасини таъминловчи восита ҳисобланади. Бироқ эртақда тақиқнинг бузилиши барча ҳолларда ҳам кескин ижтимоий характер касб этади ва оқибати ҳам шундай характер билан яқунланади. Мифда у ёки бу табунинг бузилиши сабабли субъект бошқа бир нарсага айланади ва бу айланиш унинг фақат сақланишини ифодалайди. Мифологик айланиш моҳияти эса ҳаммавақт икки қутбдан бирини — ё этиологияни, ё эсхаталогияни белгилайди. Эртақка ўтган бу айланиш эса асосан эстетик функцияни — бадний усул функциясини ўтайди ва ўзидан асл маънодаги этиологик ёки эсхаталогик изоҳни соқит қилади. Юқорида айтилганларни конкретлаштириш учун «Балиқ қиз» эртағини мисол тариқасида келтирамиз.

«Балиқ қиз» эртағидаги асосий ғоя, гарчи бу эртақ асосида айланиш мотиви ётган бўлса ҳам, моҳияти жиҳатидан мифик кодни эмас, балки ижтимоий-эстетик кодни ифодалашга, подшоҳнинг аҳмоқ ва золимлигини фош этиш, унинг нодонлиги устидан кулчишга хизмат қилади. Меҳнаткаш халқ мана шу ғояни ифодалаш учун мифологиядаги айланиш ҳақидаги тасаввурга мурожаат қилган ва бу тасаввурни ўзига хизмат қиладиган тарзда ўзгартирган ҳолда ўзлаштириб олган.

Ҳар кун ҳовуздан чиқиб, пинҳона хизмат қилиб юрган балиқ либосидаги қизни йигит кўриб қолади ва унинг балиқ либосини куйдириб юборади. Қиз ўз либосини йўқотгач, йигит билан ҳаёт кечира бошлайди. Бундан хабар топган подшоҳ умуман бажариш мумкин бўлмаган вазифаларни буюриш орқали йигитга жабр қилмоқчи бўлади. Бироқ йигит хотини ва унинг сингиллари ёрдамида подшоҳ буюрган топшириқларни бажариб омон қолади. Эртақ финалида эса подшоҳ аҳмоқона қилмишлари учун кичик гўдак томонидан фош қилинади. Эртақнинг рационал маъзи ҳам мана шу билан белгиланади. Бироқ айрим тадқиқотчилар бу эртақдаги балиқ қизни тотемистик мифларга хос образ сифатида

талқин қиладилар¹⁰. Бизнингча, масаланинг моҳиятини ойдинлаштириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Тадқиқотчи умуман тотемистик мифлар хусусида фикр юритаяптими ёки ўзбек фольклоридаги, хусусан, эртақлардаги тотемистик мифларнинг реликтлари устида баҳс юритмоқчимиз? Агар у тотемистик мифлар ҳақида фикр юритмоқчи бўлса, халқ эртақларидаги мифик реликтлар асосида ҳақиқий тотемистик мифлар кодини реконструкция қилиши ва ана шу коднинг рационал моҳияти ҳақида фикр юритиши лозим эди. Мақола муаллифи бу нарсани назардан соқит қилади-ю, «эртақлашган» мифологик реликт асосида, умуман, тотемистик мифлар устида пала-партиш фикр юритаверади. Агар у эртақлардаги мифик реликтлар хусусида фикр юритмоқчи бўлса, мавжуд реликтлар ва уларнинг архаик функциялари ҳам қўшимча этнографик факторлар асосида «эртақлашган» миф табиатида юз берган диффузион ҳолатларни аниқлаши ва мифологик ядрони аниқлаб олиб, кейин тотемистик мифлар табиати хусусида баҳс юритиши лозим эди. Мақолада бу вазифа ҳам назарда тутилмаган.

Маълумки, тотемизм дунё халқларининг барчасида босиб ўтилган тарихий босқич бўлиб, ўзбек халқининг ҳам ота-боболари бу босқичсиз ўтмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар халқимиз ўртасида бўри, от, ит, илон каби ҳайвон ёки қушларга культ сифатида қараш ҳоллари сақланиб қолган. Бироқ бу нарса халқ ўртасидаги ҳар қандай асраш-авайлашларга тотем сифатида қарашга ҳуқуқ бера олмайди. Масалан, Нуҳ тўфони билан боғлиқ мифда қалдирғоч инсониятни илонга ем бўлишдан сақлаб қолади, яъни инсониятга ҳомийлик қилади. Бу ҳомийлиги билан қалдирғоч ўзбек халқининг тотеми бўлиб қолгани йўқ. Нуҳ тўфони ҳақидаги афсона халқимиз ўртасида асосан «Қиссасул-анбиё» орқали кенг тарқалди, кишилар аста-секин қалдирғочга нисбатан меҳр-шафқат билан қарай бошлаб, уни асраб-авайлашга ўтдилар. Тотемнинг муҳим жиҳатлари биргина унинг ҳомийлиги билан эмас, балки у ёки бу қабила, ёхуд уруғнинг, тоифанинг пайдо бўлиши бирор ҳайвон, ўсимлик, парранда ёки жониворлар билан боғлиқ орқали ҳам белгиланади¹¹. Ана шундай инкарнацион ҳолат мавжуд бўлмаса, тотем ҳақида фикр юрита олмаймиз. Тотем илоҳий нарса эмас¹², аксинча, у бирор ижтимоий гуруҳ, қабила ёки уруғнинг бирор ҳайвон, парранда, ўсимлик ёки бошқа табиат жисмлари билан қардошлигидан иборат. Мана шу пайдо бўлишдаги инкарнация туфайли кишилар тотемга зарар етказмаслик, уни асрашга интилганлар. Аммо тотемни кўпайтириш, унинг ҳомийлик қудратини ошириш мақсадида ҳар йилда бир марта белгиланган муддатда тотем гўшtidан тотиб кўриш маросимлари ҳам бўлганки, бундай маросимлар Сибирь ва бошқа жойдаги

¹⁰ Акрамов Ф. Тотемистик мифлар.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1978, 3, 39—42-бетлар.

¹¹ Соколова З. С. Культ животных в религиях. М., 1972, с. 19—43.

¹² Соколова З. С. Кўрсатилган асар, 20-бет.

халқларда қисман сақланиб қолган. Ўзбек халқида балиқ тотеми бўлганми ёки йўқми, бу ҳақда бизда ҳеч қандай далил, ҳеч қандай маълумот йўқ. Шундай экан, «Балиқ қиз» эртагидаги мифик образ бошқа халқлар мифологиясидан ўзгарган, ўзининг архаик мифологик кодини йўқотган ҳолда ўзбек мифологиясига кириб келган деган хулосага келамиз. Бу ўринда биз шунни истар эдикки, мифология ҳақида фикр юритувчи ҳар бир тадқиқотчи ҳозир фанда машҳур бўлиб қолган измларни механистик тарзда тўғри келган тасодифий фактларга тақаб, мавҳум фикр юритишдан қочиб, конкрет фактлар асосида аниқ, лўнда фикр юритиши лозим.

Айрим этнографларнинг хабар беришича, балиқ тасманияликлар ҳамда юнонларда тотем саналган¹³.

Ғ. Акрамов биргина эртақ материалга асосланиб, ўзбек мифологиясида аслида мавжуд бўлмаган балиқ тотемини кашф этади. Ўзбекларнинг миллат сифатида бирлашганига у қадар узоқ даврлар ўтганича йўқ. Бунга қадар ҳозирги ўзбек миллати таркибида жуда кўп қабил ва уруғлар мавжудлиги ҳаммага маълум факт. Биз тотемистик мифлар ҳақида фикр юритар эканмиз, демак, ҳозирги социалистик ўзбек миллати эмас, балки иқтисодий-сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлган қадимги жуда кўп уруғ ва қабилалар тасаввурини билан боғлиқ ҳолда иш кўришимиз лозим. Агар ўзбекларда ҳақиқатан ҳам қадимда балиқ тотеми мавжуд бўлган бўлса, у қайси бир ўзбек қабил ва уруғига мансуб тотем бўлган? Бу ҳақда тадқиқотчи ҳеч нарса демайди. Бизнингча, балиқ тотемини ўзбек халқининг ижтимоий-тарихий қарашлар системасидан излашдан кўра мифологик таъсир ва алоқалар тарихидан қидириш тўғри хулоса берса керак. Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, балиқ билан боғлиқ тотемистик мифлар эллинизм даврида Амударё ва Сирдарё бўйларида яшовчи аҳоли орасида тарқалиб, аста-секин қадимий мифологик кодини ўзгартирган ҳолда ўзбек халқ эртақлари таркибига кириб қолган. Қадимги Хоразм тасвирий санъатида ва аҳоли ўртасида сақланиб қолган балиқ кўлтининг элементларини¹⁴ ҳам бевосита ана шу эллинизм таъсири деб қараш лозим. Демак, ўзбек халқ эртагига миф диффузияга учраган ҳолда ўтган. Натижада, мифологиядаги айланиш эртақ учун ижтимоий мазмун ифодалашда поэтик усул вазифасини ўтаган. Чунки мифологияда айланиш бир онда юз беради ва бу айланишда мифик субъектнинг ўзи ҳеч қандай воситасиз бағамом айланишга учрайди. Масалан, эртақдагидай қиз балиқ либосини кийиб эмас, балки ўзидан-ўзи ҳеч қандай либоссиз балиққа айланиши лозим. Ярми балиқ, ярми аёл шаклидаги мифик терракотларнинг мавжудлиги ҳам мифологик айланишнинг ҳаммавақт субъект табиатида ҳеч қандай ташқи воситасиз юз

¹³ Токарев С. А. Религия в истории народов мира. М., 1965, с. 74, 432.

¹⁴ Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969, с. 114, 256, 308, 325—328.

бериш имкониятига эга эканлигини тасдиқловчи фактлардан ҳисобланади. Маълум бўладикки, эртақ таркибига мифологик код диффузияга учраган ҳолда, яъни ижтимоий-эстетик кодга айланган ҳолда ўтган.

Балиқ қизнинг генетик жиҳатдан ўзбек мифологияси билан алоқадор эмаслиги яна шу билан тасдиқланадики, эртақдаги айлланиши таъминловчи асосий восита — балиқ либоси куйдириб ташлангач, айланиш бутунлай тўхтайдди. Бу тўхташ эса, ўз навбатида, тотемга бўлган ишонч ва эътиқодга, уни сақлаб, асраб қолишга бўлган ҳаракатга ҳам нуқта қўяди. Тотемга бундай зарба берилар экан, у энди ўзи ҳомийлик қилувчи кишиларга қандай муносабатда бўлади. Кўриниб турибдики, балиқ тотеми ҳақидаги миф ўзбек эртақларига бошқа халқлардан жуда ҳам ўзгарган, тотемлигини йўқотган, диффузияга учраган ҳолда ўтган. Бинобарин, унинг ўзбек тотемистик мифларига алоқаси қай даражада экан, бу хусусда Ғ. Акрамов ҳеч нарса демайди. У, аксарият ҳолда, таниқли мишуносларнинг асарлари асосида ҳосил қилган тушунчаларини механистик тарзда материалга кўчиришга интилади. Аслида у мифлар ҳақида олган билими асосида материални тадқиқ этиши, материалнинг кўтаришига қараб ўзгалар айтган фикрларни бойитиши, тўлдириши ёки инкор этиши лозим эди. Илмнинг моҳияти, фандаги диалектика ҳам шунда.

Хўш, тадқиқотчи йўл қўйган нуқсон нимада? Бизнингча, биринчидан, жанрлар диффузиясига аҳамият бермасликда, иккинчидан, мифологиядаги, эртақ оламидаги юз берган турли хил ўтишлар, турли халқлар фольклори ўртасидаги алоқа ва таъсир масалаларига аҳамият бермаганликда. Фақатгина фольклор жанрларида сақланиб қолган миф реликтларига таяниб, у ёки бу халқнинг мифологик қарашлари ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Бунда, энг аввало, фольклор алоқаларига, сўнгра фольклор жанрларининг диффузиясига жиддий эътибор бериш лозим. Ана ўшандагина эртақ табиатида содир бўладиган мифологик табунинг ижтимоий табуга айланиш ҳодисаси объектив тарзда ойдиқлашди. Қолаверса, фаннинг бошқа соҳаларида бўлганидек, фольклористикада ҳам бир факт оддий қайд этилибгина қолмай, ҳаммавақт ўша фактнинг туб моҳияти, генетик асоси ва тарихий тақдири каби уч муҳим масала ҳал этилмоғи шарт. Юқоридаги мақолада ана шу ҳолат кўзга ташланмайди.

Ўзбек халқ эртақлари орасида мифологик табунинг ижтимоий-эстетик табуга айланишини намойиш этувчи сюжетлар анчагина учрайди. Масалан, эртақларда персонажга кўмак берувчи мифологик от образини олайлик. Бу отнинг культ билан боғлиқлиги, дастлаб, унинг эртақ персонажга ҳомийлик қилишида ифодасини топган. Қадимги инсонлар мана шу ҳомийлик қудратининг реаллашуви учун отни ғайритабиий кучга эга мавжудот сифатида мифда акс эттирганлар. Эртақда эса ана шу мифологик хислатлар турли-туман фантастик воқеалар динамикасини таъминлаш учун хизмат қилган. «Кенжа ботир» эртақидаги мифоло-

гик от образи фикримизнинг далили бўла олади. Подшоҳ ва унинг кишилари олтин олмалар ўғрисини тута олмайдилар. Бу ўғрини подшоҳнинг кенжа ўғли ўзининг ҳушёрлиги, тиришқоқлиги туфайлигина тутиб олади. Ўғри эса оламдаги турли сиру синоатдан воқиф бўлган учар от эди. От подшоҳнинг Кенжа ботирни ёқтирмаслигини, истаган пайтда ёрдамга етиб келишини айтиб, ўзини қўйиб юборишни сўрайди ва ёлидан бир тутам олиб қолишни билдиради. Кенжа ботир отнинг гапларига амал қилиб, уни қўйиб юборади. Мана шу пайтда воқеалар иккинчи бир табу билан боғлиқ ҳолда улашиб кетади.

Кенжа ботир отни қўйиб юбориб уч қадам босган экан, оёғи остида бир дона чиройли олтин патни кўриб қолади. Кенжа ботир патни қўлига олади. Эртақда мана шу пат ижтимоий табу вазифасини ўтайди, чунки у эртақ персонажига катта вазифа юклайди. Бироқ от Кенжа ботирдан патни олмаслигини, бу пат унинг бошига кўп кулфатлар келтиришини айтади. Демак, от ўзининг ҳомийлигини патда табу мавжудлигини айтиш билан намоён этган. Патнинг сеҳрли кучга эга эканлиги, унинг ёрдамида қўйларнинг ғайритабиий семириб кетишига қараб бу пат ҳам иккинчи қандайдир бир мифологик қуш образи билан боғлиқлиги аён бўлади. Ниҳоят, бу қушнинг қасрда яшаши ва уни тутиш режаси ҳақида ҳам от маслаҳат беради. Бевосита от ёрдамида Кенжа ботир қушни тутиб келтиради ва ўлимдан қутулиб қолади. Хуллас, от бутун эртақ давомида Кенжа ботирга ёрдам беради.

Эртақда бизни қизиқтирган нарса шуки, воқеалар динамикасини таъминлаган ижтимоий табу ўзининг генетик асосида мифологик табу билан бевосита ўлувчи ва тирилувчи табиат ҳақидаги қадимги инсонларнинг тасавури билан боғлиқ кетади. Маълумки, ўлган ҳайвонларнинг суякларини бир ерга жамлаб кўмиш, шунингдек, қуш ёки бошқа жонзодларда ҳам бу нарса яққол кўзга ташланади. Бу ҳайвон ёки қушга тааллуқли суяклар ёки бошқа нарсалар (масалан, қушнинг пати, ёхуд бошқа аъзолари) асосида ўша ҳайвон ёки қуш қайтадан тирилиб дунёга келиши мумкинлиги ўлувчи ва қайтадан тирилувчи табиат ҳақидаги қадимий қарашларнинг бизга қадар сақланиб қолган қолдиқларидан иборат. «Кенжа ботир» эртақидаги патлари олтиндан бўлган сайроқи қушнинг бир дона пат орқали топилиши ва тутиб келтирилишини бевосита юқоридаги мифологик коднинг бузилишидан, бошқача айтганда, унинг ижтимоий-эстетик кодга ўтишидан иборат ҳодиса деб баҳоламоқ лозим. Чунки ўлган ҳайвон, қушга оид суяк ёки бошқа нарсаларда унинг руҳи сақланади ва бу нарсалар мужассамланганда ўша ҳайвон ёки қуш қайтадан тиради деган анистик тасаввур эртақда қушнинг пати ва пат орқали ўша қушнинг тутиб келтирилишида ўз ифодасини топган. Бизнингча, ўзбек халқ эртақлари ва дostonларида кўп учрайдиган ёлни тутатиш орқали отни, патни тутатиш орқали семурғни, қилни тутатиш орқали девни чақириб олиш мотивлари ҳам ана шу юқорида айтилган тасаввурлар билан генетик алоқада бўлса керак. «Кенжа

ботир» эртагида мифологик табунинг ижтимоий табуга айланиши персонаж ўзи амал қилувчи табунинг — аниқ мифологик коднинг даврлар ўтиши билан хиралашиб кетиши натижасида бошқа мифологик образ — от ёрдамида маълум қилинишида намоён бўлган.

Хуллас, замини морфологик табулаш билан боғлиқ бўлган эртактаги ижтимоий-эстетик табу мавжуд ўринда, албатта, тотемистик ҳомийлик ҳам мавжуд бўладики, бу нарса халқ идеалининг барқарорлиги ва ғолиблигини таъминлашда муҳим ғоявий-эстетик функция бажаради.

3. Мифологик символ диффузия натижасида эртакта поэтик кўчимларга айланади. Бу нарса эпик жанрлар қатори лирик жанрларда ҳам кўп учрайди. Биз бу ўринда лирик жанрлар табиатида юз берадиган диффузион ҳолатлар ва уларнинг барча хусусиятлари ҳақида батафсил тўхтала олмаймиз. Аммо шуни айтиш мумкинки, поэтик кўчимга айланган мифологик символ ҳаммавақт лирик жанрларда эпик жанрлардагига қараганда ўзининг рационал мазмунини яхши сақлаб қолади. Халқ қўшиқларидан келтирилган қуйидаги тўртликка диққат қилинг:

Отам сўрса, онам сўрса,
Ғариблик шаҳрида денглар.
Бир кўзи ёш, бир кўзи қон,
Қаро ер қаърида денглар¹⁵.

Тўртликда ғарибликда яшашнинг оғирлигидан шикоят қилинмоқда. Бироқ бу шикоят лирика табиатига монанд тарзда, яъни ташбеҳ ва ташбеҳланувчи нарсалар ўртасидаги мантиқий боғланишлар асосида баён этилмоқда. Охирги мисрадаги «қаро ер» бирикмаси мифологик тасаввурга бориб боғланса-да (айримлар бу бирикмадаги қора сўзини ернинг ранги билан боғлашади, бу кейинги ҳодиса, аслида «қора» сўзи ернинг рангидан кўра ер ости дунёси, зулмат дунёсининг атрибутидирки, уни «қаърида» плеоназми ҳам тўла тасдиқлайди), бироқ бу боғланиш кейинчалик ўзининг архаик мифологик кодидан узоқлашган ҳолда поэтик ассоциация туғдиради.

Архаик мифологияда космос, дастлаб, шаклсиз, сув тўфонидан иборат хаос сифатида тасаввур этилган. Кейинчалик бу тўфондан қуруқлик, уларнинг вертикал ҳаракат йўналишига қараб ер ости (сув ости ҳам), ер юзи ва осмон, яъни космоснинг бири-бирига зид қўйилувчи трихотомик тузилиши вужудга келади¹⁶. Кўпгина халқлардаги мифологик тасаввурлар тараққиёти туфайли осмон ҳам, ер ости дунёси ҳам етти қават тузилишга эга, деб тасаввур қилинган. Инсон ўзи ета олмаган, аммо тасаввур қилган юқори қатлам осмонни, космосни яратувчи худоларга топшир-

¹⁵ «Оқ олма, қизил олма». Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик, Тошкент, 1972, 38-бет.

¹⁶ Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. М., 1976, с. 206—212.

ган. Мана шу туфайли мифология дин учун оламни сирли ҳалқа сифатида яхлит шакллантирган, осмон ва ер ости дунёсига тобе бўлишга ундайдиган назарий асос яратиб берди. Муҳими шундаки, ер ости қоронғу, азобларга тўла дунё сифатида талқин этилган. Шу сабабли ер ости дунёсидаги азоб ҳамда қийноқлар қўшиқда ғарблиқда яшашдаги азоб-уқубатларга ўхшатишмоқда. Демак, қўшиқда мифологик тасавурни англатиш асосий мақсад эмас, балки ана шу тайёр тасавурларни қиёслаш орқали конкрет ҳолат ҳақида поэтик ассоциация яратиш муҳим саналади.

Ер ости дунёси, қоронғулик олами, айниқса, унинг чуқур қатламлари архаик мифологияда дўзах сифатида тасаввур қилинган. Мана шу мазкур тасаввур эса қуйидаги қўшиқда ўзига хос поэтик кўчим сифатида лирик қаҳрамон туйғуларини конкрет ифода-лашга хизмат қилган.

Оҳ ёрим, қилиғинг ёмон,
Ишқилиб, бўлгин омон.
Ишқ ўти менга тушди,
Дўзах ўтидан ёмон¹⁷.

Эпик жанрларда поэтик кўчимга айланган мифологик символ ўзининг рационал мағзидан жуда ҳам узоқлашиб кетади. Чунки эртакка хос фантастик эпика киши диққатини ўзига кучли жалб қилиб олади, натижада тингловчи кўпроқ поэтик кўчимнинг заминида ётган мифологик символ ҳақида ўйлашдан кўра воқеалар оқимиغا эргашиб кетади. Масалан, қадимги мифологик тасавурларга кўра ер юзи тўрт қутбдан иборат тўрт бурчак шаклдаги маконда чегараланган қуруқлик сифатида тасаввур қилинган. Улар эса, ўз навбатида, турли хил рангларда, турли ҳайвонлар, худолар, йил фасллари, табиат ҳодисалари, киши танасининг аъзолари кабилар билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилган. Е. М. Мелетинскийнинг хабар беришича, қадимги хитойликларда Шарқ — кўк ранг, баҳор, аждар, дарахт; Жануб—қизил ранг, ёз, қуш, олов, тарози, ўпка; Ғарб — оқ ранг, куз, йўлбарс, металл, қилич, жигар; Шимол — қора ранг, қиш, тошбақа, сув, қалқон, ичак каби рамзларда тасаввур қилинган¹⁸.

Ўзбекларда эса бундай мифологик рамзлар жуда ҳам хиралашган ҳолда ҳозирга қадар сақланиб келади. Масалан, туркий халқларда Шарқ — ёруғлик, сариқ ранг, ҳаётнинг бошланиши, тириклик, болалик; Ғарб — қоронғулик, ҳаётнинг якуни, қизил ранг, ўлим, қарилик; Жануб — илиқлик, яшил ранг, навқиронлик, тинчлик; Шимол — совуқлик, қоронғулик, қора ранг, даҳшат, уруш каби рамзлар асосида тасаввур этилган¹⁹.

¹⁷ «Оқ олма, қизил олма», 29-бет.

¹⁸ Мифологик рамзлар ҳақида қаранг: Мелетинский Е. М. Поэтика мифа, с. 233.

¹⁹ Ўзбекларда қутблар ва улар билан боғлиқ тасаввурлар фольклорнинг лирик жанрлари, маросим фольклори жанрларидан, эртаклардаги реликтлардан ҳамда авторнинг фольклор экспедициялари пайтидаги материалларидан

Агар қадимги хитойликларнинг қутблар ҳақидаги мифологик рамзларига диққат қилинса, уларнинг «географик», «мавсум», «ҳайвоний», «ранг» ҳамда «анатомик орган» каби кодлар билан боғлиқлигини кўрамиз. Ўзбекларда эса бу рамзлар «нур ва зулмат», «ранг», «анатомик ҳолат», «социал вазият» каби кодлар орқали берилганлиги кўзга ташланади. Бундан қутблар ва улар ҳақидаги мифологик рамзлар ўзбекларда ўзининг қадимийлигини нисбатан кўпроқ йўқотиб, поэтик кўчимга яқинлашган ҳолда етиб келган деб хулоса чиқариш мумкин. Эртак персонажларининг кун ботарга сафар қилиши катта хавф-хатарлар билан боғлиқлиги, уларнинг қисмати нисбатан қоронғулигини англатса, кун чиқарга сафари эса хавф-хатар билан боғлиқ бўлса-да, бироқ истиқболи порлоқлик, бахт топиш, куч-қудратга тўлиш ва, ниҳоят, шон-шухратга эришишга ишора ҳамдир. Айрим эртакларда персонаж сафари қутбнинг қайси томонига қаратилганлиги, уларнинг макондаги ориентацияси номаълум бўлади. Халқ эртакларидаги макон ва замон тасвири, улар ўртасидаги нисбат ҳамда поэтик шартлилик каби масалалар эртақшунослар томонидан жиддий тадқиқ этилиши лозим. Қелгусида уларни тадқиқ этишда эса поэтик кўчимга айланган мифологик символлар ёрдам беради.

«Кенжа ботир» эртагида қаҳрамон мифологик от ёрдамида Қуёшнинг онаси яшайдиган зулмат дунёсига сафар қилади. Қизини шундаки, эртакда персонаж ер сатҳидан ташқарига чиқиши, зулмат дунёсига, яъни ер ости дунёсига тушиши лозим. Демак, қутбдан ташқаридаги оламнинг мавжудлиги ҳақидаги мифологик тасаввурлар ҳам бевосита қоронғулик, зулмат, қора рангдан иборат кодлар воситасида ифодаланган. Мана шу кодларнинг ўзи бизга персонаж ҳаракат йўналишининг икки параметри ҳақида маълумот бера олади: биринчиси — горизонталига кўра персонаж ҳаракати шимолга йўналган; иккинчиси — вертикалига кўра ер ости дунёсига қаратилган. Қутб томонлари ҳақида маълумот бериш эртакнинг эмас, балки мифнинг символлари функциясига тааллуқли. Эртак ана шу мифологик рамзларни поэтик кўчимга айлантирган ҳолда уни ернинг чети, ер ости дунёси сифатида ўзида сақлаб қолган. Демак, мифологик рамз эртак таркибида диффузияга учраб поэтик кўчимга айланган.

Энди «Кенжа ботир» эртагига қайтайлик. Сайроқи қуш берган саволга қуёшнинг ер ости дунёсида яшовчи онасигина жавоб бериши ёки жавоб топиши мумкин эди, холос. Кенжа ботир от ёрдамида ер ости дунёсига тушади. Эртакда тасвирланишича, қу-

олинди. Информаторлар: Саломат Мирзатуллаева — Фарғона область, Олтиариқ райони, Ҳамза шаҳарчаси, Ленин кўчаси 20-уйда истиқомат қилади, 69 ёшда; Жаббор Чориқулов — Тожикистон ССР Қўрғонтепа область, Ёвон район, Ғорбулоқ қишлоғи, 61 ёшда, саводсиз. Албатта, ўзбеклар ўртасида қутбларнинг мифологик рамзи турли локаль фарқларга эга бўлиши лозим. Бу нарсанинг турли жойлардаги фарқланишлари билан боғлиқ ҳолда тўлдирилиши келгусидаги изланишлар натижасида ҳал этилади — Б. С.

ёшнинг онаси ўзининг муомаласи, феъл-атвори билан антропологик образга мос келади. Қуёш ва унинг онаси ҳақидаги мифлар космогоник мифлар бўлиб, мазкур эртақда улар солярлик хусусиятига эга эмаслар. Аниқроғи, улар эртаққа ўзларининг солярлик хусусиятларини йўқотган ҳолда ўтганлар. Эртақ учун бу космогоник мифик образлар у қадар катта аҳамиятга эга эмас. Чунки эртақ ижтимоий-эстетик категория сифатида соф ижтимоий типлар, аниқроғи, антропологик образлар билан иш кўради. Мифик образлар эса эртақда ҳаммавақт ижтимоий типлар учун хизмат қилади. Мана шунинг учун ҳам солярликка эга бўлган космогоник мифик образлар эртақда ташқи кўриниш жиҳатидан мавжум, аммо антропологик ҳаракат ва ҳолатга эга образлар сифатида берилади.

Сайроқи қуш берган саволни айнан келтирамыз: «— Бутун жонзодга ҳаёт бергувчи қуёш эрта билан кўтарилади-ю, қоқ тушга келиб тик туриб олади. Бутун ўрмонлардаги, боғлардаги нафис гулларга тигдек нурини санчиб сўлдиради. Ҳаммани толдиргач, аста-секин яна юра бошлайди. Қуёшнинг тикка келиб неча вақт туриб қолишининг сабаби нима?— дебди қуш»²⁰.

Қуш берган саволнинг моҳиятига келганда шуни айтиш керакки, у рационал мағзи жиҳатидан мифологик коддан узилгани йўқ. Аммо эртақ структурасида бу код соф мифологик символлигини йўқотган. Чунки эртақда қуёшнинг ҳаракатидаги тик ҳолатнинг узоқ давом этишини аниқлаш асосий мақсад бўлмай, балки у персонаж учун бажариши шарт бўлган поэтик приёмлиқ ролини — тўсиқлик вазифасини ўтапти, холос. Қуёшнинг чиқиш ва боғиш ҳолатлари умуман, унинг ер шари атрофида айланиши, ер шарининг эса думалоқ шаклга эга эканлигини билмаган кишилар қуёш ва ой ҳаракатини ҳам жонли мавжудотлар ҳаракати сифатида қабул қилганлар, ана шу тушунчалар асосида тушунтирганлар, яъни космик жисмлар ҳаракатини инсонларга хос оддий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда изоҳлаганлар. Мана шунинг учун қуёш, унинг онаси образи, уларнинг ҳаракат майдони ҳамда яшаш макони ҳақида туркум мифлар яратилган.

Қуёш ер шари ортидан кўтарила бошлагач, унинг ер юзаси учун кучли таъсир кўрсатиш доираси (албатта, қуёш ҳаракатланаётган ярим шар учун) 90 градус атрофида сезиларли бўлади. Масалан, қуёш чиққан ярим шар учун қуёшнинг ҳаракат доирасини 180 градус десак, мана шу қисмининг Шарқдаги биринчи градусидан тортиб қирқ бешинчи градусигача қуёш таъсири у қадар кучли бўлмайди. Аммо 45 градусдан бошлаб 135 градусга қадар унинг таъсир кучи сезиларли ва узоқ давом этади. Демак, кундузи қуёшнинг кучли таъсир кўрсатиш пайти 90 градус доирасида давом этади. Бу эса қуёшнинг кучли таъсир кўрсатиш умумий доирасининг ярмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам туркий

²⁰ «Қарй наъматак». Тошкент, 1977, 84-бет.

халқларда қуёшнинг кўринишидан иборат сутканинг бир қисми кундуз <кун+туз деб юритилади. Бинобарин, шу ҳолатнинг физик сабабларини билмаган қадимги инсонлар қуёшнинг тик ҳолати ҳақида мифлар яратганлар. Уларда айтилишича, қуёш жонли мавжудот бўлиб, ўзи севган қизнинг ҳусни жамолига мафтун бўлиб тик ҳолатда кўп туриб қолар эмиш. «Кенжа ботир» эртагига ана шу миф ўзидаги мифологик символини поэтик кўчимга айлантирган, яъни диффузияга учраган ҳолда ўтган.

Демак, миф ва эртактаги эпик ячейканинг функциясини таҳлил этиш орқали бу диффузион ўзгаришларни конкретлаштириш мумкин.

Мифдаги асосий функция қуёшнинг ер юзасидаги тик ҳолатининг узоқ давом этишини англатиш ва унинг сабабиятини мифик тарзда изоҳлашдан иборат. Қадимги инсон қуёшнинг ер юзида тик туриб қолиш сабабларини билмаганлиги туфайли уни ҳаёт тажрибасига, турмуш тарзига боғлаган ҳолда изоҳлашга уринган. Қуёшнинг турли ҳайвон ёки қушлар бошига ўхшаш каллага эга бўлган жангчи (масалан: мушук, бургутбош жангчи ва ҳ. к.) қиёфасида инсонга хос ҳаёт кечиришда тасвирланиши²¹, яъни унинг кўпроқ ер юзидаги махлуқотлар қиёфасида тасаввур этилиши жуда кўп халқлар мифологияси учун типологик қонуният ҳисобланади. Бу нарса бевосита ибтидоий инсоннинг турмуш тарзи, ҳаётий тажрибаси, билим доираси билан белгиланади.

«Кенжа ботир»да эса ўзбек мифологиясидаги қуёшнинг сув остида яшовчи қизга²² ошиқ бўлиши ҳақидаги миф архаик шаклини ўзгартирган, жуда кўп хусусиятларини (масалан, ташқи кўриниш тасвирини) йўқотган ҳолда етиб келган. Унда мифдаги символ поэтик образларга айланиб кетган. Масалан, космогоник субъект — эртақ персонажга, қуёшнинг тик ҳолати, иссиқлик эса қуёшнинг ошиқлигига айланган. Демак, бир қараганда, мифологик код ўз моҳиятини эртакта ўзгартирмаганга ўхшайди, аммо диққат қилинса, мифдаги асосий моҳият эртакта тамоман поэтик имконият сифатида ижтимоий типга хизмат қилапти. Чунки, юқорида айтганимиздек, ошиқ қуёш ҳақидаги миф «Кенжа ботир»да эртақ персонажга бажариши лозим бўлган атиги бир синов вазифасини бажармоқда.

Хуллас, мифологик рамзларнинг эртақ таркибида диффузияга учраши — поэтик кўчимларга айланиши фольклорнинг эпик жанрларида кўп учрайдиган қонуний ҳодисалар ҳисобланади. Бундай ҳодисалар моҳиятини очиш эса жуда ҳам мураккаб, айрим ҳолларда эса имконсиз бўлиб чиқади. Демак, мифологик рамзлар ҳаммавақт ўзларида поэтик кўчимга айланиш имкониятини сақлайдилар ва шарт-шароит туғилиши билан поэтик кўчимга айланиб кетадилар.

²¹ Матъе М. Э. Древнеегипетские мифы. М.—Л., 1956, с. 31—51.

²² Ўзбек мифологияси ҳамда фольклорида учровчи сув остида яшовчи қизлар, умуман, сув парилари ҳақидаги фикрлар алоҳида тадқиқ этишга муҳтож — Б. С.

4. Миф ва эртак диффузияси жараёнида мифологик субъект бадий асар персонажга айланади. Бу ўринда бир нарсага алоҳида диққат этиш лозим. У ҳам бўлса мазкур ўринда бизнинг «субъект» ва «персонаж» терминларини шартли қўллашимиз ҳисобланади. Аслида кенг маънода ҳар қандай персонаж — субъект, ҳар қандай субъект эса персонаждан иборат. Аммо биз мифологиянинг бадий ижод эмас, балки ибтидоий инсоннинг борлиқ ҳақидаги қарашларини ифодаловчи синкретик система эканлигини унда воқе бўлувчи ҳар қандай жараён алоҳида олинган қайтарилмас субъект—биринчи яратувчи томонидан рўй беришини, бадий ижодда эса воқелик бадий жиҳатдан умумлаштирилган образлар орқали тасвирланишини назарда тутиб мифология учун «субъект», бадий ижод учун «персонаж» атамаларини тор маънода танлаб олдик.

Маълумки, мифологиядаги ҳар бир воқеа конкрет субъектив бошланишга эга. Субъектнинг номи, воқеанинг ўзгармаслиги ҳеч қачон турдошлик касб этмайди ҳамда айни пайтда у ўзига ўхшаш шахсларнинг умумлашма тимсоли ҳам эмас. Масалан, мифологиядаги Прометей — яққа, ҳеч қачон ўзгармас субъект, аммо у бадий ижодда прометейлар тажассуми сифатида қабул қилинади. Демак, мифологик субъектнинг диффузияси бадий ижод учун образ тушунчасини келтириб чиқарди.

Мифологик субъект ҳаммавақт дастлабки инсон (первочеловек), бирор нарсани биринчилардан бўлиб юзага чиқарган ёки бирор ишни энг биринчи бўлиб амалга оширган шахс сифатида талқин қилинади ва мифда ҳам ана шу руҳда тасвирланади. Дастлабки инсон амалга оширган иш-ҳаракат эса эртак эпикаси учун катта поэтик имкониятлар беради. Бироқ асосий фарқ шундаки, эртакка ўтган субъект ўзининг кашшофлик характерини йўқотиб турдошлик касб этади ва у биз учун одатдаги персонаж сифатида қабул қилинаверади. Бундай хусусият мифологик субъект табиатидагина юз бермай, балки унинг бажарадиган функцияларида ҳам рўй беради. Фикримизни тасдиқлаш учун «Зар кинли йигит» эртагига²³ мурожаат қиламиз.

Эртак қаҳрамони ўзининг генетик асослари билан мифологияга бориб тақалади. Бу нарсани унинг ғайритабiiй тарзда дунёга келиши, яъни ялмоғиз берган олмадан туғилиши тасдиқлайди. Мифологик образ берган нарсадан дунёга келган субъект мифда яна мифологик оламга қайтиши шарт. Аммо эртак жанрида бу мотивнинг амал қилиши ўзгарганлиги туфайли ғайритабiiй тарзда туғилган персонаж асосий мифик йўналишда ривожлана олмайди. Натижада, етти яшар бола мифологик образни ўлдириб, яна одамлар орасига қайтади. Демак, мифологик субъект эртакка диффузиялашган ҳолда ўтиб, ўзининг мифик хусусиятларини йўқотиб, оддий антропологик хусусият касб этган. Аммо у мифологик образни — инсонга хавф солиб турган кучни ўлдириши би-

²³ «Қари наъматак», 196—202-бетлар.

лан, инсониятни хаос томон етакловчи кучни йўқ қилиш билан ўзининг мифологик ядросини сақлаб қолган. Эртак персонажнинг мана шундай ғайритабiiй мифологик асосларга эга эканлиги унинг ўзига хос атрибутларга эга қилиб тасвирланишида сақланиб қолади. Дарҳақиқат, йигит ялмоғиз кампирни пари берган маслаҳатга амал қилиб ўлдиргач, бир кўзадаги сувга юз-қўлини ювади, бошига қуйган сувдан эса сочлари олтинга айланиб қолади. Эртакдаги бундай ғайритабiiй атрибуция, албатта, фантастика оқибати, бироқ ҳамма фантастика ҳам бесабаб туғилмавермайди. Мазкур эртакдаги фантастика эса, бизнингча, қуйидагича изоҳланади.

Эртакка ўтган мифологик субъект ўзининг мифологик функциясини антропологик муҳитда давом эттириши мумкин. Лекин бу функция бевосита ўзининг мифологик ядроси доирасида юз бериши лозим. Эртакдаги бундай персонаж антропологик қиёфага эга бўлган ёвуз кучлар (масалан: ялмоғиз кампир, сеҳргар ва ҳ. к.) ёки мифологик қиёфадаги ёвуз кучлар (масалан: аждар, дев кабилар)га қарши курашиб, мифологияда умуман инсониятни, эртакда эса у ёки бу шаҳар, мамлакат аҳолисини хавф-хатардан қутқариши лозим. Демак, эртак персонажга айланган мифологик субъект, бир томондан, ташқи кўринишда оддий антропологик қиёфага эга бўлса, иккинчи томондан, унинг функцияси ўз моҳияти жиҳатидан гуманистик қимматини йўқотмагани ҳолда умумбашарий доирада амал қилмай, балки бирор локал макон билан чегараланиб қолади.

«Зар кокилли йигит» эртагида ялмоғиз кампир одам гўштини яхши кўради, ёш болаларни ўғирлаб ейди. Демак, унинг функцияси моҳиятан инсониятни еб битириш. Инсоният туғилиш, насл кўриш билан узлуксиз кўпайиб боради. Ёш болалар ейлаверса, инсон насли ўзининг давомийлигини йўқотади. Эртакда хаос тарафдори бўлган ялмоғиз кампирнинг ҳаракат доираси торайган бўлса ҳам, бироқ моҳиятан ўзининг мифологик ядроси доирасидан четга чиққани йўқ. Жуда кўп архаик миф учун асос бўлган мана шу мифологик ядро эртак учун ҳам эпик ячеёка вазифасини ўтаган.

Эртак персонажи кураш олиб борувчи ёвуз кучлар мифологияда хаос тарафдорлари, космосни хаосга, тартиблиликни тартибсизликка айлантириш тарафдорлари бўлиб, улар эсхатологик функция бажарадилар. Эртак эсхатологик функция бажармаганлиги учун мифологик ёвуз кучлар эртакда икки хил қиёфада битмас-туганмас конфликтга асос бўлувчи образлар вазифасини ўтайдилар: а) мифологик қиёфадаги ёвуз кучлар — дев, аждар, жин, алвасти ва ҳоказо; б) антропологик қиёфадаги образлар — ялмоғиз кампир ва шу кабилар. Қизиғи шундаки, эртак таркибида бундай мифологик ёвуз кучларнинг ҳаракат доиралари ҳам маълум чегаралар билан белгиланиб қолади. Бу чегара эса эртакдаги поэтик шартлилик қонуниятига кўра, персонаж яшайдиган ёки ҳаракат қиладиган жойлар билан белгиланади. Эртак ижод-

кори — халқ ўз персонажининг қадимий юзага келиш асосларини аниқ билмайди. У ўзи яратган эртақ асосида ётган мифологик ячейкани, унинг субъектини биледи, холос. Мана шунинг учун ҳам халқ ўзининг барча эзгу орзу-истагини, идеалини мана шу субъектга юклайди. Бу субъектнинг генетик асосларини, ғайритабиий қудратга эгаллигининг сабабларини аниқ тушуниб етмаганлиги учун ҳаммавақт ўзининг халоскори, идеалларини амалга оширувчи қаҳрамонини халқ одатдагидан юқорироқ атрибутлар орқали тасвирлашга интилади. «Зар кокилли йигит» эртагидаги персонажнинг олтин сочга эгаллиги ҳам мана шу билан белгиланади. Мазкур персонажнинг хатти-ҳаракати тор доирада бўлса ҳам, мифологик характер касб этади. Чунки у ялмоғиз кампирни ўлдиради, ёш болаларни қурбон бўлишдан сақлаб қолади.

Эртақка ўтган мифологик образлар ҳам диффузияга у ёки бу даражада учрайди. Масалан, ялмоғиз кампир образининг тасвирини олайлик: «...Боши ўтовдек, оғзи эшикдек экан. Қирқта дев унинг хизматида ҳозир нозир экан.

Ялмоғиз кампир тушда бир туяни, кечқурун еттита қўйни ямлар экан. Овқатини қирқ киши ҳам кўтаролмайдиган катта қозонда пиширар экан. У одам гўштини яхши кўрар экан, қишлоқ ва шаҳарларда юриб, кичик болаларни ўғирлар экан»²⁴. Тасвир объекти — ялмоғиз кампир антропологик қиёфадаги мифик образ. Тасвир мифга хос муболағага эга бўлса ҳам, бироқ диффузия натижасида эртақ элементлари тасвирда етакчилик қилади. Бу элементлар мифологик тасвирга қиёсланса, мантиқий зиддият мавжудлиги кўзга ташланади. Жумладан, боши ўтовдек, оғзи эшикдек бўлса, тушда бир туяни, кечқурун еттита қўйни еса, қирқта дев хизматида бўлса, нега у шаҳар-қишлоқда садақа сўраб юриб, кичик болаларни ўғирлайди? Ахир у тўғридан-тўғри болаларнигина эмас, балки катта одамларни ўғирлаб ейиши, ўзи садақа сўраб юриши ўрнига қирқта дев одамларни тутиб келтириб бериши мумкин-ку? Демак, унинг кичик болаларни ўғирлаб ейиши мифологик тасвир ичига кириб қолган эртақка хос диффузион элемент ҳисобланади.

Яна саволни давом эттириш мумкин: нега энди қирқта девни ўзига бўйсундириб олган ялмоғиз кампир кичик болаларни ўғирлаб ейиши лозим экан? У зўрлик қилиб ҳам хоҳлаган одамини еявериши мумкин-ку? Ёки бундай қилишга ялмоғиз кампир одамлардан қўрқадими? Шундай ёвуз кучни қўрқита олган одамлар нега бирлашиб ялмоғиз кампирни ўлдирмайдилар?

Бундай саволларни хоҳлаганча бериш мумкин, лекин асосий гап шундаки, агар ялмоғиз кампир ўлдириладиган бўлса, эртақ қаҳрамонининг эртақда ҳеч қандай аҳамияти қолмасди, бинобарин, эртақнинг ўзи ҳам қолмасди. Демак, мифик нажоткор субъект — дастлабки инсон ҳақидаги миф бевосита эртақ сюжети учун

²⁴ «Қари наъматак», 196-бет.

эпик асос вазифасини ўтаган. Мифнинг ривожланиб эртакка айланиш жараёнида юз берувчи ёвуз кучлар тасвиридаги мифологик хусусиятлар билан антропологик тасвир ўртасидаги мантикий зиддиятлар, шунингдек бевосита воқеалар заминида ётувчи мифологик қадимий тасаввурлар билан шу воқеаларнинг янгича интерпретацияси ўртасидаги номутаносбликлар халқ учун, аynиқса, халқ эртакчилари учун аҳамиятсиз эди. Эртакдаги асосий мақсад нажоткор мифик субъектни эртак персонажига — халқ вакилига айлантириш ва шу орқали меҳнаткаш халқ идеалини ифодалашдан иборат. Мифологик субъектнинг эртак персонажига айланишидаги диффузион ҳолатлардан бири мана шунда намоён бўлади.

Эртак персонажига айланган мифологик субъект ўзи бажарувчи ижтимоий-эстетик функциясини ўзининг қадимий мифологик ядросидан бутунлай узмаган ҳолда давом эттиради. Бироқ бу алоқадорлик рўёбга чиқиши мифологиядагидай бевосита мифик кодлар орқали юз бермай, балки бошқа «катализатор» — мифик образлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, «Зар кокилли йигит» эртагида бундай мифик «катализатор» образлар раҳмдил пари, учта раҳмдил дев, учта зотли арғумоқ, учта сайроқи қуш кабилар. Бу образлар ёрдамида персонаж ўз зиммасига тушган вазифани муваффақиятли бажариб мақсадга эришади.

Хуллас, ўзбек сеҳрли-фантастик эртаклари ичида диффузияга учраб эртак персонажига айланган мифологик субъектлар жуда ҳам кўп учрайди. Бундай персонажларнинг функцияси ўз моҳиятини мифологик ядро билан боғлиқлигини йўқотмайди. Эртак персонажларининг айримларида кўзга ташланувчи мифологик ядро билан боғлиқлик кўпгина халқ эртаклари учун типологик ҳол ҳисобланади. Эртак персонажларининг генетик асосларини очиб эса бевосита диффузион ҳолатлар таҳлили орқали амалга оширилади.

5. Миф табиатида диффузиянинг юз бериши фольклорнинг эпик жанрлари учун катта имкониятлар берди. Бу нарсага ишонч ҳосил қилиш учун миф ва эртак муносабатига разм солишнинг ўзи kifоя. Агар диққат қилинса, мифда ҳаракатдан, яъни эпикликдан субъектга бориш мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, инсон ўз тажрибасида оловни кашф этди, лекин бу кашфиётнинг физик сабабларини билмаслик уни охир оқибатда Прометей фаолияти билан изоҳлашга олиб келди. Ўзбек халқида ҳам шунга ўхшаш мифлар анчагина бор. Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» асарларида овқатга туз солиб ейишнинг ибтидоси Ўғузхон билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Мана шундай фактларга асосланиб айтиш мумкинки, мифда ҳам-мавақт этиологик функция (аксинча — эсхаталогик функция) етакчилик қилганлиги сабабли ҳаракат субъектга боғланган ҳолда бўлади. Мифологияда нимани олманг, у хоҳ этиологик, хоҳ эсхаталогик характер касб этмасин, бари бир аввал ҳосила — ё ибтидо, ё интиҳо мавжуд, кейин шу ҳосила субъекти ётади.

Фольклорнинг эпик жанрлари мифдаги мана шу ҳолатни акс ҳолда қабул қилиб олди. Шунинг учун ҳам фольклорнинг эпик жанрларида асосий йўналиш персонаждан эпиклик томон йўналган бўлади. Хоҳлаган эртақ, дoston, ривоят ёки афсонани олманг, унда аввало маълум бир макон ва замонда, маълум бир мансаб ва даражада турган персонаж мавжудлиги ҳақида хабар берилиб, кейин унинг кечмишлари баён этилади. Бундай йўналиш эса кўпроқ этиологик, эсхаталогик изоҳдан кўра, коллектив идеалини ифодалашда қулай бир восита ҳисобланади.

6. Мифологиядаги макон ва замон тушунчаси билан эртақдаги макон ва замон ўртасида яқинлик, ташқи жиҳатдан ҳаттоки муштараклик мавжудлиги кўзга ташланади. Бироқ ҳар иккисидagi макон ва замон категорияларига диққат қилинса, улар ўртасида маълум тафовутлар мавжудлиги маълум бўлади. Миф ва эртақдаги макон ва замон тушунчаси ўртасидаги бу муштараклик ва тафовут эса бевосита диффузия ҳодисасининг самараси ҳисобланади.

Миф ва эртақ ўртасидаги замондаги муштараклик шундаки, мифда ҳам, эртақда ҳам эпиклик ўтмишга қаратилган бўлади: бирорта миф ёки эртақ йўқки, уларда келажакда рўй бериладиган воқеалар ҳақида сўз юритилсин. Миф ва эртақдаги замоннинг муштараклиги мифдаги замоннинг эртақ учун асос бўлганлигини кўрсатади. Бироқ эртақ мифологик замон тушунчасини айнан қабул қилгани йўқ, балки уни ўз имконият ва талабларига мослаб, семантик жиҳатдан бойитиб, ҳаракат доирасини кенгайтириб қабул қилди. Демак, мифологик замон эртақда диффузияга учрайди. Биз юқорида миф ва эртақдаги замоннинг асосан ўтмишга қаратилиши хусусида муштаракликка эгалликлари ҳақида сўз юритдик. Бу муштараклик биз учун миф ва эртақдаги замон тушунчасининг генетик асослари бир илдизга бориб тақалишини кўрсатувчи фактор ҳисобланади. Улардаги замон тушунчасининг ўзига хос тафовутларга эга бўлиши бевосита диффузион ўзгаришлар характери ва даражасини белгиловчи меъёр вазифасини ўтайди. Бу нарсани умумий тарзда қуйидагича тушунтириш мумкин.

Эртақ ва мифда баён асосан ўтмишга қаратилса-да, бироқ улардаги фарқ энг қадимий, бирор воқеа ибтидоси ёхуд интиҳоси бошланувчи энг дастлабки замон ҳисобланади. Бошқача айтганда, мифологик замон замон категориясининг миф семантикаси учун мос бўлган бошланиш нуқтаси²⁵ сифатида мифологияда талқин қилинади ва шу тариқа қабул ҳам қилинади. Эртақда эса эпик вақт абсолют бошланиш нуқта сифатида эмас, балки узлуксиз замоннинг оний нуқтаси сифатида, жуда кўп эпик шартликлар воситасида²⁶ берилиб, шундай қабул қилинади. Эртақдаги за-

²⁵ Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. М., 1976, с. 173.

²⁶ Эпик вақт ва унинг эртақ жанридаги шартлилиги масаласи алоҳида тадқиқ этилишга муҳтож масалалардан бири ҳисобланади — Б. С.

мон чегараси, унинг ҳаракат доирасидаги эркинликнинг кенгайиши эса эртак жанри учун катта имконият берди. Бу имконият эса мазкур жанрда ўтган замонда хоҳлаган ҳаётий идеални ҳаёлий фонда акс эттиришда ўзини намоён этади.

Эпик ва мифологик макондаги асосий тафовут ҳам асосан эртак жанрида макон тушунчасининг эркин характерга эга эканлиги билан белгиланади. Мифда макон ҳаммавақт у ёки бу жой билан мустақкам боғланган бўлади, эртакда эса бу макон хоҳлаган эпик макон билан ўзгартирилиши, алмаштирилиши мумкин.

Хуллас, миф эртак жанри учун макон ва замон тушунчасини берган экан, бу категорияларни эртак ўз функцияси, талаб ва имкониятларига мослаган ҳолда қабул қилиб олди. Демак, умуман макон ва замон тушунчасининг мифология ва эртак доирасидаги муштараклик ҳамда тафовутли томонлари мазкур тушунчаларнинг миф ва эртак муносабатида диффузияга учраганлигини кўрсатади.

Миф ва эртак муносабати масаласини яқунлар эканмиз, қуйидагича умумий хулосага келиш мумкин. Миф у ёки бу нарса, ҳодисанинг ё ибтидосини, ё интиҳосини изоҳлашга хизмат қилувчи кичик нақллардан иборатдир. У инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида — ибтидоий жамоа тузуми даврида юзага келган бўлиб, кейинчалик инсоният онги, билим доираси, тажрибасининг ортиши билан аста-секин инқирозга учради. Бироқ шунда ҳам у эпик ячейка сифатида фольклорнинг жуда кўп жанрларига асос бўлди. Фольклор жанрлари мифга нарса ва ҳодисаларнинг ибтидо ва интиҳосини изоҳланганлиги учун эмас, балки уларнинг ҳаётий асосга эга эканликларини кўрсатишга хизмат қилганлиги учун мурожаат этди. Миф ва эртак диффузиясининг муҳим томонларидан бири ҳам шундаки, мифда изоҳлаш функцияси етакчилик қилса, эртакда уни турдош воқеа сифатида бадий тарзда кўрсатиш етакчилик қилади.

Хуллас, эртак ва миф муносабати соф диффузион муносабат бўлиб, диффузия ҳодисасини батафсил тадқиқ этиш фольклористикамининг галдаги вазифаларидан бири ҳисобланади. Биз эса ана шу мураккаб вазифанинг айрим жиҳатлари ҳақида умумий мулоҳазалар билдирдик, холос.

Миф ва эпос муносабати ҳозирга қадар тўла ҳал қилинмаган мураккаб, айни пайтда фольклористикадаги мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг ўзига хос қатор сабаблари бор. Биринчидан, мавжуд эпос намуналари бизга қадар турли хилдаги трансформацияларни ўз бошидан кечирган ҳолда етиб келган. Бу нарса эпоснинг ҳам ғоявий мазмунида, ҳам образлар системасида, ҳам бадий-тасвирий воситаларида яққол кўзга ташланади. Иккинчидан, шу пайтга қадар дунё фольклоршунослигида миф ва эпос муносабати умумий тарзда кун тартибига қўйилиб, умумий тарзда ҳал қилиниб келинади. Е. М. Мелетинскийнинг қаҳрамонлик эпосининг пайдо бўлиши ҳақидаги тадқиқотлари, мунозарали

Ўринларга эга бўлишдан қатъи назар, мана шу умумий ёндашишга бир оз чек қўйди²⁷. Бу нарса миф ва эпос муносабатининг ўзаро алоқадорлигини, улар ўртасида тарихан генетик боғланиш мавжудлигини принцип жиҳатдан маълум даражада ёрита олсада, бироқ мазкур масалани конкрет материал асосида очишга имкон бера олмайди. Жумладан, В. Я. Пропп миф ва эпос муносабати масаласида «Эпос мифдан эволюция йўли билан эмас, балки миф ва унинг бутун ғоясини инкор этиш орқали вужудга келди»²⁸, — деб ёзади. Биз бу ўринда В. Я. Проппнинг юқоридаги фикрини миф ва эпос муносабатининг координал жиҳатларини ёритишда бирдан-бир тўғри, принципиал йўл деб қараганимиз ҳолда, унга айрим аниқликлар киритиш орқали қабул қиламиз. Бундай аниқликлар эса қуйидагилардан иборат: 1. Эпос мифнинг «ғоясини инкор этади», аммо бутунлай яроқсиз нарса сифатида уни улоқтириб ташламайди, балки тарихан жамият тараққиётининг муайян босқичи талаблари доирасига мослаб олади. Масалан, архаик мифнинг семантик доираси принцинда хаос ва космос курашини ифодалашдан иборат бўлса, эпосда бу кураш ўзининг моҳиятини йўқотмаган ҳолда ижтимоий асосга кўчирилади. 2. Миф структураси ривожлантирилиб, поэтик қобикқа ўралиб афсона, ривоят, эртак ва эпос учун эпик ячейка берди ёки мураккаб структурадаги эпик жанрлар таркибига мустақил мотив сифатида кириб келди. Мана шу икки муҳим аниқлик ўз баробарида миф ва эпос муносабатларидаги диффузион жараён мавжудлигини кўрсатувчи муҳим фактлардан ҳисобланадики, қуйидаги мулоҳазаларимиз бевосита ана шу диффузион жараённи очишга қаратилади.

Миф ўз табиати, воқеликни акс эттириш нисбати, энг муҳими, ҳодисаларни изоҳлаш функцияси туфайли эпосга нисбатан оппозицион хусусиятларга эга экан, демак, миф ва эпос муносабати масаласини ҳар бир халқ эпосининг мифологияга бўлган муносабатини шу халқнинг эпоси ва унинг тарихий ҳамда структурал типологик хусусиятларини ҳисобга олиш баробарида конкрет ҳал этиш лозим. Мана шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқ эпосининг мифологияга бўлган муносабатини ёритишда қуйидагича йўл тутишга тўғри келади.

Маълумки, ўзбек халқ эпоси кўп турли эпос ҳисобланади. Ҳар бир турнинг мифологияга бўлган муносабати ҳам ўзига хос, такрорланмас типологик хусусиятга эга. Масалан, ўзбек қаҳрамонлик эпосининг мифология билан муносабати, юқорида айтилгандек, диаметриал оппозицион характер касб этса, романик эпос-

²⁷ Мелетинский Е. М. Происхождение героического эпоса. Ранние формы и архаические памятники. М., 1963. Бу китоб ҳақида қуйидаги авторларнинг мунозарали тақрирлари эълон қилинган: Долгат У. Б., Қндайш-Покровская Н. В., Пухов И. В. В плену предвзятой схемы. «Советская этнография». 1965, № 5, с. 94—113; Путилов Б. Н. У истоков эпоса. — «Вопросы лит-ры» 1963, № 10, с. 195.

²⁸ Пропп В. Я. Русский героический эпос. М., 1958, с. 35.

нинг муносабатида бу нарса кўзга ташланмайди. Ўзбек халқ тарихий эпоси билан мифологиянинг муносабати эса сезиларли даражада эмас ёки мавжуд мифик реликтлар ҳам жуда хира, заиф ва ҳаммавақт ҳам миф ва эпос муносабатини тадқиқ этиш учун ишончли хулосалар беришга қодир эмас. Бинобарин, эпос ва мифологиянинг ўзаро муносабати бевосита тарихий ҳамда структурал типологик ёндашиш орқали ҳал этиладиган масала ҳисобланади.

Мифология ва ўзбек халқ эпосининг ўзаро муносабати масаласини ҳозирга қадар умуман сўз юритилмаган масала дея олмаймиз. Ўзбек халқ эпосига алоқадор бўлган бирон-бир тадқиқот йўқки, унда эпосдаги мифологик образлар хусусида тўхталиб ўтилмаган бўлсин. Айрим тадқиқотларда эса эпосдаги мифологик персонажлар, айрим мотивларнинг мифологик заминлари ҳақида озми-кўпми махсус тўхталиб ўтилади²⁹. Бироқ миф ва эпос муносабати масаласи, бу масаланинг мураккаб жиҳатларини тўлиғича ёритиш учун юқорида кўрсатилган ишлардаги мулоҳазалар етарли эмасга ўхшайди. Чунки эпоснинг бирор намунасида учрайдиган аждар ёки бало, семурғ ёки мастон кампир каби персонажлар ўз-ўзидан мифик образлар эканлиги маълум, уларни мифологияга алоқадор эканлигини исботлаб беришга уриниш икки карра лкки тўрт бўлади дейиш билан баробар аксиомадир. Қолаверса, миф ва эпос муносабатларининг моҳияти ҳам бунда эмас. Бу масалада эпос мифга қандай ворислик қилди, миф ва эпос ўртасида юз берган диффузия ҳар иккисининг гоъвий-бадий, функционал хусусиятларига қандай таъсир кўрсатди — мана шу жиҳатлар конкрет фактлар асосида ёритилиши зарур. Ана шунда миф ва эпос муносабати масаласининг етакчи хусусиятлари, асосий чиқиқлари ойдинлашади.

Эртақ таркибига ўтган миф торроқ масштабда хаос ва космос ўртасидаги кураш нисбатини космос фойдасига ҳал этилишини муайян мамлакат ёки шаҳар тақдири мисолида акс эттиришга хизмат қилади. Эпос таркибидаги мифнинг асосий функцияси хаос космос ўртасидаги курашнинг нисбатан кенгроқ масштабда — энг камида муайян халқ тақдири мисолида эканлигини кўрсатишдан иборатдир. Бу — мифнинг эртақ ва эпос доирасидаги бажарадиган асосий функционал тафовути. Эпос таркибида диффузиялашган мифнинг эртақ таркибидаги диффузиялашган мифдан яна бир фарқли жиҳати шундаки, эртақ тингловчи томонидан умуман халқ фантазияси сифатида идрок этилади. Бинобарин, унинг таркибидаги миф ҳам ана шундай қабул қилинади. Шунинг учун ҳам эртақ таркибидаги миф у қадар қарама-қарши қутбий характердаги диффузияга учрамайди. Эпос халқнинг қаҳрамоно-

²⁹ Жалолов Ф. Ўзбек фольклорига жанрлараро муносабат. Тошкент, 1979, 80—119-бетлар; Акрамов Ф. Ўзбек мифологияси (кандидатлик диссертация). Тошкент, 1979.

на ўтмиши сифатида қабул қилинганлиги учун унинг таркибидаги миф ҳам бевосита ана шу нарсани рўёбга чиқаришга хизмат қилади³⁰.

Биз юқорида эртак таркибида диффузиялашган миф торроқ масштабда муайян мамлакат ёки шаҳар аҳолисининг тақдири мисолида хаос ва космос ўртасидаги курашни акс эттиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдик. Бироқ мазкур ўринда бир нарсани асло унутмаслик керак. У ҳам бўлса, эртак ва унинг тарихий тараққиёти масаласидир. Агар эртак жанри ва унинг эволюцияси нуқтаи назаридан назар ташласак, миф ва эртак муносабати масаласидаги юқоридаги фикр фақат жанрнинг кейинги тараққиёт босқичи учун характерли эканлиги кўзга ташланади. Архаик эртак таркибидаги миф хаос ва космос курашини мамлакат ва шаҳар миқёсида эмас, балки фақат патриархал оила доирасида акс эттирган. Бизга қадар етиб келган эртак намуналарида эса бундай архаик қатлам кам сақланиб қолган. Чунки ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт, давлатнинг юзага келиши ва марказлашиши, қолаверса, эртак ва эпос жанрларининг яқин ўзаро муносабати натижасида юзага келган диффузион нуқталарнинг кўпайиши туфайли эртак таркибидаги мифнинг ижтимоий-эстетик таҳлил доираси кенгайиб кетган, айрим ҳолларда ҳатто эпосга ҳам яқинлашиб қолган. Ана шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда биз эртак таркибидаги мифнинг ҳаракат доирасини кенгроқ, яъни ўзбек халқ эртакларининг ҳозирги табиатига мос келадиган даражада белгилладик.

Энди миф ва эпос муносабатига қайтайлик. Эпос ўз структураси, гоёвий-бадий жиҳатлари билан кўп типли экан, ҳар бир типнинг миф билан бўлган муносабатига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Қаҳрамонлик эпоси ҳам тарихан қадимийлиги, ҳам структура-сининг мураккаб ва салмоқчилиги жиҳатидан халқ эпосининг энг қадимий типни ҳисобланади. Масалан, ўзбек «Алпомиш»и ўзбек халқ эпоси доирасида исталган эпик цикл ёки айрим олинган дostonдан қадимий ҳисобланадики, бу нарсани ундаги гоёвий-бадий жиҳатлар ҳам тўла тасдиқлайди.

Маълумки, «Алпомиш» патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши даврида юзага келган. «Алпомиш» юзага келгунга қадар туркий халқлар эпосида экзогам никоҳ шакли улуғланган ва кўйланиб келинган. Бироқ экзогам никоҳнинг юзага келиши, уруғдан оиланинг ажралиб чиқиб мустақилликка эришиши аста-секин уруғчилик муносабатларининг емирилишига, охир оқибатда давлатнинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Худди мана шундай бир пайтда «Алпомиш» эпоси юзага келган. Агар диққат қилинса, унда экзогам никоҳ шаклининг қолдиқлари мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, Алпомиш ҳам, Барчин ҳам

³⁰ Мелетинский Е. М. Миф и историческая поэтика фольклора. См. сб.: «Фольклор. Поэтическая система». М., 1977, с. 23—41.

битта Қўнғирот уруғига мансуб. Бу нарса «Алпомиш» эпоси асосида ётган бобоэпоснинг қолдиқларидан бошқа нарса эмас. Бироқ янги тарихий шароитда экзогам никоҳнинг тобора кенг ёйилиши эпосда сақланиб қолган экзогам никоҳ қолдиқларини улуглашга йўл қўймас эди. Мана шу нарсани давр талабларига мослаштириш учун халқ ижрочилари қаҳрамоннинг севгилисини бошқа ерга кўчиришга мажбур бўладилар. БевоСИта шу талаб туфайли Бойбўри ва Бойсари ўртасида низо келтириб чиқарилади. Барчин отаси билан қалмоқлар юртига бориб қолади. Эпос қаҳрамонининг ўз уруғини қутқариб олиб келиш учун сафарга чиқиши аксарият халқларнинг классик эпоси учун типологик ҳол ҳисобланади.

Демак, «Алпомиш» эпосида ёр учун кураш масаласи бутун асарнинг гоЯвий мазмунини белгилаб беради. Ёр учун, оила учун кураш масаласини эса бевоСИта ҳозирги нуқтаи назардан тушунмаслик керак. Патриархал уруғчилик даврининг идеологиясига кўра, ёр ва оила учун кураш қаҳрамоннинг шахсий қисмати учун курашгина бўлиб қолмай, балки ижтимоий курашнинг муҳим шаклларида бири, тўғриси, ижтимоий курашнинг эпосдаги бадий инъикоси бўлган³¹. Шунинг учун ҳам «Алпомиш» достонида ёр ва оила учун кураш асосийми ёки марказлашган давлат учун кураш асосийми деган масала бўйича олиб борилган тортишувлар мантиқий асосга эга эмас. Чунки ёр ва оила учун кураш охир оқибатда давлатнинг вужудга келишига олиб келади. Шундай экан, бир жараённинг икки нуқтасидан қай бири «Алпомиш» достони учун кўпроқ хос эди? Бизнингча, ёр ва оила учун кураш «Алпомиш» эпоси учун мос келар эди. Чунки Алпомиш қанча азоб-уқубатлар, жангу жадалларни бошидан кечириб, биринчи навбатда ўз ёрини — Барчинни олиб келади. Кейин Бойсарини қутқаради ва иккига бўлинган Қўнғирот уруғини бирлаштириб, ҳокимият тепасига ўтиради.

Эпос учун муҳим бўлган хусусиятлардан яна бири шундаки, унда улугланган, куйланган умуминсоний хислатлар беқийёслигидан қатъи назар, у бирор даврни акс эттириши жиҳатидан ё ўтмишни, ё ўзи яратилган даврни улуглайди. Бирорта ҳам халқнинг эпоси йўқки, унда утопик тарзда бўлса ҳам келажак давр ва унга хос тарғиботлар тасвирланган бўлсин. Агар эпос келажакни акс эттирадиган бўлса, у ҳолда унинг халқ онгида конкрет қаҳрамонна ўтмиш сифатида қабул қилиниши хиралашиб қолган бўлур эди ва эпос ҳам эртак каби хаёлот оламига чулғаниб, шундайича қабул қилинар эди. Ҳолбуки, қаҳрамонлик эпоси ҳаммавақт халқнинг конкрет қаҳрамонна ўтмиши сифатида улугланиб куйланиб келинади. «Алпомиш»да давлат учун кураш масаласи ўртага қўйилганми деган асосий фикрга келсак, бизнинг назаримизда бундай масала «Алпомиш» эпосида мутлақо қўйилмаган. Балки унда аста-секин емирилиб бораётган патриархал-уруғ-

³¹ Пропп В. Я. Русский героический эпос. М., 1958, с. 32—58.

чилик муносабатларига хайрихоҳлик, уруғ бирлиги учун кураш масалалари ёр учун, оила учун кураш масалалари ниқобида куйланади. Бундан эпосда ҳеч қачон ижтимоий тараққиёт куйланмас экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Узоқ ўтмишда кишилар ҳозирги даражадагидек оптимист, узоқни кўзлаб планли иш юри-тадиган бўлмаганликларини ҳам эътибордан соқит қилмаслик ке-рак. Масалан, ҳозир марксизм-ленинизм классиклари аниқ кўр-сатиб берган идеал жамият — коммунизм учун барча тараққий-парвар инсоният интилмоқда. Ҳозирги бадий ижод, боринги, барча ижод турларининг йўналиш ва пафоси ҳам ана шу юксак жамият нуқтаи назаридан олиб қаралиб баҳоланади. Лекин «Ал-помиш» яратилган даврда кишилар аниқ ўзлари кўрган, аждод-лари ўз бошидан кечирган қаҳрамонона ўтмишни идеаллаштир-ганлар, улар учун келажак масаласи иккинчи даражали аҳамият касб этган. Бироқ эпосдаги гуманистик пафоснинг ўта қадим ва абдийлиги эса ҳаммавақт ўзининг туб моҳиятини ўзгартирмайди. Бундай соф инсоний туйғулар турли даврлар оша бойиб, тўли-шиб бораверади. Чунки инсон ҳаёти, унинг тирикчилиги ўзаро аҳиллик, одиллик, меҳр-муҳаббат, тинчлик, дўстлик каби хислат-лардан ҳоли бўлмаган ва бундай бўлиши ҳам мумкин эмас.

«Алпомиш» эпосининг юзага келиш даври, унда илгари сурил-ган ғоялар хусусида жуда кўп гапириш мумкин, бироқ бу нарса-лар бизнинг ишимиз доирасига кирмаганлиги сабабли юқоридаги умумий қайдлар билан чекланамиз³². Биз учун «Алпомиш» эпоси-нинг мифологияга муносабати муҳим ҳисобланади.

«Алпомиш» достони қаҳрамонлик эпоси сифатида ўзбек хал-қининг қаҳрамонона ўтмишини бадий образлар воситасида тақ-дим этишдан қатъи назар, у мифологиясиз юзага кела олмас эди. Чунки миф эпоснинг бадий-тасвирий принципларидан тортиб, унинг образлар нисбатигача бўлган асосий йўналишни белгилаб берган. Қуйида худди мана шу хусусда баҳс юритамиз.

Энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, «Алпомиш» классик эпос намунаси ҳисобланади. Демак, қаҳрамонлик эпосининг бун-дай классик намунасидаги мифологиянинг излари очиқдан-очиқ кўриниб турмайди. Унда мавжуд мифологик кодлар ўзларининг функционал хусусиятларини сақлаган, аммо шаклан жуда катта трансформацияларни ўз бошидан кечирган ҳолда амал қиладил-лар. Шаклдаги бундай трансформациялар эса, биринчидан, ми-фологик коднинг амал қилиш миқёси ва даражасининг ортиши-да, иккинчидан, мифологик субъектнинг антропологик қиёфа ҳам-да объектнинг реал ижтимоий воқелик сифатида акс эттирилиши-

³² Айтилган масалалар юзасидан тўлароқ маълумот олиш учун қarang: Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947; Жирмунский В. М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. См. Тюркский героический эпос. Избранные труды. Л., 1974, с. 117—334; Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. Тошкент, 1968; Саидов М. Узбек достончилигида бадий маҳорат. Тошкент, 1969, 144—185-бетлар.

да ўзини намоён этади. Бинобарин, қаҳрамонлик эпоси ва миф диффузияси масаласини оддий сюжет таҳлили орқали тўла очиб бериш мумкин эмас. Миф ва қаҳрамонлик эпоси ўртасидаги мавжуд диффузияни семиотик таҳлил этиш кўпроқ ишончли хулосалар бера олади³³. Мана шунинг учун ҳам биз қуйида бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган уч жиҳатнинг миф диффузияси туфайли эпосда пайдо бўлганлигини кўриб чиқамиз.

Мифологик субъект ўз зиммасига жуда катта вазифа олади. Бу вазифа унинг ижобий ёки салбий жиҳатларига қараб классик мифда ҳаммавақт икки қутбга бўлинади: а) хаосни космосга; б) космосни хаосга айлантириш. Мифология тараққиёти билан боғлиқ бу икки вазифа ўз миқёс ва ҳолатини ўзгартирган ҳолда ҳаммавақт сақланиб қолади. Эпосда ҳам мана шу кураш ўта ижтимоий кодлашган ҳолда сақланиб қолган. Бошқача айтганда, эпосга хос конфликт ўз генезиси жиҳатидан юқорида кўрсатилган икки қутб (хаос, космос) ўртасидаги курашга бориб тақалади. Бу нарса миф объектив воқеликнинг асосий ривожланиш қонуниятини жуда тўғри, нозик аниқлаб олганлигини, аммо мана шу аниқланган қонуниятни ғайритабiiий йўсинда акс эттиражагини кўрсатади ва худди мана шу нарса миф ҳамда эпос ўртасидаги диффузия жараёнини юзага чиқарувчи омиллардан бири эканлигини англатади.

Миф ва эпос ўртасидаги диффузия жараёнини юзага келтирувчи омиллардан бири мифологик субъект ва эпос қаҳрамони ўртасидаги алоқадорлик ҳисобланар экан, бу алоқадорлик қандай характерга эга? Хоҳлаган классик мифни олманг, унда юқорида айтилган курашни ё салбий, ё ижобий томон фойдасига ҳал этиш вазифаси якка бир шахс зиммасига тушади. Бу шахс эса мифда мифологик субъект, эпосда қаҳрамон ҳисобланади. Мисол тариқасида Геракл ҳақидаги классик мифлар туркумидан бирини келтирамиз: «Крит буқасини Крит шоҳи Миносга қурбонлик қилиш учун Посейдон денгизидан юборган эди. Бироқ Минос бошқа буқани қурбон қилиб, кучли ва чиройли буқани ўз подасида сақлаб қолади. Мана шунинг учун Посейдон буқани ғазабга келтиради ва бу буқа бутун оролда ҳамма нарсани пайҳон қилиб ташлайди. Эврисфей бу буқани ушлаб Микенага олиб келишни Гераклга топширади. Геракл Минос ёрдамида буқани ушлайди ва ўзининг қудратли қўли билан ўргатиб олади. Сўнгра ана шу буқада у Микенага сузиб келади ва уни Эврисфейга топширади...»³⁴.

Биз Геракл ҳақидаги мифни қисқартирган ҳолда келтирдик.

³³ Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. С. 269—276; К. вопросу о применении структурно-семиотического метода в фольклористике. В. кн.: «Семиотика и художественное творчество». М., 1977, с. 152—168; Неклюдов С. Ю. О функционально-семантической природе знака в повествовательном фольклоре. Кўрсатилган тўплам, 193—228-бетлар.

³⁴ «Мифы классической древности». Издание книгопродавца А. И. Глазунова, т. I, книга 3, М., 1865, с. 94.

Бироқ келтирилган мана шу миф парчасида ҳам мифологик субъект ва унинг асосий вазифаси аниқ кўриниб турибди. Мифда хаос учун курашувчи ёввойи ҳайвонни ўргатиш ва улардан фойдаланиш устида гап кетмоқда. Чунки архаик миф билан классик мифнинг семантик доираси қиёсланса, асосий семантик коэффициент юқорида айтилган айирмани беради. Демак, Геракл ҳақидаги мифлар ҳам маълум даражада диффузиялашган ҳолда етиб келган. Бундан қатъи назар, Посейдон томонидан ғазабга келтирилган буқа бутун оролни пайхон қилиб ташлайди. Мана шу нарсанинг ўзи архаик миф учун хос бўлган кенг масштабдаги семантик доиранинг классик мифда тор масштабдаги семантик доирага айланганлигини кўрсатиб турибди. Семантик нуқтаи назардан қараганда, космос — хаос ўртасидаги кураш антисубъект томонидан хаос фойдасига ҳал қилинмоқда. Бироқ мифологияда космоснинг бутунлай хаосга айланиши ҳақида биронта ҳам миф йўқ экан, демак, юқоридаги кураш ҳам хаос фойдасига ҳал қилинмайди. Бунинг учун эса бирдан-бир восита космос учун кураш олиб боровчи субъект топиш лозим. Юқорида келтирилган мифда ана шундай субъект Геракл ҳисобланади. Фақат ана шу субъектгина тор масштабдаги семантик доирада хаос учун курашни барта раф эта олади — ғазабга келган буқани ўзига бўйсундириб, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланади. Юқорида айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳаёт, башарият абадий экан, мифологияда космоснинг тўлиқ хаосга айланиши ҳақида миф яратилмаган ва яратилмайди ҳам. Қачонлардир ер шарида мавжуд бўлган цивилизациянинг ном-нишонсиз йўқолганлиги ҳақида бутун оламни босган сув тўфони деб аталмиш миф яратилган. Бу миф дунё халқларида бир неча версия ва вариантларда мавжуд (айрим халқларда талқин қилинишича, оламни музлик қоплайди). Ана шу мифда ҳам космос тўлиқ хаосга айланмайди. Масалан, оламни босган сув — хаос ичида кичик бўлса ҳам Нуҳ кемаси, ундаги одам ва жондорлар, яъни космос сақланиб қолади. Кемадаги ана шу мавжуд жонзотлар туфайли космос яна устун мавқега эришади.

Демак, мифологик субъект ва антисубъектнинг космос ва хаос учун кураши акс этган семантик доира ўз масштабини торайтириб, ижтимоий характер касб этган, ўз моҳиятини йўқотмаган ҳолда халқ эпосига ўтганлиги ҳақиқатдир. Мана шу боисдан эпосда қаҳрамон енгилмас, ботир, кучли, гўзал бўлишдан ташқари, унинг зиммасига катта вазифа юкланади, бу вазифа эса қандай тўсиқлар бўлишига қарамай, охир оқибатда муваффақиятли бажарилади. Инсоният тафаккури ривожланиб маълум босқичга етгач, мифологик кураш, демак, мифологик субъект ва антисубъект ҳам эстетик жиҳатдан қайта ишланиб, унга кескин ижтимоий ранг берилади ва «инсониятнинг бахтли болалиги» бўлмиш эпосга ўтади. Ана шу туфайли эпос ва миф кейинчалик мустақил йўлдан ривожлана боради. Миф ва эпос мустақил ҳолда қай даража-

да ривожланган бўлса-да, уларнинг ўртасидаги семантик жиҳатдан алоқадорлик шу даражада аниқ сақланиб қолади.

Геракл оролни пайхон қилган буқани бўйсундириб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланибди — бунинг эпосга нима алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Агар мана шу мифологик субъект ва унинг шахсияти семантик жиҳатдан «Алломиш» достонидаги Алломиш образига қиёсланса, улар ўртасида бир-бири билан узвий боғланиш мавжудлигини кўриш мумкин. Чунки ҳар иккисининг шахсияти инсон тафаккурининг икки хил шакли доирасида бир хил қимматга эга: Геракл — оролни тўлиқ пайхон қилишдан, яъни тор семантик доирада космосни хаос хавфидан қутқаради; Алломиш оила учун кураш орқали патриархал уруф бирлиги учун курашади ва енгади. Бу нарса эса тор семантик доирада хаос ва космос курашининг ижтимоий кодлашган шаклидан бошқа нарса эмас. Хуллас, мифологик субъект ва эпос қаҳрамони ўртасидаги семантик ҳамда функционал боғланиш жаҳон халқлари эпоси билан мифологияси ўртасидаги диффузион жараённинг объектив мавжудлигини тарихий, структурал типологик ҳодиса эканлигини тўла тасдиқлайди.

Миф ва қаҳрамонлик эпоси диффузиясида мифологик субъектлар ва эпик қаҳрамонлар тасвири масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Мифологик субъект ўз моҳияти жиҳатидан алоҳида олинган, яъни кўплаб шахслар орасида алоҳида ажратилган ва турдошлик хусусиятига эга бўлмаган шахс ҳисобланади. Прометейми, Гераклми, исталган мифологик субъектнинг олманг, у қайтарилмас субъект сифатида такрорланмас ишларни амалга оширади. Демак, ибтидоий инсон мифологик тафаккур доирасида ўзи амалга ошира олмайдиган вазифаларнинг уддасидан чиқувчи шахсни ўзининг хаёлотида яратади. Бу шахс эса исталганча қудратга, ғайритабиий кучга эга бўлган субъект сифатида башарият манфаати учун, космос учун — тартиблилик учун курашади ва охир оқибатда ғалаба қозонади. Бундан маълум бўладики, мифологик тафаккур хаёлан яратган мифологик субъект ўз қобиғида бадий образга айланиш имкониятларига бой бўлади. Воқеликни бадий образларда акс эттириш шакли, яъни бадий тафаккур юзага келгач, у энди бадий образни ҳеч нарса йўқ ерда кашф этмайди, балки ўзига қадар инсоният тажрибасида кашф этган мифологик қарашларни ифодаловчи мифик субъектлар заминида яратди. Демак, мана шу диффузия жараёнида бадий ижодда мифологик субъект ўрнини бадий образ — эпос қаҳрамони эгаллайди. Агар диққат қилинса, эпос қаҳрамонининг ҳам муайян ижтимоий гуруҳ, айрим олинган халқ, қабила ёки уруф ичидан алоҳида олинганлиги кўриниб туради. Бу нарса эпос қаҳрамонининг ўзи хизмат қилувчи халқ ёки уруф амалга ошира олмаган вазифаларни адо этишида, бошлаган курашларининг ҳаммавақт ғалаба билан якунланишида, қисқаси, якка ўзининг муайян халқ идеалини ўзида мужассамлаштиришида янада яққолроқ намоён бўлади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, эпос қаҳрамо-

ни — бадий образ мифологик субъектдан ўзининг турдошлик касб этиш хусусияти билан фарқланиб туради. Бу нарса турли халқлар эпоси қаҳрамонларининг ўзига хослигида кўзга ташланади. Масалан, ўзбек халқида Алпомиш бўлса, қирғизларда Манас, нарт эпосида Сосруко, арманларда Сосунлик Довуд ва ҳоказо. Мифологик субъектлар бундай турдошлик хусусиятига эга бўлмайдилар. Масалан: Прометей, Борей, Кастор, Идес, Пинкей, Теламон, Пелей, Тезей, Анкей, Адамей каби қадимги юнон мифик субъектлари ёки Ра, Фивамоин, Феодор, Шу-Онурис, Гор, Апон, Осирис каби қадимги миср мифик субъектлари ҳеч қачон турдошлик касб этмайди³⁵.

Демак, мифологик субъектнинг бадий ижодда эволюция туфайли эпос қаҳрамонига айланишида диффузия ҳодисаси юз берганлиги аниқ. Мифологик субъектнинг турдошлик касб этмаслиги, бадий образнинг эса турдошлик касб этиши рўй берган диффузия жараёнининг асосий айирма қиймати бўлиб хизмат қилади.

Мифологик субъект ва эпос қаҳрамони ташқи тасвир масаласида ҳам бир-бирларига яқин келадилар. Бу яқинлик энг аввал ҳар иккисининг ҳам барча ўринларда, барча ҳолатларда, қандай ғайритабiiий қудратга эга бўлмасин, антропонимик характерга, хусусиятга эга бўлишида кўзга ташланади. Чунки мифологик субъект ҳам, эпос қаҳрамони ҳам ҳаммавақт ўз моҳияти билан тараққиёт учун хизмат қиладилар. Бу ўринда кичик бир нарсага аниқлик киритишга тўғри келади. Биз қўллаётган «мифологик субъект» ва «эпос қаҳрамони» атамалари шартли олинган бўлиб, улар фақат ижобий хусусиятга эга бўлган мифик субъект ва эпос қаҳрамонларига нисбатан ишлатилган.

Хаос учун курашувчи мифик субъект ва эпосдаги салбий кучлар бир-бирлари билан генетик жиҳатдан алоқадордирлар. Улар ўзларининг функцияларига кўра хоҳ мифологик бўлсин, хоҳ ижтимоий эстетик тафаккур тарзи бўлсин, бари бир икки хил кўринишда тасвирланадилар: 1) антропологик шаклда, аммо ўта бадбашара, бадхулқ тарзда; 2) зоолатрик шаклда, бешафқат ва ёвуз тарзда. Улар қай шаклда тасвирланишидан қатъи назар, мифологияда объектив қарши турувчи куч сифатида идрок этилади. Халқ эпосида эса тараққиёт даражасига қараб бундай қарама-қарши турувчи кучлар турлича талқин қилинади. Қаҳрамонлик эпосида — классик эпосда бундай кучлар ёвуз, аммо антропологик қиёфада тасвирланади. Масалан, «Алпомиш» эпосида қаҳрамонга қарши турган кучлар генетик жиҳатдан мифологик антисубъект-

³⁵ Бу ўринда биз мифологиянинг кейинги тараққиётини назарда тутмаймиз. Чунки бадий тафаккур тарзи вужудга келгач, мифология бутунича бадий ижод билан диффузиялашиб кетди ва айрим мифологик субъектлар ҳам бадий жиҳатдан қайта ишланиб, турдошлик касб этиш характерига кўчганлигини назардан қочирмаслик лозим. Юқоридаги бизнинг фикримиз фақат архаик мифологияга тааллуқлидир. Умуман, мифологиянинг бадий ижод билан диффузиялашиб, мифик субъектларнинг эпик қаҳрамонга айланиши ва бу жараёнининг соф бадий ижоддаги характери махсус тадқиқ этилишга муҳтож.

ларга алоқадор Сурхайил ва унинг тўқсон алп ўғлонлари ана шундай характерга эга. Уларнинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракати, ҳаракат макони ва замони қай даражада муболағали бўлишидан қатъи назар, ҳаётий ва ишонарли даражада тасвирланган. Романик эпосда эса салбий функциядаги мифологик субъектлар билан алоқадор образлар икки хил типологик шаклда тасвирланган: а) антропологик шаклда, масалан: мастон, пари, ялмоғиз, кўса ва ҳоказо; б) зоолатрик шаклда, масалан: дев, аждар, семурғ ва ҳоказо. Эпосдаги салбий образларнинг қаршилиги эса реал воқеликдаги зиддият сифатида эмас, балки халқнинг фантазияси, унинг турли хилдаги қарашлари системаси билан боғлиқ ҳолда изоҳланади.

Мифдаги қарама-қарши турувчи кучлар ўз моҳияти жиҳатидан фақат субъект амалга оширадиган вазифанинг мушкуллигини кўрсатишдан иборат. Халқ эпосида эса қарши турувчи кучларнинг функцияси иккиланади: 1. Реал воқеликдаги зиддиятни англатиш функцияси. Бунда зиддият мифдагидек эпос қаҳрамони бажарадиган вазифанинг мушкуллигини англатади, қаҳрамон синовлардан ўтади ва охир оқибатда ғалаба қозонади. 2. Эстетик функция. Бу функцияга кўра, қарама-қарши турувчи кучлар соф поэтик ретардация учун хизмат қилади. Чунки бундай ретардация ва унинг меъёрини ошириш эпос учун катта сюжетлар яратиш имконини беради. Масалан, Алпомишнинг биринчи бор қалмоқлар юртига бориб, Барчинни олиб келишини олайлик. Ана шу сафардаёқ Алпомиш ўз ёри билан бирга амакиси Бойсарини ҳам олиб келиши мумкин эди. Аммо бундай қилиш миф қонуниятига тўғри келса ҳам, эпос қонуниятига мос келмас эди. Алпомишнинг қалмоқлар юртига иккинчи бор сафари, чоғга тушиши, тутқунликда етти йил ётиши, охир оқибатда Тойчихонни енгиб, амакисини олиб келиши ва икки бўлинган Кўнгирот уругини бирлаштириб, ҳокимият тепасига ўтириши асар бошида ўртага қўйилган конфликтнинг осонликча ҳал қилинмаслигини, унинг ҳал этилиши учун қаттиқ ва омонсиз кураш олиб бориш лозимлигини эстетик жиҳатдан асослаб беради. Мана шунинг учун ҳам халқ ўз идеалини ташувчи эпос қаҳрамонига оғир масъулият юклаб, уни чексиз муҳаббат билан ардоқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мифологик субъект ва эпос қаҳрамони, мифологик субъектлар ва эпос персонажлари муносабати, улар ўртасидаги турлича чатишишлар узоқ давом этган диффузия жараёнининг оқибатидир.

Мифологик кодларнинг эпосда диффузияга учраши масаласида қаҳрамонлик эпоси ва романик эпос ўзига хослик касб этади. Бу масалада биз биргина эпос қаҳрамони олдига қўйилдиган тўсиқларнинг мифологик асослари хусусидагина фикр юритишни лозим топдик.

Алпомиш Барчинни қалмоқлар юртдан қўйилган уч шартни қаҳрамонларча бажариб олиб келади. Бироқ қалмоқ шоҳи Тойчихоннинг Бойсарига ўтказаетган жабр-зулмини эшитган Алпо-

миш қирқ йигитини олиб яна баҳодирона сафарга отланади. Ўлдирилган қалмоқ алпларининг онаси Сурхайил мастон Алпомишнинг сафаридан хабар топиб, унинг келадиган йўлида қирқ гўзал иштирокида катта зиёфат ташкил этади. Алпомиш ва унинг қирқ йигити беҳуш қиладиган дори қўшилган май таъсирида ўзларидан кетадилар. Мана шу пайтда Сурхайил кампирнинг буйруғи билан қаҳрамоннинг қирқ йигити ўлдирилади, ammo Алпомишга на ўқ, на қилич таъсир қила олади. Ниҳоят, унга катта, чуқур чоқ қазилади. Бироқ Алпомишни ҳеч ким ўрнидан қимирлата олмайди. Мана шу пайтда уни Бойчиборнинг думига боғлаб судрагадилар ва от чоқдан сакраган пайтда, арқон кесилиб, Алпомиш шу йўл билан чоқга қулайди ва унинг чоқдаги бандилиги бошланади.

Қаҳрамоннинг бандилик ҳолати, айниқса, бу ҳолатнинг ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»даги кўриниши ўз навбатида уч хил функция бажаради. Биринчиси — қаҳрамоннинг ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, дуч келган тўсиқларни мардонавор баргараф этиб, ўз мақсадини оғишмай бажаришдаги сабр-чидамини синаши. Бу жиҳатдан жаҳон халқлари эртаклари ва эпосида жуда кўп типологик ўхшаш сюжетлар мавжуд³⁶. Мавжуд сюжетларнинг барчасида ҳам қаҳрамоннинг бандиликка тушиши мотиви юқорида кўрсатилган функцияни бажаради. Иккинчиси — эпосдаги воқеаларнинг занжирий боғланиб, эпик тугалликни таъминлаши. Алпомиш қалмоқ юртидан ўз ёрини олиб кетаркан, тўқсон аллни ўлдиради, Тойчихоннинг қўшинига катта зарба беради. Энди қалмоқ шоҳи ва Сурхайил кампир ҳам ўз навбатида Алпомишдан қасд олишлари лозим. Демак, қаҳрамоннинг қалмоқлар юртига қайтадан сафари муқаррар. Бу муқаррарлик ва эпик воқеаларнинг мантиқий боғланиши, тугаллигини таъминлашга Бойсарининг қалмоқ юртида жабр-зулм чекиши сабаб бўлади. Қирқ йигитидан айрилиб бандиликка тушиш эса, Сурхайилнинг ўз ўғиллари ўчини олишидан бошқа нарса эмас. Учинчидан — эпик баёнда қаҳрамоннинг бандиликка тушиши соф эстетик функцияни ҳам бажаради. Чунки Алпомишнинг бандиликка тушиш пайтидаги ҳаракатини маконда бир оз тўхтатиш орқали эпик баёни бошқа маконга, бошқа персонажларга кўчириш имконияти туғилади. Муҳими шундаки, эпосдаги воқеаларнинг марказлашиши бевосита қаҳрамон билан боғланиши лозим. Мана шунинг учун ҳам бошқа макондаги персонажлар ҳаракати яна қаҳрамон ётган макон ва ҳолатга келиб туташади. Мана шундан сўнг эпик макон ва замонда яна ўзининг илгариги оқими бўйлаб давом этади. Бу ўринда биз учун қаҳрамон йўлида юзага келган эпик тўсиқнинг функцияларини таҳлил этиш эмас, балки бу тўсиқнинг қадимги мифологик асосларини аниқлаш муҳимроқ ҳисобланади. Мана шу нуқтан назардан қараганда, Алпомиш ташланган чоқ-

³⁶ Жирмунский В. М. Эпические сказание об Алпамыше и «Одиссея» Гомера. В кн.: Жирмунский В. М. Избранные труды. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Л., 1979, с. 314—335.

нинг мифологик асоси нимадан иборат. Бу мотивни олтой қаҳрамонлик эртаги «Алп-Манаш» ҳамда халқаро сеҳрли эртақлар репертуарини қиёсан ўрганган академик В. М. Жирмунский қаҳрамон ташланадиган чоҳ ўзининг генетик асослари жиҳатидан қадимги мифологик қарашларга бориб тақалишини эътироф этади³⁷. Бу мифологик қарашлар эса ўз моҳияти жиҳатидан ер ости (сув ости) дунёсидан иборат эканлигини бошқа тадқиқотчилар ҳам тасдиқлайдилар³⁸.

Маълумки, мифология муайян ижтимоий тузумнинг, яъни ибтидоий жамоа тузумининг ғоявий, эстетик, ҳуқуқий ва ахлоқий қараш ҳамда эътиқодларининг ифодаси сифатида ижтимоий тараққиётнинг маълум босқичида инқирозга юз тутлади. Бу давр эса Урта Осиё халқлари тарихида ибтидоий уруғчилик идеологиясининг емирилиши ва аста-секин қулдорлик жамиятининг юзага келиши пайтига тўғри келади. Мана шу даврда вужудга келаяётган қаҳрамонлик эпоси мифология хазинасидаги жуда кўп тайёр воқеалар тасвиридан қоллиб сифатида ижодий фойдаланиб, уларни ўз таркибида муҳим мотивларга айлантириб юборди. Шу нуқтаи назардан қараганда, эпос қаҳрамони тушадиган чоҳ ўзининг семантик майдони жиҳатидан кичик масштабдаги космос таркибида сақланиб қолган хаос қолдиқларидан иборат. Бу қолдиқлар эса ҳар қадамда, ҳар бир ерда эпос қаҳрамонига хавф солиб туради. Чунки у ёки бу қабила ёхуд уруғ идеали учун курашаётган қаҳрамонга қарши бўлган салбий персонажлар уни ана шу хаосга қулатиши мумкин. Албатта, бу нарсага юзаки қаралса, бирор қаҳрамонни у ёки бу хаос тементига қулатиш билан мавжуд космосга путур етмайдиганга ўхшайди. Чунки айрим олинган шахс ҳеч қачон мавжуд космоснинг тақдирини ҳал қила олмаслиги мумкин. Лекин мифологиядаги субъект — димиург ўз моҳияти жиҳатдан хаос ва космос курашини космос фойдасига тўлиқ ҳал қилувчи шахсдир. Мифологияда бу курашни инсоният фойдасига ҳал қилувчи бошқа ҳеч қандай куч йўқ. Эпос қаҳрамони ўзининг семантик майдони асосига мифологик субъектнинг ана шу олижаноб функциясини олган. Бироқ эпосда қаҳрамонга мувофиқ келадиган эпик тўсиқ ҳам лозим. Бу тўсиқ эса бутунлай ижтимоий омилга — ижтимоий талқиндаги мифологик хаос реликтдан иборат бўлган чоҳ, дарё, балиқ қорни («Нурали» достони) ёки ҳовуз ости («Ёрилтош» эртагини эсланг), жамият тараққиётининг кейинги босқичлари учун эса зиндон кабилардан иборат. Демак, эпос таркибидаги эпик тўсиқ, айни пайтда Алпомиш қулатилган чоҳ, мифологиядаги башариятга хавф солиб турган, космос бағрида сақланиб қолган хаос қолдиқларидан бошқа нарса эмас. Бундан маълум бўладики, эпос мифологик тўсиққа

³⁷ Жирмунский В. М. Кўрсатилган асар, ўша бет.

³⁸ Неклюдов С. Ю. О функционально-семантической природе знака в повествовательном фольклоре. В кн.: «Семиотика и художественное творчество». М., 1977; с. 221—225.

хос бўлган кодни бутунлай ижтимоий кодга айлантирган ҳолда қабул қилиб олган.

Мифологияда ҳам, эпосда ҳам тўсиққа учраган субъект — эпос қаҳрамони бир хил ҳолатда — вақтинчалик ҳаракатсизликка маҳкум. Бу ҳаракатсизлик мифда чала ўлик кўринишида воқе бўлса, эпосда беҳушлик, узоқ давом этувчи баҳодирона уйқу ёки тўғридан-тўғри ночорлик, бандилик каби кўринишларда зоҳир бўлади. «Алпомиш» дostonида ҳаракатсизлик имконсизлик шаклида тасвирланган. Бироқ қаҳрамоннинг ҳаракатсизлик ҳолати абадий бўлиши мумкин эмас. Чунки мифологияда ҳам, эпосда ҳам тасвир қай томонга қаратилмаган бўлмасин, бари бир эпик замон, охир оқибатда макон ҳам асосий субъект — эпос қаҳрамонига, унинг тақдирига бўйсундирилган бўлади. Модомики шундай экан, мифда ҳам, эпосда ҳам субъектни — эпос қаҳрамони хаос хавфидан сақлаб қолиш вазифаси кўндаланг бўлиб туради. Мифда субъект ғайритабиий кучлар, аллақандай руҳлар ёки бошқа хил сабаблар ёрдамида хаос хавфидан қутулади. Қаҳрамонлик эпоси ўз табиатига кўра нисбатан социал кодлашган экан, эпос қаҳрамони мавжуд эпик тўсиқдан ўз мавқеи ва салмоғига яраша ҳақиқий ҳаётий воситалар асосида қутқарилиши лозим. «Алпомиш» дostonининг миллий версия ҳамда вариантларида қаҳрамонни чоҳдан қутқариш уч хил шаклда амалга оширилади. Улардан биринчиси ва асосийси — эпик қаҳрамоннинг доимий йўлдоши бўлмиш отнинг думи. Шунинг учун ҳам отнинг думи ғайритабиий қудратга эга бўлиши, яъни керакли ўринда қирқ қулочга чўзилиши ва пишиқ бўлиши лозим. Бундай хусусият қандай қилиб мавжуд бўлиши мумкин?

Халқ эртаклари, афсона ва ривоятлари, эпос намуналарида кўп учрайдиган машҳур бу мотивни кўздан кечириб, таҳлил этсак, юқоридаги саволга жавоб топа оламиз. Мазкур мотив эпик қаҳрамоннинг бирор ҳайвонга яхшилик қилиши ва бу яхшилик эвазига у ҳайвоннинг қаҳрамонга ўз қилидан (агар қуш бўлса, патидан) беришидан бошланади (айрим тотемистик қарашлар таъсирида қаҳрамон бирор ҳайвон билан ширхўра ҳам бўлиши мумкин). Эпик қаҳрамон лозим бўлган пайтда ҳадыя этилган қил ёки патни тутатиши билан ана шу ҳайвон ёки қуш унинг ҳузурига етиб келиб хизматини адо этади. Демак, ҳадыя этилган қил (пат) ўз моҳияти билан қадимги инсонларнинг, ҳайвон ва қушларнинг руҳи, уларнинг ҳар бир аъзосида яшайди каби қарашлари билан бориб боғланади. Мифологик тасаввурлар ривожини билан боғлиқ ҳолда ҳайвон танасининг ҳамма еридаги қил эмас, балки ўта даражада белгиланган тана қисмидаги қилгина магик қудратга эга бўлади. Масалан, отнинг ёли ва ҳоказо. Қандай бўлмасин, қадимги инсон тасавурида ҳайвон, инсон, умуман, жонзодларнинг қили улар руҳининг сақланадиган жойларидан бири ҳисобланади (халқ орасида қисман сақланиб қолган тўкилган сочини кўмиш одати ҳам шундай қарашларнинг қолдиғи ҳисобланади). С. Ю. Неклюдовнинг ҳақли кўрсатишича, магик қил

пат) сеҳрли, жисмоний ва маънавий қудратга эга бўлиб, у ҳам-мавақт тақдим этилган шахсга бахт, муваффақият келтиради³⁹.

Демак, Алпомиш ётган чоҳга ташланган Бойчибор думининг чўзилиб, чоҳда ётган алпни тортиб олишга қодир бўлган қудратга эга бўлиши қадимги мифологик тасаввурнинг (тўғриси, ани-мистик тасаввурларнинг) эпос доирасидаги диффузиялашган ҳо-латидан иборатдир.

Чоҳда тутқунликда ётган қаҳрамонга ташланадиган восита-ларнинг қолган икки тури ҳам ўз моҳияти жиҳатидан юқоридаги каби мифологик қарашлар билан изоҳланувчи қилдан иборат матолар бўлиши лозим. Улар от думидан тайёрланган арқон ёки қаҳрамон севгилисининг ғайритабiiй чўзилувчи ва қисқарувчи сочи. Кейинчалик эпосга кириб келган ипак арқон кабилар эса ана шу мифологик қарашларнинг ўта даражада трансформация-лашган, ўзининг семантик майдонини йўқотган кўриниши сифати-да олиб қаралиши лозим. Мана шунинг учун ҳам қаҳрамонлик эпосининг классик намуналарида ипак арқонга ўхшаш воситалар ўзларининг функцияларини муваффақиятли ўтай олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» да қаҳрамон йўлида дуч келувчи тўсиқлар ўзларининг генезиси билан қадимги мифологик қараш ва тасаввурларга бориб тақалади. Бундай мифологик замин, бундай мифологик кодлар эпос таркибига киргач, диффузиялашиб ижтимоий-эстетик кодга ай-ланиб кетган. Бироқ эпос таркибида ижтимоий-эстетик кодга ай-ланган мифологик кодлар ўзларининг функционал-семантик май-дони билан қадимий мифологик кодларни қайта тиклашга ҳам-мавақт имкон беради.

Эпос қаҳрамони йўлида учрайдиган тўсиқларнинг мифологик асослари романик эпосда ўзига хослик касб этади. Бу ўзига хос-лик энг аввало романик эпос қаҳрамони йўлидаги барча тўсиқ-ларнинг қаҳрамонлик эпосига қараганда нисбатан мифологик асосларга яқиндан алоқадорлигини яхши сақлаб қолганлигида кўзга ташланади. Бунинг муҳим шартларидан бири романик эпоснинг эртак, афсона, ривоят ҳамда турли хилдаги нақллар бил-ан яқиндан алоқада бўлиши, ўзининг сюжет асосларини кўпроқ ана шундай эпик жанрлардан олишида ҳисобланади. Хуллас, ро-маник эпосга хос эпик тўсиқларда мифологик заминлар нисбатан аниқ сақланиб қолган. Фикримизнинг далили сифатида «Малика Айёр» дostonидаги эпик тўсиқларни кўриб чиқамиз.

Дostonда Авазхоннинг Торкистон мамлакатидан Малика Ай-ёрни олиб келиши воқеалари тасвирланган. Шунинг учун ҳам дoston романик эпоснинг ишқий-саргузашт типига мансубдир. Асарнинг жанр мансубияти ўз табиати жиҳатидан эпос қаҳрамо-ни олдига турли-туман тўсиқлар қўйилишини тақозо этади. Шу-нинг учун ҳам дostonда Авазхон олдига ўн тўрт хил тўсиқ этади.

³⁹ Неклюдов С. Ю. О функционально-семантической природе знака в повествовательном фольклоре, с. 218—219.

Бу тўсиқларнинг айримлари ижтимоий-эстетик кодга мансуб бўлса, аксарияти мифологик код асосидадир.

Достондаги эпик тўсиқлардан аксариятининг мифологик заминга эга бўлишининг асосий сабабларидан бири асар сюжети асосига қўйилган эпик тугун характери билан шартлангандир. Чунки қаҳрамон бирор сафарни маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда ихтиёр этади. Авазхоннинг Торкистон мамлакатидан Малика Айёрни олиб келишга отланиши асосида Гўрўғлининг Шакаркўлда парини учратиб, унга маҳлиё бўлиб қолиши ва парини излаб боришга даъвати ётади. Агар диққат қилинса, достондаги эпик тугун асосида ҳам икки муҳим мифологик асос борлигини кўриш мумкин: бири — кўк каптар қиёфасида учиб келиб, бир думалаб гўзал маликага айланадиган мифологик образ; иккинчиси — ана шу мифик образнинг яшаш макони — мифологик Торкистон мамлакати. Дастлаб мифик образ ҳақида тўхталамиз.

Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқининг ҳам мифологик қарашларича, парилар инсон қадами ета олмайдиган узоқ бир юртда (бу юрт халқ эртак ва достонларида Кўҳи Қоф деб юритилади) яшайдилар. Парилар эса асосан инсон қиёфасида бўлиб, ўта гўзал бўладилар ҳамда бир пайтнинг ўзида турли қиёфага кира оладилар (ўзбекларда кўпроқ турли рангдаги каптарларга айлана оладилар) ва ҳеч қачон ўлмайдилар. Халқнинг мифологик эътиқодларига кўра, пари қучган кишилар узоқ яшашлари, ҳаттоки, умрбоқийликка ҳам эга бўлишлари мумкин. Мана шу боисдан халқ ўз севган қаҳрамонига ана шундай париларни дуч келтириб, уларнинг хатти-ҳаракати, қисмати орқали ўзининг идеалларини қўйлайди.

Париларнинг кўпроқ қайси парранда қиёфасига кириши масаласида ўзбек халқ эртаклари ва достонлари бир хил хусусиятга эга. Ҳар икки жанрда ҳам парилар каптар қиёфасига кирадилар, агар истисно тарзда пари қизлар бошқа хил қушлар қиёфасига кирса, бу ҳодиса фақат кейинги даврларга хос трансформация натижаси сифатида олиб қаралиши лозим. Бу ўринда парилар нега бошқа қушлар қиёфасига эмас-у, фақат каптар қиёфаси орқали намоён бўладилар, деган савол туғилиши мумкин.

Халқ эртаклари ва достонлари, афсона, ривоят ва нақллари ўзларининг ижтимоий-эстетик моҳиятлари билан халқ оммаси орзу-истакларини нисбатан кенг қамровда, қизиқарли тарзда акс эттирувчи жанр ҳисобланади. Демак, бу жанрлар халқнинг мифологик бир воқеа ёки образни ўзининг мифологик заминига яқинроқ шаклда акс эттирадилар. Агар халқ орасида юрувчи турли хилдаги ривоят ва нақлларга диққат қилинса, уларнинг барчасида ҳам парилар фақат каптар қиёфасида учрашини кузатиш мумкин. Бу нарсанинг сабаби шундаки, каптар ўзининг турли хислатлари билан инсонга яқин туради. Қолаверса, қадимги инсонларнинг анимистик қарашлари, яъни кишиларнинг жони бевосита каптар қиёфасида учраши билан изоҳланади. Кўпгина халқ эртак ва достонларидаги мифологик образлар (мастон, аждар ёки

дев кабилар)нинг жони топилиши мушкул бўлган жойларда каптар қиёфасида яширинган бўлади. Мана шу сеҳрли жойларни топиш ва қаҳрамоннинг мифологик тўсиқлардан муваффақиятли ўтишида унга ҳаммавақт кўмакчи (даритель) образи ёрдамга келади. Қадимги инсонларнинг жон ҳақидаги тасаввурлари каптар билан боғлиқ экан, демак, тирик жон-пари образининг ҳам каптар билан боғлиқлиги ўз-ўзидан табиий ҳисобланади. Парининг каптар қиёфасидан инсон қиёфасига ёки аксинча айланиши унинг ғайритабиий қудратга эга эканлигини англатишдан, аниқроғи, инсон тасаввуридаги парининг мифологик заминини сеҳр пардасига чўлған ҳолда ифодалашдан иборат.

Мазкур ўринда яна бир нарсага аҳамият бериш лозим. У ҳам бўлса париларнинг қай вақтда қандай рангдаги каптар қиёфасида учраши масаласи ҳисобланади. Бу масалада халқ афсона, ривоят, эртак ва дostonларидаги парилар образини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, ўзбек фольклорининг эпик жанрларидаги каптар қиёфасидаги парилар икки хил рангда учрайдилар: а) кўк рангда. Бундай рангдаги каптар асосидаги мифологик образ эпик қаҳрамон олдига жуда ҳам мушкул, ammo унинг уддасидан чиқа оладиган вазифа қўяди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида биз сўз юритаётган дostonдаги Малика Айёрни кўрсатиш мумкин.

Ранг нуқтаи назаридан қараганда, кўк ранг қадимдан ғайритабиийлик, илоҳий қудрат тушунчалари билан боғлиқ изоҳланади. Чунки қадимги инсонлар кўк рангдаги осмон ва у билан боғлиқ жисмлар ҳамда ҳодисаларнинг туб сабабларини билмаганликлари учун уларнинг барчасини илоҳий деб ҳисоблаганлар. Осмоннинг мовий ранги эса ҳамаша илоҳий қудрат рамзи сифатида қабул қилинган. Худоларнинг аксарият ҳолларда осмонда тасаввур этилиши (бу нарса, айниқса, монотеистик динларда ривожланган), ҳаттоки қадимги туркий тилдаги кўк осмон атамасининг кейинчалик фақат худо маъносида қўлланиши ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. VIII асрга мансуб туркий тилдаги Култегин ёдномасидан келтирилган қуйидаги жумла шу жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Унда Култегиннинг ота-боболари дунё яратилгандан буён салтанат эгалари бўлиб келганлиги таъкидланади: Ҳазъа кўк таъри асра жағыз јир қылынтуқда, акин ара киси оғлы қылынымыс⁴⁰, яъни: юқорида кўк тангри (осмон), пастда яғыз ер (қўнғир ер) қилинганда (яратилганда), бошқача айтганда, дунё яратилганда, ҳар иккисининг ўртасида киши ўғли (инсон) яратилган. Келтирилган жумладаги энг қизиқ факт осмон атамасининг қадимги туркий тилда «кўк тангри» шаклида эканлиги ҳисобланади. Демак, «тангри» сўзи кейинчалик ўз ўрнини форстожикча осмон сўзига бўшатиб бериб, ўзи фақат худо маъносида қўлланила бошлаган. Ўз моҳияти жиҳатидан осмон маъносидаги «тангри» сўзи жуда кўп халқларда айни пайтда худо маъносини

⁴⁰ Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности (тексты и исследования) М.—Л., 1951, с. 28.

ҳам англаган⁴¹. Халқ ўртасида қўлланилиб юривчи «тангри ёр-лақасин», «тангри қўлласин», «тангри ўзи сақласин» каби жуда кўп ибораларнинг тарихий илдиэлари ҳам бевосита осмон ва унинг мифологик асосларига бориб тақалади. Осмоннинг илоҳий қудрат сифатида тасаввур этилиши эса қадимги шаманстик қарашларга асосланади⁴².

Халқ эртак ва дostonларида парининг кўк каптар қиёфаси орқали берилиши икки нарсани: 1) ғайритабий, илоҳий қудратга эгалликни; 2) хавф-хатар, сеҳр, тилсимга бойликни таъкидлашга хизмат қилади. б) айрим халқ эртак ва дostonларида оқ каптар ҳам учрайди. Бундай каптар кўп ўринда бирор мифологик образнинг жони ёки пари айланиши мумкин бўлган қиёфаси сифатида берилади. Оқ рангдаги каптар қиёфасида тасвирланган париларнинг эпик қаҳрамони олдига қўйган вазифаси у қадар хавф-хатарга бой бўлмаслиги билан ажралиб туради.

«Малика Айёр» дostonидаги эпик тугун асосида ётувчи иккинчи бир мифологик асос пари яшайдиган макон — Торкистон мамлакати ҳисобланади. Агар юқоридаги қайдларга аҳамият берилса, қаҳрамон сафар қилувчи макон ўта даражада қийин, хавфли эканлигини сезиш мумкин. Чунки, биринчидан, излаб бориладиган ёр мифологик образ, иккинчидан, у кўк каптар қиёфасига айланади. Мана шу икки жиҳатга шартланган ҳолда унинг яшаш макони ҳам мифологик характер касб этади. Бу макон атамасидан ҳам кўришиб турибдики, у юрт ер остида жойлашган ва Торкистон деб аталади. Торкистон сўзи форсча-тожикча бўлиб, биринчи қисми торик—қоронғу, иккинчиси эса ясовчи—стон (-истон) аффиксидан иборат. Бундан маълум бўладики, дostonдаги Торкистон атамаси қоронғулик, зулмат мамлакати маъносини англатади. Буни дostonдан келтирилган қуйидаги мисралар ҳам тасдиқлайди:

«Давлатингдан шoли-шoлдам ўрасанг,
Кеча кўрган тушни кундуз йўрасанг,
Бир пари-пайкар деб мeндан сўрасанг,
Мен ҳам шаҳри Шабистондан бўламан.

Мен келганман одамзоднинг қасдида,
Изласанг топмайсан ернинг устидан,
Бир мазгилим кун чиқмаган «гўристон»,
Мени сўрсанг, «гўристондан» бўламан»⁴³.

Қадимги мифологик тасаввурларга кўра, қоронғулик космосга (ёруғликка) қарама-қарши турган хаоснинг муҳим бир белгиси ҳисобланган. Шундай экан, бундай юрт ернинг остида бўлиб, унга тушиш учун инсон бирор мифологик образ ёрдамида ер юзасидан чиқиб кетиши ва қоронғулик мамлакатига тушиши лозим. Бу

⁴¹ Валиханов Ч. Ч. Сочинения. СПб., 1904, с. 19—20.

⁴² Банзаров Доржи. Собрание сочинений. М., 1965, с. 63—64.

⁴³ «Малика Айёр». Ўзбек халқ дostonлари. Икки томлик. 1-том. Тошкент, 1956, 237-бет.

Ўринда қадимги мифологик тасаввурларга кўра, ер ҳам маълум чегарага эга бўлганлигини, яъни хаос ичида сузиб юрувчи космос парчаси сифатида унинг четидан сакраб ер остига тушиш мумкинлигини ҳам тасаввур қилинган.

Малика Айёрнинг яшаш макони ер ости дунёси — қоронғулик дунёси билан боғлиқ экан, бундай мифологик код романик эпосда жуда тиниқ сақланиб қолган. Қаҳрамонлик эпосида эса бунга ўхшаш мифологик коднинг кескин ижтимоий эстетик кодга айланиб кетишини «Алпомиш» достонидаги чоҳ мисолида яққол кўрдик.

Мифологик коднинг қаҳрамонлик эпосида кескин суратда ижтимоий-эстетик кодга айланиши, романик эпосда эса нисбатан тиниқ сақланиб қолиши биринчисининг халқ томонидан ҳақиқий қаҳрамонона ўтмиш сифатида қабул қилиниши, иккинчисининг эса халқ орзу-истакларини ифодаловчи восита эканлиги билан изоҳланади. Мана шунинг учун ҳам романик эпос ўз сюжети асосига жуда кўп нақл, ривоят, сеҳрли-фантастик эртакларни олади ёки ўзи даврлар ўтиши билан унутилиб, турли хилдаги қисқартиришларга учраб юқорида айтилган эпик жанрлар шаклида сақланиб қолади.

Энди қуйида Авазхоннинг сафари давомида дуч келувчи тўсиқлар ва уларнинг мифологик қарашлар билан алоқаси хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Авазхон Торкистон мамлакатини излаб сафарга жўнар экан, дастлаб унинг йўлида Аҳмад сардор юборган Асад, Шодмон мерган тўсиқ бўлиб турадилар. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, бу тўсиқ ижтимоий характерга эга. Чунки мерганлар сардорнинг топшириғига биноан Авазни отиб ўлдириш мақсадида Авазхоннинг йўлини пойлаб турадилар. Авазни ўлдириш орқали Аҳмад сардор Гўрўғлига бўлган илгариги қасдини олар эди. Воқеалар оқими душманлар кутган натижани бермайди — Аваз мерганлар ўқидан омон сақланиб қолади. Бунда Гиротнинг сезгирлиги асосий роль ўйнайди. Агар диққат қилинса, Гиротнинг сезгирлиги асосида ҳам мифологик код ётганлигини сезиш мумкин.

Маълумки, Ўрта Осиё халқларида от култи мавжуд бўлган. Мана шунга биноан дoston, эртакларда халқ севган қаҳрамоннинг жанговар оти унинг содиқ, рамхўр ҳамроҳи сифатида тасвирланади. У ўз эгасини турли хавф-хатарлардан огоҳлантириши, душман қуршовларидан олиб чиқиб кетиши, хуллас, сафар давомида унга ҳомийлик қилиши лозим. Ўзбек халқ эртак, афсона, ривоят ва дostonларида от култининг мана шу муҳим белгиси яхши сақланиб қолган. «Шоҳнома»даги Рахш, «Алпомиш»даги Бойчибор, «Гўрўғли» туркумларидаги Гирот ана шундай отлар жумласига киради. Шунинг учун ҳам Гирот мерганлар ўқидан гоҳ қирқ газ юқори сакраб, гоҳ ётиб олиб Авазни сақлаб қолади. От култи ва унинг инсонга ҳомийлик қилиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар бевосита мифлар орқали эпосга кириб келган. Аммо эпос таркибида бу кулът излари даврлар билан турли хил-

даги ўзгаришларга учраб, ўзининг ҳақиқий мифологик функциясини ижтимоий-эстетик функцияга бўшатиб берди. Демак, Авазхоннинг йўлида турган тўсиқларнинг биринчиси ижтимоий характерга эга бўлса-да, ўз таркибида мифологик маъни сақлаб қола олган.

Авазхон йўлидаги иккинчи тўсиқ Арботин лашкари ва унинг паҳлавон сардори Мақотил ҳисобланади. Мақотил соф мифологик образ бўлса, унинг қўл остидаги лашкар мифологик характер касб этмайди. Бундан кўринадики, қаҳрамон йўлидаги тўсиқ таркибида икки хил қатлам мавжуд. Қизиги шундаки, халқ эпоси таркибида ижтимоий ҳамда мифологик қатлам узвий боғлиқликда ҳаракат қилади. Масалан, мифологик образ Мақотилнинг зарбасидан ижтимоий тип — Аваз ўз кучи ва бардоши туфайли омон қолади, аммо ўз навбатида Авазнинг зарбасига мифологик образ чидаш бера олмайди. Икки хил қатлам, икки типдаги коднинг эпик баёнидаги узлуксиз ва дostonдаги драматизмни таъминлашдаги ўзаро боғлиқлик бевосита миф ҳамда эпос ўртасидаги узоқ давом этган тарихий алоқанинг, аниқроғи, бир-бирига ўтиш, ча-тишишнинг оқибатидир.

Авазхон йўлидаги эпик тўсиқларнинг навбатдаги тўққизтаси: Япроқ дев ва унинг ҳамроҳлари, Қизил дев, Қўклам тоғ тилсими ва Боймоқдев, қирқ минг аждаҳо, Боймоқдевининг бир меш заҳарли сувга ҳамда қизил гулга айланиши, Урта чўлда ўт бўлиб ҳаммаёқни ўраб олиши, Боймоқдевининг сирларини огоҳ қилган шахснинг тошга айланиши кабилар эпик тўсиқ сифатида ўзларининг мифологик кодларини тўлиқ сақлаб қолганлар. Бундай хавф-хатар қаршисида Авазнинг бардош бера олмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам халқ ижодкорлари фантазияси Гўрўғли образига қўшимча яна бир хислат ҳам бағишлайди. У Шоқаландар қиёфасида Шозаргар билан бирга ҳамма ерда Авазга мададкор бўлиб, уни хавф-хатардан омон сақлайди. Аваз ва икки ҳамроҳининг олмага, отларини тўрғайга айлантириш, Шоқаландар қўйнидаги олманинг паризодга, паризод ёқасидаги жуволдизнинг эса ўйнашга айлантирилиши, Шозаргарнинг турли қиёфага кириб дуч келган тўсиқларни енгиб ўтиши (узук, каламуш ва ҳоказо) мотивлари эса эпос таркибига сеҳрли-фантастик эртаклардан ўтиб ча-тишиб кетган.

«Малика Айёр» достонида қаҳрамон олдига қўйилган соф ижтимоий тўсиқлар билан генезиси мифологик тасаввурларга алоқадор эпик тўсиқлар нисбати солиштириб чиқилса, унда юқорида айтилгандек, генетик жиҳатдан мифология билан алоқадор эпик тўсиқлар нисбати кўпроқ ўринни эгаллайди. Бунинг муҳим сабабларидан бири дoston асосида ётган эпик тўсиқнинг бевосита мифологик образ-пари ҳамда мифологик макон — Торкистон мамлакати билан боғлиқлиги ҳисобланади. Бундан романик эпоснинг барча намуналаридаги эпик тўсиқлар кўпроқ мифологик кодлар билан алоқадор бўлар экан, деган тугал хулоса келиб чиқмаслиги лозим.

Ўзбек халқ романик эпоси таркибида ҳам шундай дostonлар борки, уларда мифологик тасаввур асосидаги эпик тўсиқлар «Малика Айёр»дагидек мавқеда бўлмайди. Масалан, «Орзигул» дostonини олайлик. Ундаги эпик тугун, асосий конфликт конкрет ижтимоий характерга эга. Шунга қарамай, дostonда бир ўринда аждар образи учрайди. Бироқ бу мифологик образ воқеалар давомида умуман эътиборсиз қолиб кетади. Демак, бундан романик эпос таркибига кирувчи дostonлардаги эпик тугун, конфликтнинг мифологик тасаввурлар билан боғлиқлигига қараб қаҳрамон йўлидаги эпик тўсиқлар ё кескин ижтимоий-эстетик, ё кескин мифологик характер касб этишлари мумкин, деган хулосага келиш мумкин. Бу нарса шуни кўрсатадики, романик эпос ҳам ўз эволюцияси давомида мифологияга турли даражада муносабатда бўлган: романик эпос тараққиётининг дастлабки намуналарида мифик субъектлар, макон ва замон, мифологияга хос турли усул ва воситаларни ўзининг талаб ҳамда имкониятларига мослаб ўз таркибига сингдириб юборган. Эпос тараққиётининг кейинги босқичларига томон романик эпоснинг мифологияга муносабати тобора торайиб, мавхумлашиб, турли хилдаги китобларга яшириниб боради, айрим ҳолларда, ҳатто, миф ва эпос диффузиясига мос келувчи фактларни қидириш керакли натижаларни бермайди.

Адабий манбалар асосида юзага келган халқ дostonларининг ҳам мифологияга нисбатан муносабати романик эпосдагидек характерга эга. Тарихий эпос эса ўз табиати, тасвир объекти жиҳатидан мифологияга алоқасиздир. Бунинг сабаби шундаки, тарихий дostonлар тарихий воқеликни халқ эпосига хос бадий тўқима доирасида қай даражада акс эттиришидан қатъи назар, ҳеч қачон мифологик манбага мурожаат этмайди. Чунки тарихий дostonларнинг сюжети реал ҳаётий воқеаларга асосланган бўлиб мазкур ўринда истисно сифатида шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, тарихий эпос персонажларининг тасаввур ҳамда қарашлари билан боғлиқ ҳолда айрим мифологик тушунча ва эътиқодлар (масалан: қарғиш, дуо-фотиҳа, маросимлар тасвири ёки мақоллар таркиби ва ҳоказо) тарихий эпос таркибига ҳам кириб қолади. Аммо бундай мифологик унсурлар бевосита миф ва халқ эпоси диффузияси масаласида принципал аҳамият касб этмайди. Юқорида айтилган мулоҳазаларга асосланиб миф ва халқ эпоси диффузияси юзасидан қуйидагича умумий хулосаларга келиш мумкин:

1. Қаҳрамонлик эпоси муайян халқнинг реал қаҳрамонона ўтмиши сифатида тасаввур этилганлиги ва умум томонидан шундай қабул қилинганлиги сабабли ўз генезиси асосида ётган мифологик факт ва мифологик талқинни кескин ижтимоий шакл ва талқинга айлантирган ҳолда акс эттиради. Бунда: а) мифик субъектлар антропологик қиёфадаги бадий образлар сифатида тасвирланади, масалан: Сурхайил кампир, тўқсон алп, Қоражон ва ҳоказо; б) архаик мифологияга хос конфликт кескин ижтимоий характердаги конфликтга айланиб мифик конфликт ўзининг моҳия-

тини тор семантик майдондагина сақлаб қолади, масалан: космос учун кураш ёр учун, уруғ бирлиги, қариндош-уруғ ҳимояси учун курашга айланади ва ҳоказо.

2. Романик ҳамда китобий асосдаги халқ дostonларининг сюжети генетик жиҳатдан кўпроқ афсонага, ривоят, эртақ каби бошқа эпик жанрларга бориб тақалади. Бундай типдаги дostonларда, албатта, эпос тараққиётининг турли босқичлари билан боғлиқ ҳолда мифологик асос ўзининг шаклий ҳамда функционал хоссаларини қаҳрамонлик эпосига қараганда нисбатан тиниқ сақлаб қолади. Бунинг ёрқин далили сифатида мазкур типдаги дostonларда кўп учуровчи аждар, дев, учар от (Гирот), семурғ, мас-тон, ялмоғиз кампир каби образларни кўрсатиш мумкин. Мана шунинг учун ҳам романик ҳамда китобий дostonлар қаҳрамонлик эпосига ўхшаб халқнинг реал қаҳрамонона ўтмиши сифатида эмас, балки халқ идеалларининг ифодаси сифатида қабул қилинади.

3. Халқ эпоси ўзининг иккита тақдорланмас хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Булар: а) асар асосида ётган конфликт шаклан якка-ю ягона қаҳрамон биографияси билан моҳиятан боғлиқдек туюлади, аммо у ҳаммавақт улкан ижтимоий моҳият касб этади; б) қаҳрамон олдига қўйилган вазифанинг урдасидан ҳеч ким, ҳаттоки коллектив ҳам чиқа олмайди — фақат эпосдаги идеал тип чиқа олади, холос. Бу икки жиҳат халқ эпосининг муҳим эстетик жиҳатларини ўзига қамраб олган типологик хусусиятлар ҳисобланадики, кейинчалик Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ёзма классик адабиётида ҳам бевосита ана шу хусусиятлар анъана сифатида қабул қилиниб муваффақият билан давом эттирилди. Юқорида кўрсатилган икки жиҳат нуқтаи назардан мифологик субъект билан эпос қаҳрамони бир-бирига қиёсланса, улар ўртасида генетик, функционал алоқадорлик мавжудлигини сезиш қийин эмас. Чунки биронта ҳам қаҳрамонлик, романик ёки китобий асосдаги халқ дostonи йўқки, унда қаҳрамон вазифаси кўпчилик томонидан ёки коллективдаги исталган шахс томонидан амалга оширилса. Эпос қаҳрамонининг коллектив идеалини ифодаловчилик бундай хусусиятини мифологик тафаккур даврининг демиурги ва унинг халқ эпоси таркибидаги эволюцияси сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Хуллас, миф ва халқ эпосининг диффузияси узоқ давом этган тарихий жараён бўлиб, бу жараённинг объектив ҳаётий асосларини, турли босқичлари ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларини очиш фольклористикамизнинг галдаги жиддий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

* *
*

Мифология инсон тафаккурининг қуйи босқичларида юзага келган экан, унинг эстетик тафаккур учун ҳам маълум даражада

замин яратганлиги шубҳасиз. Мифологиянинг эстетик тафаккур учун хос шакллар-жанрлар учун қай даражада замин бўлганлиги ва мифик тафаккур билан эстетик тафаккурнинг бир-бирига сингиши, чатишиши жараёнининг қандай амалга ошганлиги бево-сита диффузия қонунияти, унинг амал қилиш характериға боғлиқ масалалар ҳисобланади. Шундай экан, бу ўринда энг аввало принципаал аҳамиятға молик бир масала хусусида қисқача тўх-талиб ўтишға тўғри келади. У ҳам бўлса мифологик ва эстетик тафаккур тарзи, улар ўртасидаги боғлиқлик ҳамда ҳар иккисининг принципада тутган ўрни — олдинма-кетинлиги масаласини аниқлашдан иборат.

Миф, унинг семантик табиати ва функциясида ҳаммавақт бирор нарса, ҳодисанинг пайдо бўлиши ёки интиҳосини изоҳлаш муҳим ўринни эгаллайди, бошқача айтганда, миф этиологик ҳам-да эсхатологик функция бажаради. Эстетик тафаккурға хос шакллар — жанрлар эса бу икки қутбий функцияни изоҳлаш функциясиға эға бўлмай, балки лозим бўлганда уларни бадий образлар воситасида акс эттиришға хизмат қилади. Бинобарин, юқорида кўп марта таъкидлаганимиздек, миф қадимги инсоннинг воқелик ҳақидаги қарашлар мажмуаси, яъни у ҳам психологик, ҳам этик, ҳам эстетик, ҳам фалсафий, ҳам диний тасаввурлар йиғиндисидан иборатдир. Мифдаги мана шу синкретлилик бево-сита уни инсоният онгининг энг ибтидоий, энг қадимий маҳсули сифатида олиб қарашға ва баҳолашға ҳуқуқ беради. Эстетик тафаккур тарзи ва унга хос шакллар — жанрлар эса мифология пайдо бўлғач, маълум даврлар ўтғач, мифологиядан ажралиб чиқ-ди ва мустақил тараққий қилиб кетди. Шунда ҳам у жуда кўп ҳолларда ўз заминини, воқеликни акс эттиришнинг усул ва во-ситаларини мифология хазинасидан олди, уларни ўзига хос тарз-да ривожлантириб қабул қилди.

Ижтимоий онг шаклларининг тараққий қилиши ва бойиши мифдаги синкретик табиатдан ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадий сўз ва тасвир каби жуда кўп шаклларнинг мустақилликка чиқишиға ҳамда уларнинг мустақил ривожланиш йўлиға кириб олишлариға имкон берди. Бироқ бу нарсани механистик тарзда оддийгина дифференциаллашиш деб тушуниш, яъни бир пайтлар инсонға ҳам этик, ҳам фалсафий, ҳам эстетик, ҳам ҳуқуқий, ҳам илмий, ҳам диний жиҳатдан хизмат қилган мифология бирдан турли хилдаги мустақил қисмларға ажралиб кетди ва ўзи муста-қил яшашға қодир бўлмай бутунлай инқирозға учради, деб ту-шуниш тўғри эмас. Демак, мифология батамом ўлғачина бошқа ижтимоий онг шакллари юзаға келдилар деб тушуниш мутлақ хатодир. Ижтимоий онг шаклларининг мифологиядан ажралиб чиқиши масаланинг бир томонигина ҳисобланади, унинг иккинчи томони эса мифологиядан ажралиб чиққан мустақил ижтимоий онг шакллари ўзларининг кейинги ривожланиш даврларида ҳам мифологиядан баҳраманд бўлган ҳолда тараққий қилганлигини унутмаслик ҳисобланади. Ижтимоий онгининг турли шакллари қай

даражада мифологиядан бахраманд бўлиб мустақил ривожлан-масин, ижтимоий тараққиёт талаблари туфайли мифологиядан улар қай даражада узоқлашмасин, барибир, мифология ҳам ўзининг мустақил ривожланиш йўлида давом этди. Бу нарса фақат инсон ўз билими ва тажрибаси билан табиат қонунларини атроф-лича ўрганиб, ўз мақсадлари йўлида улардан керакли пайтда, ке-рагича фойдалана олиш қудратига эришгачгина тўхтаб қолди.

Эстетик тафаккур тарзига хос шакллар — жанрлар билан мифология ўртасидаги диффузия жараёнини таҳлил этишда энг ав-вало мифга хос материалнинг характерига аҳамият бермоқ ло-зим. Бунинг учун мифология тараққиётидаги уч стадиял босқич-ни — архаик, классик ҳамда ўрта асрларга хос мифларни бир-биридан фарқлай олиш, уларни конкрет материалдаги акс этили-шини назардан қочирмаслик лозим.

Архаик мифларнинг муҳим белгиси шундан иборатки, улар-да хаос билан космос ўртасидаги кураш кенг миқёсда акс этади ва кўпроқ анимистик, тотемистик тасаввурлар бу курашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Архаик мифларнинг яна бир муҳим белги-си шундан иборатки, уларда на политеистик, на монотеистик ди-ний қарашларнинг унсури учрайди. Бундай мифларнинг моҳияти ҳаммавақт умумбашарий аҳамият касб этади. Классик мифларда эса хаос билан космос курашининг миқёси бироз торайган ҳолда акс этиб, уларнинг субъекти демиурглardan иборат бўлади. Ма-салан: Зевс, Прометей, Геракл ва ҳоказо. Классик мифларнинг яна бир муҳим белгиси космос бағрида устун мавқега эришишга интилувчи хаос билан кураш мифнинг асосий семантикасини таш-кил этишида намоён бўлади. Уларда политеистик диний қараш-лар устунлик қилади. Урта Осиё халқларидаги оташпарастлик — зардуштийлик ҳам ўзининг мифологик асоси билан классик мифологияга мансубдир. Урта асрларда юзага келган янги мифлар ўзларининг семантик асосини архаик ҳамда классик мифлардан олса-да, бироқ уларда монотеистик диний қарашлар ҳукмронлик қилади. Янги мифлар кўпроқ бирор жойнинг номини ёки мегали-тик характердаги ҳодисаларни изоҳлашга қаратилган. Масалан: Ҳазорасп, Обшир ҳақидаги, Шоҳимардон яқинидаги туя шакли-даги тош, Қадамжойдаги улкан тош ҳақидаги мегалитик мифлар фикримизнинг далили бўла олади. Юқорида айтилганлардан ўр-та асрларда юзага келган янги мифларнинг уч муҳим белгиси маълум бўлади. Бу белгилар қуйидагилардан иборат: 1. Семан-тик асосни архаик ёки классик мифлардан олиш; 2. Олинган семан-тик асосни монотеистик дин нуқтан назаридан изоҳлаш ва ўша динга хизмат қилдириш; 3. Ҳаммавақт афсона шаклида, яъни эстетик код орқали яшаш ва тарқалиш.

Юқорида айтилган мифологиянинг уч муҳим тараққиёт эта-пи фольклор жанрларининг миф билан бўлган диффузиясини тад-қиқ этишда ҳисобга олинмоғи лозим. Афсона, ривоят, эртак ва дoston каби фольклорнинг эпик жанрлари табиатидаги мифоло-гик мотив, образ ёки тушунчаларни таҳлил этганда, архаик ҳам-

да классик мифларнинг семантик табиати, уларнинг функционал хоссалари ва субъектларига мурожаат қилиш кўпроқ қутилган натижаларга олиб келади. Чунки архаик ҳамда классик мифлар ўрта асрларда юзага келган янги мифларга нисбатан ибтидоий инсонларга хос тасаввур ва тушунчаларни ўзларида кристаллашган ҳолда сақлаб қолган. Мана шунинг учун ҳам архаик ва классик мифлар семантикаси фольклорнинг эпик жанрлари таркибида кўпроқ диффузиялашган.

Демак, диффузия бевосита муайян давр ва шу даврга хос ижтимоий талаб ҳамда эҳтиёжлар туфайли амал қилиб келувчи қонуниятдир. Сўз санъатидаги маълум бир жанрларнинг пайдо бўлиши ёки инқирози, уларнинг бир-бирига таъсири ёки акс таъсири, ўзаро сингишиб кетиши, қўйингки, трансформациянинг бирор шакли йўқки, у диффузиясиз юзага келган бўлсин. Диффузия қонуниятини тадқиқ этиш афсона, ривоят, эртак, дoston каби эпик жанрлар; қўшиқ, лапар каби лирик жанрлар; мақол, матал, топишмоқ каби афористик жанрлар; мавсум ва маросим фольклорига оид жуда кўп жанрлар табиатини, уларнинг генетик ҳамда поэтик хоссаларини тўлароқ очишга имкон беради. Қолаверса, диффузия қонуниятини ўрганиш фольклор жанрлари таркибида сақланиб қолган мифологик қараш ва тасаввурларни тўғри аниқлаш, лозим бўлганда, улар асосида ётган мифларни реконструкция (қайта тиклаш) қилишга имкон беради.

Хуллас, диффузия ижтимоий онг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда юзага келиб, доим амал қилувчи объектив қонуният бўлиб, унинг ўзбек фольклори жанрларидаги кўринишларини жиддий тадқиқ этиш энди бошланади.

МИФОЛОГИЯНИНГ АЙРИМ ЭПИК ЖАНРЛАР БИЛАН УЗАРО МУНОСАБАТИ

Қадимий мифларнинг эртак ва эпосга муносабати энг мунозарали масалалардан ҳисобланади. Бу соҳада рус совет фольклористикаси тажрибалари ва илмий хулосалари қимматли ҳамда қўллаб-қувватлашга арзирлидир. Жумладан, В. Я. Пропп мифнинг эртакка муносабатини биринчилар қаторида илмий асослаб, мифнинг иқтисодий-ижтимоий илдиздан ажралган даврдаги ҳолати масаласига тўхталиб: «Миф урф-одатдан узоқроқ яшайди ва эртак сифатида қайта туғилади»¹,— деган мулоҳазани илгари суради. Шунингдек, Е. М. Мелетинский, «Эртакнинг мифдан келиб чиққанлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди»²,— деб ёзади, З. П. Соколова эса, «Миф эртакнинг манбаларидан бири ҳисобланади»³,— деган мулоҳазани билдиради. Ҳар уч қарашда ҳам биз учун муҳими эртакнинг миф заминида юзага келиши тўғрисидаги таъкидлардир. Лекин шуни қайд этиб қўйишимиз керакки, мазкур мулоҳазалардан барча миф албатта эртак сифатида қайта туғилади деган хулосага келмаслик керак. Миф ва эртак ўртасидаги муносабатлар эпик жанрнинг сеҳрли-фантастик турларида ёрқин намоён бўлади. Ҳаётий-маиший эртакларда эса мифология таъсири жуда оз ёки умуман кўзга ташланмайди. Шунга кўра, мифология асосан сеҳрли-фантастик эртаклар билан мураккаб муносабатларга эгадир, деган фикрни ўртага ташлашга тўғри келади.

Мифнинг эртакка айланиши мураккаб жараён дир. Е. М. Мелетинский бу жараён трансформациядан иборат бўлиб, унда инкор асосий ўрин тутишини таъкидлайди: «Мифнинг эртакка трансформациясининг асосий босқичлари: деритуализация ва десакрализация, мифик ҳодисаларнинг ҳаққонийлигига бўлган ишончнинг сусайиши, ўйлаб топилган тўқималарнинг ривожланиши, этнографик конкретликнинг йўқолиши, мифик қахрамонларнинг оддий одамлар билан алмаштирилиши, мифик вақтнинг ҳикоявий-

¹ Пропп В. Я. Исторические корни волшебной сказки. М.—Л., 1946, с. 15—16.

² Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. М., 1976, с. 262—263.

³ Соколова З. П. Культ живогных в религиях. М., 1972, с. 8.

ноаниқ шаклга ўтиши, этиологизмнинг сусайиши ёки умуман иштирок этмаслиги, коллектив тақдирларни индивидуал тақдирлар, космик муаммоларни ижтимоий масалалар билан алмаштирилиши, шулар билан боғлиқ равишда янги сюжет ва структурал chegarаларнинг юзага келишидан иборатдир»⁴. Бу мулоҳазадан келиб чиқадиган хулоса битта: эртақ, асосан, мифнинг кўп жиҳатларини инкор этган ҳолда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар заминидан юзага келган.

Миф ва эртақ ўртасидаги мураккаб ички боғланиш ва таъсирлар Е. М. Мелетинский томонидан структурал-типологик жиҳатдан яхши тадқиқ этилганини ҳисобга олиб, биз бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати — шаклий алоқаларга, мифологик мотивларнинг эртақ композициясидаги функциясига эътиборни қаратдик. Мифнинг эртақ композициясига таъсирида бир неча хил усуллар мавжудлигини ўзбек материаллари асосида аниқладик. Булардан энг кўп учрайдиган усул — қадимий миф сюжетини янги иқтисодий шароит белгилари, мотивлар билан бойитиш асосида кенгайтириб, сеҳрли-фантастик эртақка айлантиришдир. Мазкур ҳолда мифнинг экспозицияси, медиал ва финал қисмлари сақланади. Масалан, «Сухроб билан Мизроб»⁵ эртагида балиқчининг ўғли Мизроб саргузашти акс этган (Мизроб овлаган балиғини кўйиб юборди. Бунинг эвазига балиқ унга ёрдам қилади. Дев олиб қочган подшо қизини қутқариб, унга йигитнинг уйланишида кўмаклашади. Мизроб бахтли бўлади). Бу мифологик генезис кейинги давр белгилари — Мизробни ўқитишга отаси пул тополмай овга олиб бориши (вазиятни эртақка хос асослаш), воқеани Самарқандда кечиши, Регистон бозори тасвири кабилар билан бойитилган. Мазкур вазиятларнинг миф сюжети билан чамбарчас боғланиб кетиши оқибатида фантастик эртақ юзага келган.

Мифологик генезис композициясидаги бундай ўзгариш барча эртақларга ҳам хос эмас. Бир туркум эртақларда биз мифологик генезисни фақатгина қистирма-ҳикоя вазифасида келиб, композицион қурилишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатмаганлигини кўзатдик. Бунда эртақнинг композициясига мифологик сюжет бўйсундирилади. Бу муносабатни иккинчи усул сифатида баҳоладик. Фикримизнинг далили учун «Ҳасан билан Ҳурилик»⁶ эртагини таҳлил қилиб кўрайлик. Асарда Хизр ҳақидаги манистик миф (аждодлар ҳомийлигига тааллуқли) халқ ижодига хос усул қистирма-ҳикоя функциясида асосий сюжет билан структурал ҳамда ғоявий бирлик ҳосил қилган. Миф эртақ финалида келтирилган бўлиб, биринчи усулга нисбатан ўз мустақиллигини яхши сақлаб қолган. Бинобарин, эртақда мифологик генезис қистирма-ҳикоя функциясида иштирок этганда, кенгайтирилган мифга нисбатан камроқ таъсирга учраб, сюжет мустақиллигини бирмунча сақлаб

⁴ Мелетинский Е. М. Поэтика мифа, с. 264.

⁵ Сув қизи. Фантастик эртақлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик, Тошкент, 1966. 140—159-бетлар.

⁶ Сув қизи, 94—106-бетлар.

қолишини қайд этиш мумкин. Шунн ҳам таъкидлаш керакки, миф ва эртақ муносабатндагы иккинчи усулда мифологик генезиснинг ғоявий мазмунга таъсири сезиларли бўлиб, ечим бевосита миф сюжетисиз амалга ошмайди. Эртақ сюжети — Ҳурилиқонинг ёвуз кучлар тузоғида қолиши, улардан қутилиши, хусусан, ечим мифология асосида ифодаланиши мазкур хулосамизни тасдиқлайди. Яна бир таъкидланадиган ўрин шундаки, юқоридаги ҳодиса, яъни воқеликни мифологик изоҳлаш «эртақлар ҳукмронлигига» ўтиш даврида ва «эртақлар ҳукмронлигининг» маълум даврида ўз таъсирини сақлаганлигини кўрсатувчи фактдир. Демак, бир қатлам эртақлар юзага келган даврда мифологик тасаввур ва тасвир усули, дунёқараш ибтидоий инсон ижодий тафаккурида ўз кучини сақлаб қолган. Бу ҳолни миф ва эртақ муносабатининг иккинчи усулида ёрқинроқ кўрамыз.

Миф ва эртақ муносабатнда учинчи усул ҳам мавжудки, бунда мифологик генезиснинг ўз мустақиллигини йўқотганлиги характерли ҳисобланади. «Луқмони Ҳаким»⁷ эртаги композицион қурилишини кўздан кечирганимизда, унда шоҳ Искандар, ер ости дунёси, Луқмони Ҳаким образи билан боғлиқ оби одам ҳақида ҳамда Луқмон ҳақида (подшони даволаши) икки миф мавжудлигини кўрамыз. Лекин бу мифологик сюжетлар эртақ мотивлари даражасигагина келиб қолиб, мустақил асар сифатида тўлақонли эмас. Назаримизда, мазкур мифлар эртақ сифатида қайта туғилаётганда жиддий ўзгаришларга учраган, айрим қисмлари эса тушириб қолдирилган бўлиши мумкин. Хулосамиз учун яна далиллар келтирайлик. «Сув қизи»⁸ эртагида сув париси, ер ости ва усти дунёлари ҳақида миф билан бирга фетишистик сюжет ҳам мавжуд. Ҳар уч сюжет мотивлар даражасида бўлиб, уларни боғловчи, бир композицион структурада бирлаштирувчи занжирлар кейинги давр — эртақ акс эттирган ҳаётий шароит тасвиридан иборатдир. Мифларнинг бу тахлитда «қайта туғилиши», бир томондан, эртақчи маҳорати билан ҳам боғланиши мумкин. Умуман олганда, эртақ ва миф алоқасидагы учинчи усулда мифнинг эртақ композициясида асосий ва ёрдамчи мотивлар сифатида иштирок этиши характерли белги ўрнида қабул қилиниши лозим.

Оғзаки ижоднинг ҳикоявий турига мансуб миф ва эртақнинг бир-бирини инкор қиладиган жиҳатларини ҳам айтиб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз. Аввало, миф бадий тафаккургача бўлган мифологик тасаввур асосида юзага қелганлигини таъкидлаш керак. Эртақ эса инсон тафаккурининг юқори босқичи — илк бадий тафаккур мевасидир. Шу жиҳатдан олганда, мифнинг эртақда ўз ҳукмронлигини тўла сақлаб қола олмаслиги қонуний ҳолдир. Эртақ мифдан ибтидоий тасаввур ва эътиқодлар билан боғлиқ барча сюжетларни қабул қила олмайди ёки айрим мустаснолар билан қабул қилади. Чунки эртақ ижтимоий дунёқарашда мифоло-

⁷ Уша асар, 124—134-бетлар.

⁸ Уша асар, 160—165-бетлар.

гик тасаввурлар тугаб бораётган ёки тугаган давр меvasидир. Ёки Н. Рошияну сўзи билан айтганда, «Эртак тарихий ҳодиса бўлиб, у инсон мифологик тасаввур қилишдан қутулган, тафаккурда чинакам поэтик тўқима ҳал қилувчи роль ўйнай бошлаган даврда юзага келгандир»⁹.

Маълумки, йирик жанр, хусусан, дoston бошқа турларга нисбатан воқеликни кенг миқёсда, романик, тарихий-фантастик, қаҳрамонлик руҳида ифодалашни, халқ ҳаётининг ёрқин ва тўла манзарасини тасвирлашни ва мифологик мотивларга бойлиги жиҳатидан ажралиб туради.

Илмий адабиётда халқ эпосларининг тарихий илдизи, шаклланиш босқичлари бирмунча тўла равишда тадқиқ этилиб, эпоснинг мифология билан боғланиши ҳақида маълум хулосалар мавжуд. Масалан, Э. Тейлор дастлабки мифлар кейинги адабий жанрларни юзага келишига самарали таъсир этганини алоҳида таъкидлайди¹⁰. Е. М. Мелетинский «Қаҳрамонлик эпосининг келиб чиқиши» асариде эпос илдизи ибтидоий инсон ҳаётини шароитига, хусусан, мифологияга боғлиқлигини ва унда мифология элементлари кўп иштирок этишини қайд этади. Йирик жанрлар юзага келаётган янги тарихий шароитда «...маданий мифик қаҳрамон образи эпик образ субстрат вазифасини бажаради»¹¹, — деб ёзади у. Шунингдек, бу трансформациянинг ижтимоий жиҳатини кўрсатади: «...мифдан қаҳрамонлик эпосига ўтишда биринчи планни тарихан мавжуд қабилалар ва архаик давлатлар муносабати эгаллайди»¹².

Шуни айтиш керакки, кейинги тадқиқотлар эпос ва миф муносабатида образлар таъсиридан ташқари, айрим ўзаро яқин мотивларга суяниш мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда. Масалан, скифларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги миф таъсири кейинча эпосларга ўтганлигини кузатиш мумкин. Мифда ҳикоя қилинишича, Геракл Понт областига келганда, маҳаллий аёл — худога уйланади. Улар уч фарзандли бўлишади. Геракл юртига қайтаётганда, аёл болалар тақдири нима бўлади, деб сўради. Геракл қай бири менинг ёйимни кўтарса ва тасмамни белига боғлай олса бу ерлар ҳокимлигини унга бер. Буни удалай олмаганларни мамлакатдан ҳайдаб чиқар, дейди. Болалар Агафирс, Гелон ва Скиф исмли эди. Улар катта йигит бўлишгач, она болаларга ота васиятини тақлиф этади. Тўнғичлар ожизлик қиладилар. Кенжа Скиф эса васиятни удалайди ва мамлакатга ҳукмрон бўлади. Скифлар унинг фарзандларидир¹³. Бу мифдаги биринчи мотив — ота ёйини кўтариш ва отишга эришиш — ўзбек «Алпомиш» достонидаги бош

⁹ Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. М., 1974, с. 37.

¹⁰ Тейлор Э. Первобытная культура. М., 1939, с. 232.

¹¹ Мелетинский Е. М. Происхождение героического эпоса. М., 1963, с. 8.

¹² Мелетинский Е. М. Поэтика мифа. с. 269.

¹³ Федоров-Давыдов Г. А. На окраинах античного мира. М., 1975, с. 81—82.

қаҳрамон Алпомишнинг болаликдан баҳодир бўлиб етишишини кўрсатувчи эпизодларга ўхшаб кетади¹⁴. Шунингдек, ота шартини Кенжа бажариши ҳам ўзбек миф ва эртақларидаги энг машҳур мотивлардандир. Бундай мотивлар бошқа халқлар фольклорига ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам И. С. Брагинский эпос генезисини дастлабки мифларга тақалишини кўрсатиб, шундай ёзади: «Агар табиат культларидан маълум тарихий шароитларда табиат кучларини жонлантирувчи бой мифология юзага келган бўлса, бобокалонлар ҳақидаги афсоналардан реал тарихни фантастик умумлаштирувчи қаҳрамонлик эпоси пайдо бўлди»¹⁵.

Шуни айтиш керакки, эртақ ва дostonларда мифологиянинг сақланиб қолиши тасодифий эмас, балки қонуний ҳолдир. Бир жиҳатдан мазкур ҳодиса дostonларни қадимий илдиизга эга эканлигини кўрсатса, иккинчидан, халқ онгида мифологик тушунчаларнинг яшовчанлиги билан белгиланади. Шунингдек, эпоснинг ўзигача бўлган тасаввурлар ва поэтик ижоднинг бой анъанаси заминидан ривожланганини тасдиқлайди.

Миф ва эпос ўртасидаги муносабатларни очишда ўзбек ва Урта Осиё фольклоршунослари, айрим рус олимлари «Гўрўғли» туркумига кўп мурожаат этганликларини кўрамиз. Масалан, И. С. Брагинский «Авесто» мифлари ва айрим образларининг тожик «Гургули» («Гўрўғли») туркумидаги кўринишлари (аспи ақлдор образи каби)ни таҳлил этади. Айниқса, олимнинг тотемистик от образи («Гўрўғли»да), анимистик аждодлар образи («Авесто»да) ҳақидаги мулоҳазалари диққатга сазовордир. Тожик ва ўзбек эпосларида ўхшаш томонлар кўплигини ҳисобга олсак, бу биз учун жуда қимматли эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Йирик олим Ҳ. Зариф ўзбек эпосида мифологик мотивлар иштироки масаласини биринчи бўлиб илмий асослаб берган эди. Хусусан, у «Кунтуғмиш» дostonидаги бир мифологик мотив ва археологик топилмани қиёслаб, қуйидагиларни ёзади: «В. В. Бартольдга 1890 йилда Туркибошда (Сайрам яқинида) бир ғор борлигини, ғорнинг ичида бир тошга одамни ютиб турган илон сурати ўйилганлигини, шунга яқин бир ерда Илонбузган отли бир тепа борлигини айтганлар. Илонбузган бир вақтлар обод шаҳар бўлиб, бу ерда сувдан чиққан аждар пайдо бўлганлиги, одамларни юта бошлаганидан кейин халқ бу ерни ташлаб қочганлиги ҳақида нақл айтганлар. Дoston қаҳрамони Кунтуғмиш халқ сув ичадиган қудуққа ҳеч кимни йўлатмай, яқинлашганини ютиб юборган аждарни ўлдиради. Демак, баъзи тарихий ва жуғрофий фактлар, қадим нақллар билан «Кунтуғмиш» дostonи маълум даражада яқинлашади ва айрим деталларда бирлашади»¹⁶.

¹⁴ Бу ҳолнинг тарихий асоси бор. Манбаларнинг кўрсатишича, Сирдарё қирғоғи, хусусан, Фарғонада эрамингача II—I асрларда скифлар уруғига мансуб орислар қабиласи яшаган.

¹⁵ Брагинский И. С. Из истории таджикской народной поэзии. М., 1956, с. 120.

¹⁶ Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. Тошкент, 1971, 45-бет.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек мифологияси ва эпоси ўртасидаги муносабат илмий асосда, чуқур тадқиқ этилган эмас. Мавжуд хулосаларни маълум системага киритиш ва уларни ривожлантириш, ҳар бир туркумни махсус ўрганиш лозим. Биз қуйида «Гўрўғли» туркумидаги мифология элементларини қисқача таҳлил этмоқчимиз.

«Гўрўғли» туркумида барча ибтидоий тасаввур системалар — тотемизм, фетишизм, анимизм ва шомонизм-магизмга асосланган мифология мавжуд. Масалан, «Гўрўғлининг туғилиши»¹⁷ достонида аждодлар ҳомийлиги ва манистик мифология элементлари сезилса (Хизр, Соқибулбул образларида), «Юнус пари»да шомонизм-магизм (мастон, фолбин) ўз изини қолдиргандир. «Равшан» достони сюжетида фетишистик тасаввурга асосланган мифология ўзига хос «тугун» вазифасини бажаради. Жумладан, Равшан Юнус пари берган сеҳрли узук (фетиш)да Зулхуморни кўради ва севиб қолади (Узукни пари бериши ҳам мифология билан боғлиқ). Кейин эса, қаҳрамоннинг машаққатли саргузаштлари бошланади. Кўрамизки, фетишистик мифология таъсирида қизиқарли дoston юзага келади. Туркумда анимистик қараш ва мифология асосан дев, пари, жодугар каби ёвуз руҳлар образида ифодаланади.

Туркумдаги асосий мифология элементлари парилар (Юнус, Мисқол, Гулнор пари), Ғирот, Ҳасан девлар ҳамда ёвуз, салбий мифологик образлар (Бало дев, Тўхтамиш дев, аждар, мастон ва жодугарлар) билан боғлиқ мифологик сюжет чизиқларидир. Бугина эмас, туркумдаги дostonлар таркибида эпосгача машҳур мифологик мотивлар, асосий сюжетга едириб юборилган қадимий мифологик сюжетлар ҳам мавжуд.

Агар туркум дostonларини диққат билан кўздан кечирилса, унинг дастлабки дostonлари кейингиларга нисбатан мифологик элементларга кўпроқ ўралганини ҳис қилиш қийин эмас. Масалан, «Гўрўғлининг туғилиши»нинг сюжет ривожиди мифология ҳал қилувчи ўринда туради.

Достондаги дастлабки мифологик мотив Гўрўғлининг ўлик онадан туғилиши билан боғлиқдир. Бу мотив бутун туркум учун характерли бўлиб, у халқ қаҳрамони Гўрўғлининг энгилмаслиги, баҳодирлигини «изоҳловчи» восита вазифасини ҳам бажаради¹⁸. Анимизмга асосланган бу мифологик мотив келгусида Гўрўғлининг мифологик кучларга қарши жангга кириши ва уларни ен-

¹⁷ Гўрўғлининг туғилиши. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик, Тошкент, 1967, 5, 164-бетлар. Бундан сўнг шу манбаи «Гўрўғлининг туғилиши» деб кўрсатмаиз.

¹⁸ «Нартлар» (М., 1973) эпосида халқ қаҳрамони туғилиши фетишистик тасаввур асосида изоҳланади. Нартлар онаси Сатана дарё бўйида кир юваётганда, унга Сосо исмли чўпоннинг кўзи тушади. Сосо ўз-ўзини идора қилолмайди, оталик уруғи Сатана ёнидаги тошга тўкилади. Сатана тошни уйга олиб кетади ва ундаги уруғ ривожланиб, Сосруко дунёга келади. Кўринадики, халқ қаҳрамонининг ғайритабiiй туғилиши кенг тарқалган мотивдир.

гиши ҳақидаги ишончга замин ҳозирлайди. Гўрўғлининг дунёга келиши оламга ёруғлик элтади (мифологияда зулмат ва нур кураши типик конфликтки, бу ерда ҳам шу ҳолни кўрамыз).

«...Бачанинг юзининг ойдинлигига
Барқ уриб, гўр ёп-ёруғ бўлди,
Биби Ҳилол бир нозанин ул туғди,
Уч кеча-уч кундуз орадан ўтди...»

Ҳилолийга жон келмади, лекин болага сут келиб ётди. Шу орада ўртадан уч йил ўтди»¹⁹. Мазкур эпизоддаги онани «жон» тарк этиши, лекин сут тўхтамаслиги — бу анимизм тушунчасисиз реаллаша олмас эди. Кунлар ўтиб, сут тўхтади. Гўрўғли илк бор қабрдан ташқари чиқади. Егулик излайди. Шунда бир байтал ёрдамга келади: «...бир байталнинг боласи ўлиб, боласининг ўлганига ичи куйиб, кишнаб юрар эди. Гўрўғлининг олдига келиб қолди. Байталнинг кўзи Гўрўғлига тушиб, меҳри кўкрагига жой олиб, унга суйканиб эмиза берди... Байтал ҳар куни Гўрўғлини уч вақт эмизиб кета берди»²⁰. Бу жаҳон фольклорида кенг тарқалган сайёр мотив — инсон боласини ёввойи ҳайвон боқиб тарбиялаши ҳақидаги мифологик сюжетга ҳамоҳангдир. Лекин мазкур дostonдаги тотемистик мотив ўзига хос хусусиятга ҳам эга. Ундаги тотем Урта Осиё чорвадор қабилаларининг энг машҳур тотемига асосланган. Шуниси характерлики, парчадаги байтал тотем илк маъносида — инсонга аждод боши сифатида талқин этилади. Гўрўғли ва байтал муносабатини аниқлаш учун келган йилқичилар Гўрўғлини қабрдан чиққан арвоҳ ҳисоблаб, қўрқиб қочадилар. Кейинчалик эса воқеага диний тушунча аралашади. Бир шер болага ташланганда, ҳазрати Хизр (у манистик функцияда эмас, диний қобикқа ўралган) ўлдиради. Асарда Гўрўғлининг туғилиши ва улғайиши уч мифологик қараш — анимистик (ўлик онага «жон» кириши), тотемистик (байтал эмизиши) ва диний мифология (Хизр образи) асосида берилади.

Бош қахрамоннинг дунёга келишини изоҳловчи мазкур мотив эпоснинг ўзига хос мифологик замини ҳисобланади. Бинобарин, мазкур дostonда Гўрўғлининг туғилиши ва ғайритабиий хислатли эканлигини изоҳлаш асосий мотив бўлиб бош планда турарди.

«Гўрўғлининг туғилиши»даги иккинчи йирик мифологик ўрин — Фирот билан боғлиқдир. Гасвирланишича, Фиротни Хизр яширинча олиб кетади. Гўрўғли тойни излаб йўлга тушади. Гўрўғли Афсар тоғи ортига тушиб, ажойиб боққа дуч келади. Шу ерда у илк бор мифологик ўлка ва париларга учрайди. Гўрўғли Хизр билан куч синашиб енгилади. Отни сотиб олади. Бу саргузашт қадимий мифология ва диний тушунчалар билан яқин алоқада гасвирланади.

¹⁹ «Гўрўғлининг туғилиши», 51-бет.

²⁰ Уша асар, 52-бет.

«Гўрўглининг туғилиши»да туркумнинг асосий мазмуни ва йўналишини белгиловчи бир мифологик парча борки, бу айниқса характерлидир. Мазкур мифологик мотив — бутун туркумнинг мазмунини, хусусан, Гўрўгли тақдирини қисқача ифодалайди. Эпизодда манистик Хизр (бу ерда илк маънода — ҳомий руҳ) ва диний мифология қаҳрамонлари «азизлар» иштирок этади. Шунингдек, шу мифологик эпизоддан²¹ эътиборан туркумга — Гўрўглининг доимий ҳамкори, сайиси Соқибулбул ҳам кириб келади. Зиёфат бир ғорда бошланади. Гўрўғлига яхши тилаклар айтилади. Хизр эса қуйидагича (шомонизм) дуо қилади:

«Юз йигирма бешга кирсин Фирқунинг,
Икковгинанг бирдай қари, Гўрўгли!
Соқибулбул сайис бўлсин, Гўрўгли!..
Мажлисда чалсин Соқибек созини,
Дарров босгин тарафининг изини!
Олиб қочгин ой Зайдиннинг ўзини,
Ҳинатгин Фирқукдай асбитозини,
Душмандан ўчингин олгин, Гўрўгли..
Аввал бошлаб Ширвон элига бориб,
Шу Райхон арабдан олгин лотингин!..
Сенга берайлик Юнус, Мисқол парини..
Чамбил, Чортоқ элинг бўлсин, Гўрўгли!..
Аваз, Ҳасан ўғлинг бўлсин, Гўрўгли!..
Қирқ йигитни олгин қирқта ўзбекдан..
Эса отинг қолсин, зотинг қолмасин,
Дунёдан зуредсиз ўтгин, Гўрўгли!..»

Бобоси Гўрўғлибекка панду насиҳат бериб айтди:— Э, Гўрўғлибек, болам, сен ёшлик қилдинг. Бундан бориб, Райхоннинг қизини олиб кетарсан. Ёвмитнинг элига етарсан. Ҳар нима ихтиёрни ўзингга бердик. Лекин Райхон араб қизининг орқасида жанжал кўп. Райхон араб ўн бир марта шаҳрингга тегади. Ҳар нима бўлса, Гўрўғлибек фарзандим, ишингга эҳтиёт бўл!»²²

Достондаги бу мотив манистик мифология билан боғлиқ бўлиб, қабила оқсоқоллари мажлиси ва инициация маросимини акс эттириб, бутун туркум мазмунини ифодалайди. Унда туркумдаги асосий воқеа, образлар, айрим достонлар сюжетлари қисқа, лўнда ифодаланади. Мифологик Хизр Гўрўғлига насиҳат қилар экан, унинг келгуси тақдиридаги муҳим жиҳатларга эътиборни тортади. Парчада Хизр асосан ибтидоий инсон тасаввуридаги аждодлар ҳомийси сифатида намоён бўлади. У Гўрўғлини яхшиликка чорлайди, юртни босқинчилардан сақлашга даъват этади. Ботирлик, баҳодирликни улуғлайди. Хизрнинг нуроний қиёфада берилиши, унда ғайритабиий хислатлар тасвирига нисбатан инсоний белгилар тасвири кенгроқ ўрин олиши ҳам манизм таъсиридир.

²¹ Бу характерли эпизод қадимий инициация маросимини акс эттиради. Болалар орасидан эрлар (катталар) группасига қабул қилиш маросими бўлган бу одат қаҳрамонлик мифларида акс этган. Маросимда йигитнинг мардлиги, жисмоний кучи синалган.

²² Гўрўғлининг туғилиши, 130—135-бетлар.

«Гўрўғлининг туғилиши»даги мазкур манистик мотив дoston-га, тўғрироғи, бутун туркум учун мифологик элементларга негиз вазифасини бажаради, дейиш мумкин. Хизр бошқарган давра, ундаги мифологик қаҳрамонлар дoston сюжетида тасодифий жой олмаган, албатта. У бир томондан, дostonнинг мотивларидан бирини ибтидоий ҳаёт ва тушунча билан, хусусан, манистик мифология билан боғлиқлигини кўрсатса, иккинчи томондан, бош қаҳрамон Гўрўғли образи талқинидаги ғайритабiiй, мифологик хусусиятларнинг янада ишончлироқ изоҳи сифатида ҳам маълум функция бажаради.

Халқ қаҳрамонининг зурёдсизлиги ҳам «Гўрўғлининг туғилиши»да ўзига хос мифологик аспектда ифодаланади. Хизр: «... отинг қолсин, зотинг қолмасин»,— дейди Гўрўғлига. Шу гап Гўрўғлининг зурёдсизлигини изоҳловчи восита бўлиб қолади.

Биз миф ва эпос муносабатини кўрсатиш учун «Гўрўғлининг туғилиши» дostonидаги бутун туркум учун таъсирга эга бўлган муҳим мифологик ўринларга қисқача тўхталдик. Эпосдаги мифология шулар билангина чекланмайди, у ғоятда бойдир.

Мифология халқ эпосига катта ғоявий-бадий таъсир кўрсати-ди. Қадимий ижодда юзага келган ва шаклланган анъаналар эпоснинг маъно йўналишидагина эмас, ғоявий-бадий ниятнинг амалга оширилишида, шаклий-композицион қурилишида, тасвирий-ифода воситаларида ҳам намоён бўлади. Умуман олганда, ўзбек халқ эпоси мифология билан яқин алоқада юзага келган ва шакллангандир. Бу тезисни юқоридаги бир дostonга тегишли фактлар ҳам равшан тасдиқлаб турибди. Лекин миф ва эпос ҳақидаги мулоҳазалардан умуман, эпос, хусусан, ўзбек халқ дostonлари айрим мифларининг ривож натижасида, мифнинг эпосга трансформацияси оқибатида юзага келган экан, деган хулосага келмаслик керак. Эпос бадий-эстетик тараққиётда бутунлай янги ҳодиса бўлиб, мифологиядан кўп озикланганига қарамай, унинг инкори сифатида туғилган.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида. Т. Мирзаев	5
Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти. Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов	9
Ўзбек халқ эртаклари. К. Имомов	62
Эпик жанрлар диффузияси Б. Саримсоқов	97
Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати. Ф. Акрамов	149

Эпические жанры узбекского фольклора

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг
илмий совети ҳамда ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими
томонидан нашрга тасдиқланган.*

Мухаррир *Ф. Тошматова*
Расм *И. Цыганов*
Техмуҳаррир *Р. Лушикова*
Корректор *Э. Раҳимжонова*

ИБ № 1609

Теришга берилди 17.09.81. Босишга рухсат этилди 19.10.81. P07839. Формати 60×90^{1/16}. Босма-
хона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 10,0. Ҳисоб-нашри-
ёт л. 10,4. Тиражи 1200. Заказ 178. Баҳоси 1 с. 90 т.

ЎзССР «Фан» нашрвёти, Тошкент, 700047. Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фаъ» нашрвётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

ЎзССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ЯҚИНДА

К. Имомовнинг «Ўзбек халқ прозаси»
номли китобини нашрдан чиқаради.

Ушбу китобда ўзбек халқ оғзаки проза асарлари (эртак, матал, афсона ва ривоят) таҳлил қилинган. Эртак жанри ва унинг поэтикаси, ички турларига хос характерли белгилар аниқланади, баъзи бир мотивлар генезиси очилади. Матал, афсона ва ривоятлар алоҳида жанр сифатида ўрганилган.

Китоб фольклористлар, адабиётшунослар ҳамда олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи ва студентларига мўлжалланган.